


ОЛИМЖОН ХОЛДОР АРОСАТ



Роман



АЗИЗ КИТОБХОН!

Бу воқеа минг-минг йиллар кутилди. Аммо у бир кеча-ю бир кундузда содир бўлди. Куёшнинг туққани, оламнинг яшаргани, ойнинг болалагани, юлдузларнинг яқин келгани, сомон йўлларининг бир-бирига тутшиб тиниқлашгани шу кунга тўғри келди.

Одам яралгандан буён ҳеч қачон қон тўкилмасдан, қурбонлар берилмасдан мустақиллик қўлга киритилган эмас. Истиқлол, замирида ҳамма замонда ҳам курашлар, енгишлар, енгилишлар, зулм ва истибдод, қарама-қаршиликлар, ризолик ва норизоликлар бўлиши табиий.

Юртбошимиз айтганларидек, Ўзбекистонга Тангрининг марҳамати ёилди. Хизрнинг назаригина эмас, қадами етди. Шундай элдан қут-барақа аримасин, бу ўлкада асрий орзулар ушалгани рост бўлсин.

Бу кунларни деб дор ва зиндон қилинганларни, ўз она-Ватанида беватан бўлиб, қораланганларни ёдга оламиз. Эзгу ниятлари ушалмай ватандан йироқда кўз юмган юртдошларга Худонинг раҳматини, шафоатини тилаймиз, қабрлари нурли, жойлари жаннатдан бўлишларини яратганнинг ўзидан тилаймиз.

Мустақиллик қўлга киритилганига бир йил тўлмай, мамлакатимиз тенглар ичра тенг бўлди. Истиқлол шарофати бизлардан кўра таланган она тупроқни кўз ёшлари ила ташлаб кетган, чет элларда сарсон-саргардонликда кун ўтқарган ватандошларга айниқса ёрқинроқ кўринадир. Ҳа, уларнинг айтишларича, муҳтарам Президентимизнинг бу куннинг миллий байрам қилиниши ҳақидаги биринчи фармони ўшаларнинг Тангрига қилган мислсиз илтижолари-ю, дуолари натижаси эмиш. Майли, шундай бўла қолсин. Бугун биз, ҳаммамиз ғурур ва ифтихор ила бу байрамни байрамларнинг байрамидир, деймиз.

Йиллар, асрлар ўтар, келажаги буюк мамлакатимизнинг бошида турган кишиларнинг муборак номлари бу кунларнинг бош қаҳрамонлари, ижодкорлари,

асосчилари сифатида тилга олинажак ва тарих бўлиб қолажак.

Мустақиллик шарофати ва унинг чинакам фидойилари ҳақида ҳали кўпдан-кўп китоблар ёзилажак.

Каминангизнинг ушбу асари эса мустақилликни қўлга киритишда ўз соғлиги ва жонини тиккан замондошларимиз ҳақидаги дастлабки изланишлардир.

Бугун Тошкентга шафоат нури ёғилмоқда. Бу нурдан кўзларга зиё, белларга мадад, дилларга ором олмақ учун ким поездда, ким тайёрада, ким машинада, ким отлиқ, ким пиёда оқиб келаётир. Тошкент ҳеч қачон бугунгидай пардозланиб-нозланиб, яшармаган.

Бу байрамга кўп савдоларни бошидан кечирган, неча бор қоқилиб-сўқилган, соч-соқоли оппоқ асаримиз бош қаҳрамони Зоҳир бобо ҳам таклиф этилган. У умрида ҳеч қачон бундай маросимларга қатнашмаган, унинг номи доим рўйхатлардан ўчирилиб келинган. Қилган ишлари эса ўзгаларнинг номлари билан боғланган, ҳузур-ҳаловатини ҳам бошқалар кўрган. Мабодо унинг номи ёзилган ёки зикр этилган бўлса, ҳамиша қора доғлар ва қора чизиклар билан чапланган.

Зоҳир бобо поездда йўлга чикди. Гарчи хона тўрт кишилиқ бўлса-да, ҳозирча отадан бошқа ҳеч ким йўқ. Ота учиб бораётган поезд ойналаридан боқар экан, ташқаридаги яшилликларда ўз ёшлиklarини кўргандай эди. У ўз хаёллари оғушида: «Худога шукур, шундай ёруғ кунлар ҳам бўлар экан, бу бош нималарни кечирмади, пешонам тегмаган остона-ю мен тингламаган афсона қолмади», — дейди. Кўзларини юмиб болалиқ, талабалиқ, алғовли-далғовли кунларни, таланган ва оёқ ости қилинган ўз юрти қисматини, истиқлол деб курашганлар фанимлар қўли билан неча бор бўғиб ташланмоқчи бўлганлигини ўйлаб кетди.

Чеккақўрғон. Нега бу қишлоқнинг номини шундай деб аташган экан. Дунёнинг энг четида бўлганлиги, ҳеч кимнинг назари тушмагани учунми ёки эътиборли бирор кишиси бўлмаганигами? Ҳар ҳолда ҳеч ким, ҳеч нарса чеккада қолмасин экан. Бу қишлоқ гарчи энг чекада — Чеккақўрғон деб аталса-да, даҳшатли уруш жами олти хўжалиқнинг яроқли тўққиз эркагини ўз домига тортди. Энди бу ерда болалару хотинлар қолди, холос.

Болалар кўшни қишлоққа ўқиш учун боришади. Бу ерда ҳам тилга олурли мактаб йўқ.

Ҳамма нарса фронтга: офиздаги ўрик қоқигача, эгиндаги кўйлақлару пайпоқларгача, тутундаги тут майизу қурт тушган жийда қоқиларгача урушга жўнатилди.

Мактабларга похолми, ғўзапоями, нима тўври келса шу ёқилди. Ўқувчилар дафтар йўқлигидан титилиб-йиртилиб кетган китоб саҳифаларидаги ёзувлар орасига ёзадилар.

Москвадан берилаётган кўрсатмаларга, ғалаба ҳақидаги ваъдаларга, халқлар отасига одамлар виждонга, имонга ишонгандай ишонар эдилар.

Чеккакўрғонлик болалардан бири «Пахта fronti» деб аталувчи вилоят рўзномасининг биринчи саҳифасида берилган бош мақоладаги И. В. Сталиннинг номи эринмай санаб чиқди. Бола саҳифа остига «Сталиннинг номи 133 марта такрорланибди» деб ёзиб кўйди-ю, бутун қишлоқ назоратга олинди. Шўрлик бола онаси ва укалари билан бир кечада номаълум ёққа олиб кетилди. Бу сирли ҳангомадан хабар топганлар кўрққанидан халқлар отасининг номига ҳамду санола-лар ўқиб, «бахт куюши, устозимиз, йўлбошчимиз, отамиз, халоскоримиз, тинчлик таянчи, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси» каби сўзларни айтиб кун кўра бошладилар.

Бу ялтироқ гаплар фақат Чеккакўрғондагина эмас, ҳамма жойда ҳам тўлиб-тошиб ётарди.

Кўлга киритилган барча ғалабалар, ютуқлар улў доҳий номи билан боғланарди. Аламлар, ситамлар, бахтсизликлар, очлик ва яланғочликлар ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сталиннинг кўринмас қўли билан отилганлар ҳам, жангда душман ўқидан йиқилганлар ҳам «Яшасин халқлар отаси Сталин!» деб жон берардилар. Бу ўша даврнинг таомили эди.

«1953 йилнинг баҳори жуда ёмон келди. Қиш-ку майли-я, баҳорга нима бўлди? Нима учун баҳор нафаси сезилмаётир. Бир ҳафтадан буён қор аралаш ёмғир ёғмоқда. Бўлди-бўлди усти юпун, оёғида йўқларга бўлди. Бу ҳам етмагандай Москва радиосидан одамларни янада маҳзун этадиган мунгли оғир куйлар берилмоқда. Нима бўлди ўзи, ҳамманинг кўнгида бир шубҳа, аммо ўша «шубҳа»ни ҳеч ким айтолмас, айтиш у ёқда турсин, кўнгилларга келти-

риш ҳам жиноятдек, буни фақат ғамнок кўзлардан ўқимоқ мумкин.

Ниҳоят Москва «Халқлар отаси»нинг соғлиги ҳақида Кремль шифокорларининг хулосаларини бера бошлади. 2 март куни Сталиннинг миясига қон қуйилиши натижасида хушидан кетганлигини, бу ҳолат 4 кун давом этганлигини билдирди. 5 март куни кеч соат 9 дан 50 минут ўтганда Иосиф Виссарионович Сталиннинг юрак уриши тўхтагани ҳақидаги қайғули ахборотни 6 март куни эрталаб Левитан ўқиди.

Гапнинг рости ўша кунлари бутун олам чайқалди, одам чайқалди.

Шаҳарнинг марказий ўйингоҳига одамлар тўплана бошлади. Буни ҳеч ким уюштиргани йўқ. Халқнинг ўзи бу ерга қалқиб-қалқиб оқиб бораётир. Лаҳза ўтмай ўйингоҳга одам тўлди, юришга имкон йўқ. Тўрт томонга ўрнатилган радиокарнайлардан мотам куйлари-ю Левитаннинг юракларни ларзага солувчи сўзлари йиғламагани ҳам, йиғлагани ҳам йиғлатарди. Шу лаҳзада улкан стадионнинг ўзи бир вужудга айлангандай эди. Қудратли мамлакат эса бир вужуддай тўлғонар эди, десак тўғрироқ бўларди.

«Халқлар отаси» билан видолашув соатлари тобора яқинлашмоқда. Тўпланганлар орасида ишчилар, хизматчилар, оддий кишилар, зиёлилар, талабалар, мактаб ўқувчилари бор. Чайқалаётган халқ океан тўлқинини эслатади.

Сафдагилар орасидан кимдир зарда билан нимадир деди, милиция либосидаги икки киши уни халқ орасидан юлиб олиб чиқиб кетди. У йигит нима деди, нима учун уни олиб чиқиб кетишганини ҳеч ким сезмади. Бир кундан кейин ҳаммаси маълум бўлди.

Талабалар орасида ўша йиллари ҳам И. В. Сталин шахсига шак келтирувчилар йўқ эмасди. Ана шундайлардан бири, биринчиси Зоҳир эди.

Зоҳир қотмадан келган, гапни чайналмай гапирадиган йигит. У қишлоқда туғилган. Катта боболари асли қўқонлик бўлиб, бу ҳақда кейин тўлароқ ҳикоя қиламиз. Отасининг отаси қаңдолатчи, отаси эса уч ўғилнинг кенжаси бўлиб, этиқдўз эди. Кейинги вақтда ямоқчилик билан кун ўтказа бошлади. Хуллас, Зоҳир ямоқчининг ўғлидир.

Унинг отаси «Ўғлим, одам бўламан десанг «шаф-шаф» деб ўтирмай, шафтоли дейишни ўрган», деб таъ-

лим берган. У ҳар қандай ҳолда ҳам гапни чайнамас, шартта айтиб қўя қоларди. Бутун мамлакат аза тутаётган ушбу қора кунларда ҳам гоҳ юриб, гоҳ тўхтаб бораётган оломон оқимида борар экан, ҳеч бундай ҳолатни кўрмагани учунми дилидаги гап тилига чиқа қолди. «Худди лўлининг эшагига ўхшаймиз. Лўлининг эшаги лўли ҳар бир эшикнинг ёнига бориб тиланиб бир нарса ундирмагунча тураверади. Лўли яна бир эшикнинг ёнига борсагина эшак аста ортидан боради. Сталин ўлса ўлибди-да, нима биз ҳам ўлишимиз керакми» деганини оқимдагилардан кимдир эшитибди-да, хабар берган экан.

Бир офиз ноҳўя гап учун шўрликнинг бошига нималар тушмади. Бу иш бутун умри давомида оқ доғ бўлиб қолди.

Зоҳир бир ҳафтадан кейин пайдо бўлди. У энди мулла мушук бўлиб қолган, тегишли жойда унинг адабини бошлаб беришиб қўйишган эди. У ерда олган таълимини Зоҳир ўла-ўлгунча эздан чиқармаса керак.

Ректорат номига келган хатда тахминан шундай гаплар бор эди:

«Зоҳир талабалар ўртасида муҳокама қилинсин. Олийгоҳдан ҳайдалсин ҳамда улуғ доҳий шаънига ёмон гаплар айтгани учун жиноий иш қўзғатилсин». Яхшиямки дадил, кўрқмас раҳбарлар бор. Улар барча айбларни ўз гарданларига олишди. Зоҳирни олийгоҳдан ҳайдамадилар. Унинг тарбиясини жамоатчилик ўз оталигига олганлигини маълум қилиб давлат хавфсизлиги маҳкамасига ёзиб юборишди. Бироқ у ердагилар олийгоҳ талабалари ўртасида тарбиявий ишлар ёмонлиги, ҳатто партия ва давлатга қарши ёшларнинг уюшган гуруҳи борлиги ҳақида ректоратга дағдага қилишди. Агар олийгоҳда бу масалага жиддийроқ қаралмаса оқибати катта ёмонликларга, ҳатто олийгоҳни бутунлай ёпиб қўйишгача олиб бориши, жиноятчилар қаттиқ жазоланишигача кўрсатма берилган эди.

Талабалар ва профессор, ўқитувчилар ўртасида гап кўпайиб кетди. Охири Зоҳир комсомол-ёшларнинг кенгайтирилган қўшма йиғилишида муҳокама қилинадиган бўлди.

Уч кишининг бири давлат хавфсизлиги идорасининг одами эди. Албатта, катта-кичик ҳар бир жамоанинг орасида уларга хизмат қилувчилар топиларди. Зоҳир билан бир курсда Маҳмуд ва Мўйдин исмли

икки йигит бўлиб, уларни болалар ҳазиллашиб «шпионлар» деб аташарди. Чиндан ҳам «шпионлар» ҳамма жойда ҳозир у нозир эдилар. Дарсдан қолса қолишардики, ҳар куни керакли идорасига бормай, топшириқ олмай, ахборот бермай туришолмасди. Маҳмуд Намангандан, Мўйдин эса Андижондан. Булар керак бўлганда бир-бирларини ҳам пойлашарди.

Айғоқчиларга бериладиган топшириқ жуда оддий: ҳеч кимга кўрсатилмайдиган махфий ёндафтарча тутиш, унга ҳамма нарсани ёзмаслик, фақат ўзи англайдиган рақамлару белгиларни қўйиш, мабодо у йўқолиб қолгудай бўлса, ҳатто темир панжарали бинодагилар ҳам ҳеч гап чиқара олмаслиги, «шубҳали» одамлар билан суҳбатлашганда ўзини ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган сўтак қилиб кўрсатиш, одамлар ичида қўлига қалам тутиб ёзмаслик, кўп гапирмаслик «қаранга, наҳотки», деган таажжуб маъносидаги ибораларни кўпроқ ишлатиш, лақмаларни рағбатлантириш учун «офарин», «устозимсиз», «кўп нарсаларни биларкансиз» каби сўزلардан фойдаланиш керак.

Маҳмуд билан Мўйдинлар ўзларини қанчалик гўл ва содда қилиб кўрсатишмасин, талабалар уларни билишарди, айниқса Зоҳир воқеасидан кейин тўртта талаба баҳслашиб турса, уларнинг қораси кўринса бас, гапга нуқта қўйилар эди.

Бир куни атайлаб уюштирилдими ёки тасодифий рўй бердими, Зоҳир билан Маҳмуд узоқ қишлоқларнинг бирига рўза тутишнинг зарари ҳақида суҳбат ўтказиш учун юборилди. «Бу шпион бекорга мен билан кетмаётгандир» деан гап Зоҳирнинг хаёлидан кечди. Яна у «Хап сеними, бир боппай» деб қўйди. Иккаласи ёлғиз қолганларида Зоҳир Сталинга, партияга, тузумга қарши шундай гапларни айтдики, Маҳмудни ҳам суҳбатга аралаштириб юборди, «Бу гапларни қай тарзда, қандай етказар экан» деб қизиқсинди.

Улар дала шийпонларига бориб, рўза ва унинг киши вужудига зарари ҳақида эшитганлари ва билганларини айтишди. Сукут сақлаб ўтирганлар бу икки лектордан очиқ-ойдин кулишди. Шу куни колхоз парткоми уларни меҳмон қилди ва кўмир ёқилавериб деворларигача қорайиб кетган, ҳиди димоқни ёрадиган хужрада ётиб қолишди. Зоҳир Маҳмудни атай гиж-гижлаб Рўза бекорга эмас унинг фойдаси бор. Тингловчиларнинг кўпларига разм солдингми, улар сендан роса

кулишди. Сен тентак эса боплаяпман деб сайрайвердинг», деди.

- Ҳали мен сенга тентак бўлдимми?
- Тантак бўлмай нимасан, лақма!
- Мен кўрсатиб қўяман сенга.
- Кўрсат, кўрсат, шпион!

Маҳмуд «шпион» сўзини эшитгач билиб қолибди» дедими, ҳар ҳолда жим бўлди.

Зоҳир Маҳмудни лақиллатганидан мамнун эди. У ўзини ухлаганга солиб ётди. Анча вақтдан кейин Маҳмуд ёнбошлаб ётган ҳолда махфий дафтарчасини чиқариб, унга алланарсаларни ёзди ва болиш остига яширди-да уйқуга кетди. Сичқон мушукни пойлабди, деганларидай Зоҳир ўрнидан аста туриб, оғзини очиб хуррак отаётган Маҳмудга тикилди. Унинг болиши бир ёнга сал сурилгани учун махфий қизил дафтарча полга тушиб кетган эди. Зоҳир энгашиб дафтарни олди ва яширди. Сўнгра ўз жойига бориб ётди, уйқуга кетди...

Эрта билан Маҳмуд жуда безовталаниб у ёқ, бу ёқни тита кетди. Уйғониб ётган Зоҳир ҳеч нарса кўрмагандай ўрнидан турди, эснаб керишди. У юз-қўлини юйиб келганда ҳам Маҳмуд каравотни титкилар эди. Зоҳир ҳеч нарса демади. Аммо Маҳмуднинг тинчи йўқолганди.

Партком котиби меҳмонлар билан нонушта қилгани келди, улар эрталиб ярим косадан шўрва ичдиларда, котибнинг шалоғи чиққан машинасига ўтиришиб шаҳарга жўнадилар. Йўлда на Зоҳир, на Маҳмуд ва на ҳайдовчи «миқ» этмадилар.

Шаҳарга етиб келгач, улар ҳайдовчига жавоб беришди. Зоҳир олдинда, Маҳмуд ортда кетарди, Маҳмуд отаси ўлган боладай азадор, қовоқлари осилган, ахийри у портлади:

- Зоҳир, менинг дафтарчамни кўрмадингми?
- Қанақа дафтарча?
- У, бу ёзиб юрувчи ён дафтарчам.
- Кўрдим, оёғига қизил бойлаб кетаётган экан.
- Ҳазилингни қўй, олмадингми?
- Бошқа тухматинг йўқми?
- Тухмат қилиб, сен олгансан, бу ёққа бер дема-япман-у.

— Йўвогар, шпион, мана дафтаринг, ўқиб чиқдим. Менинг бошимга тушган барча балоларни сен ёғдирган экансан-да, ярамас!

— Тухмат қилма, бер дафтарни...

— Олиб бўлсан, мен комсомоллар мажлисида кўпчиликнинг гувоҳлигида топшираман ва нималар ёзганини ҳаммага ўқиб бераман.

— Бер деяпман.

— Йўқ, йўқ!

Маҳмуд Зоҳирга ташланди, Зоҳир эса у яқинлашганда оғзи аралаш жағига тортиб юборди. Маҳмуд йиқилди. Зоҳир оёғини унинг қорнига қўйиб туриб: «Мана, мана, сенга иблис!» дея устма-уст тепа кетди. Маҳмуднинг афтига қараб бўлмасди. Шу алфозда ҳам «Дафтарни бер, ўлдирсанг ҳам майли, дафтарни бер!» деб оёқларига осиларди.

Зоҳир кийимларини қоқа-қоқа ётоқхона томон кетди. У бўлган воқеани ҳеч кимга айтмади.

Ярим кечада Зоҳирни олиб кетдилар. Маълум бўлишича, Маҳмуд калтакланган, бурни қон ҳолда бўлган ва бўлмаган нарсаларни қўшиб-чатиб бошлиғига дафтарча воқеасини айтган. Улар ишга киришди. Агар Зоҳир очиқ комсомол йиғилишида дафтарчани талабаларга топширгудек бўлса, уларнинг сир-асрори фош этилиб, улар обрўсизланиши, шу сабабли бу иш ётоқхонадан ташқарига чиқмасдан йўқ қилиниши, унга даҳли борлар ўрганилиши керак. Ахир бу масаланинг бош тутуни яна халқлар отасига бориб қадалади-ку!

Ўша машғум кечада Зоҳирга яқин бўлган талабалардан уч киши, домлалардан Мамадали Юнусов, Маъриф Орипов, Фармон Солиевлар ҳам олиб кетилган эди.

Эрта тонгданоқ олийгоҳда тўс-тўполон бошланди. Талабалардан кимдир Зоҳирни муҳокама қилиш ҳақидаги эълонни юлиб олиб, вижимлаб улоқтирди, «Ярамаслар, яна 1937 йилни бошимизга солишмоқчимиз, энди бу найрангларнинг ўтмайди», — деб овозини баланд кўтарди.

Маҳмуд билан Мўйдинга ўхшашлар ўз янги дафтарчаларига бу ҳаракатнинг бошида кимлар турибди, кимлар нима деди — ҳамма-ҳаммасини қолдирмай муҳрлардилар.

Шу куни соат 12 ларгача барча аудиторияларда машғулот бўлмади. Талабаларнинг хуружларидан ҳадиксираган, тўғрироғи марказ хабар топса ўзлари ҳам амал курсиларидан ажраб қолишларидан қўрққан коммунист раҳбарлар олийгоҳга етиб келишди. Ректор ва

домлалар озода этилди. Ўқишлар бошланди. Бу ҳамма нарса изга тушди дегани эмасди. Фишт қолипдан кўчди. Уни қайта қолипга солиш мумкин эмас. Бунинг устига Зоҳирнинг муҳокамаси нима бўлади? У ҳали қибсда-ку. Муҳокама ҳақидаги эълон йиртиб ташланган.

Озода қилинган домлалардан гарчи ҳеч нарса демаслик ҳақида тилхат олган бўлсалар-да гап кўпайиб кетди.

Зоҳир ертўлада ётганича бу балоларга қаёқдан ҳам гирифтор бўлганлигини ўйлай кетди. «Нима, ахир давлатга қарши қўпоровчилик қилганим йўқ, ҳукуматнинг итини чип демаган бўлсам. Айғоқчи Маҳмудни савалганим учунми ёки ўша мотамда халқни лўлининг эшагига ўхшатганим учунми?!» Шу чоқ унинг ўйларини алақандай ёруғлик босиб кела бошлади. Аммо хаёлига келтиришдан ҳам қўрқиб кетди. «Энди Сталин ўлди, балки дилимиздаги гапларни айтадиган даврлар келар... Ярамас-иввогар Маҳмуднинг гапи билан олийгоҳ остин-устун бўлиб кетди. Йўқ, барибир ўзгариш бўлиши шарт ёки Сталиннинг ўрнига келадиган ҳам унинг ишларини давом эттирсая, унда умрим қамоқда ўтади-ку!» Бу бўлмагур хаёллардан қутулиш учун у Гўшемас қишлоғига Нодим амакисиникига борганида деҳқон йигитнинг қилган шўхликларини ўйлади.

Нодим амакисиникига биринчи бориши эди. Улар Зоҳирни илиқ кутиб олишди. Кўни-қўшнилар ҳам «меҳмон келибди» деб йўқлаб киришди. Бу одат Зоҳирга манзур бўлган эди.

Ҳар бир юртнинг ўз одатлари, удумлари бўлади. Бу ерда меҳмон келгудек бўлса, уй эгасининг танишбилишлари меҳмонни навбат билан ўз уйларига таклиф этадилар. Буни Зоҳир ҳам аввал кўп эшитган. Бироқ Гўшемасда бир удум бор экан.

Эмиш, меҳмон маҳалла-қўйга ўзини танитиш учун эрта тонгда юзини том бошига чиқиб ювармиш ва томнинг тўрт томонига қараб пешонаси ерга теккудек ҳолда овоз чиқариб салом берармиш. Шунда маҳалладошлар фалончининг уйига меҳмон келибди, деб ўз хонадонларига таклиф этармиш. Зоҳир ҳам шундай қилди. Эрта туриб том бошига чиқиб юзини ювди, артинди ва томнинг тўрт томонига бориб эгилиб: «Ассалому алайкум, азизлар!» деди. Тасаввур қилинг-а, тонгда ҳар бир ҳовлида турли ҳолат бўлиши табиий,

қайси бир хонадонда келинлар ҳовли супураётган бўлса, кимдир ювинаётган, яна кимдир пашшахонада ётган бўлиши турган гап.

Том бошида эгилиб-букилиб салом бераётган одамни кўрганлар «Ҳой жинни, туш том бошидан!» дейиши аниқ. Зоҳир қайси томонга қараб салом берса, ўша томондан «Бу жинними, туш томдан, тентак!» деган даккиларни эшитди. Кимдир ҳатто унга қараб тош отди, сўкиндилар ҳам. Зоҳир томдан тушиб, бўлган воқеани амакисига айтиб берганда у ҳам қотиб-қотиб кулди.

— Ким сенга шундай қил, деб ўргатди?

— Ким бўларди, ҳалиги деҳқон йигит-да.

— Ҳа, жиян-ей, соддасан-да, содда. Сенга тандир кийдирибдилар.

Зоҳир ҳам, амакиси ҳам кулишди.

Озгина бўлса-да, темир панжара ортидаги бақиришларни унутиш учун ўтган қизиқ ҳангомаларни ўйлаб ўтирганида эшик очилиб биров кириб келди ва Зоҳирга буйруқ оҳангида:

— Тур ўрнингдан, чиқ, йўқол, кўзимга кўринма, тавбанга таянгандирсан, чиқ! — деди.

Зоҳир ўрнидан туриб, устини қоқиб энди кетаётганида у одам яна тўхтатди ва деди:

— Керак бўлганингда чақирамиз.

Зоҳир ортига қарамай чиқиб кетди. Тўғри ётоқхонага борди, аввал дўстлари, сўнгра домлалари билан учрашди. Маълум бўлишича, куни кеча Лаврентий Берия халқ душмани сифатида қамоққа олинибди. Унинг ўрнига тайинланган одам Сталин шахси ва арзимас нарсалар учун ҳибсга олинган ёки иш қўзғатилган одамларни озод қилиш ҳақида фармон берибди. Энди музлар эрий бошлагандай, юртимизга баҳор кетмас бўлиб келаётгандай эди.

Ёмғирдан зериккан дов-дарахтлар ҳам силкиниб ўзгача тароват касб этмоқда. Ариқларда лойқаланган сувлар тина бошлади. Одамларнинг ҳам елкасига офтоб тегадиган кунлар яқинлашмоқда эди. Бироқ Маҳмуд билан Мўйдин кабиларга ҳамма даврда ҳам иш топилади. Улар энди қиёфасини, йўқ, қиёфасини эмас, чопонини ўзгартириб товлана бошладилар. Яна ўша идоранинг кучуги бўлишиб югуришиб юришибди.

Бир куни олийгоҳ ректори Зоҳирни ҳузурига ча-

қирди. Қабулхонадаги қизга: «Ҳеч кимни киритманг» деб илтимос қилди. У Зоҳир билан рўпарама-рўпара ўтирди.

— Қани, ўғлим Зоҳиржон, айтчи, нега булар сенга шунчалар осилишиб қолишди, ё чинданам бирор ишинг борми, ҳаммасини қолдирмай айт? Улар отасининг асли исмини яширган дейишиб, суриштириб бўлдилар.

— Исм қўйишда бизнинг ўзбекларга тенг келадиган халқ йўқ. Отамнинг отаси ямоқчи Ҳалимча эканлиги маълум. Аслида унинг исмини катта отаси, Худоёрхоннинг лашкарбошиси Раҳмонқулибийнинг ўғли Хўжамбердибий олам сирини биладиган йигит бўлсин деб Салимжон қўйган экан. Унинг болалик даври «ур-йиқит» даврига тўғри келади. Гарчи у эскича билимдан хабардор эса-да, янги билимни ўрганади. Шунга қарамай, ўта камтар, синиқ бўлганлиги учун уни одамлар Салимжон эмас, Ҳалимжон, кейинчалик эса Ҳалимча деб атай бошладилар. Бу лақабга Салимжон қаршилиқ қилмади. Шу-шу уни одамлар гоҳ Ҳалимжон, гоҳ Ҳалимча деб атай бошлаганлар. Ҳалимча бўлиб қолганлигининг сабаби шу.

— Ўғлим, ҳар ҳолда ўзингга ҳушёрроқ бўл, улар сени ўқишдан ҳайдайсизлар, деб ҳоли-жонимга қўймаётир. Ҳафа бўлма-ю бу балолардан қутулиш йўлини ҳам топиб қўйдим. Сен аскарликка чақирилдинг, буни ўзим ташкил қилдим, уч кундан кейин жўнашинг керак. Мана чақирув қоғози. Бироқ шуни билгилки, барибир муҳокамани шу ерда ўтказмасак бўлмайди. Эр-тага мажлис, тайёрмисан?

— Тайёрман, Маҳмудлар ҳам қатнашадими?

— Албатта.

Комсомол-ёшларнинг бутунги очиқ мажлисида асосан битта масала — Зоҳирнинг совет студентига хос бўлмаган ҳатти-ҳаракатлари ҳамда унинг томонини олиб тўполон чирқаришга ҳаракат қилган ёшлар гуруҳини фош этиш.

Йиғилишга олийгоҳнинг барча куллийтларидан энг фаол талабалар, ректорат ва хавфсизлик ходимлари қатнашмоқда. Кун тартиби эълон қилингандан кейин биринчи бўлиб сўзни факультет декани Мамадали Юнусов олди. У кейинги вақтларда ўқув-тарбия ишлари анча бўшашиб кетганлигини, бунинг эса аниқ ва ошқора сабаблари борлигини, фандаги турғунлик ва

бир хиллик, таълим-тарбия ишларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини далиллар билан айтиб ўтди. Мамадали ака маърузасини якунламай Маҳмуд ўрнидан туриб деди:

— Фандаги турғунлик ва бир хиллик дегингиз, шу иборани тушунтириб, шарҳлаб берсангиз, турғунлик ва бир хиллик деганингиз Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин назарияларига шаъма эмасми?

— Савол бердингиз, мен жавобини айтмасданоқ, яна ўзингиз дилингиздаги ғоявий бузуқ ниятингизни ўртага ташладингиз. Демак сиз берган саволга мен ҳозиргина сиз таъкидлаган жавобингизни беришим керакми? Маҳмуджон, шошманг, сиз ҳали талабасиз, омонда парвоз қилманг, тўтиқушдек доим бир хил гапни такрорлаб юргунча кўпроқ ўқинг, яхшиларга эргашинг.

— Домла, яхши деганингиз Зоҳирми? Агар у бўлса, асло унга эргашмаганим бўлсин. Ҳа, шундай.

— Ўртоқлар, интизом сақлансин, — деди мажлисни олиб борувчи, комсомол котиби Рашид Абдуллаев, — давом этинг, домла!

— Илм-фани, маданияти тараққий этган юрт бой мамлакат саналади, бой мамлакатда эса илм-фан ва маданият ривожланган бўлади. Биз бу масалада қандай эканлигимиз ҳақида гапириб ўтирмайман, буни ҳамма ўзича ҳис қила олади. Бу ерда хавфсизлик идораси ходими қатнашаётганлигидан фойдаланиб, ошкор айтяпман, Маҳмуд ва Мўйдинга ўхшаган чаласавод, ўз устида ишламайдиган кимсаларнинг гапларини дастур қилиб жанжаллар чиқишига сабабчи бўлаётганлар ҳақида марказга хат ёздим. Биз тарбиявий ишлар билан, ўқиш ва ўқитиш билан шуғулланайликми ёки ҳар куни тушунтириш хатлари ёзайликми? Зоҳир Ҳалимчаевга келсак, у оддий қишлоқ боласи, олийгоҳга аранг кирган, энди-энди фанларни ўзлаштириб келаяпти. Стипендия ола бошлаганига ҳам кўп бўлгани йўқ.

Талабаларда Сиддиқжон, Бахтиёр, Дилоромлар сўзлашди. Зоҳирни олийгоҳдан ҳайдамасликни таклиф қилишиб, уни ўз ҳимоясига олишди.

Сўз олган «шпион»лардан бири — Маҳмуд шундай деди.

— Юртнинг фаровонлиги, тинчлиги, тотувлиги ва

қувватини таъминлайдиган бир куч бор. Бу ҳам бўлса давлат хавфсизлиги кўмитасидир. Бу кучни синдирадиган ва енга оладиган қудрат ҳали дунёда йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Анқовлик, лақмалик, ютуқларимизни кўра олмаслик океан ортидаги рақибларимиз, душман тегирмонига сув қуйиш деган гапдир.

— Маҳмуд, пастроқ туш, бисотингда борки, ҳамма ялтироқ гапларингни айтиб бўлдинг. Бўлди-да э, сени маддоҳ қилган!..

— Нима ҳақинг бор мени таъқиблашга, Сталин Конституцияси бизга сўз эркинлиги берган.

— Мақсадга ўт, мақсадга.

— Бас қил!

Талабалар ўртасида ғала-ғовур бошланди. Мажлисни бошқарувчи тартибга чақирди:

— Ўртоқлар, ўртоқлар, жим бўлинглар, давом этинг ёки тугатдингизми?

— Мен ҳали асосий гапга ўтганим йўқ.

— Жим ўртоқлар, марҳамат!

— Энди Зоҳирга келсак, Зоҳир тузумимизга ёт унсур. Улуғ доҳийларимиз Ленин ва Сталин асос солган, ўртоқ Маленков ривожлантираётган миллий масала аллақачон ҳал этилган фаровон ҳаётимизни, социализмнинг оламшумул ғалабаларини кўролмайди.

— Оширвор-е! — деди кимдир.

— Ана кўрдингизми, бу ерда Зоҳирга ўхшаш кимсалар йўқ эмас.

— Давом этинг, бас, ўртоқлар, жим!

— Унинг келиб чиқишида ҳам бир иллат бўлса керак, буни ўрганишимиз лозим, у бошқаларни ҳам заҳарлаб бўлди. Таклифим шулки, бундан буён олийгоҳда бу хил ёт унсурларга сира ўрин бўлмаслиги керак. Доҳиймиз Иосиф Виссарионович Сталин айтганларидек, ҳушёрликни йўқотмайлик, токи порлоқ коммунизм қураётган замондошларимиз бу иллатга чалинмасинлар. Душманнинг катта-кичиги бўлмайди. Социализм душманларига шафқат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, азиз дўстлар!

Одатда бундай баландпарвоз гапларга атайлаб масҳара қилибми қарсақлар чалишарди. Бу сафар ҳамма юзини бужмайтириб ўтирди.

— Яна сўзловчилар борми?

— Бор! — сайратмалардан яна бири, Мўйдин турди. Мўйдин ўта писмиқ, умрида кулмаган бўлса керак.

Шу сабабли талабалар унинг олдида ҳам, ортидан ҳам «Мўйдин писмиқ» ёки «Мўйдин сиёсат» дердилар.

— Бу ерда Маҳмуджон тўғри масалани ўртага ташлади, Зоҳир семинарда марксизм-ленинизм классиклари асарларини қандайдир Мальтус-палтуслар билан қиёслади. Уларнинг назарияларини кўкларга кўтариб мақтайди. Халқлар отасига ҳамма йиғлаб мотам тутган куни халқни лўлининг эшагига ўхшатадими, келажагимизнинг эгаси Маҳмуджондай фаол йигитларни кўролмайди. Маҳмуджон билан яқинда ёқалашиб уни урган, тишларини синдирган, ҳали бу қилмиши учун адолатли халқ суди олдида жавоб беради. Унинг жойи олийгоҳ курсиси эмас, суднинг қора курсисидир.

— Алмазадалар-ей!

— Маҳмудга бу оз, «шпион»лар!

— Ҳақорат қилган?

Ҳеч ким индамади. Мажлисни бошқараётган йигит: «Давом этинг, бўлманглар, армони қолмасин!» — деди пичинг билан.

— Сиз ҳам мендан куляпсизми, бўлди, гапим тамом, ҳали шошманг, охирида ўзингиз йиғлаб қолманг тагин, раис!

— Менга айтяпсизми, — деди Рашидхон Абдуллаев кўзларини катта-катта очиб.

— Сизга бўлмай, кимга, охирида кулганга нима етсин.

— Менга ҳам тош отяпсизми? Отаверинг, биз сиздақаларни кўп кўрганмиз.

— Таклиф бор! — деди Маҳмуд ўрнидан туриб, ҳеч ким унга сўз бермаса-да, — мажлисни яхши бошқаролмаётганлиги, бу ерда оқимлар ва зиддиятлар авж олишига йўл қўяётгани учун рисликни бошқа бир одам олиб боришини талаб қиламан.

— Бекор айтибсан, ҳақ гапни айтгани учунми?!

— Овозга қўйилсин! — талаб қилди Маҳмуд. Ректор ҳам бу ғала-ровурни босиш учун Маҳмуднинг таклифини қўллаб-қувватлади. «Овозга қўйилсин!» — деди у ўрнидан туриб.

— Жим бўлинглар, мажлис раисини ўзгартириш ҳақида таклиф бўляпти. Кимда ким бу таклифни маъқулласа, қўл кўтарсин.

Жимлик. Фақат икки киши — Маҳмуд билан Мўйдиндан бошқа ҳеч ким қўл кўтармади.

— Демак, кўпчилик бу таклифга қўшилмади, раис, мажлисни давом эттиринг, марҳамат!

— Раҳмат, яна гапирувчилар борми?

Маҳмуд қайта қўл кўтариб сўз сўраган эди, раис «бошқалар ҳам бордир» деган маънода унга қараб қўйди.

Хавфсизлик идорасининг вакили нима дер экан, деган ўй ҳаммада бор эди. Аммо у оқимга қараб туриб этик ечадиганлардан экан, ҳеч нарса демади. Балки у Зоҳирни ҳам эшитмоқчидир. Шундан кейин бирон гап айтар. Мажлис раисининг: «Сизда ҳам гап борми?» деб ташлаган луқмасидан кейин у икки қўли кўксига гап бошлади:

— Азиз талаба дўстларим, муҳтарам домлалар, мен гапни ўз камчиликларимиздан бошламоқчиман. Биз бундай мунозарали йигинларда жуда кам бўламиз. Мана бугун кўп нарсаларга аниқлик киритилди. Биз ёшларни сиз ундай, сиз бундай дейишдан олдин ўзимизнинг ҳам ёшлигимизни кўз олдимизга келтирайлик. Ахир ўзимиз тўхтаб қолган паровознинг олдига бир боғ пичан, бир боғ беда солганларимизни, еб тургин, жонивор деганларимизни эслайлик. Бунчалар илмий мунозараларга киришаётган ёшларни кўриб хурсандман. Бу ерда Зоҳиржонга қўйилаётган айблар аслида ҳеч нарсага арзимайдиган нарсалардир. Агар Зоҳиржон «кечиринглар, мен гўрлик қилибман, оғзимдан «лўлининг эшагига ўхшаб» деган гап ўйламай чиқиб кетибди», деса кифоя, олам гулистон. Бундан ташқари талабалар бир-бирларининг нарсаларини ўғирлаб қўйиши каби ҳолатлар ҳам бор. Бу албатта бизнинг вазифамизга кирмайди-ю, яширмай очиқ айтай, Зоҳир Маҳмуджоннинг дафтарчасини ўғирлаб қўйибди. Дафтарчанинг ичида 32 сўм пул ҳам бор экан. Пулни тополмадик, аммо дафтарча Зоҳирнинг ён чўнтагидан чиқди...

Сўзловчи ўрнига бориб ўтирди. Мажлисни бошқараётган Рашидхондан ректор рухсат сўради.

— Шу гап ростми, Зоҳир?

— Ҳа, рост. Дафтарчани олиб қўйганим рост, лекин унинг ичида бир чақа пул йўқ эди, буни менга ёпиштиришяпти.

— Дафтарчани нега олдинг?

— Дафтарчада гап кўп. Унда бутун олийгоҳда нималар қилиняпти, кимлар нима деяпти, ҳамма-ҳамма-

си ёзилиб борилар экан. Хуллас, уни шпионлик дафтари ёки ивво дафтари дейиш ҳам мумкин. Мен дафтарчани шу мажлис аҳлига топшироқчи эдим, афсуски бу ниятимга етолмадим.

— Ўша дафтарча қани?

— Уни олиб қўйдилар.

— Ким?

— КГБдагилар.

— Тўғри, дафтарча бизда, у ҳали кўп ўрганилади.

— Шундай дафтарчаларга таяниб иш тутишнинг оқибати нималар билан тугашини ҳаммамиз кўриб турибмиз, охири бахайр бўлсин.

— Мунозара уч соатдан буён давом этмоқда, агар қаршилиқ бўлмаса, айбдор Зоҳирга сўз берсак.

— Тўғри, тўғри! — деган овозлар эшитилди.

— Демак, сўз Зоҳир Ҳалимчаевга.

— Аввало мен айбдор ҳам, гуноҳдор ҳам эмасман. Шунча шов-шувларга сабаб бўлган масала эса арзимас нарсадир, деб ҳисоблайман. Бу ерда барча ўртоқлар пашшадан фил ясашди. Ўша машғум гап одатдаги ҳазилларимдан бири эди. Мен бундай сиёсий тус олишини ўйлаганим ҳам йўқ. Ўша куни қўштинроқ ичидаги айбим туфайли олийгоҳда анча нотинчлик бўлди. Бунинг учун мен энг аввало домлаларим, қолаверса дўстларимдан кечирим сўрайман.

Менинг келиб-чиқишим билан ҳам қизиқишди. Лекин кўп нарсани аниқлай олишмади, буларни ўзим айтиб берақолай. Менинг отам ямоқчи, онам Ҳайринисо саводли аёл, Ақром деган акам, Тоҳир деган укам бор. Отамнинг отаси қандолатчи, бобом эса Қўқон хони Худоёрхоннинг бош лашкарбошиси бўлганлар. У кишидан бизга ҳеч нарса қолмаган. Менинг характеримдаги юз-хотир қилмаслик ўша лашкарбоши бобомдан мерос бўлиб ўтган бўлса не ажаб. Мен шундай одамнинг зурриёди бўлганимдан фахрланаман. Мен баъзи бировлардек ўз келиб-чиқишимни яширмадим. «Менинг отам камбағал деҳқон» деб ёлгон айтмадим. Фамилияси Жўрабоев бўлса Жўраев, Бектемиров бўлса Темиров деб ёздирганлардан эмасман.

Болалигим Чеккақўрғонда кечди, отам бизни ямоқчилик билан боқди. Лекин тарбиямизга катта эътибор берганлар. Мен туғилган қишлоқда ўрта мактаб йўқлиги туфайли шаҳарда ўқидим, олийгоҳга эса пухта билимга эга эмаслигим сабабли аранг кирдим. Ярим йилгача

мени талаба деб санамадилар. Исм-фамилиям ҳеч қайси рўйхатда йўқ эди. Мухтарам ректоримиз менинг аҳволимни кўриб раҳми келди. «Ярим йилдан кейин имтиҳонларни яхши топишра олсанг, талаба бўласан. Мен бу масъулиятни ўз гарданимга оламан», деди.

Шундай қилиб ўқишлар бошланиб кетди. Ётоқ у ёқда турсин, ҳатто менинг фамилиям группа журналида қайд қилинмаган эди. Буни кўриб-билиб турган баъзи талабалар мени масхара қилар, кулар, иложи борича камситар, «чақирилмаган меҳмон» деб юзларимга ҳам солишарди. Ушанда мени ҳамма бу бола ўз-ўзидан олийгоҳни ташлаб кетади деб ўйлаган эди. Мен ундай қилмадим. Бир соат ҳам дарсни қолдирмадим, чунки мен билимга чанқоқ эдим.

Бир эски, пахтаси оқиб турадиган кўрпачам бўларди. Уни шаҳар маданият боғининг чекка бир жойига яшириб қўйган эдим. Кечаси кўрпачани тўғри келган жойга ёйиб китобларимни болиш қилиб ухлардим. Қиш ҳам яқинлашиб келди. Бирорта хонадонда ижарага турай десам пул йўқ. Қишлоқдан олиб келган қаттиқ-қуруқ нон талқонини ҳам тутатдим. Бахтимга бир куни боғ оралаб домла Мамадали Юнусов ўтиб қолдилар. Менинг «меҳмонхонам»да меҳмон бўлди. Кимдандир эшитган бўлса керак, «ётиш-туришинг шоҳона-ку, Зоҳир!» деб ўз уйига етаклаб кетди. Кичик бир хоначани кўрсатиб: «шу жойда турасан, ремонт қилиб олсанг, бинойидек хона бўлади»,— деди. Бошим осмонга етди. Домла озиқ-овқатимдан хабар олиб турди. Мен эса хонадоннинг қандай юмуши бўлса, ўйнаб юриб бажардим. Қишни илиқ-иссиқ хонадонда кечирдим. Домла менинг ўқишим, семестрларга тайёргарлигимни ҳам суриштириб турарди.

Қишки имтиҳондан муваффақиятли ўтдим. Ректор ҳам, домла ҳам ўз гапининг устидан чиқди. Ярим йилги азоб ва қийноқлардан кейин олийгоҳ талабаси бўлдим. Энди менинг исм-фамилиям курс журналида ҳам бор. Ётоқхона бердилар. Биз беш киши битта хонада яшай бошладик. Болалар ичида энг камбағали, бечораси ҳам мен эдим. Улар мени ишга буюрар, тез-тез майна қилиб туришарди. Бир куни ухлаб ётсам оёқларимнинг панжаларига қоғоз қистириб ўт ёқишибди, буни «велосипед миндириш» дер эканлар. Оёғимга иссиқлик теккач худди велосипед мингандек ҳара-

катлар қилиб уйғониб кетдим. Оёғимдаги ёнаётган қоғозни олиб ташладим ва ётоқдошлардан қаттиқ хафа бўлдим. Албатта улар мендан қарз бўлиб қолмади. Навбат билан уларга ҳам велосипед «миндирдим».

Одамлар қишки ва ёзги таътиллarda ўз ота-оналарининг бағрига кетадилар, мен эса пул ишлаш учун ётоқхоналарни таъмирлаётган усталарга қарашаман ёки мардикор бозорига бориб ишлайман.

Менинг ота-онам қўллари калталиги сабабли ҳеч қандай ёрдам беришга қодир эмаслар. Шу боис мен ўзим ишлаб, ўзим ўқишим шарт. Мана менинг таржимаи-ҳолим, энди менга қандай жазони муносиб кўрсаларингиз, шуни беринглар, мен барчасига розиман.

Зоҳирдан кейин яна кимлардир сўйлади. Биров уни ёқлади, биров танқид қилди.

Зоҳирнинг олийгоҳда қолиш-қолмаслиги бир кунлик танаффусдан кейин билдириладиган бўлди. Мажлис тарқалди.

Орадан бир кун ўтгач, Зоҳир қаттиқ ҳайфсан билан олийгоҳда қолганлиги ҳамда аскарликка кетаётганлиги ҳаммага маълум бўлди...

Зоҳирнинг тақдири ҳал қилинаётган кунлари қуйи курсда ўқийдиган бир қиз қаттиқ изтиробда юрди. Лекин буни у ҳеч кимга билинтирмади. Зоҳир аскарликка кетаётганида кузатгани чиққанлар орасида ўша қиз ҳам бор эди.

Бу қизнинг исми Маъмура эди. Маъмура — шаҳарлик анча обрўли, бадавлат хонадоннинг фарзанди.

Лекин унга Зоҳир эътибор бермади. Фақат қизил белбоғли автобусларга чиқишдан олдин ота-онаси, дўстлари, акаси Ақром, укаси Тоҳир билан қучоқлашиб хайрлашаётганда бир четда кўзларида ёш қалқиб турган ўша таниш қизни кўрди.

2

Зоҳир туғилган Чеккақўрғон қишлоғида ўрта мактаб йўқ эди. Қишлоқнинг номини қайси бир ўрис айта олмай «Чем» деган экан. Шу-шу қишлоқнинг номи Чем бўлиб қолган. У еттинчи синфни тугатгандан кейин анча довдираб юрди. Яқин қишлоқларда ҳам шундай мактаб йўқ. Шу сабабли у нима қилишни билмай юрарди. Бир куни отаси уни шаҳарга бирга олиб борди. Оламни ўз Чемидангина иборат деб

юрувчи Зоҳир шаҳарга яқинлашгандаёқ ҳайратга туша бошлади.

Одамлар шу қадар кўпки, асти қўяверинг. «Булар нима иш қилар экан» деган биринчи савол йигитчани қийнади. Машиналар, аравалар, унда-бунда учраб турадиган файтонлар. Шаҳар кўчалари тоза эмас. Зоҳир отасининг ортидан кетар экан, ўз хаёли, ўйлари билан банд эди. У хилма-хил, баланд-паст биноларга ва бўйинларининг томирларини чиқариб бақариб-чақариб савдолашувчи шаҳарликларга ҳайрон бўлиб қарар, отасидан анча ортда қолиб кетарди. Отаси:

— Зоҳир, ўғлим, анграйма, шаҳар шунақа гавжум бўлади. Бўл, етиб ол, қўлингни бер, тагин адашиб қолмагин! — деди-да, унинг қўлидан маҳкам тутиб олди.

Улар ўз қишлоғидан тонг ёришмасдан йўлга чиққан эдилар. Ота-бола етаклашиб бир кичик чойхонага киришди. Бозор куни бўлгани учунми, чойхонада одам кўп, бир четдан жой топиб ўтиришди. Отаси қўйнидан бир дона нон ва қоғозга ўралган икки юмалоқ новвот чиқарди. Чой ташувчи бола жўмраклари-ю боғларига қадоқ тушавериб қорайиб кетган чойнақда чой ва иккита пиёла олиб келиб, уларнинг олдиларига қўйди.

Зоҳир чойнакка қўл олиб борганда отаси: «Ўғлим, сен меҳмонсан, шаҳарда биринчи бўлишинг, чойни мен қуяман», деди ва пиёлани чайқаб четга тўқди, новвотни солиб чой қўйди.

Ота-бола чойни ичиб бўлгач, пиёлага чақа ташладилар-да, бозорга томон шошилдилар.

— Ота, шаҳарда мактаб ҳам борми?

— Ҳа, албатта бор, ўғлим. Мактабнинг энг катталари шу ерда бўлади-да.

— Биронтасини кўрсатинг.

— Бўпти.

Аслида Зоҳирнинг отаси ҳам шаҳарни унчалик яхши билмасди, ўғлига «Энг катта мактаблар шу ерда бўлади-да», дейишга деди-ю ич-ичидан ҳижолат чекди. Ўзи ҳам билмайди. Қанақа мактаблар бор? Охир у бозордан қайтиб келаётиб одамларни тўхтатиб суриштира кетди. Ниҳоят кимдир уларга оққа бўялмаган гиштли бинони кўрсатиб, «Шу техникум бўлади» деди.

— Бу қандай техникум?

— Бошланғич мактабларга ўқитувчилар тайёрлайди.

— Раҳмат ука, кўрдингми ўғлим, шаҳарда шундай катта мактаблар бор.

Зоҳир ҳеч нарса демади. Аммо шу катта мактабга келиб ўқишни кўнглига туғиб қўйди. Техникумга кироладими, ота-онаси розилик берадими? Бу томонларини ўйлаб ҳам кўрмади у.

Ота-бола қишлоғига қош қорайганда етиб боришди. Зоҳир кўрганларини онасига бирма-бир сўйлаб берди. Гап айлана-айлана техникумга такрор-такрор келар экан, онаси Зоҳирнинг ниятини сезгандай бўлди, аммо ўғлига билдирмади.

Зоҳир шаҳарда кўрганларини бу оқшом ўзининг тенгдош ўртоқларига мақтади.

Қишлоқнинг осмони кенг, осмонида эса юдузлар, кўп. Зоҳир юдузларни томоша қилиб, кўкка қараб ётар экан, ўз юдузини қидирди. Энг ёруғ юдузлардан бирини «Шу меники бўлса керак» деб танлаб қўйган эди. Бу оқшом яна ўша юдузни излаб топди. У назарида анча катталашгандай, ёруғлашгандай эди. У ширин ўйлар оғушида ухлаб қолди. Зоҳир туш кўрди. Тушида ўша ўзи танлаб қўйган юдуз учиб келиб, унинг қўйнига кириб кетармиш ва «юр шаҳарга, сен ўқишинг керак» дер эмиш-да, қўлларидан туғиб отаси билан кўрган техникумга бошлармиш. Уйғониб кетди. Аммо тушини ҳеч кимга, ҳатто онасига ҳам айтмади.

Зоҳир шаҳарга йўли тушса бас, ўша катта мактабга боради, томоша қилади. Яхши ният — ёрти мол, деганларидек шаҳарга бориб-келиб юриб, қабул қилиш шартлари билан танишди ва ниҳоят бир йилдан кейин техникум талабаси деган дафтарчани қўлга киритди.

Ётоқ қаёқда дейсиз, Зоҳир уч йил тўғри келган жойда ётиб юриб, ўқиди, шанба, якшанба кунлари эса мардикор бозорига борди. Ҳар ҳолда ота-онасига оғири тушмай техникумни тугатди. Энди икки йил бошланғич синфда ўқитувчилик қилиши керак. Давлат унга анча пул харжлаб қўйган эди.

Зоҳир ўз қишлоғида бошланғич синфда ўқитувчилик қилди. Озми-кўпми ота-онасига ёрдами тегди.

Қизиғи шундаки, қишлоқда биринчи ўрта маълумотли ўқитувчи ҳам Зоҳир эди. Ёш ўқитувчини қанчадан-қанча қишлоқ қизлари кузатса-да, Зоҳир ўзини бепарво кўрсатарди.

Тўғри, бир йил тўрт фаслга бўлинади. Бироқ, кўпинча фасллар ўз вақтида келмайди. Баъзан ёз уч ойга эмас, олти ойга, ҳатто тўққиз ойга ҳам чўзиладиган ўлкалар бор. Қиш эса умуман бўлмайди. Баъзан баҳор, ёз ва куз шунчаки келади-да, «йилт» этиб ўтиб кетади. Йил бўйи қиш, оппоқ қиш бўладиган мамлакатлар қанча!

Биз туғилган ўлкада фасллар ўз вақтида келади. «Қишнинг бир куни ҳам қиш» деган гаплар балки шундандир.

Март ойи кириши билан ерлар илий бошлади, довдарахтлар кўкарди. Ариқ бўйларида ялпизлар жамол кўрсатди.

Бундай паллада ҳар бир хонадонда наврўзи оламга ҳозирлик кўрилади бошланади.

Орзу қилинган кунлар келди. Гарчи наврўзи олам давлат томонидан таъқиб этилган бўлса-да, халқ уни ҳар йилгидек зўр шодиёна билан қаршилашга қизғин ҳозирлик кўрарди. Наврўз куни бўладиган тантанани бошқариш қишлоқ ёшларига топширилди, булар орасида бизнинг Зоҳир ҳам бор. Ким шеър, ким қўшиқ айтади. Кимдир рақсга тушади.

Шу оқшом Муниسخон исми қиз Зоҳирнинг диққатини кўпроқ ўзига тортди. У билан ёнма-ён ўтириб сўзлашмади, сирлашмади. Аммо қизнинг ўтли боқишлари йигитнинг қалбига чўғ солган эди.

Муниسخон ким? Бу қизнинг онаси Меҳри хола жуда ёшлигида оламдан ўтган бўлиб, отаси Маъмир тоға бошқа аёлга уйланган. Хуллас, Муниسخон ўғай онанинг қўлида тарбия топганди. Муниسخон ўғай онанинг қўлида ўсган бўлса-да, одобда, ахлоқда, айниқса меҳнаткашлиқда кўпчиликдан тамоман фарқ қилар эди. Сарвдек қомати, хипча бели, қалдирғоч қанотидек қайрилма қошлари, хумор кўзлари, оддийгина сурпдан тикилган кўкраги бурма кўйлаги Муниسخонни гўзал қилиб кўрсатарди. Зоҳир қизни севиб қолгани шуки, унинг барча сифатлари сеҳрли, мўъжизавий бўлиб кўринарди.

Наврўз оқшоми икки ёш изҳори дил қилишмасалар ҳам, бир-бирларига бўлган ошиқона қарашларида самимий илиқлик борлигини англаш қийин эмасди. Шу бўлди-ю Зоҳирнинг қишлоққа йўли тушгудай бўлса,

Мунисхонлар кўчасига яқинлашгандаёқ оёқлари ча-
лишиб кетаётгандай ҳис этарди ўзини.

Байрам куни улар бир-бирларининг исмлариниги-
на билиб олишди. Зоҳирнинг хаёлида Мунисхон яшай
бошлади. Бу орада Мунисхоннинг қаршиликларига
қарамай, унинг отаси яқин қариндошларидан бирига
қизини узатмоқчи бўлди. Бу хабарни Зоҳир эшит-
ди-ю бутун вужуди олов бўлиб ёнди.

Нима қилсин, тўғри Мунисхонларникига борсинми,
қизнинг отасига бор гапни айтсинми? Ана шу изтироб-
ли саволлар оғушида Зоҳир Мунисхонларнинг кўчасига
яқинлашди ва худога илтижо қилди: «Эй тангрим, ёрдам
бер. Агар Мунисхон зарра мени севса, унинг кўнглига
сол, мен кўчасидан ўтаяпман, ҳеч бўлмаса дарвозасини
қия очиб бир кўриниш берсин». Шу хил ўйлар билан
кўчанинг у бошидан бу бошига бориб келарди, шу вақт
худо Мунисхоннинг чиндан ҳам кўнглига солдими, қўш
қанотли дарвоза очилиб ичкаридан Мунисхон кўринди.
Шу вақт йигитнинг юраги қинидан чиқиб кетгудай
бўлди. Фақат унинг изтиробларга тўла: «Мунисхон,
Мунисхон!» деган овози эшитилди. Дарвозанинг орти-
дан «Зоҳир ака, эртага мактабингизга бораман, мени
кутинг» деган ун йигитнинг қулоқларига илингандай
бўлди. «Тангримга минг қатла шукур, унинг қалбига
амр қилдинг, уни кўрдим. Эй, жумлаи оламни яратган
тангрим, марҳаматинг учун шукур».

Ахир унаштирилган қизнинг ҳар қандай ҳолатда
ҳам ўзга йигит билан учрашиши ман қилинади. Буни
кўрганлар нима дейди. Эртасига Зоҳир мактабга жуда
эрта борди. Кун бўйи Мунисхонни кутди. Қиздан эса
дарак йўқ.

Энди китобларни йиғиштириб кетмоқчи бўлиб тур-
ганида эшик тириқлаб қолди, хонага ранглари сўлғин
Мунисхон кириб келди. У Зоҳирга қўл ҳам узатмади,
ерга тикилиб туриб гап бошлади:

— Зоҳир ака, шундай бўлиб қолди. Пешонамда
бор экан. Сиз менга эмас, энди мен сизга бахт тилай-
ман, ўзга чорам йўқ.

Зоҳир Мунисхоннинг бу аламли гапларини тинг-
лар экан, боши айланиб, кўзлари тингандай бўлди.

— Мунисхон, мен аввалроқ билмадим. Ҳеч бўлма-
са айтиб қўйсангиз бўлмасмиди?

— Сизга нима дейишим керак эди! Энди сиз билан
биз...

— Йўқ, йўқ, ундай деманг, ахир мен бир умр армон билан ўтаман-ку!

— Буни аввалроқ ўйлаш керак эди.

— Муниسخон, мен қишлоқни бутунлай ташлаб кетишим керак. Мен ҳам одам бўлдимми?!

Муниسخоннинг чўлпон кўзларида ёш қалқиди.

Муниسخоннинг тўйи ўтган куни кечаси Зоҳир қишлоқни ташлаб чиқиб кетди. Бу сирдан унинг ота-онаси-ю Муниسخондан бошқа ҳеч ким хабардор эмасди.

Зоҳир шу кетганча Тошкентга йўл олди. Мактаб ҳам, ўқувчилар ҳам қолиб кетди. У бир неча кун турли меҳмонхона ва чойхоналарда тунаб юрди. Унинг бирдан-бир мақсади Муниسخонни унутиш эди. Дарбадарлик ҳам жонга тегди. Бу орада у Тошкентдаги олийгоҳлардан бирига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларига пухта тайёрланди. Гоҳо-гоҳо ота-онасига хат йўллаб турди. Аммо у ҳеч ўз манзилени аниқ ёзмади.

Қанча-қанча савдоларни бошдан кечириб, ниҳоят олийгоҳнинг, қонуний талабаси бўлгандан кейингина ўз қишлоғига йўл олди. Йигит қишлоққа яқинлашар экан, қалбида бир зилзила пайдо бўлиб, бутун вужудини ларзага келтирди...

Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтган. Муниسخон балки фарзандлик ҳам бўлгандир. Биринчи дуч келган одамдан Муниسخонни сўрамоқчи бўлди-ю андиша қилди.

Шарқираб оқиб ўтувчи кичик ариқчадан хатлаб ичкари кирди. Биринчи кўргани онаси бўлди, она эса ўғлини бағрига маҳкам босиб ўпиб, кўзларига ёш олди.

— Бунчаям соғинтирдинг, болам, икки йилдан ортди. Ҳар куни дастурхон устида отанг ва мен дуо қиламиз. Яратгандан сенга узоқ умр, бахт тилаймиз.

— Онажон, икки йил эмас, бир йилдан салгина ошди, холос. Отам қаердалар?

— Ҳозир келиб қоладилар. Сойга шопипоянинг сувидан бир хабар олиб келай, деб тушиб кетган эдилар. Янги раисимиз ҳам анча дуруст чиқиб қолди. Ҳар баҳорда ёйилиб оқувчи Шаҳрихонсойнинг икки томонини суриб, дарёни изга солди. Энди Шаҳрихонсой кичик бир анҳорга айланиб қолди. Сойнинг икки томонига шоли экинлар! — деб янги ерларни тақсимлаб берган.

— Маҳалла-кўй, Жуман тоға, Ҳайдар тоға, Ориф-сартарош амакилар тинч-омонми?

Зоҳир ҳозир Муниسخонни ва унинг отаси Маъмир амакини сўрамоқчи бўлди-ю тили айланмади. Буни сезган она ўғлига ётиғи билан деди:

— Муниسخон ҳам дунёдан ўтди. Тўйдан кейин бир ой ҳам яшамади. Бу ҳақда сенга хат ёзай девдик, аниқ манзилингни билмадик, болам.

Зоҳирни шу тобда чақмоқ ургандай бўлди, бирдан юз-кўзлари жиддийлашди, қўллари ихтиёрсиз муштга айланди. Бир неча дақиқа жим қолди. Шу лаҳзада у ўша наврўз оқшомида Муниسخон билан танишгани, оқшом сой бўйидаги дийдорлашув ва охириги вилолашувларни хаёлидан кечирди. Ҳозир у овозини чиқариб йиғлашга ҳам тайёр эди. Лекин йигитлик ғурури ўзидан устун чиқди.

Отаси шолিপоядан келгунча у ўзини анча босиб олди, юрагини қиймалаб ўтган ва ҳозир ҳам қийнаётган бу аламларни яширишга ҳаракат қиларди. Отаси кела солиб ўғлини бағрига олди. Гарчи ўтган вақтда Зоҳирнинг бўйи анча ўсган, билаклари қатишган бўлса-да, валломати оғушида у ҳамон ёш боладай эди.

Ота-она ўғлининг хатларидан унинг олий билимгоҳнинг талабаси бўлганлигини ўқиб билишсалар-да, ҳозир оғзидан эшитишни жуда-жуда истар эдилар. Бу ахир биргина Зоҳирнинг эмас, бутун бир қишлоқнинг эзгу нияти эди-да. Муниسخон ҳам ўқимоқчи эди. Наврўзнинг учинчи куни Шаҳрихонсой қирғоқларида: «Қани, насиб этса ўқирдим, сизни жуда-жуда ҳавас қиламан» деганлари ҳозир Зоҳирнинг қулоқлари остида такрор жаранглагандай бўлди.

Шу куни ота-бола Муниسخон келин бўлиб тушган хонадонга эмас, Маъмир тоғаларникига фотиҳага боришди. Зоҳирни кўрган Маъмир тоға кўзларига ёш олиб, ўз қизидан ажраб қолганлигини айтиб нола чекди. Муниسخон билан Зоҳир ўртасидаги илиқликдан беҳабар бўлса-да, Муниسخоннинг вафотидан кейин бу сирни бутун қишлоқ билган эди.

Зоҳирнинг отаси Ҳалимча тоға Куръони Каримдан тиловат қилди. Фотиҳа ўқилди. Кўзларида қалқиб турган ёшларни арта-арта Зоҳир билан отаси уйларига қайтишди.

Зоҳир ўз дардлари ва аламларини бир оз бўлса-да енгиллаштириш учун Муниسخон дафн этилган қабрис-

тонга бориб тиз чўқди. Кўнглидаги айтолмаган гапларини, ҳазон бўлган илк муҳаббатини айтиб йиғлади. Кўнглини бўшатди. Тиловат қилди.

3

Шаҳарнинг тошқин ва шошқин ҳаёти Зоҳирни ўз гирдобига тортди. Юрса ҳам, турса ҳам фикри-ёди ёшлари улуғлашиб қолган ота-онаси, илк муҳаббати, бевақт узилган япроқ янглиғ ўн гулидан бир гули очилмаган Мунисхонда бўлди.

О, Мунисхон, сизни унутиб бўлармиди, гарчи сиз бошқа бир одамнинг жуфти ҳалоли бўлсангиз-да, бевақт дунёдан ўтсангиз-да, барибир сиз Зоҳирдек йигитнинг юрагига ҳамиша ҳукмрон бўлган биринчи қиз эдингиз.

Зоҳир талабалар қатори лекциялар тинглаб, адабиётларни қолдирмай ўқиса-да, хаёли анча паришон эди, шу боис имтиҳонлардан яхши ўтолмади. «Йиқилди», қайта топширди, у семестрдан бу семестргача «қарзлар» билан юрди. Стипендия олмагани учун яқшанба кунлари яна аввалгидек мардикор бозорига боришга, кечалари вагонлардан кўмирми, тахтами, нима тўғри келса тушириб, пул ишлаб ўқишга мажбур бўлди.

* * *

Ёши ўтгиз беш, қирқлар чамасидаги хомсемиз бир одам Зоҳирга харидор бўлди. Унинг касб-корини ҳам суриштирмай бирга юришни таклиф этди. Зоҳир унинг ортидан кетди.

— Уста ака, арзимас ишимиз бор эди. Балки бир кунлик бўлар, хизмат ҳақини яхши тўлайман, қани машинага чиқинг, марҳамат!

Зоҳир кетмон, теша ва қопдаги майда-чуйда асбобларини ўн қадамча нарида ярақлаб турган машинанинг орқа ўриндигига жойлади. Харидорнинг илтимосига кўра ҳайдовчининг ёнига ўтирди. Машина шаҳар бўйлаб уча кетди. Харидор тез-тез йигитга қараб қўяр, миқ этмай борарди.

— Келдик, мехмон, мана бу ҳовли бизга қарашли.

Машинани бир четга қўйиб, улар ичкари киришди. Ҳовлида ҳеч ким йўқдай жимжитлик, атроф топтоза. Шаҳарда бундай катта ва тоза хонадонни йигит

кўрмаган, янги участка бўлса керак, эшик ва деразалар қаймоқ рангда яқиндагина бўялгани билиниб турарди. Деразаларга тортилган пардаларнинг нафислиги ва дид билан осилганини биринчи кўрган одам «Бу хонадоннинг соҳибаси ажойиб дилбар аёл бўлса керак» деган фикрга бориши турган гап. Ҳовли ўртасида кичик чинни капилидан ясалган ҳовузча. Иссиқ кунлари бу ерда чўмилса ҳам бўларди.

— Қани, меҳмон, ичкарига, аввал бир пиёла чой, сўнгра иш, — деди уй эгаси.

Зоҳир ташқи томони шарқона нақшли ром билан ўралган айвончага қадам босар экан, безатилган дастурхонга кўзи тушди. У ҳозир меҳмонга келдими ёки хизматгами, ақли бовар қилмасди. Улар қўлларини ювиб курсиларга ўтиришди.

Мезбон нон синдирди, пиёлага чой қуйиб узатди.

— Ҳайрон бўлаётгандирсиз. Кимсасиз ҳовли экан деб, ажабланманг. Бизга худо ҳамма нарса ни берган. Фақат фарзанддан қисиб қўйган, холос, ака. — Уй эгаси, меҳмон ундан анча ёш бўлишидан қатъий назар, ҳурмат юзасиданми, «ака» деб мурожаат қилар эди. — Қани, нонни қаймоққа теккизинг. Марварид, хоним, меҳмон келдилар, чойингиз анча совиб қолибди. Янгисини олиб чиқинг!

— Хўп бўлади! — Ичкаридан ёш жувоннинг жананглаган овози эшитилди. Кўп ўтмай қадди-қомати келишган, машҳур мусаввир Чингиз Ахмаров чизган шарқнинг етти маликаларига ўхшаш, ҳа, худди ўшаларни эслатувчи жувон чиқиб келди. У одоб ва мулоимлик билан: «Хуш келибсиз, меҳмон» деди. Йигитта зимдан боқиб, чойнакни эрига яқинроқ қўяр экан, «Қора чой бу!» деб қўшиб қўйди.

— Меҳмон, сизга қанақаси кетади?

— Барибир, бизга бўлаверади.

— Танишиб ҳам олмадик, мени Шавкатшеф дейишади, шаҳардаги катта ресторанда шефман.

— Мен Зоҳир.

— Жуда яхши, энди Зоҳиржон, чойни ичиб бўлгач, хизматни хозияка айтадилар, мен кетишим керак. Иложи бўлса обедга етиб келаман. Марваридхоним, мен кетдим, устага нималар қилиши кераклигини ўзингиз кўрсатасиз, хўпми, ҳозирча, кетдим.

Зоҳир бир ўзи ҳижолат чека бошлади. Катта ҳовлида жонон бир жувон билан ёлғиз қолди, у торти-

ниб-қимтинибигина «мен бўлдим, хизматни кўрсатсангиз, нима қилишим керак?» — деди.

— Ҳозир! — деган овоз келди, кўп ўтмай Марваридхон ичкаридан бир чинни мастава кўтариб чиқди.

— Кечирасиз. Зоҳир ака, исмингизни ичкарида туриб билиб олдим, энди Зоҳир ака деб мурожаат қилаверсам майлими? Мана бу қиймалик маставани ичиб олинг-да, сўнгра ишни кўрсатаман.

Зоҳир овқатни шошиб-пишиб тановул қилар экан, Марварид уни кузатиб ним табассумда ўтирарди.

— Қани, энди ишни кўрсатинг?

— Яхши, бўлмаса мен билан юринг, — Марварид йигитни ошхонага бошлади. — Унча-мунча слесарлик хизматлари бор. Жўмрақдан доим сув оқиб туради. Газ плитасини ҳам бир кўриб берасиз. Тўла қувват билан ёндиrolмаяпмиз. Унинг йўлини очиш керак. Ҳаммомдан сув кетмаяпти. Бугунча шу ишларни қилсангиз бас, керак бўлса ўзим ҳам қарашиб юбораман.

Марварид айтган бу иш Зоҳир учун ярим соатлик эди. Марварид йигитнинг ёнида туриб, унинг ҳаракатларини кузатар экан, бир лаҳза хаёли кетди. У ўз эри Шафкатшефни бу йигитга қиёслади. Ер билан осмонча фарқ бор. Норғул бу йигитнинг қўл томирлари бўртиб чиққан билакларига разм солди, Марварид шу лаҳзада аллақандай бўлиб кетди.

Йигит крандан оқиб турган сувни тўхтатди. Гапнинг рости ошхона тўла сув бўлиб кетган эди.

— Маъқулми, кўринг-чи, келин ая! — деб йигит улгурмаган ҳам эди-ки, Марвариднинг оёқлари сирғаниб кетди. У Зоҳирнинг билакларини маҳкам ушлади. Зоҳирнинг кучли қўллари эса ихтиёрсиз Марвариднинг нозик белига борди. Бир лаҳза улар жим қолдилар. Марварид ўзини йигитнинг оғушида кўрди...

Марварид Зоҳирни ошхонага, сўнгра ҳаммомга бошлади. Йигит, бошда айтганимиздек, хонадон юмушларини ярим соатга қолдирмай бажарди.

— Энди, Зоҳир ака, бироз дам олинг, мен овқатга уринай.

— Агар бошқа хизмат бўлмаса, мен кетсам, жавоб берсангиз.

— Зоҳир ака, хўжайин келмасдан сизни кетказолмайман. Балки яна бошқа ишлари ҳам бордир.

Йигит ортиқ ҳеч нарса дея олмади. Марваридхон кўп ўтмай ошхонадан ликопчаларда у-бу олиб чиқди.

«Сиз олиб, еб ўтиринг, мен ҳозир ош дамлайман, хўжайин ҳам келадиган вақт бўлиб қолди» деди ва яна ошхонага кириб кетди. Чой олиб чиқди, бир пиёла қуйиб Зоҳирга узатар экан, янги турмуш қурган куёв-келинни эслатувчи ҳолат юз берди. Шу чоқ Зоҳирнинг баданлари ҳам алақандай бўлиб кетди. У нималар бўлаётганини билмас эди.

— Чойни ўзим қуйсам, сизни овора қилиб қўйдим,— деди Зоҳир.

— Ҳечқиси йўқ, қаранг, бир соатлик иш экану бизнинг хўжайин шунини ҳам эплай олмаяпти, раҳмат, Зоҳир ака!

Тушки овқатни Зоҳир билан Марварид яйраб ўтиришиб худди аввалдан таниш бўлган кишилардай ейишди. Овқатдан кейин Марварид йигитга барча хоналарни кўрсатди, слесарнинг қўли борадиганки жойга йигитнинг қўли тегди. Хуллас, бу бекаму кўст хонадонда энди Зоҳирга иш қолмаган эди. Шундай бўлсада, уй бекаси Зоҳирга жавоб бермай шефнинг келишини важ қилиб олиб ўтирибди.

Вақт анча бўлиб қолди. Ташқаридан машина овози эшитилди. Атлас қўйлаги ва почаларига тилла ипдан гул тикилган лозимини ҳилпиратиб Марварид дарвоза томон чопди. Зоҳир ҳам ўрнидан туриб шефга пешвоз чиқди. Шеф машинадан тушиб Зоҳирга қўл узатаркан, оғзидан ароқ ҳиди келарди.

— Хоним, дарвозани ёпинг, хорманг уста Зоҳиржон, ишлар бўлдим, гатопми?

— Ҳа, ака, келин аям кўрсатган юмушларни бажардим.

— Раҳмат, ака, хоним, овқат тайёрми, энди Зоҳиржонни бир меҳмон қиламиз, шиша-пишаларингиз бўлса олиб чиқинг.

— Шавкат ака, мен ичмайман.

— Ие, бу нима, шунча ишни қиласиз-у, йўқ, мени бу шахри азимда Шавкатшеф дейдилар, биласизми?

— Тўғри-ю, аммо...

— Ҳеч қандай аммо-паммосига ўрин йўқ, вассалом, олиб чиқинг, хоним.

Марварид ичкари уйга кириб кетди. Зоҳир билан шеф дастурхон атрофига ўтиришди.

— Энди, ука, қаерга ҳам борардингиз, шу ерда қолаверасиз, эртага қиладиган ишлар ҳам бор.

— Ундай бўлса майли, ака.

Шеф Зоҳирни мажбур қилиб икки пиёла арман коньяги қуйиб берди. Марварид ҳам хўплаган бўлди.

Шеф тўрида, Марварид билан Зоҳир қарама-қарши ўтирардилар.

— Шавкат ака, ҳовлини кўриб олдим, иш бўлса мен эртага эртаман келсам, — деди Зоҳир.

Шу вақт стол тагидан Марвариднинг оёқлари Зоҳирнинг оёқларига тегди. Бу «кетманг!» деган маънони билдиради эди. Шефга бир қаради-да, йигитнинг юзлари ўзгариб кетди.

— Овора бўлманг деяпман-да, қолинг ука, энди озгина қизиб олдик. Хўп, денг.

— Майли, қолдим бўлмаса.

— Бу бошқа гап, энди хоним, Зоҳиржоннинг ётоғини кўрсатинг.

— Нега шоштира-сиз, ўтириб-сизлар-да, бошқа овқат тайёрлайми?

Яна стол тагидан Марвариднинг оёқлари Зоҳирнинг оёқларига қаттиқроқ тегди, бу «рахмат!» дегани эди. Шундан кейин Марвариднинг оёқлари йигит оёқлари остида типирчиларди.

Телефон жиринглаб қолди. Шеф ўрнидан туриб ким биландир узоқ гаплашди. Қайтиб келиб, тик турган ҳолда:

— Бўлмаса гап шундай, мени чақиринглар. Сизлар бироз гаплашиб ўтиринглар. Сиз тагин кетиб қолманг, мен келаман, албатта келаман, ука! Озгина олиб қўйдим, энди таксида бора қолай, — деб ташқарига чиқди. Ортидан хотини аланималар деди ва дарвозани ичкарасидан беркитиб келиб ўтирди.

Марварид ўзига ҳам, Зоҳирга ҳам коньяқдан тўлдириб қуйди ва деди:

— Зоҳир ака, шеф энди келмайди. Сизни ҳеч қаёққа қўйиб юбориб бўлман. Бундан буён сизга бу хонадонда эртага ҳам, индинга ҳам иш топилади, ҳеч қаёққа кетмайсиз.

Марварид Зоҳирни қўлларидан ушлаб ўз хонасига етаклади...

Шундай қилиб Зоҳир бу хонадоннинг қадрдони, Марвариднинг «яқин қариндошига» айланди. У олийгоҳнинг учинчи курсигача иқтисодий жиҳатдан ҳеч қийналмай ўқиди. Марварид бир ўғил, бир қизлик бўлиб ўздан тинчиб кетди. Шеф эса ҳеч нарса кўрма-

ган, билмагандай икки фарзандгагина эмас, Марварид билан Зоҳирга ҳам оталик қилмоқда.

4

Зоҳир ўқиётган олийгоҳда ҳарбий таълим берилмас эди. Шу боис уни, бошда айтганимиздек, ректорнинг ташаббуси билан ҳарбий хизматга чақиришди. Бу — аини муддао. Шу баҳона унга занжир бўлиб боғланиб қолган Марваридлар оиласи билан ҳам видолашади. Ҳаётини янгидан бошлайди. Ҳарбий хизматга жўнашдан аввал жонажон қишлоғига бориб келди. Ота-онаси, ака-укалари билан хайрлашди. Болалик йиллари кечган сой бўйларини зиёрат қилди, биринчи муҳаббати Мунисхонни хотирлади. Бир кеча ётиб, шаҳарга қайтди.

Зоҳир умуман шефниқига бормоқчи эмасди. Марварид излаб келиб қолишидан қўрқди ва тўппа-тўғри шефнинг хизмат жойига борди. Унга ҳарбий хизматга чақирилганини, хизматни тугатиб, сўнгра ўқишни давом эттиражagini, ҳозирча борадиган манзилгоҳи аниқ эмаслигини айтди. Кузатиш учун улар чиқмасликларини, жойим муқим бўлгач, мактуб ёзажagini билдирди.

Биз бошда Зоҳир аскарликка чақирилишидан олдин бўлиб ўтган барча воқеалар, энг асосийси «Халқлар отаси» вафоти муносабати билан шаҳар марказий ўйингоҳида бўлган мотам маросимида «худди лўлининг эшагига ўхшаймиз» деган гаплари учун чеккан азоблари, бу ишда Маҳмуд ва Мўйдинларнинг «халис» хизматлари ҳақида айтган эдик. Шу боис биз мозийга тўхтаб ўтирмаймиз.

Чақирилувчилар орасида Зоҳир энг ёши улуғи эди. Уларни автобуслар тўғри аэропортга олиб кетди. Кўп ўтмай улар ўтирган самолёт булутлар орасига сингиб кетди.

Кечагина иссиқдан «пах-пах»лаб юрган йигитларни уч-тўрт соат ўтмай Сибирнинг энг совуқ шаҳарларидан бири бўлмиш Бийскка олиб бориб ташлади.

Атроф ўрмон, қор савалаб ёғмоқда. Аскар йигитларнинг деярли барчаси жуда енгил кийинган эди. Бошлиқлар уларни зудлик билан ҳаммомга туширишди ва иссиқ уст-бош бердилар, кўрибсизки, бир кун ўтмай ўзбек болалари таниб бўлмас қиёфага киришди.

Аскарликнинг интизоми қаттиқ, ҳамма бунга амал қилиши керак. Зоҳир ҳам кўп қатори кўникишга мажбур. Эрта тонгдан то қора кечгача тиним йўқ. Машқлар, машғулотлар, жанговар қуроолар сирларини ўрганиш, навбатчилик ва ҳоказо, ҳоказолар...

Орадан олти ой ўтгач, аскар йигитларнинг пучаги-пучакка, сараги-саракка ажратиб олинди. Бизнинг Зоҳир эса Бийскда қолдирилди. У бўш вақтларида бошқа йигитлардек таниш қизларга хат ёзмас, соғинч шеърлари битмас, ота-онасига эса фақат соғлиги ҳақида ёзарди, аммо уларга ҳам аниқ манзилини, ҳарбий қисми кўрсатмас эди.

Сибирь дегани нима эканини бошқа йигитлар қатори Зоҳир энди-энди бияпти. «Туф» деган тупурги ерга муз парчасига ўхшаб думалаб тушяпти. Қулоқ ва бурунни музлатиб қўйиши ҳеч нарса эмас.

Яхши интизоми, ҳарбий машқларда ибрат кўрсатгани учун ярим йилдан кейин бизнинг йигитга шаҳарга чиқиш учун бир кунлик озодлик эълон қилинди. У украин йигити Ходонёнок билан тугмалари-ю этикларини ярақлатиб шаҳарга йўл олишди. Бийск деган бу кичик шаҳардан гугурт чиқишини яхши билсада, уни ўз кўзи билан кўргиси келарди. Ходонёнок билан шаҳар айланди. Катта кўча бўйлаб кетар эканлар, рўпараларидан икки қиз кела бошлади. Қизлардан бири Зоҳир қаршисида тўхтаб қолди.

— Айтинг, сиз ўзбек йигити эмасмисиз? — деди ўзбекчалаб.

— Ҳа, ўзбекман. Ўзбек қизи бу ёқларда...

Саволга жавоб ўрнига қиз дугонасини «Алла!» деб таништирди. Тўртовлон одимларини бир текис ташлашиб ёнма-ён кета бошладилар.

— Менинг исмим Лола. Дадам билан бу ерга кеча келдик. Дадам ҳарбий хизматчи, у киши генераллар. Ҳозир сизларни дадамнинг ҳузурларига олиб бораман. — Лолахоннинг бу дадилликлари ҳар иккала йигитни ҳам довдиратиб қўйган эди.

Лоланинг дадаси Бийскдаги меҳмонхонанинг маҳсус хоналарига жойлашган эди. Йигитлар пастда қолишди, Лола бу ерда ўз ҳамшаҳрини топиб олганини билдириш учун чопиб юқорига кўтарилди. Сал ўтмай тушди. «Сизларни дадам кутяптилар», — деди.

Шаҳар кўчаларида кичикроқ бир офицерни кўриб қолишса қиялаб ўтадиган бу ёш аскар йигитлар қан-

дай қилиб генералга дуч келишади. Хуллас, Зоҳир ҳам, Ходонёнок ҳам генералнинг хузурига чиқишга ботина олмадилар.

— Йўқ, Лолахон, бизлар оддий аскар бўлсак, дандангиз генерал. У киши «Кругом, шагом марш!» десалар ким деган одам бўламиз. Раҳмат, биз чиқолмаймиз, — деди Зоҳир.

— Мен мактабдошларимни учратиб қолдим, деб ёлғон айтдим.

— Йўқ, бўлмайди.

— Агар рози бўлсаларингиз, кўча айланамиз, кинога кирамиз, — деди Ходонёнок.

Иложи қолмаган қизлар рози бўлишди. Энди улар йигитларнинг исмларини ҳам билардилар.

Ҳаво жуда совуқ бўлса-да, ёшлар кўча айланишди, кинога киришди, аммо йигитлар қизларга қайси ҳарбий қисмда хизмат қилишларини айтмадилар. Чунки бу «ҳарбий сир» эди. Шундай қилиб улар кечга яқин хайрлашдилар...

Орадан икки йилга яқин вақт ўтди. Бу даврда Зоҳир энди ҳарбий хизматни охирлатиб қўйган, қисмда энг интизомли аскарлардан саналарди. У кетишга тайёргарлик кўрарди.

Ярим кечада навбатчи аскар йигит келиб Зоҳирни уйғотди.

— Зоҳир, Зоҳир деяпман, тур ўрнингдан.

Зоҳир чўчиб сакраб ўрнидан турди. Тезда кийинди. У нима гап эканлигини билмас, бошқа қисмдан келган қуроолланган нотаниш тўрт йигит ва изқувар ит тилини осилтириб ёнгинасида турарди.

— Исминг Зоҳирми?

— Ҳа, нима қипти?

— Қани биз билан юр, олдимизга туш, буйруқ шундай.

— Дўстлар, ҳеч нарсага ақлим етмаяпти, нима гуноҳ қилдим, айтинглари?

— Кўп валдирама, борганда биласан.

Зоҳир жиноятчи сифатида аввал, камарини, сўнгра погонларини чиқариб берди. Чунки қуроолланган йигитлар ундан шуни талаб қилдилар. Қўлларига кишан солинди. Очиқ юк машинасига ўтқазиб, тўртовлон ўраган ҳолда штабга олиб боришди. Манзилга етгач, олдин овчарка ит, сўнгра аскар йигитлар сакраб тушдилар. Зоҳир эса ҳамон мунғайиб ўтирарди.

— Тушмайсанми, туш, жиноятчи! — дўқ урди аскарлардан бири.

— Ким жиноятчи, бу тушунмовчилик, — деди Зоҳир.

— Жим бўл, жим!

Зоҳирни икки аскар машинадан судраб олиб тушдилар ва яна ўртага олиб, хавфли жиноятчи сифатида қўриқлашиб туришди.

Олиб келган йигитлардан каттаси бошлиқнинг ҳузурига кириб ахборот берди. Ичкаридан аллақандай аёл кишининг овози келди. Зоҳир нималар бўлаётганини билмай гаранг эди.

Бошлиқнинг хонаси очилиб, ичкаридан бир қиз чиқиб келди. Зоҳир унга яхшироқ қарамади ҳам, «жиноятчи»га яқин келиб:

— Зоҳир ака, бу сизмисиз? — деди.

Зоҳир шундагина ўзига келди. Олдида ўша бундан икки йил аввал Бийсқда учратган генералнинг қизи Лолахон турарди.

— Лола, бу нима қилганингиз?

— Зоҳир ака, ҳаммасини бир бошдан айтиб берман, фақат мени кечиринг.

— Кераги йўқ, бу ахир... бу шармандалик эмасми?!

Зоҳирнинг кўзларига ёш келди. Қиз ўзини Зоҳирнинг оғушига ташлади, ҳаммаси учун кечирим сўради. Ҳозиргина уни «жиноятчи» ҳисоблаб олиб келган аскар йигитлар нималар бўлаётганини тушунмай анграйиб туришарди.

Командир рухсат берди шекилли, олиб келган йигитлар «жиноятчи»га честь бериб хонадан чиқиб кетишди.

Қабулхонада Лола билан Зоҳир қолди.

— Зоҳир ака, мени кечиринг, дадам билан сизни йўқлаб келдик. Фамилиянгизни билмаганим сабабли Бийсқдаги барча қисмларда хизмат қилаётган Зоҳир отлиқ ҳамма ўзбек йигитларини тўплатдирдим. Лекин улар орасида сиз йўқсиз. Дадамга тинчлик бермадим, қидиртирасиз дедим, худога шукурлар бўлсинки, мана энди сиз менинг кўз олдимда турибсиз.

Зоҳир Лоланинг енгилтаклигидан қанчалар озор чекканини айтиб ўтиришнинг мавриди эмаслигини англади ва мақсадга ўтди:

— Лолахон, яхши иш қилмадингиз, мен хизмат қилаётган қисмдагилар «Зоҳир жиноятчи экан, уни

ушлаб кетишди» деб гап тарқатган бўлсалар керак. Энди мен қандай қилиб қисмга бораман, айтгинг?!

— Зоҳир ака, шунга ҳам ташвишми, ҳозир папамга борамиз. Ўтган сафар таништирмаганим учун роса койиб бердилар. Сизни шахсан ўзи қисмга олиб бордилар. У ердагилар «Зоҳир генералнинг ўғли экан», дейдилар. Шу билан ҳаммаси ювилиб кетади.

— Сиз уларни шунчалар гўл, деб ўйлайсизми, ахир менинг шахсий ҳужжатларимда генерал тугул, менерал деган ёзув ҳам йўқ. Деҳқоннинг ўғли дейилган, улар овсар эмас.

— Ундай бўлса, ўзим ҳаммасига бўлажак куёвим дейман, вассалом!

— Ол-ла, бу ёғини роса ошириб юбордингиз, нима бўлганда ҳам энди дадангиз мени қисмга олиб бормаса ишим чатоқ.

— Зоҳир ака, бир таклиф бор. Ҳозир магазинга бориб сизга бир сидра граждан кийимларини сотиб оламиз. Яхшилаб ҳаммом қиласиз. Бу могорларни ҳамомда қолдириб, кийинасиз. Сўнгра сизни дадамга кўрсатаман. Бу аҳволда генералга кўриниш...

— Мана энди ўзингизга келяпсиз. Аммо...

— Пул менда истаганча бор, уёғидан ташвиш чекманг, юринг, Зоҳир ака!

Лола жуда ҳароб кийинган Зоҳирнинг пинжига кириб магазинга етаклади. У ердан қўйлак, костюм, пальто ва оёқ кийими сотиб олди. Сўнгра ҳаммомга олиб борди.

Зоҳир ҳаммомда ювиниб-тараниб, соқолларини ҳам кирдириб чиқди. Граждан кийимидаги Зоҳирни кўрган Лолахоннинг эси оғиб қолди. Икковлон меҳмонхонага, генералнинг ҳузурига боришди. Лола ўз «мактабдошини» отасига таништирди.

Генерал қизи учун Зоҳирдан узр сўради ва ташқарида кутиб турган машинага Зоҳир билан Лолани ўтқазиб, йигит хизмат қилаётган қисмга равона бўлдилар.

«Генерал келаётган эмиш, у Зоҳирнинг отаси эмиш» деган «миш-миш»лар лаҳзада тарқалди. Бу гаплардан Зоҳир бениҳоя ҳижолатда эди. Генерал аввал полқда, сўнгра офицерлар билан Зоҳир хизмат қилаётган қисмда бўлди, ҳатто унинг ётадиган жойигача бориб кўрди.

Лола Зоҳирнинг қўлтиқларига кириб олиб, у овқатланадиган ошхонагача борди. Зоҳир ётадиган кро-

ватнинг оппоқ чойшабларини қайириб кўздан кечирар экан, ҳазар қилгандай бурунларини жийириб «фу, бунча моғор» деганини ҳатто атрофдагилар ҳам эшитишди.

Бундан икки йил аввал Бийскда юз берган учрашув ва танишувдан воқиф бўлган украин йигити Ходонёнок хизматни ўтаб ўз ватанига кетган эди. Шу сабабли қисмдагилар Лола нима деса, шу тўғри бўлса керак, деб ишонишарди.

Генерал уч кун қисмда бўлди. Зоҳирга ҳам жавоб беришди. Шу уч кунда Зоҳир ҳамма нарсани англади. У Лола ҳақида узил-кесил бир фикрга келди. Лекин бу ҳақда дардлашадиган одами йўқ эди қисмда. Генерал жўнаб кетгач, ҳарбий хизмат яна олдингидай бир меъёрда давом эта бошлади. Фақат қисмда ортиқча «миш-миш»лар кўпайди, холос.

Бир куни қисм бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари майор Макаров Зоҳирнинг ёнига келиб, оғир-босиқлик билан гап бошлади:

— Айт-чи, Зоҳир, чиндан ҳам сен ўша генералнинг қизига уйланмоқчимисан? Қайлиғинг чакки эмас, жуда дадил қиз экан. — Зоҳир майорнинг гапларига унчалик тушунмай, ҳеч нарса демай жим тури. Майор гапни давом эттирди: — Биладан, сен яхши, одобли йигитсан, камбағалнинг боласисан, илмга ташнасан, ўз устингда жиддий ишласанг келажагинг жуда ёрқин бўлишини ҳам биладан. Лекин, ўғлим, сенга бир гапни айтиб қўяй. Ўша генералнинг қизи сенинг тенгинг эмас, у жуда беодоб қиз экан, биз русларда «отамонам ва мен» деган ибора бор. Кўряпсан-ку, у «отамонам ва мен»дан нарига ўтмаётир. Отаси генерал бўлса ҳам фарзанд тарбиясига эътибор бермапти. У қизнинг келажагига ишонмайман, сени яхши билганим учун шу гапларни айтяпман. Яна ўзинг биласан. Сен яқинда ҳарбий хизматни тугатиб, юртингга кетасан, балки бундан кейин сен билан биз ҳеч қачон учрашмасмиз. Бироқ, ўғлим, мен тақдирингни ўша қиз билан боғлашингни асло истамайман. Ҳаётга энгилтаклик билан қаровчиларни ёқтирмайман.

— Рост гапни айтдингиз. Мен ҳам худди шундай фикрдаман.

Шундан кейин Зоҳир бўлиб ўтган барча ҳангома-ларни бирма-бир сўзлаб берди.

— Сен хизматни тугатасан-да қишлоғингга қайта-

сан. Агар у қишлоғингга ҳам излаб борса-чи... Лола яшаш жойингни биладим?

— Йўқ, билмайди, қаердан билсин, айтдим-ку!

— Ораларингга ҳеч гап бўлмаганми?

— Йўқ!

— Ундай бўлса жуда яхши, ўғлим. Ҳаётга енгил қараш бахтсизликларга олиб келишини унутма.

Орадан бир ой ўтгач Зоҳир ҳарбий хизматдан озод этилди. Отасидай бўлиб қолган майор Макаров Зоҳирни Бийск вокзалига кузатиб қўйди.

* * *

Август ўрталарида Зоҳир ҳарбий либосда жонажон қишлоғига қайтиб келди. Бир ҳафтадан ортиқ ота-онаси билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашди.

Отаси ҳам, онаси ҳам ўғли аскарликдан келиши билан бошини иккита қилиб қўйишмоқчи бўлиб юрган эдилар... Аммо бу гал ҳам улар нима учундир ўғилларига овиз очолмадилар.

Зоҳир эрталаб шаҳарга отланди. Икки йил ичида шаҳарда анча ўзгаришлар бўлибди. Буларни кўриб у жуда қувонди. Ректоратда бўлиб ҳужжатларини расмийлаштирди ва ўқишни яна давом эттирди.

Энди унга ётоқхона ҳам беришди. Зоҳирнинг ёши бироз каттароқ бўлгани учунми ўқишнинг биринчи кунлари ўзини бироз бегоналардай ҳис қилди. Аста-секин кўникиб кетди.

Нимагадир Зоҳирнинг ёдига уни аскарликка кузатаётганда сочларини майда қилиб ўриб, кўзлари ёшга тўлиб кузатиб қолган ўша қиз бот-бот туша бошлади.

5

Уч қаватли талабалар ётоқхонаси ёнига эндигина ёғи артилган «Победа» автомашинаси келиб тўхтади. Ўтган-кетганларнинг ҳаваси келарди. Машинадан башанг кийинган, катта олимга ўхшаш бир одам тушди. У тўғри бориб эшик ёнидаги навбатчига юзланди.

— Талабаларнинг марказий ётоқхонаси шуми?

— Ҳа, шу ер! — деди навбатчи студент унчалик эътибор бермай.

— Кечирасиз, Зоҳир Халимчаев деган студентни танийсизми, у яқинда аскарлик вазифасини ҳам ўтаб келган.

Навбатчи бош чайқаб, елка қисди. Бу «билмайман» дегани эди. Навбатчи кириб-чиқиб турган талабаларга мурожаат қила кетди. Ҳайрият, бир талаба уни билишини, ҳозир йўқлигини, қишлоққа кетганлигини айтди.

— Эртага келади, Зоҳир акага ким сўради деб қўяй? — деди йигит.

— Кераги йўқ, мен шу шаҳарда тураман, қариндошимиз, хонасини айтиб берсангиз, эртага келаман.

— Биз бирга турамиз, юринг, меҳмон, яхшиси олиб чиқиб хонани ўзим кўрсатиб қўяқолай. — Йигит навбатчига алланималар деди-да меҳмон билан иккинчи қаватга кўтарилди бошлади. Улар чап томондаги коридор бўйлаб юра кетишди. Йигит «26» рақами ёзилган хонани кўрсатганида меҳмон жонланиб:

— Бўлди, бўлди, кўриб олдим, эртага келаман, — деди.

— Қани, ичкарига, — эшикни очиб, йигит меҳмонни хонага таклиф қилди.

— Ҳай майли, ётган жойларини ҳам кўриб олай, — у ичкари кирди, талабаларнинг камтарона яшаш шароитини меҳмон тасаввур ҳам қилолмасди, — яхши, дуруст, энди дуо қилайлик, илоҳо яхши ўқинглар, энди бизга руҳсат!

— Чой ичсак бўларди, ака.

— Раҳмат, ука, — меҳмон ўрнидан турди.

— Менинг отим Фиёс, — деди талаба, — кечирасиз, ўзингизни таништирамадингиз.

— Шавкат ака, Шавкатшеф десангиз ҳам бўлаверади. Зоҳиржонга акангиз келдилар, эртага яна келар эканлар, десангиз кифоя, омин!

Фиёс олдинда, Шавкатшеф ортда лапанглаб пастга тушишди. Шавкатшеф машинани ўт олди. Фиёсга бир тугун узатди.

— Буни олиб қўйинг, атайлаб сизлар учун олиб келгандим.

Фиёснинг қаршиликларига қарамай, Шавкатшеф тугунни унинг қўлига тутқазди-да жўнаб кетди.

Зоҳир қишлоқдан тонгда етиб келди. Бир кун дарсдан қолганлиги учун ҳижолатда эди. Фиёс дафтарларини йиғиштираётганида Зоҳир кириб келди. Шошиб тургани учунми кечаги меҳмон ҳақида айтишни унутди.

— Қишлоқлар тинчми, мен кетдим.

— Мен ҳам ҳозир.

Улар шошиб хонадан чиқдилар...

Кечқурун йигитлар дарс қилиб ўтирганда эшик тақиллаб қолди.

— Киринг! — деди Фиёс.

— Мумкинми? — хонага кечаги меҳмон, Шавкатшеф кириб келди-да, қулочини очиб Зоҳир билан қучоқлашиб кўришга кетди.

Зоҳирнинг миясига ток урилгандай бўлди. Мардикор бозорига боргани, Марварид билан бўлган ҳангомалар — ҳамма-ҳаммаси кўз олдидан ўтди.

— Э, укажон, бормисиз, ука деган ҳам шундай бўладими, ўрганиб қолган эканмиз, хизматни тугатиб келганингизни юрагим сезди, таваккал қилиб келиб, сизни сўрасам, азамат-ей, хизматни ҳам битириб келибсиз, бундай бир қариндошим бор ҳам демабсиз, келин аянгиз ва жиянларингиз сизни сўрагани-сўраган, қани кетдик уйга.

— Шавкат ака, йўқлаб келганингиз учун раҳмат. Фиёсиддин, қани, бир чой қўйиб юборинг. Бу киши бизнинг яқин танишимиз бўладилар, сизга айтмаган эдим.

— Ие, шунақами, Шавкат ака кеча ҳам келган эдилар, сизга айтмоқчи бўлиб турувдим, тугун ҳам қолдириб кетгандилар, мана. — Фиёс қандай олиб қолган бўлса, шундайича турган тугунни Зоҳирга узатди.

— Нега овора бўлдингиз? — Зоҳир Шавкатшефга юзланди.

— Э-э, қўяверинг, сизни топганимни айтмайсизми.

Кўп ўтмай Фиёс чой олиб келди, Зоҳир қишлоқдан олиб келган нон ва узумни дастурхонга қўйди. Шавкатшефнинг тугунини ҳам очди. Унда анор, олма, пиширилган гўшт, нон бор эди.

— Бу гўштни еб юбориш керак, ҳидланиб қолса бўлмайди, — деди шеф ва ёнидан сариқ мисдан тайёрланган гулли қиндан пичоғини чиқариб гўштни майдалай бошлади.

— Дарс ҳам қолиб кетди, — Фиёс кутубхона баҳонаси билан чиқди. Шеф билан Зоҳир ёлғиз қолишди. Улар узоқ суҳбатлашдилар.

Зоҳир дарслардан қолиб кетгани, улгурмаётгани, аскарликка кетиш сабабларини айтиб берди.

— Бу гапларнинг сал учини чиқариб қўйсангиз бас эди. Ўша сиз айтган давлат хавфсизлигидагилар ўзи-

мизнинг қўлимизда. Истасангиз уйга таклиф қиламан, сиздан узр сўрашади.

— Фойдаси йўқ, энди бу гаплар ўтмиш бўлиб қолди.

— Э-э, ука, ёшсиз-да, ёш, улар ёмон одамлар, истаса яна мозийга қайтаверадилар. Сизга уларни яхшилаб таништириб қўяман, хўпми?

— Улар билан яқинлашишни истамайман.

— Ўзингиз биласиз.

— Шавкат ака, мен бугун боролмайман. Ишларим жуда кўп. Семинарга тайёргарлик кўришим, китоблардан конспектлар олишим керак, бош қашишга ҳам вақт йўқ. Иложи бўлса вақт топиб шанба ёки якшанба кuni албатта бораман, лекин аяга салом денг!

— Ука, кўнглингиз истаган вақтда боринг, сизга эшигимиз очиқ. Демак, ҳафтанинг охирида кутаман, ёки ўзим келиб олиб кетайми?

— Майли, келин аяга салом айтинг, ўзим бораман.

Зоҳир Шавкатшефни пастгача кузатиб тушди. У кетгач, яна ўша мардикор бозорига боргани, Марваридхон билан бирга бўлгани, ўзи йўл қўйган, тузатиб бўлмас хатоларни бирма-бир эслади. «Ярамас, ифлос, хотинфуруш», — ўз-ўзича сўқинди ва охири «Энди бориб бўпман» деган қатъий тўхтамга келди.

Бўлмағур хаёлларни бошдан чиқариб ташлаш ниятида китоб варақлай бошлади, кўзлари саҳифаларда-ю хаёлида бошқа гап. Хуллас, бошига ҳеч нарса кирмади. Шу боис китобни бир четга сурди-да, ечинмай кроватга чўзилди. Ҳозир ўзини шундай ёмон кўриб кетдики, аста қўяверинг. Ўқийман деб не-не қинғирқийшиқ кўчаларга кирмади...

Кўнглида пайдо бўлган барча ҳижилликни Маъмуранинг ўйлари бузди.

Зоҳир ўнгида кўзлари шаҳло, кулишлари ва қимтиниб сўзлашлари ўзига жуда-жуда ярашувчи Маъмура пайдо бўлди. У ҳозир: «Зоҳир ака, сизга нима бўлди, яна ўша кўчалар чорлаяптими, йўқ, сиз аввалги йўллари тарк этинг» дейяётгандай, барча сир-асроридан хабардор бўлгандай жиддий тикилиб турар ва узун сочларини ўйнаб, қулочларини очиб ўзига чорлаётгандай эди. Ў ўз-ўзига: «Йигитнинг гапи битта бўлади», — деди-да, Гиёсни кутмасдан ечиниб ётди ва уйкута кетди.

Зоҳир аскарликда юриб қолдирган имтиҳонларни топшириши керак. Бу масала осонликча кечмаётир. У ўз қарзларини топширмаса, иккинчи курсдан бошлашига тўғри келарди. Шундай бўлса-да, ректоратнинг буйруғи билан уни учинчи курсга расмийлаштирдилар. «Изм-изм»лардан конспектлар олиши, қолдирилган семинарлар, имтиҳону зачётлар унинг икки елкасидан эзиб турарди. «Қарзларингни узмасанг, иккинчи курсга тушириласан» деган шартнома ҳам бўлиб, бу Зоҳирнинг ихтиёрини тамоман банд этган. Шу боис унинг бирор дақиқа ортиқча вақти йўқ. Юрганда ҳам, турганда ҳам, ҳатто овқатланиш пайтларида ҳам кўлидан китоб тушмас, қироатхона ёпилгунча ўқир, конспектлар олар, шоир айтган:

*«Умр ўтар жуда тез, беқўним,
Кўзлаган чўққидан ошолмам,
Гар унум бермаса ҳар куним,
Мен уни умримга қўшолмам»*

деган ақидага қатъий амал қиларди.

Зоҳир бир сўзли йигит, ҳамма вақт айтганининг устидан чиқиб келган. Шанба-якшанба кунлари ҳам уни истаганлар қироатхонадан топади.

Шавкатшефга «бораман» деб ваъда берилган кун ҳам яқинлашмоқда. Шеф кетгач ортидан: «бориб бўпман» деган ҳам ўзи-ку! Барибир шеф яна қидириб келади, шу сабабли шанба кун китобларини олиб Фиёсга ҳам индамай қишлоғига кетди. Фақат якшанба кун қош қорайганда ётоқхонага кириб келди.

— Зоҳир ака, Шавкат ака шанба кун сизни узоқ кутибди, боравермаганингиз учун ҳавотирланиб ётоққа келди. Қачон бўлса ҳам борсин деб илтимос қилди.

Зоҳир ҳеч нарса демади-да, китоб мутолаа қилишга ўтирди.

Нималар бўляпти ўзи, боши ровлаб ҳеч нарса кирмаяпти. Кўринишдан китоб ўқиётгандай бўлса-да, хаёли паришон. Агар шундай давом этаверса. Зоҳир бу даргоҳни тарк этиб кетиши керак. Уни ички икки кураш емирарди, бири кечмиш гуноҳлари бўлса, иккинчиси катта йўлни танлаб, бу йўлнинг сўқмоқларидаёқ адашиб бораётгани эди.

Зоҳир ўзини-ўзи айблар, яна яшаш деб аталган

шафқатсиз гирдобнинг туб-тубига сингиб бораётгани ҳам ҳаёт қонуни эканлигини ўйларди-да, ўзига далда берарди. «Эртага мен ким бўламан, миллат кишисими ёки яшашни, кун кўришни деб югуриб юрувчи, ҳар қандай ифлосликларни «паҳ» демай бажарувчи, егани, ичгани, кийгани, топган-тутгани харомдан иборат Шавкатшефдай беномусми. Ахир ўтмишда боболаримиз бундай эмасдилар. Бу енгилтаклик, узоқни ўйламаслик, манқуртликни қай миллат олиб келди?! Нега энди кулвачча бўлиб яралиб қолганимиз етмай, ўйлашларимиз, тафаккурларимиз ҳам тобе бўлса. Ахир «Номарднинг оёғига йиқилган бир бош кўрсам, дўстларимнинг кўзида ялтираган ёш кўрсам, чидай олмайман» деган ким! Зоҳир китобни ёпди-да, улоқтириб ташлади. «Ялтироқ бачкана гаплар йиғиндиси. Агар китоб чинакам китоб бўлганда уни қўлга олдингми ўқимасдан қўймасдинг, бу «изм»ларни қўлга олдингми эснагинг, уйқунг келади ё бўлмаса кўзларинг саҳифалар ва мисралар устида дайдиб юради, хаёлинг арши-аълода бўлади, хўп бурдсиз, ҳар куни ўзгариб турадиган қуруқ гапларни ўрганиб нима қиламан, ўқишни ташлаб, бошқачароқ ҳаёт кечирсаммикан, наҳотки ўзим ҳазар қиладиган Шавкатшефнинг куни бошимга тушса. Йўқ, йўқ. Бу «изм»лар ўзгаради, мен эса ҳозирча барибир ҳеч ким эмасман, нима бўлса-да ўқишим керак. Ҳамқишлоқларим мени ўқияпти, олим бўлади, деб умид билан юрсалару мен бу ерда қуруқ сафсата сотиб, бўлмағур ўйлар гирдобига ҳалак бўлсам».

Зоҳир кеча курсдошларидан бирининг оғзидан «Сиртдан ўқувчилар ўзлаштиришнинг янги бир усулини топишибди, «изм»лардан конспектни кимларгадир ёздириб топширишаётган эмиш» деган гапни эшитди. «Мен ҳам тезроқ қарзлардан қутулиш учун шундай қилсаммикан, кўчириб берувчиларга ҳақ тўлаш керак. Пулни қаёқдан оламан, яна шефнинг хизмати ни ўтайманми». Бу хил бўлмағур хаёллар билан қимматли вақти елдек ўтаётганидан ранжиди.

Шу кунларда Зоҳирнинг келажаги ҳам саробдай кўзга кўринмас, қўл билан тутиб бўлмас, самарасиз, бачкана бир нарса бўлиб қолаётгандай эди.

Зоҳирда ёшлиқдан эшитиш, тинглаш, айниқса ёд олиш қобилияти ривожланган эди. У ҳар қандай мураккаб асарларни астойдил бўлса, яхшилаб ўқиса, ёд бўлиб қоларди. Энди у бутун-бутун китобларни ёд

олишга киришди. «Изм»ларни ёдлай бошлади. Семинар ва машғулотларда шундай жавоб бера бошладик, ҳамма ҳайрон. Ҳатто бир куни Фиёсга: «Сен китобга қараб тур, мен гапираман» деб бутун бир китобни бошдан-оёқ ёддан айтиб берди.

Кўрибсизки, ҳаш-паш дегунча Зоҳир олийгоҳда жуда машҳур бўлиб кетди. Ҳатто энг катта домлалар ҳам «Бу йигитнинг истиқболи бор!» деб мақташар, баъзилари эса ҳозирданоқ ундан чўчишарди.

— Зоҳир ака, ўргатинг менга ҳам! Ҳеч бошимга кирмаяпти. Ахир сиз қандай қилиб бутун бир китобни ёдлаб оласиз? Сири нимада?

— Бунинг ҳеч қандай сир-асрори йўқ, Фиёс. Ўтмишдан шундай ҳангома бор: икки ўртоқ бўлган экан. Икковлари ҳам мадрасада таълим олар эканлар. Худди сиз билан мендай. Бири шеър ёзар экан. Иккинчиси бир қарашда ёдлаб олар экан. Шоир шеърини қоғоздан ўқиса, дўсти худди ўзи ёзгандек ёддан айтаркан. Аммо яхши шоир экан. Унинг истеъдоди подшоликка етибди. Подшоҳ шоирни ва унинг дўстини хузурига чақирибди. «Қани шоир бўлсанг, шеърингни ўқи?» — депти. Шоир шеърни қоғозга қараб ўқибди. Подшоҳ қойил қолиб, энди унга ҳайр-эҳсон тортиқ қилмоқчи бўлиб турганда шоирнинг дўсти: «Шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечинг, бу шеър меники», дебди. Шоҳ ҳайрон қолиб: «Буни қандай исбот қиласан?» дебди. Шунда шоирнинг дўсти: «Қани, яна бир ўқисинчи, эшитинг», дебди. Шеърни қоғозга қараб, ифодали ўқиб берибди шоир. «Хўш, энди нима дейсан?», дебди шоҳ. Шунда у шеърни кўзларини юмиб туриб ёддан ўқиб берибди. Шоҳ «Нега мени лақиллатдинг», деб дарғазаб бўлибди. Шоир бошқа шеърни ўқибди. Подшоҳ яна шоирнинг дўстига: «бу ҳам сеникими?» депти. «Ҳа, шаҳаншоҳим, бу шеър ҳам меники», дебди дўсти.

Подшоҳ шеърни қўлга олиб ўзи ўқиб берибди. Шоир: «Шеър меники, кеча ёздим-ку, шоҳим, бу йигит тухмат қиляпти, қани буни ҳам айтиб кўрсинчи», депти.

— Хўп, бўлади шоҳим, сиз қоғозга қараб турунг, мен айтмай, — депти йигит. Яна у шеърни ёддан ўқиб берибди.

Ҳайр-эҳсонни шоир эмас, унинг шеърини ёддан ўқиган дўсти олган экан. Ёд олишда гап кўп, бошимга ҳеч нарса кирмагач ёд олишга мажбурман, Фиёс.

Зоҳирнинг қобилияти ҳақидаги шов-шувлар олийгоҳга тарқади. Зоҳир деган йигит чиқибди. У ҳар қандай китобни бир карра ўқиса ёки эшитса бас, ёд бўлиб кетармиш. Бу ноёб истеъдодни ривожлантириш керак. Шов-шувлардан Зоҳирнинг ўзи чўчий бошлади.

Ҳали олийгоҳни тугатмасиданоқ турли ташкилотлардан уни ишга таклиф қила бошладилар.

Олийгоҳ ректори ҳам Зоҳирга харидор. Шу ерда қолиб ишлаши, тезда ундан зўр олим чиқажагини, бўлажак ректор шу йигит деб айтиб юрган эмиш.

Зоҳир ёлғиз қолганида: «Шунчалик истеъдодим бор экан, нега энди буни олдинроқ сезмадим», дер ва ўзини-ўзи синаб кўрарди. Ректор айтиб юрган гаплар эса унга фойдадан кўра кўпроқ зиён келтирар, душманларини кўпайтирарди, холос

Маҳмуд билан Мўйдин ҳовузга ташланган тошдай сингиб кетишди, улар жим-жит. Душманнинг жимиб кетиши ҳам хавfli бўлади. Зоҳир улар оёғидан чалишга пайт пойлаб юрганини яхши билади. Бироқ бир куни Маҳмуд атайлаб Зоҳирдан кечирим сўраш учун унинг ёнига келди ва деди:

— Яқинда давлат имтиҳонлари бошланади, сўнгра ҳаммамиз ҳар томонга тарқалиб кетамиз. Сиз эса шу ерда домла бўлиб қолармишсиз. Эшитиб хурсанд бўлдик. Бироқ мен ҳақ-ноҳақ сизга қилган ёмонликларим учун кечирингизни сўрайман.

— Менинг олийгоҳда қолишим ҳақидаги «миш-миш»ларга асло ишонманг, бу шунчалик гап, холос. Аввал нималар бўлган бўлса бари ортда қолди. Аллақачон эсимдан чиқиб кетган. Ҳавотирланманг.

— Шундайдир-ов, лекин мен ифлослик қилдим. Тан олмай иложим йўқ.

— Бўлди дедим-ку, кечирдим. Ҳавотирланманг. Ишқилиб яна пайт пойлаб, чап биқинга санчилмаса бўлгани.

— Ана шу-да, сиз ишонмайсиз. Бунга тўла асосингиз бор. Нима қилай, мен топшириқни бажардим.

— Бўлди, вақтимни олманг, жўнанг, кечирдим дедим-ку, бас! Яна топшириқ беришса-чи.

— Беришмайди, энди асло уларга яқинлашмайман.

— Ўрганган кўнгил, букрини фақат гўр тўғрилайди.

— Зоҳиржон, ундай деманг, бурнимга сув кирди, айбимга иқрорман.

— Менга барибир, бу ёғи имонингизга ҳавола, мен кечирдим.

Зоҳир шартга ўрнидан туриб чиқиб кетди. Маҳмуд эса унинг ортидан бақрайиб қараганча қотиб турарди.

Зоҳир шашт билан шу кетганича тўғри Мамадали Юнусов кабинетига қараб юрди. Бир даста қоғозга кўмилиб ўтирган Мамадали домла Зоҳирни кўриши билан қоғозларини бир четга сурди.

— Зоҳиржон, яхши келдинг. Иш жуда кўпайиб кетди.

— Домла, нима қилай, ёрдамлашворайми?

— Йўқ, ўзим, хўш, ўғлим, ишларинг қалай?

— Ёмонмас, домла!

— Қишлоққа ҳам бориб турибсанми, ота-онангнинг соғликлари қалай?

— Яхши, домла.

— Олийгоҳда қолдирмоқчи бўлишяптилар, қандай қарайсан, қолақол, ўсасан, олимлар орасида ёмон бўлмайди.

— Домла, сизнинг яхшиликларингизни эсдан чиқармайман. Мендек довдираб юрган бир саргардонга бағрини очган, бошпана берган, балолар ёғилганда кўксини қалқон қилиб, итларга талатмай, ҳатто ҳаёт йўлига олиб чиққан одамни унутиб бўладими? Ҳаммаси учун қарздорман. Мен «Олийгоҳда қолармишсиз» деган гапларни атрофдан кўп эшитяпман, аммо расмий равишда ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ. Лекин мендек ўқуви йўқ шогирдингиз бу даргоҳда қолса, ундан халққа, юртга наф бўлармикан?

— Ҳа, ўғлим, албатта бўлади, мен бунга ишонаман, Зоҳир, биласанми, мен сендай талабаларим билан фахрланаман. Ҳатто ректор ҳам шундай фикрда. Сен ҳеч иккиланмай бу ерда қолишинг керак. Аввало Худо, қолаверса бизлар ҳам кўмаклашамиз. Уч-тўрт йилга қолмай фан номзоди бўласан. Шундан кейин катта илм учун йўл очилади. Агар қишлоғингга кетсанг билмадим, бу интилишлар сўниб кетиши ҳам мумкин деб қўрқаман.

— Энди ўғлим, тушки овқат вақти ҳам бўлиб қолди. Агар қарши бўлмасанг, бизнинг ҳовлига бориб овқатланиб келсак. Келин аянг ҳам сени сўраётган

эди. — Домла қоғозлар уюмини сартараф қилиб шкафага жойлай бошлади. Зоҳир ҳам қарашиб юборди, — қани кетдик.

— Майли, домла, келин аямларни кўрмаганимга анча бўлган, борсам борақолай.

Устоз-шогирд олийгоҳнинг гавжум кўча томонидаги асосий дарвозасидан чиқишиб, пиёда йўл-йўлакай у-бу ҳақда гурунглашиб кетдилар. Гап мавзуи устоз ва шогирд, ота ва бола ҳақида эди.

— Ҳеч бир ота ўз ўғлига, уста шогирдига ёмонликни раво кўрмайди, — деб суҳбатни давом эттирди домла, — биласанми, халқда «Олтин нафас» деган ибора бор. Мен ўз шогирдларимни бургут боласидай асрайман. Эмиш, бургут ўз полапонини учирма қилганида уни тоғнинг энг баланд чўққисига олиб чиқиб ташлаб юборар, парвозини атрофида учиб юриб кузатаркан, мабодо хавф тувилса ёки қулаётган бўлса дарҳол бориб уни илиб оларкан-да, яна чўққидан ташлар экан. Токи у ўзи мустақил парвоз қилмагунча шундай қилаверар экан. Бизлар ҳам худди ана шундай она бургутга ўхшаймиз. Шогирдларимиз токи ўз йўлини тошиб олмагунча, ўзи мустақил парвоз қилмагунча парвона бўлаверамиз.

Энди «олтин нафас»га қайтсак. Инсон бир дақиқада ўртача 20—25 марта, бир кеча-кундузда эса 30 минг мартадан ортиқроқ нафас олади. Томирнинг уриши эса 120 мингга етиб боради. Ана шу нафасларнинг биттаси «олтин нафас» дейилади. Бу олтин нафас қайси вақтга тўғри келишини ҳали одам зоти билмайди.

Кимда-ким ана шу «олтин нафас» келган вақтда нима нияту нима гап қилса албатта ўша ижобат бўлар эмиш. Шу боис айниқса оталар, устозлар ўз фарзандларига яхши ният, яхши гап қилишлари керак. Устоз отадан улуғ деган гап бекорга айтилмаган.

Ўзимиз яшаб турган шаҳарнинг Далварзин даҳасида қатор расталар, дўконлар бўларди. Бу ерда халқ ҳунармандлари, усталар ишлашарди. Биламизки, қосиблар жуда инжиқтаб, ҳар бирининг ўз дунёси бор кишилар бўлади.

Усталар ўртасида энг машҳурларидан бирининг ёлғиз ўғли бўлиб, бироз эрка ўсган эди. Ўғил устахонага тез-тез келиб: «Қани, пахан, пулдан чўзинг, агар бермасангиз дўконларингизни ҳам сотиб юбораман,

давай, давай!» деганларини кўп кўрганман. Ота ўғлига пул берар, ўғил эса раҳмат ҳам демай дўстлари билан ашулани ванг қўйиб кетарди.

Ўғлининг ортидан: «Ажойиб ўғлим бор-да, ризқинг баланд, мартабанг улуғ бўлгур, ажойиб одам бўлади-да» дер, ҳамкасбларига мақтанарди. Косиблар эса юзига айта олмасалар ҳам ортидан: «Уста бола тарбиясига яхши эътибор бермай, уни ўта талтайтириб юборди. У катта бўлгач ҳали кўп ҳунарлар кўрсатади» дердилар. Аммо уста уларнинг ўзи ва ўғли ҳақидаги ифво-ю шубҳаларини сезиб турса-да, ҳеч қачон ўғлидан хафа бўлмас, аксинча уни дуо қилар, мақтар эди.

Орадан йиллар ўтиб ўша устазодаларни ранжитиб ҳайратга солган, отасининг эса ҳамиша қарғишини эмас, дуосини олган бола шаҳарнинг энг йирик раҳбарларидан бири бўлиб етишди.

Бу ҳангоманинг хулосаси шулки, ота нима бўлса ҳам, жондан тўйса ҳам ўғлини қарғашдан ўзини тийди, дуо қилди, отанинг олтин нафасига тўғри келган бола ўсди, унди, кўкарди, ота айтганидан ҳам зиёда инсон бўлиб етишди. Бугун у барчага ибратдир.

Шунинг учун бизлар ўз фарзандларимиздай бўлиб қолган шогирдларимизга фақат олтин нафасларимизни раво кўрамыз.

Зоҳир домланинг ҳикматга тўла бу ҳикоясидан ўзига муносиб хулоса чиқариб борарди...

Зоҳир устознинг ҳовлисида бўлмаганига бир неча йил бўлди. Шундай эса-да, унинг номи бу хонадонда тез-тез зикр этилиб турилади. Сухбатларда Мамадали домла доим унинг олийгоҳга қабул қилиниши тарихи, бир камбағал одамнинг фарзанди эканлигини, шаҳар боғида кечалари бир эски тўшакнинг ярмини устига, ярмини остига ёзиб ётиб кеч кузгача кун ўтказганини, бугун эса ҳамманинг тилига тушган талаба бўлганини унинг келажаги янада ёрқин эканлигини айтиб юради. Зоҳир буни ҳозир ҳам сезиб бораётир.

Домланинг сухбатларидан завқланган Зоҳир устоз ва шогирд ҳақида аввал ўқиган ва эшитганларини эслай кетди:

— Бир бола Хитой чиннисозига шогирд тушибди. Роса тўрт йил унинг хизматида бўлибди. Чинни лойини қоришдан тортиб, ўт ёқишу хумдондан чинниларни олишгача ҳаммасини ўрганибди. Устози эса ҳадеганда унга жавоб бермапти, шунда у:

— Устоз, энди ўрганиб олдим, жавоб беринг, — депти.

Шогирднинг бу енгилтаклигидан биров ранжиган устоз қаршилиқ қилмапти.

— Ҳай, майли, яна биров турсанг бўларди, — депти.

Шогирд эса кўнмапти. У устоз розилигини олмай, ўз юртига равона бўлибди. Юртига бориб бутун билган ва кўрганларини ишга солиб хумдон ясаб, тупроқ келтириб, яхшилаб элақдан ўтказибди ва лой қорибди... Хумдонни очиб қараса чинни эмас, коса чиқибди. Бир неча бор такрорлапти, барибир чинни чиқмапти. Шундан кейин у устознинг ҳузурига бориб, тиз чўкиб йиғлаб, узр сўрабди, шошқалоқлик қилганини айтиб қайта-қайта кечирим сўрапти. Шундан сўнг уста депти:

— Биринчидан, менинг розилигимни ва дуоимни олмадинг. Охирги сирни энди ўргатмоқчи бўлиб турганимда сен шошилдинг, кутмадинг. Хумдондан чиққан ҳар бир идишни қўлга олиб, аста артиб ва унинг ичига бир марта «фуф!» дейишни билмадинг. Энди майли, мен розиман, ҳозир айтганларимни қилсанг, худо хоҳласа ишларинг юришади. Оқ йўл сенга!

Шогирд ўз шаҳрига қайтиб келибди. Устоз айтганидай иш тутибди. Натижада биринчи хумдонданок шундай жонон чиннилар чиқибдики, дарҳол у тилга тушибди. Шундай қилиб шогирд машҳури жаҳон бўлиб кетган экан.

— Офарин, ажойиб ибратли ҳикоя экан, буни ҳар бир шогирд катта ҳаёт йўлига отланаётганда эшитиб қўйса фойдадан ҳоли бўлмас деб ўйлайман. Зоҳиржон, суҳбат йўлни қисқартади деганларидек, келиб қолганимизни ҳам билмай қолдик.

— Аяси, ҳо, аяси, Осиёхон, қанисиз, ўғлимиз Зоҳиржон келдилар! — Домла кўча дарвозасидан кира солиб ўз хурсандчилигини хотинига изҳор қилиб баланд овозда чақирар эди. Ошхонадан Осиё опа югуриб чиқди. У Зоҳир билан кучоқлашиб, юз-кўзларидан ўпиб кўришди.

Осиё опа, жуда ёшлигида ота-онадан қолган, аввал қариндошлари кўлида бўлди, уларга ҳам оғир келганда болалар уйида тарбия топди. Ҳозир олийгоҳнинг энг ҳурматли домлаларидан ҳисобланмиш Мамадали Юнусов билан улар болалар уйида топишган. Домла-

нинг тақдири ҳам Осиё опаникига жуда-жуда ўхшаб кетади. Икки етим бугун икки ўғил-қизнинг ота-онаси, юзлаб-минглаб шогирдларнинг меҳрибон устози.

Мамадали домла машгулотларда ҳам етимхонада Осиё опа билан қандай тарбияланиб, қандай танишгани, қандай турмуш қурганлари, ўқиганларини, ўз номига ярашиқли рафиқаси бутун бир Осиёнинг ардоқли қизи бўлиб етишганини ҳикоя қилиб беришни яхши кўрарди. Гарчи талабалар домладан бу ҳангомаларни бир неча бор тинглаган бўлсалар-да, ҳар гал домла бу ҳақда гап очиб қолгудай бўлса жон деб эшитардилар.

— Зоҳиржон, бормисиз ўғлим, ўқишларингиз, муваффақиятларингизни домлангиздан эшитиб, хурсанд бўлиб юрибман. Ўзим бир бориб келай десам, вақт деган нарса етишмаётир. Тинч-омонлик бўлса етади. Ота-онангизга бориб турибсизми, укаларингиз яхшими?

— Раҳмат, опа! Бир туз тотиган жойга минг бор салом бер деганлар. Мен ўзим келиб, ҳар куни сизга минг эмас, юз минг салом берсам-да, камлик қилади.

— Раҳмат, ўғлим, юринг дастурхонга, тик туриб гаплашмайлик. Домла, қаёқдасиз?

— Ҳозир, — Мамадали ака безатилган столдан кўнгли унчалик тўлмадими, нариги хонадан ширинликлар олиб чиқиб қўйди. Улар стол атрофига ўтиришди. Эндигина Осиё опа тандирдан узиб келган, ховури чиқиб турган ёғли патир синдирилди.

— Меҳмон, марҳамат, — деди домла.

— Меҳмон деманг, домла, ўз уйим-ку, мен қандай меҳмон бўлай! — Зоҳир ярим эркаланиб ранжигандай бўлди.

— Ҳа, майли, унда мезбон, нондан олинг! — Ўртада бир илиқ кулги кўтарилди.

Зоҳир ҳеч нон кўрмагандай нонни катта-катта тишлаб лунжини тўлдириб ер, оғзида нон билан яйраб ёш болалардек сўзларди.

— Опа, нонингиз бунча ширин! Ўзи қўлингиз ширин-да!

— Ош бўлсин, Зоҳиржон! — деди Осиё опа ва қизига иссиқ овқатни олиб чиқишни буюрди. — Маъмураҳон, маставангиз тайёрми, олиб чиқинг, акангиз бир тотиб кўрсин.

Бу ўпа Маъмур, Зоҳирни аскарликка кузатганлар

орасида ёшли кўзларини тикиб турган қиз. Ҳозир у нега олдин Маъмурага эътибор бермагани учун ўзини койиди.

— Опа, иссиқ овқат ҳам бор демайсизми, ўз қўлингиз билан ёпилган нонни емаганимга анча бўлганлиги учун бир ўзим иккитасини гупиллатиб тушириб қўйдим. Укамиз обжора бўлиб кетибди демасаларингиз бас! Студентнинг бир тўйгани давлатли бўлгани деганлар.

Гап нон ҳақида кетганда, домла яқинда бўлиб ўтган бир ҳангомани айтиб бергим келади, деди.

— Қани эштайлик, нондан улуғ неъмат йўқ дунёда.

— Яқинда ўрисларнинг адабиёт ва санъат ҳафталиги бўлиб ўтди. Улар ҳаддан ташқари ортиқча сийланди. Бир куни нонуштага иссиқ нон ва қаймоқ қўйилди. Албатта дастурхонда узум, анор, олма ва ичимликкача бор эди. Шунда ўриснинг жуда машҳур киноюлдузларидан бири нонушта қилиб бўлдимиз, аввал ялтираб турган ёғли лабларини, сўнгра ёғли бармоқларини бир тўрғам оппоқ нонга артди-да, дастурхонга ташлади. Буни кузатиб турган бир қария ўрнидан туриб ғазаб билан унга: «Нон нималигини биласанми, нон кўр қилгур, ол уни. Бир дона увогини қолдирмай е! Сендайларнинг касофатига юртимиз шу аҳволга тушиб қолди» деди. Ҳалиги киноюлдузни эса хонадан ҳайдаб чиқартирди ва уни келган ерига шу куни кетказиб юборишди.

— Ҳа, жуда ажойиб воқеа экан.

— Ўша қария, биласанми, ким эди, у Ленинград қамалида бўлган, таниқли бастакор Соловьев-Седой эди.

Шу вақт Маъмура ҳиди димоқларни ва хонани тутиб кетган маставани олиб кирди. Биринчи чиннини отасига қўймоқчи эди, Мамадали ака Зоҳирнинг қаршилигига қарамай унинг олдига сурди. Овқат ҳаммага тортилди. Зоҳир чиннини биринчи бўлиб бўшатди. Ширин нон ва мазали мастава учун миннатдорчилик билдирилди. Дастурхонга дуо қилинди.

Осиё опа Зоҳирнинг доим олиб юрувчи дипломатига қоғозга ўраб 4 дона нон солиб қўйган эди. Зоҳир дипломатни қўлга олиши билан буни сезди.

— Нима қилдингиз, Осиё опа?

— Ҳеч нарса, нон солиб қўйдим, ерсизлар.

— Раҳмат опаҷон, хайр!

Мамадали домла ва Зоҳир тушки овқатдан кейин яна пиёда қайтишга қарор қилдилар. Улар тепаси бир-бирлари билан тутшиб кетган, ёзнинг иссиқ кунларида жуда салқин бўладиган теракзор деб аталувчи хиёбон бўйлаб кетар эканлар, йўлнинг шундоққина чап томонида ўзи қорасоқол, қошлари опшоқ, икки қўлини очиб тиланиб ўтирган лўли чолга кўзлари тушди.

Лўли чол ўзи тўқиганми ёки бирорта шоирга айтиб ёздирганми, ҳар ҳолда ҳайр-эҳсонни улуғловчи, қофияга солинган мисраларни бошлаб ёддан айтиб, ўтган-кетганлар эътиборини ўзига қаратарди.

*Субҳи сабога турсангиз,
Ҳамиша тоза юрсангиз,
Бизларга бирни берсангиз,
Мингни берсун Сизга худо,
Жоним Сизга бўлсин фиго!*

*Меҳр-шафқат йўқолмасун,
Шайтон йўлига солмасун,
Қўлим ҳавога қолмасун,
Мингни берсун Сизга худо,
Жоним Сизга бўлсин фиго!*

*Мўмин-муслмон оғати:
Дуога зор оғам зоти.
Лўли бобо муножоти:
Мингни берсун Сизга худо,
Жоним Сизга бўлсин фиго!*

— Омин, сафарингиз бехатар бўлсин, улуғлар жиловкор, пирлар мадаккор, азиз-авлиёлар қўлласин, нимайки тилагингиз бўлса, яратганнинг карами кенг, шафоатини аямасин!

— Ажойиб халқ, эркин, озод, мен буларни бир жиҳатдан ҳавас қиламан, — деди Мамадали домла, — истаган жойига бориб яшайди. Уларни ҳам жиловламоқчи бўлдилар. «Кўчманчилик ота касбимиз, тек қўйинг бизни», дейдилар.

Лўлилар асли Ҳиндистондан таркаган. Турли юртларда, турли мамлакатларда кўчиб юриб яшайдилар. Уларнинг номлари ҳам турлича. Ўрислар циган деса, биз уларни лўлилар деймиз.

1935 йилмиди-ей, лўлиларни ҳам бир ерга жамлаб колхоз қилмоқчи бўлдик. Мен ўша йиллари фаол комсомоллардан эдим. Уларни жамлаб масалани ўртага ташладик. У десак ҳам, бу десак ҳам кўнишмади. Пул, от-арава, уй-жой ваъда қилдик. «Хўп» дейишди. Аммо уларни олишди-ю уч кундан кейин қарасак, бир кечада ғойиб бўлишибди.

Мен уларни истаб-сўраб, қишлоқма-қишлоқ юриб топиб келдим. Ялиндим-ёлвордим. Тўплаб олиб йиғилиш ўтказдим. Уй-жой қуриш учун керакли нарсаларни ваъда қилдик, қишлоқнинг энг яхши жойидан уларга ер бердик. Қозиклар қоқилди. Ҳаммаси рози бўлишди. Эртасига бориб қарасак, қозикларни улоқтириб ташлабдилар. Ҳаммаёқ олдингидай аралаш-қуралаш, яна янгидан қозиклар қоқилди. Эртасига яна шу аҳвол. Уларнинг орасида Ўсмонали деган бир каззопи бор эди. У билан алоҳида гаплашдик. Ўсмоналини бригадир этиб тайинладик. Шундан кейин қозиклар бир неча ҳафта жойида турди. Лўлиларга цемент, ёғоч, тахта, мих ва бошқа нарсалар берилди.

Шундай қилиб лўлилар турғун халққа айланди. Аммо ҳали-ҳали уйи-жойи бўлса-да, ота касбини қўмсашиб кетиб қолаётганлари йўқ эмас.

— Домла, бизнинг қишлоқдан уч-тўрт чақирим нарида лўлиқишлоқ бор. Қани энди у қишлоқдагиларни лўли деб кўринг-чи, кўйлақдан ёқа, иштондан липпа қолгунча тортишишади, бу қишлоқни энди ҳамма «То-жикқишлоқ» деб атайдилар.

Бир куни йўлим ўша Тожикқишлоқ томонга тушиб қолди. Улар уюшган бригада бўлиб ишлашларини ҳам эшитганман. Дала йўлидан кетар эканман, узоқдан чанг-тўзон, одамларнинг ҳар хил бақариқ-чақариқлари қулоқларимга чалингандай бўлди. Нималар бўлаётганини билмас эдим. Атрофга назар солсам, чанг чиқарадиган шамол, ҳатто шабада ҳам йўқ, «қуюнми-кан» — ўйладим. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Яқинроқ бориб қарасам, ўша бригаданинг аъзолари бир-бирлари билан муштлашяпти. Баъзиларининг афти-башарасига қараб бўлмайди, қон, уст-бошлари йиртилиб кетган, ҳамма «жанг» майдонидан чиқмай олишаётир. Озгина қараб турдим-да, «дайди муштлардан бирортаси келиб тушиб қолмасин» деб қадамимни тезлатдим. Анча юриб, ортимга қайрилиб қарасам яна чанг-тўзон осмонга чирмашади, демак ҳали муштлашиш давом эт-

моқда. Лекин ўшанда нима учун лўлилар муштлашганини ҳали-ҳали билмайман.

7

Шахсга сифиниш йиллари йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик, Сталин даври кадрларини янгилаш, мамлакатни ҳар жиҳатдан юксалтириш, дунёда энг тараққий этган Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ундан ҳам ўтиб кетиш, ҳозирги авлод 1980 йилда «Коммунизмда яшаши» каби баландпарвоз гаплар даври, Хрушчев даври бошланган эди. Мамлакатимиз бошлиғининг радио-телевизорлардаги пойма-пой гапларига ҳам бардош бердик.

Қизиғи шундаки, у киши кеча айтган гапини бутун инкор қиларди. Кўп ўтмай Хрушчев ҳақида шундай ҳангомалар тўқилдики, асти қўяверасиз. Айтишларига қараганда, у киши билан хизмат қилаётган раҳбарлардан бири сенинг ҳақингда халқда шундай анекдотлар борки, истасанг айримларини айтиб бераман, — депти. Шунда Никита Хрушчев майли, айтсанг айтақол, эшитаман, депти. Сафдоши эса ҳангомалардан фақат биттасини айтиб берибди.

Эмишки, Хрушчев бир куни Кремлга кўпчиликни тўплаб катта зиёфат берибди, емоқ-ичмоқ беҳад кўп экан. Мана кўрдингизми, яна 20 йилдан кейин бутун мамлакат халқи шундай яшайди, бунинг отини эса «Коммунизм» дейдилар депти. Шунда меҳмонлардан бири: «Никита Сергеевич, сиз бизга анекдот айтяпсиз, ҳеч қачон бундай бўлмайди» депти. Хуллас, шундан кейин Хрушчев ўз сафдошини бир кечада уриб ташлабди ва махсус қарор билан ўз шахсини масхара қилувчи, гап-сўзлар тўқиб юрувчиларни назоратга олиш, керак бўлса қамаш ҳақида қарор қабул қилдирибди.

Ажабо, дунёда мана шундай одамларнинг қўлига қарам бўлиб қолган фуқаронинг аҳволи қандоқ кечинини тасаввур қилиш қийин эмас. Ана шу машҳур қарордан кейин Маҳмуд ва Мўйдинларнинг елкаларига офтоб тегди. Улар яна аввалги хизматига тортилди. Ундайлар энди тўғри келган жойда, ким нима деяпти деб ёзиб юришибди.

Зоҳир олийгоҳни тугатиб, ўз касби бўйича бир

неча ойгина ишлади, ўқитувчилик қилди. Уни аввал газетига, сўнгра райкомга хизматга чақаришди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас Зоҳирни обкомга инструктор сўнгра бўлим мудирликка ўтказдилар. Ҳали уйланмаган бир йигит учун бу лавозимлар жуда катта сакраш эди.

Зоҳирнинг энди вақти зиқ. Қишлоққа ҳам йўли тушиб қолса боради. Мамадали домланинг хонадонини эса тамоман эсдан чиқарди.

Шанба куни эди, укаси Тоҳиржон отасининг аҳволи фоят оғир эканини, у Зоҳирни сўраб-суриштираётганини айтиб йиғлаб келди.

Зоҳир устози Мамадали домлага ва бир-икки яқинларига бу гапни телефон орқали билдирди-да хизмат машинасини чақариб, укаси билан қишлоққа жўнади. Йўлда кетар экан, хаёлига ҳар хил ёмон ўйлар келди.

Болалиги кечган кўча бўйлаб кетар экан юраги увишиб кетди. Ана Мунисхонларнинг уйи, деворлари нураб, ҳувиллаб ётибди.

Енгил машина дарвоза қаршисида мункиб тўхтади. Зоҳир болалигида ҳар куни минг марта хатлаган ариқчадан ўтиб уйга кирди. Қариндош-уруғлар бари жамланган. Кимдир ҳовлини тозалар, яна кимдир маҳалла оқсоқолларини айтиб келишни бир болага уқтирар, буларни кўриб Зоҳирнинг кўзларига ёш келди.

— Зоҳиржон, киринг, отангиз билан видолашиб қолинг, у киши йўлингизга зор-интизор қарайвериб, сизни сўрайвериб толиқдилар, — деди отасининг болалик ўртоқларидан бири Мирзаҳаким амаки. Зоҳир у киши билан шунчаки қўл бериб кўришди-да, ичкарига шошди.

— Ота, отажон, тошбағир ўғлингиз келди, — деб йиғлаб юборди у.

Ўлим билан олишаётган ота Зоҳирнинг келганини билиб, кўзларини катта очди. Ўғлига тўймай тикилди, лабларини жуфтлади, аммо бир оғиз сўз айта олмади, фақат қонсиз лаблари қимирлагандай бўлди. Бирдан «уф!» деган овоз эшитилди.

— Ота, отажон, гапиринг, мана мен, бу мен, ўғлингизман! — деди Зоҳир яна. Шу вақт ёнгинасида турган Мирзаҳаким амаки кўзига ёш олиб:

— Зоҳир, отанг сени кутиб турган экан, сен ундан рози бўл, бандачилик, у узилиб қолди, — деди.

— Отажон, мен тошбағир ўғлингизни кечиринг,

отажон, отагинам! — Зоҳирнинг ўртовчи овози ҳовли-ни тутиб кетди. Мирзаҳақим амаки марҳумнинг кўзларига қўлини олиб борди. Жағини танғиб қўйди. Ҳовлида хотин-ҳалажнинг йиғи-сиғилари бошланди...

Ҳаш-паш дегунча маҳалла оқсоқоллари йиғилдилар. Улар гўрковни, ювғучини топиш, масжидга, домлага боришни йигитларга буюришди. Оқсоқоллардан бири кафанлик ҳақида, бошқалари эса ўзаро яна нималарнидир гапиришарди.

Мирзаҳақим амаки икки йигитни ёнига ўтқазиб, атрофдаги маҳалла оқсоқоллари номига хат ёздирди. Хатда бугун аср вақтига аҳли мўмин ва барча маҳалла жамоаси марҳум Ҳалимча тоғанинг жанозасига қатнашиши илтимос қилинган эди. Хатларни ким пиёда, ким машинада тарқатгани кетишди.

Катта ўлим эмасми, ана-мана дегунча одамлар тўплана бошлади. Марҳумнинг яқинлари икки қаноти катта қилиб очиб қўйилган дарвозадан: «Вой отам!», «вой тоғам!», «жигарим!», «намозхоним!», «мўминим!», дея йиғлаб марҳум ётган хонага тўғри кириб борарди-да, «отам»лаб кўз ёши тўкаётган Зоҳирни қучиб «бандалик!», «бандачилик!» дер, марҳумга бўлган ҳурмат-эҳтиромини бажо этар, ташқарига чиқиб, саф тортиб турган одамлар ёнида бошларини эгиб тик турарди.

Ҳалимча тоғанинг қазо қилганини эшитганки одамлар кела бошлади.

Ўлим ҳақ, у кутиб турмайди. Бирдан келади. Шу боис ҳар бир мўмин-мусулмон унга шай турсин, ўлимга керакли бўлган нарсаларни иложи бўлса тирикликда ўзи тайёрлаб қўйса яна яхши, савоб бўлади. Жоёнинг жаннатда бўлгур, қабринг нурга тўлгур Ҳалимча тоға ҳам кафанликдан тортиб гўрков ва ювғучигача, ҳатто «вой жигарим!» деб йиғлаб кирувчиларга бериладиган нарсаларни ҳам ҳозирлатиб қўйган экан. Ҳеч қандай, қийинчиликлар бўлмади.

— Инсон шу-да, — деди Мирзаҳақим амаки кўз ёшларини оппоқ яктагининг енги билан артиб, — бу савдо ҳаммамизнинг бошимизда бор, ҳеч ким: шоҳ ҳам, гадо ҳам ўлимдан қочиб қутула олмайди. Одам катта йўлга чиққунча қанча-қанча сўқмоқлардан, машаққатли йўллардан урилиб-сурилиб ўтиб боради. Сўқмоқлар эса ҳамини катта йўлга олиб чиқади. Катта йўлга чиққач, минг афсуслар бўлсинки, у йўлнинг охири фақат ўлим бўладир... — «Ётдим деганда етим

бўлган, туғдим деганда тутдай тўкилган, намозхоним, отам!» деб йиғлаётган аёлнинг ноласи Мирзаҳаким амакининг ҳозиргина айтган гапларига қўшилиб кетгандай эди.

Мархумнинг жиянларидан бири Турдиалини ёнига чақириб олган Абдували ака унга: «Ўғлим, тоғанг дунёга қайтиб келмайди, у борса келмасга кетяпти. Армон бўлмасин, бор ичкарига кир, йиғлаб ол, марҳум ётган жойида ким йиғлаяпти, ким куймаяпти, ҳаммасини билиб туради, фақат унинг айтарга тили йўқ холос, бор, ўғлим, тоғангга йиғла!» — деди. Қўлларидан ушлаб уни ичкари олиб кирди, ўзи йинини бошлаб берди.

Бу оғир мусибатли дамлар, Абдували аканинг насихатлари Турдиалининг эсидан ҳеч қачон чиқмайди, унинг юрак-юрагига муҳр янглиғ босилиб қолганлигини ҳали-ҳали айтиб юради.

— Гўрковдан хабар олдиларингизми, у-бу тутиб, чой билан қабристонга юборинглар.

— Масжиддан ёғоч отни олиб келинглар. — Мирзаҳаким тоғанинг ташкилотчилигини ҳамма биларди. У кимга нима буюрса сўзсиз бажарилар, ҳамма унинг оғзига қараб турарди.

Ташқарида жанозани кутаётган жамоа ҳовлига кириб саф бўлиб турдилар. Жанозадан аввал домла ҳаёт ва ўлим ҳақида маъруза қилди. У борлиқ билан йўқлик кўчанинг икки юзига ўхшашини, одам бу томондан у томонга ўтгунча умр ҳам тугаб қолишини айтди. Бироқ ҳар бир жон бу қисқа, ўткинчи умрда яхшилик қилсам, болаларимни тирикликдаёқ бахтли-саодатли кўрсам, улар дўстга зор, душманга хор бўлмаса, деб яшайди, деди.

Одам тирикликда ўзи қодир бўлган барча савоб ишларни адо этишга ҳаракат қилади, билиб-билмай гуноҳ ишларга қўл урган эса буни такрорламаслик учун тавба қилади, тангрига илтижо қилиб йиғлайди.

Камолхонтўра ҳазратлари ўз маърузасида барчага даҳлдор гапларни айтиб, ҳаммани йиғлатди.

Сўнг жаноза ўқиб, дуога қўл очди:

— Эй бори худое, шу дорил фанодан дорил бақога кетаётган бандангни ўз раҳматингга мушарраф қилгин! Гўрини нурларга тўлдиргин, гуноҳларини мағфират қилгин. Севган бандаларнинг қаторига афу этгин, ҳисобини осон қилгин! Номай амолини ўнг томонидан

бергин. Сирот кўпригингда мустар қилмагин, Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг шафотларига дохил қилгин. Орқасида қолаётган зурриётларига сабр-қаноат бергин. Шариати мустафо андозасидан чиқармагин. Ота-оналарига дуо йўллаб турадиган хос бандаларингдан қилгин. Омин, сафарларини бехатар қилгин, Тангрим!

Шундан кейин тобутни елкама-елка қилиб кўтариб ҳовлидан олиб чиқдилар. Кимдир гилам тўшалган очик машинага марҳумни солиб қабристонга олиб боришини режалаштирган эди, кўпчилик унамади.

Шундай қилиб, тобут қабристонга қўлма-қўл кўтариб борилди. Бу айни вақтда марҳумга бўлган эҳтиром ва марҳамат эди. Жанозага келганки барча одамларнинг елкаси амбарга тегди

Жимжитлик ватани бўлмиш қабристонга етиб келинди. Олдинда Зоҳир ака ва укаси билан бормоқда, эғнида чопон, бошида дўппи, қўлларида тол шоҳидан ҳозиргина кесиб берилган асо.

*Ором билмай шамоллардай елдинг, отам,
Фарзандим, деб минг парвона бўлдинг, отам,
Мана жимлик Ватанига келдинг, отам,
Рози бўлгин отажоним, отагинам.
Назаримда бутун олам йиғлаяпти.
Борлиқ кўксин ҳанжар билан тиглаяпти.
Нолаларим кўкрагимга сиғмаяпти,
Рози бўлгин отажоним, отагинам!*

Зоҳирнинг «отагинам!» деб қабристон бўйлаб таралган носасидан йиғламаган, кўкси тигланмаган бир жон қолмади.

Тобут гўрнинг оғзига олиб келинди. Марҳумнинг энг яқин кишиларидан ҳисобланмиш, ўзи тирикликда васият қилгани — Мирзаҳаким амаки ечиниби пахта тўшди. Ўғиллари унга кўмаклашди. Мирзаҳаким амаки «Бисмилоҳи ва аъло миллати Расулиллоҳ!» — деди-да, марҳумни жойига қўйди. «Жойи жаннатдан, маскани нурли, савол-жавоби енгил бўлсин!» деб одамлар қўлидан йиғилган тупроқни жасаднинг атрофига сочди. Сўнгра боғланган жойлари ечилди.

Мирзаҳаким амаки қабрдан чиқиб уст-бошларини қоқди. Гўрков эса тушиб лахатнинг оғзига гувала териб, тупроқ билан беркитди. У чиқиши билан тупроқ тортила бошланди. Бу ишни савоб бўлади, деб ёшлар

бажаришди, ҳар ким бир кетмон бўлсада тупроқ ташлашга ҳаракат қиларди. Тупроқ тортиб бўлинди. Гўрков кетмон сопи билан текисланган бўлди. Шундан кейин одамлар астойдил тиз чўкиб ўтиришди. Камолхонгўра ҳазратлари тиловат қилди. Фотиҳа ўқилди. Уч марта «Ҳалимча тоға қандай одам эди?» деган савол ўртага ташланди. Ҳар сафар «Яхши одам эди, раҳматлик!» деб жавоб гуриллаб эшитилди.

Одамлар ўрнидан туриб марҳум чиқарилган хонадон томон бошиб кета бошладилар. Зоҳир ҳам отаси билан ички бошир мунгли сас ила видолашди-да, уйга шошди. Чунки ҳозир жанозага тўпланганлар қайтиб бориб фотиҳа ўқийдилар, сўнгра тарқаладилар.

Марҳумни жойига қўйиб келгунарича фотиҳа ўқиш учун ҳамма етарли жой ҳозирланиб қўйилган эди. Барбир беш юз, олти юз кишигина тўшаклар солинган курсиларга жойлашди, қолганлар ариқ бўйига, дарвоза ёнига, тўғри келган жойга чўнқайиб домланинг Қуръони Каримдан қилган тиловатини тингладилар. Тиловат қилинган, унинг савобини ўтган барча авлодаждодларга, ҳозиргина жойига қўйиб келинган Ҳалимча амакининг руҳига бахшида этиб омин қилинди. Одамлар «гур» этиб ўринларидан туриб ташқарига чиқа бошладилар. Иши бор, хизматга шошаётганлар марҳумнинг фарзандларига ҳамдардлик билдиришиб, қўлларини кўксига қўйиб узоқлашдилар. Яқин-йироқдан келган қариндошлар, Зоҳирнинг ёру биродарлари, дўстлари, устозлари кўчанинг икки четида қўлларини кўксига қўйиб саф тортиб тураркан, Зоҳир улар орасида Мамадали акани ҳам кўрди. У шундоқ дарвозанинг биқинида йиғидан қизариб кетган кўзларини рўмолчаси билан артиб, бошини эгиб, Зоҳирга «дадил бўл, ўғлим!» дегандай боқарди.

Ҳозир Зоҳир чошиб бориб домласини қучиб, овозининг борича хўнграб йиғласи, кўнглини бўшаттиси келди, лекин ўлимда ҳам азадор одамлар учун амал қилинадиган қонун-қоидалар борки, гарчи улар ҳеч қайси китобга ёзилмаган бўлса-да, ҳар бир мусулмон бунга қатъий амал қилади. Мисол учун майт чиққан хонадонда ўша куни қозон осилмайди.

Шу куни ўлимни эшитганики одам қош қорайгунча келдилар. Фотиҳачиларнинг «бандачилик», «дадилроқ бўлинг», «Оллоҳ сабр берсин» дейишлари ҳамдардлик билдирганлари эди.

Зоҳир отасининг барча маросимларини рисоладагидек ўтказди. Мамадали домла атрофдан қилинган дўқ-пўписалардан қўрқмади, шогирдининг ёнида турди.

Мархумнинг биринчи пайшанбасига олийгоҳ домлалари, Зоҳирнинг дўстлари, танишлари гуррос-гуррос бўлиб келдилар. Қўшни вилоятлардан ҳам фотиҳага келувчилар кўп. Фақат Маҳмуд билан Мўйдиннинг қораси кўринмади. Балки улар ҳозир ҳам қаердадир қора чойшабни ёпиниб олиб фотиҳага кимлар келиб, кимлар кетаётганини ҳисоб-китоб қилаётгандир. Ёмон давр, отаси вафот этса дафн маросимига қатнашган ўғил партиядан ўчирилар, ишдан ҳайдалар, жазоланарди.

Зоҳир ҳам, Мамадали ака ҳам маросимларни ўтказиб ишга қайтгач, жазо олажагини яхши билишарди.

Зоҳир хизматга қайтди. Ифвогарлардан қўрқишиб жанозага боролмаган баъзи дўстлари унга ишхонада ҳамдардлик билдиришди. Ҳатто обкомнинг биринчи котиби Темур Тошев ҳам унинг ёнига тушиб Зоҳирга ҳамдардлигини айтди.

— Нима қилай ука, мен албатта ёнингизда бўлишим керак эди. Ўзингиз кўриб-билиб турибсиз. Ўттиз йил ишлаб, меҳнати сингган бир дўстим акаси ўлганида қабристонга борганлиги учун партия сафидан ўчирилиб, ишдан ҳайдалди.

— Бу албатта имонсизларнинг ишлари, шундай эмасми? — деди Зоҳир заҳархандалик билан.

— Дадил бўлинг ука, қолганларга сабр-тоқат тилайман.

— Раҳмат!

Котиб ўз хонасига чиқиб кетди.

Зоҳир билан бирга хизмат қилувчи, аммо уйига боролмаган дўстлари ҳамдардлик билдириш учун хонасида ўтиришарди. Телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман, ҳа, мен. Раҳмат-раҳмат, хўп бўлади. — Зоҳир трубкани аста қўяр экан, «иккинчи, Изменцев!» деб қўйди.

— Тинчликми, нима гап экан? — деди кимдир.

— Нима бўларди, манқуртлар! — Зоҳирнинг бирдан жаҳли чиқиб кетадиган одати йўқ эди. Ҳозир ўта толиққани учунми ёки таъзия билдириш ўрнига —

ахир бу ҳамма миллатда, русларда ҳам бор-ку — иккинчи котиб ҳузурига чақиргани учунми ўзини тутолмади. — Кечирасизлар, кириб чиқмасам тагин у ўзини осиб қўямасин, — деди ва ўрнидан туриб хонадан чиқди.

Иккинчи қаватдан учинчи қаватга кўтарилиб борар экан, ўйларига нималар келмади. Котиб қабулхонасида уч-тўрт киши навбат кутиб турганига қарамай у эшикни очиб ичкари кирди. Айланувчи креслони тўлдириб, гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига шох ташлаб, айланиб ўтирган иккинчи котиб қўзғалиб ҳам қўймади.

— Салом, ўртоқ Изменцев!

— Салом, сиз қандай коммунистсиз?

— Хўш, нима қипти?

— Нима қипти эмиш, биз исломга қарши курашиб юрсак, бу киши эса қишлоғига бориб олиб ҳар хил маросимлар ўтказадилар.

— Кечирасиз, сизнинг ҳам отангиз борми? Одам-мисиз ўзи?

Зоҳир тўлиб турган эди, портлаб кетди.

— Нима демоқчисиз, мен коммунистман, коммунистларнинг раҳбариман. Ҳали бу қилмишларингизга жавоб берасиз,

— Бу нима, менга билдирган таъзиянгиизми?

— Мен таъзия-паъзиянгиизни билмайман.

— Шундоқми, унда инсон тугул, маҳлуқ ҳам эмасиз, — Зоҳир эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Изменцев Москвадан юборилганига ўн йилдан ошган бўлса-да, ҳеч қачон бундай зарбага учраган эмас. У нима деса, шуни деган, мушугини ҳеч ким пишт демаган.

Зоҳир чиқиб кетгандан кейин Изменцев анча саросимага тушиб қолди. Ҳозир у сувни ўз жойига сепмаганини англади, қаттиқ тепки еди. Хўш, нима қилиш керак. Буни биринчига айтсинми, айтса нима дейди, йўқ, ҳеч фойда чиқмайди. Яхшиси Зоҳирга тиш қайраб юрган бошқа аламзадаларни ўзини ишга солиш керак. «Буларнинг ўзини-ўзига едирмасам, отимни бошқа қўйганим бўлсин!» — деди Изменцев. Барибир биринчига Зоҳирнинг қўполлиги, диндор кишилар билан алоқаси борлигини айтмоқчи, мавриди келганда бундан ҳам фойдаланишни, агар Темур Тошевич қаршилик кўрсатгудай бўлса, тўша-тўғри Москвага, Марказий Комитетга, Сиёсий бюрога хат қилиб «ўзбеклар

миллатчилик, маҳаллийчилик қилмоқда» деб ёзишни, хатта кимлар имзо қўйишини, хуллас сопини ўзидан чиқармоқни режалаштириб қўйди.

Зоҳир Изменцевнинг хонасидан чиққач ҳеч кимга учрамади. У бу даргоҳга ишга ўтиб хато қилганлигини энди равшан англади, лекин кеч эди. Изменцев унинг бошига ҳали қандай савдолар солишини, бу ишда Маҳмуд ва Мўйдин каби югурдаклардан фойдаланишларини у биларди?!

* * *

Зоҳир ҳар куни ишга келиб-кетмоқда, бир оёғи қишлоқда, отасининг ҳар пайшанбасида бўлиши, қирқигача қатнашиши керак.

Кеча ишдан кетаётганда, пастда турадиган навбатчи милиционер ёнида аввалги «дўстлари» Маҳмуд билан Мўйдинни учратиб қолди. Зоҳирни кўриши билан уларнинг ранглари ўзгариб кетди. Буларни Изменцев чақирганини Зоҳир дарҳол фаҳмлади. «Дўстлар» илжайишиб ўринларидан туришди ва Зоҳирга қўл чўзишди, газетада ўқиб қолдик, бандачилик бўлибди» дейишди.

— Раҳмат! Раҳмат! — дея Зоҳир ташқарига чиқди.

Шу чоқ бу икки нусха ўзларини қолиблардай кўрсатишга ҳаракат қиларди. Барибир улар мағлуб эдилар. Қизиқ, улар бу ерда кимни кутаётган экан? Зоҳир аввал қизиқсинмади. Бироқ машинага ўтиргач, «Бу ярамасларни Изменцев чақирган бўлса-я» деган хаёлда машинанинг ўзидан навбатчи милиционерга телефон қилди: «Ҳозиргина ёнингизда турган икки кишини ким чақирган экан, тагин улар менга эмасми?»

Навбатчи милиционер: «Учинчи қаватга кўтарилишди, Изменцевга кириб кетишди», деди.

Демак Изменцев иш бошлаганига Зоҳир энди тўла ишонди. Чунки у киши кимни ёқтирмаса, уни яхши биладиган одамларни ишга солади. Хатлар ёздиради, керак бўлса турли тухматларни ҳам уюштириши мумкин.

Хуллас, кейинги ҳафталарда бу икки шахс обкомга тез-тез келадиган бўлиб қолишди, улар иккинчининг қабулида бўлаётгани аниқ эди.

Ҳар ҳафтанинг биринчи куни бўладиган йиғилишда Изменцев котибият эътиборига Зоҳирнинг устидан тушган хат ҳақида ахборот берди.

— Зоҳир Ҳалимчаев истеъдодли ходим. Унинг келажаги шубҳасиз ёрқин. Аммо менинг қўлимдаги баъзи ҳужжатларда унинг келиб чиқиши, халқни алдаб, партия сафига кириб олгани, аввал қамалгани, катта бобоси Худоёрхоннинг ҳарбий вазири, лашкарбоши бўлганлиги, диндорлар билан диний маросимлар ўтказиб, ўзи ҳам фаол қатнашаётганлиги, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда эканлигини билдирувчи маълумотлар бор. Агар котибият рози бўлса, бу хатни ўзим яхшилаб ўргансам-да, натижасини билдирсам.

Темур Тошевич Изменцевнинг кейинги вақтдаги баъзи ноҳўя хатти-ҳаракатларини билиб турса-да, у билан ишлашга мажбур. Агар унинг хоҳишига қарши чиқадиган бўлса Изменцев Марказга, Сиёсий бюрога ёзади.

— Хатни менга берсангиз, — деди Темур Тошевич, — мен ҳам танишиб чиқсам.

— Темур Тошевич, сизнинг ишларингиз кўплигини ҳисобга олиб, бу вазифани ўз зиммамга олган эдим.

— Ҳечқиси йўқ, вақт топаман, — деди Темур Тошев ва шу билан бутунги котибият йиғилиши ишга яқун ясади. Ҳамма тарқалди.

Темур Тошевич Зоҳир устидан тушган хатни яхшилаб ўқиб чиқди. Унда айтгулик ҳеч нарса йўқ. Булар худди бир киши томонидан уюштирилгандай. Хатларнинг деярли барчаси кейинги бир ҳафта ичида ёзилган. Шунинг учун у ўзича «Бу Изменцевнинг навбатдаги найранги бўлса керак,» деб тўғри тахмин қилди.

Зоҳирни бир куни иш билан ҳузурига чақириб таваккалига ундан: «Изменцев билан алоқангиз қандай, яқин ўртада ораларингиздан қора мушук ўтганми?» деб сўраб қолди.

Зоҳир бошлиқ устидан бошлиққа ёки ўз ходимларидан ўзгаларга шикоят қиладиган йигитлардан эмас. Шундай бўлса ҳам бу гал Темур Тошевичга бор гапни айтишга мажбур бўлди.

— Отамнинг вафотидан кейин таъзия билдирмаган кимса қолмади. Бу киши эса ҳузурларига чақириб олиб сиз коммунистсиз, нима қилиб юрибсиз, диний маросимлар қилаётган эмишсиз, дин арбоблари билан алоқангиз бор эмиш. Отангизни кузатиб қабристонга борибсиз, деб қолди. Мен эса «Нима қипти, коммунист одам эмасми?» дедим. У киши бирдан портлаб кетдилар. У бирни деса, мен иккени дедим. Назаримда у

киши мени бу ердаң жилдириш йўлини қидириб, иш кўраётганга ўхшайди.

— Бор гап шуми?

— Шу.

— Ташвиш қилманг, дадил ишлайверинг. Тортсак, бирга тортамыз. Аввал ўзингга боқ, сўнгра ногора қоқ, демасиз-да!

— Хурматини қилдим.

— Эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди, дейди у.

— Кўрққан олдин мушт кўтарибди-да, бачканалик.

— Ҳеч нарсамас.

— Темур Тошевич, сизнинг устингиздан ҳам ёзиб юрмасин.

— Кўрқадиган жойим йўқ. Паймонаси тўлиб юрибди. Ёзса-ёзаверсин. На қишлоқ хўжалигини, на саноатни, на кадрларни ва на бошқани билмаса, тилимизни менсимаса, одатларимизни менсимаса. Булар кимга, нимага раҳбар. Москванинг бу ердаги назоратчилари.

— Қишлоқларга борволиб, раисларга нуқул сиз раҳбарсиз, рус тилини билишингиз шарт. Бундан буён рус тилида доклад қиласиз, рус тилида ахборотлар ёзилади ва берилади, дер эмиш.

— Тушини сувга айтсин. Ука, дадил бўлинг, ишларга муваффақият. Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлинг.

Зоҳир Темур Тошевичнинг хонасидан анча кўнгли кўтарилиб чиқди.

Обкомни деб бошлаб қўйган илмий ишлари ҳам четта сурилди. Ҳеч ким «Тўхта, сен нима қиялпсан, қандай яшаялпсан, оилавий ҳаётинг нечук?» деб сўрамайди. Зоҳир уйда ўз кўйлагини ўзи ювиб, ўзи дазмоллашни ким билар эди. Ёши анчага бориб қолди. «Уйласам-жойласам, фарзандларингни кўрсам» деб юриб отаси ҳам дунёдан ўтди. Онаси шўрлик қилтираб аранг юрибди. «Намозхони» дунёдан ўтиб кетгач, жуда бўлмай қолди. Зоҳир отасининг «Ўғлим, фарзандларингни ўзим боқсам», деган гапларини пайсалга солиб, ҳато қилганини энди-энди тушунмоқда.

Бўйдоқлик жонга тегди. Зоҳирни кўрганлар «Уйланган, уч-тўрт боланинг отасидир» дердилар. Олдинги ишқ изтироблари, «куйдим», «ёндим»лар ҳам анча сушлашиб қолган.

Кўринишидан жуда жиддийлашиб кетган бу йигитга энди қайси қиз тегади?

Зоҳир ишдан толиб-чарчаб келди. Эрта билан ўзи пиширган шўрвадан қолганини ўтга қўйиб илитди-да, қаттиқ-қуруқ нонларни солиб еди. Кроватта ечинмас-даноқ чўзилди. Девордаги «Неизвестная» суратига тикилди. Сурат гўё унга: «Ҳой қари йигит, нега уйлан-майсан, уйлан, уйлан, уйлан, шунда ҳаётнинг нималигини биласан, мана севган йигитимнинг ҳузурига файтонда бўлса-да шошяпман, сени ўйлайдиган, сен ҳам ўйлайдиган кимса борми?» — деяётгандай сузилиб қараб турарди.

Зоҳир суратнинг саволарига дурустроқ жавоб топиб беролмади. Хаёлидан кечган саволарга жавоб излади, тополмади. Биринчи муҳаббати Мунисхон унинг илк севгисини ўзи билан бирга олиб кетганми, талабалик йиллари кун ўтказиш учун мардикорликка бориб дуч келгани Марварид унинг муҳаббатини оёқлари остига ташлаб пайҳон қилдими, ё бўлмаса ўша генералнинг тантиқ қизи Лола унинг ҳисларини топтади-ми? Ўйлаб-ўйлаб поёнига етолмади.

Зоҳир охири ўрнидан туриб суратга гоҳ яқиндан, гоҳ узоқдан тикилди. Қиз унинг қулоқларига: «Йўқ, йўқ, қари йигит, сен ҳали муҳаббатни билмайсан, у сен учун энди келади. Муҳаббатинг ўзи ёнингда, атрофингда, яхшироқ қара» деб шивирлар эди. Зоҳир уйқудан уйғонгандай кўзларини ишқалаб атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ. «Қани, у, кўрсат, сулув қиз?» деди йигит ҳам шивирлаб, жонсиз сурат энди бир сўз демай, «сени қара-ю» деган ғурур билан тикилиб жим турарди.

Шунда бирдан Зоҳирнинг кўз олдига устози Мамадали домланинг қизи Маъмура келди. Бундан бир неча йил аввал талабаликнинг сўнгги дамлари домланинг ҳовлисига боргани, шунда Осиё опа ўз қўли билан ёпган лорсилдоқ нондан иккитасини гупиллатгани ҳамда Маъмуранинг ўзи тайёрлаган бир чинни маставани ана-мана дегунча туширганини, «акамиз обжора бўлиб кетибди демасаларингиз бас», деганларини эслади. Ўшанда Маъмура ерга қараб, уялиб ўтирган дамларни кўз олдига келтирди. «Бўлди, топдим, ҳой қиз, бу Маъмура эмасми, ҳа, худди ўша қиз! Маъмуранинг ўшандаги ер остидан ўтли боқишларига парво қилмаган мен сўтак», деб ўз-ўзини койиди.

Эртасига ўзи билан ишлайдиган бир ўртоғига уйланиш ҳақидаги «сир»ни очди.

— Ёпирай, қандай, биз сизни ёлғиз ўтармикан, деб юрардик, — кулди у. — Демак, шоир айтганидек, дунёдан ёлғиз ўтмайсиз.

— Ҳазилнинг мавриди эмас, отамнинг қирқини ўтказамиз-да, кейин тўй қиламиз. «Бўлажак келин ким?» ҳам демайсиз, ўзим топиб қўйдим. На қиз билан, на ота-онаси билан келишилган эмас. У домлам Мамадали аканинг қизи Маъмурахон. Мен бу гапни домламга айтолмайман. Сизга топшириқ шулки, аввало қизни билинг, сўнгра ётиғи билан домламга айтинг. Осиё опага ҳам сал шипшитинг, жавобини қачон айтасиз?

— Азизим, бу осон иш эмас, жуда тезсиз-ку!

— Шунча имиллаганим етар. Мен бир сусткаш, лаңдавур одамман. Отам раҳматлик уйланиш ҳақида гап очганларида мен доим рад жавобини қилдим. Ўшанда менга ақл бўладиган бирорта одам топилмади. Бундай ўйлаб қарасам, қари йигит бўлиб боряпман.

— Муҳлатни айтинг, қанча муҳлат берасиз?

— Ўзингиз биласиз, уч кун етадимми?

— Бўлади.

— Гап тамом. Шанба куни сизни уйда кутаман. Масалани ижобий ҳал қилишингизга ишонаман.

Улар қўл олишиб хайрлашдилар.

Уч кун айтишга осон, кутилганда вақт ҳам жуда имиллаб ўтади. Зоҳир учун бу муддат уч йилга ўхшаб кетди. Бу кунларда у нималарни ўйламади. Ҳозир ус-този Мамадали домла хотини Осиё опа билан ишхонасига келишиб: «Ҳали гап шунақами?» — десалар-чи? Унда нима бўлади. У дўстига уч кунлик муҳлат беришдан аввал бу нозик томонларини ўйламаган экан-ку!

Зоҳир шу уч кун ичида хилма-хил ўйлар гирдобида яшади. Ишхонасида ҳам, уйда ҳам ҳушёр бўлиб қадам босди. Уни шу кунларда қандайдир нотаниш кишилар кузатаётгандай, суриштираётгандай эди.

Агар масала салбий томонга сурилганида, албатта у томондан бирор хабар келарди. Жимжитлик. Демак иш юришяпти «элчи» йигит ҳам анойилардан эмас, у осонликча жон бермайди, у томонни кўндирмасдан қайтадиганлардан эмас. Доим телефон қилиб турадиган домласи ҳам шу уч кун ичида бирор марта кўнғироқ қилмади. Зоҳир энди «элчи» дўстини сабрсизлик би-

лан кутарди. У «тулки» эмас, «бўри» бўлишига шубҳа йўқ эди.

Бугун — шанба, уч кун ўтди, муҳлат ҳам битди. Зоҳир ошга ҳозирлик кўрмоқда. Оз-оздан бўлса-да дастурхонни олма, нок, узум, анор каби ноз-неъматлар безаб турибди. Ўртада ичимликнинг хилма-хили. Қўлида капкиру қулоғи эшикнинг қўнғироғида. «Турғунали келиши билан гуручни соламиз, сўнгра хушхабарни яхшалаб ювамиз». Бу хил ширин ўйлар оғушида яна ўша суратга тикилиб хаёлан деди: «Қани айт, сулув қиз, мен тўғри иш қилдимми, ахир ўзинг муҳаббатинг ўз ёнингда, атрофинга яхшироқ қара, деган эдинг, қарадим Маъмурадан бошқа қизни кўрмадим, айт, тўғри қилдимми?» Сурат шунда яна тилга кирди: «Тўғри иш қилдинг, сен кутган муҳаббат ўша қиз бўлади!» Зоҳир билан суратнинг суҳбатини эшикнинг зарбли қўнғироғи бузди. Зоҳир чўчиб тушди ва эшикка томон отилди. Қўнғироқ тутмасини босган албатта Турғунали эди.

— Энди, азизим, узатаверасиз, биз борган жойда иш битмай қолмайди, сизни табриклайман! — Қани, суюнчини чўзинг.

— Раҳмат, дўстим шундай бўлишини, бу иш фақат сизнинг қўлингиздан келишини билардим. Суюнчига нима тортиқ қилсам экан. Шу хонада сизга нимаики яхши кўринса, барини олинг, розиман.

— Йўқ, унақаси кетмайди, аввал қизилидан қўйинг, суюнчини кампирдан оламан.

Зоҳир арман коньягидан оз-оз қўйди, улар ичдилар.

Шундан кейин Турғунали элчиликни қандай уddaлаганини, оғир-босиқлик билан аста-секин юриш қилиб, охирида «ҳужум»га ўтганини, «жанг» ғалаба билан якунлаганини ҳикоя қилиб берди.

— Энди куёв тўра, кўча-кўйда ҳам эҳтиёт бўлиб юрадилар. Сизни ҳамма билади. Айниқса қиз томон. Сиз уларнинг қўпчилигини танимайсиз. Худо хоҳласа отамизнинг қирқ кунлигини ўтказгач, совчиликка борилади. Албатта камина-камтарингиз бош бўлади. Уч-тўрт аёл, сават-пават, писта-майиз ва ҳоказолар билан борилади. Нон синдирилгач, у ёғи ўз-ўзидан тезлашиб кетаверади.

— Домлам билан учрашишнинг иложи бўларми-кан?

— Бу андишали саволни у киши ҳам ўз-ўзига бераётган бўлса ажаб эмас. Менимча, яна камина воситачилик қиладиганга ўхшайди.

— Ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда бизлар юзма-юз учрашмасак-да, сизга барча ишларни юритиш учун ваколат берилади, — деди кулиб Зоҳир, — энди ошнинг гуручини солсак. Ўзларини кутавериб, қорин ҳам пиёзнинг пўстлоғи бўлиб кетди-ку!

— Қани, мен бир кўрай-чи, гуручингиз девзирами ёки ўзимизнинг жавдарими?

— Чеккақўрғоннинг гуручи Жалолбоднинг девзирасидан қолишмайди, маъзининг ширинлиги жиҳатидан бунга тенг келадигани йўқ. Гуруч солингач ўтти баландроқ ёқиш керак. Текис қайнаб сувини тортиши билан чўғ тортилади. Узоқроқ дам ейиши лозим. Токи гуручлар оёғ-қўлини узатиб, ўз қариндош-уруғларини топиб олсин.

— Палов ҳақида китоб ёзсангиз ҳам бўларкан. Андижонлик ёш бир файласуфни биламан. Уни Карим Маҳмудов, дейдилар. У киши биргина ўзбек миллий таомлари деган китоби учун фан номзоди, фан доктори бўлиши мумкин эди. У шундай қилмади. Фалсафадан илмий иш қилди. Аввал номзод, сўнгра фан доктори бўлди. Ишқилиб сиз унинг шогирди эмасмисиз?

— Йўқ, Карим акани ҳеч кўрган эмасман. Лекин у кишининг китобларини ўқиганман, пазандаликни эплай олмай ажрашиб кетишга мажбур бўлган оилалар Карим акани ўқиб, ундан маслаҳатлар олиб, оилалари қайта тикланиб бахтли яшаётганларни биламан.

— Ҳов, куёв тўра, гап еймизми, палов еймизми! Бўлинг энди, ё кетаверайми?

— Қаёққа кетасиз, бугун шу ерда бир отамлашамиз. Қани, мана бу шернинг сутидан олайлик-да, ошни сузайлик.

— Азизим, сизга ва бўлажак келинпошшага бахт-саодат тилайман, бошлаган ишларимиз муваффақиятли бўлсин. Шу тилакларимни тўй куни, кўпчиликнинг гувоҳлигида айтиш шарафига муяссар бўлай.

Қадаҳлар бўшатилади, ош солиб келинди...

9

Ҳайринисо момо келиндан ёлчиди. Маъмура эрта туриб ишга кетгунича юмушларни удалайди. Зоҳир-

ни бир ҳурмат қилса, қайнонасини минг ҳурмат қилади.

Тўйлари муносабати билан уларга шаҳардан уй берилган бўлиб, куёв-қаллиқ Ҳайринисо момо билан шу ерда яшамоқдалар. Қўни-қўшнилари очиқ чехрали одамлар. Момо оддин шаҳарга унча кўника олмайди. Бир-икки кун туради-да, қишлоғини соғиниб қолади. Зоҳир ҳам, Маъмура ҳам оналарининг раъйини икки қилишмайди.

— Худога шукур, келиним шундай бўлишини тангри таолодан кеча-кундуз илтижо қилган эдим. Бандасики астойдил тиласа, ўз шафоатини аямас экан. Чолим бояқиш бўлганида, келинимизни кўрганида борми, умрига-умр қўшилларди, — дейди кампир йиғлаб қўшниларига.

Мамадали домла ниятига етди. Зоҳирни ва қизини йўқлаб тез-тез келиб турар, янги оила эмасми, ҳар сафар нимадир олиб келар, куёвини ҳижолат қилмаслик учун билинтирмай ташлаб кетарди.

Осиё опа эса Ҳайринисо момо билан опа-сингилдай доим бирга.

Маъмура куёви ишдан келгунича у яхши кўрадиган қайнатма шўрва билан ҳаво нонни тайёрлаб кўяди. Қайнонаси атрофида минг парвона бўлиб, ўтқазгани жой тополмайди.

Ҳайринисо момо ҳам улар ишдан келгунларича эшикни супуриб-сидиради, саришта қилади. Маъмура: «Аяжон, кўйинг, чарчаб қоласиз» деса, «Болам, оёқ-қўлимни ёзиб турмасам, оғриб қолади», — дейди.

Хуллас, дунёда энг бахтли оила шулар эди.

* * *

Бугун Зоҳир ишдан кеч келди. Қўлтиғидаги бир тутам қоғозларни кўзларига қараб турган Маъмурага тутқазди-да, «Ҳорманг, бегим чарчамай келдингизми?» деган гапларига ҳам эътибор бермай уст-бошларини алмаштириш учун нариги хона томон юрди. Маъмура унинг оёқ кийимларини тартибга солган бўлди ва ортидан чопди.

— Зоҳир ака, соғлигингиз яхшими, чарчамадингизми, қорнингиз очдими, овқат тайёр. Аяжоним дадамларникига кетдилар. Келинг, қўлларингизни ювиб олинг.

Бир қўлида обдаста, бир қўлида чилопчин, билагида оппоқ сочиқ билан Маъмура Зоҳирнинг ортидан соядай эргашиб юарди.

Зоҳир қўллари артаётди Маъмурага юзланди.

— Бугун мен учун жуда оғир кун бўлди. Умуман, душанбани шунақа дейишади, бугун бунга ишондим.

Маъмура «Нега кеч келдингиз, нима бўлди, хомишсиз?» — деган саволларни беришдан, одатий эркаланишлардан ўзини тийди. Чунки ҳозир эрининг қорни оч, яхшилаб овқатлансин, дам олсин, саволлар қочмас.

Маъмура чой қуйиб узатар экан, унинг кўзларидан бўлиб ўтган воқеаларни ўқимоқчи бўлди. Аммо билолмади. Зоҳир хотини ташвишланаётганини сезди-да:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, шунчаки ўзим, жуда чарчадим, — деди.

Маъмура эрининг бу гапларидан қаноатланмади. Зоҳир буни билиб турарди. Овқатланиб бўлгач, Маъмура дадаси телефон қилганини, оналари эртага ўшандан нари қишлоққа бормоқчи эканини айтди. Эрини бироз бўлса-да чалғитиб, ғашлигини ёзмоқчи бўлди. Унинг бўйнига осилиб эркаланди, ўпди.

— Нима гап, тинчликми, негадир хомушсиз?

— Ишда нималар бўлмайди, жоним.

— Айта қолинг, нима бўлди?

— Биласизми, бизда Изменцев дегани бор?

— Иккинчи котибми, нима қилди?

— Ўша маҳлуқ билан ҳеч келиша олмайман. Фақат мен эмас, ҳамма. Отам ўлганда таъзия билдирмаган қолмади. У киши бўлса ҳузурига чақириб олиб: «Сиз қанақа коммунистсиз, биз исломга қарши ўт очиб турганда, сиз отангизни кузатиб қабристонга борибсиз, диний маросимлар ўтказибсиз», — деб гадаблади. Мен ҳам тек турадиганлардан эмасман, муносиб жавоб қайтардим. Ўшандан буён минғирлагани минғирлаган. Уч-тўрт ювиндихўр-югурдакларга менга қарши хатлар уюштирдирди. Котибиятга қўймоқчи бўлди. Натижа чиқаролмади. Мана энди у ярамас Москвага, ўз эгаларига хат ёзиб, «Маҳаллийчилик, миллатчилик қилин-япти. Обкомнинг биринчи котиби Темур Тошевич мени халққа қарши қўйиб сиғдирмаяпти», деб мадад сўрабди. Бугун Москвадан телеграмма олдик. Махсус вакиллар ҳайъати ишимизни текширар эмиш, Тошкентдаги катта оғаларимизнинг ҳам бу ишда қўллари бор-

лиги кўриниб турибди. Айтинг, қачонгача ўз ватанимизда беватан, ўз юртимизда ўз тилимиз билан сўзлаша олмай, келгиндиларга тиз чўкиб яшаймиз. Бу ноҳақликларнинг чек-чегараси борми?

Маъмура энди тушунди. Бир вақтлар дадаси: «Йигит шўрликнинг боши гаму андуҳлардан чиқмайди. Фирромликни билмайди, нима бўлганда ҳам қишлоқ боласи-да, рост гапни айтиб қўйиб, бекордан-бекорга изтироб чекиб юраверади. Ҳали ўқувчилик давридаёқ қандайдир рўзноманинг биринчи саҳифасида босилган бир мақолада халқлар отасининг номи 133 жойда зикр этилганини санаб чиқиб, саҳифанинг тагига ёзиб қўйгани, Сталин билан видолашувга бағишланган мотам митингида туравериш оёқлари оғриб кетиб «лўлининг эшагига ўхшаб» деб қўйиб, Изменцевни «сиз одам эмас, маҳлуқсиз» деб атаб ва эшикни қаттиқ ёпгани учун нималарни кўрмади: Мен Зоҳирни мана шу ҳақгўйлиги учун ҳам яхши кўраман» деганларини эслади. Ҳозир эрига жуда-жуда раҳми келди. «Биз буларга қараммиз, бошқа чорамиз йўқ» демоқчи бўлди-ю жасорати етишмади. Эрининг гапларини эшитди-ю саволларига жавоб бера олмади.

— Азизим, бу дунёда ҳақсизликлар шу қадар кўпки, уларни тугатиб бўлмайди. Биз кўкракларимизга уриб: озода ва бахтли халқмиз деганларимиз бари ёлгон. Мана шундай айтиб бўлмайдиган гаплардан бирини, хотиним бўлганлигини учун ҳам, ҳикоя қилиб бермоқчиман, тингланг. Бундан бир йилча бурун, кеч куз эди. Марказ назоратчиларидан бири Москвага борганида катта бир журналнинг бош муҳарририни биз томонга таклиф қилибди. У ҳеч қачон Ўзбекистонда бўлмаган, ўзбекларнинг меҳмоннавозлигини кўрмаган ва эшитмаган экан. Таклиф қилган одам мақтаниб ўзини кўрсатиш учун жуда баланд савияди кутиб олади. Меҳмон қаерга борса уни олдинда ДАИ, ортида эса машиналар сафи кузатиб боради. «Бир журналистга шунчаликми?» деганларга хўжайиннинг дўсти экан дейишади.

Меҳмонни кутиш ва кузатиш ҳаддан оширилиб юборилади. Бу ердаги «меzbон» ўзбекларни қандай таъриф қилса қилгандир, лекин муҳаррирининг назарида биз Россия ихтиёрида, қарамоқида бўлган, ночор бир республика, халқимиз эса қарам эди. Буни биз жойларда у кишининг ўзини тутишлари-ю муомаласи, гапларидан англадик.

Тошкентдан қизил оғалардан бири ўз кишиси бўлмиш бизнинг Изменцевга қўнғироқ қилиб яхшилаб кутиб олинг, водийни томоша қилдилинг, деган эди. Нима бўлди-ю шу куни Изменцев ўта банд бўлиб қолади. Меҳмонни кутиб олишни менга топширадилар.

Кеч куз, теримнинг бориши ёмон, ёшу қари — ҳамма далада. Биз билан бир неча машина банд. Қарера, қайси районга боришимиз шахсан Изменцев томонидан ёзиб чиқилган, тайинланган қайси бир чегарадан ўтсак йўлларга милиция қўйилган, райкомнинг биринчи котиблари қўлларида нону туз ва турфа гул билан шахсан ўзлари кутиб олишмоқда. Улар меҳмонни бир пиёла чойга ялиниб-ёлвориб таклиф қиладилар.

Мен йўл-йўлакай Изменцевнинг пахта билан боғлиқ зарур иши чиқиб қолганини, у албатта учраша-жагини айтганимда, меҳмон менга эшиттириб: «Бу онангни... Изменцевингиз русми ё сизларданми?!» деди. Мен унинг бу гапларига таажжубландим, ўзимни атай гўлликка, ҳатто эшитмаганга солдим. Лекин шу биргина оғиз сўзи билан унинг кимлиги, маданияти, ўз ботқоғига ўзи ағанаб юрувчи маҳлуқлардан эканлигини англадим. Тошкентдан унга ҳамроҳ бўлиб келганлар ҳам ҳайратда, ҳижолатда менга бир қараб қўйишди...

Биз унга далаларни, боғларни, соя-салқин жойларни кўрсатдик. Барибир у карахт одамдай ҳеч нарсага эътибор бермас, бизларни эса оёқ учида кўрсатарди.

Ниҳоят энг гўзал тоғлиқ районлардан бирига бордик. Районнинг биринчи котиби йўллардагилардан ҳам минг чандон зиёд қилиб кутиб олди. Тўппа-тўғри боғибаландга бошлади. Бу ердан бутун Ўрта Осиё кўринади десам, муболаға қиляпти, деб кулманг.

Боғибаландга шундай қаҳвахона қурилганини мен ҳам биринчи кўраётган эдим. Хоналарни айланиб томоша қилдик. Бу ерга олиб келинган жиҳозларни фақат чет элларда кўриш мумкин.

Бизларга тайёрланган хонага киришимиз билан меҳмоннинг кўзлари ёниб кетди. Қўлларини ювмасданок, бир шингил узумни олиб мошиллаб еб кетди. Биз эса бу беодоб одамга ҳайратда тикилиб турардик.

— Юравериб очдан ўлаёзгандир-да, — деди Маъмура.

— Қаёқда дейсиз. Кўзи очда, кўзи.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин десангиз, у пальтосини ҳам ечмай, қўллари ҳам ювмай юмшоқ оппоқ стулга ўтирди. Шунда Тошкентдан бирга келган ўрис меҳмонлардан бири қулоғига алланарсалар деб шивирлади. Муҳаррир ўрнидан туриб аввал пальтосини ечди, сўнгра қўллари ювиб ўтирди. Кимдир «Бу бошқа гап», — деб қўйди ҳаммага эшиттириб.

Дастурхонда, «Минг бир кеча» дostonларида таърифланганидек, чумчуқнинг сутигача бор эди.

Муҳаррирга Тошкентдан ҳамроҳ бўлиб келган одам даврани бошқарар экан, Иван Иванович Иванов бош муҳаррир бўлган ойноманинг таъриф-тавсифини келиштириб юборди. Колхозчиларни қўйинг-у шу ерда ўтирганлар ҳам бундай ойнома борлигини биринчи бор эшитишмоқда.

Шундан сўнг у рус халқининг ўзбек халқига оғаларча беғараз ёрдами, октябрь инқилоби берган бахт-саодат, қулик занжирларида эзилиб келаётган ўзбек халқи ёппасига саводли ва маданиятли бўлиб қолганини айтиб ўтди ва азиз меҳмон шарафига қадаҳ кўтаришни илтимос қилди.

— Каттароқ, рус стакандан йўқми? — сўради меҳмон.

— Ҳозир топамиз! — югуриб-елиб хизмат қилаётган тепакал одам дарҳол стакан топиб келди.

— Арақдан қўйинг, тўлдириб қўйинг, — деди меҳмон, — рус халқи ҳақида гап кетганда мана бундақа катта стаканда ичилади, мен бир сизларга кўрсатиб қўяй.

— Кўп кўрганмиз русларнинг қандай ичишини, — деди кимдир киноя билан.

Меҳмон лиммо-лим тўлдирилган стакандаги арақни бир зарб билан ичиб юборди, газлагига эса бир дона узумни олиб оғзига солди.

Даврани бошқарувчи яна миллатлар бирлиги, интернационализм ва яна қанча «изм»лар ҳақида сафсата сотди.

Сўз айтиш навбати ўрис тилини унчалик яхши билмайдиган шу районнинг биринчи котиби Қодир Низомовга берилди. У чала-чулпа қилиб, рус халқини мақтаб кетди. Пушкин, Лермонов, Толстой номларини тилга олди. Бу ерда ўтирган таниқли шоир ва ёзувчи, азиз меҳмонимиз Иванов ҳақида тўхтади. У Ўзбекистон дегани жаннат дегани эмас, азоб дегани, оғир

меҳнат дегани эканлигини, пахтакорнинг аҳволи гоят қийинлигини айтмади, мавриди ҳам эмасди. Шу вақт Иванов сал қизиб қолгани учунми ўрнидан туриб:

— Мен ҳақимда гап кетаётганга ўхшайди. Мен шоир ҳам, ёзувчи ҳам эмасман. Билмасанг, нима қиласан гапириб, — деди дағаллик билан, — мен журналистман, журналнинг бош муҳарририман, шундай деб айтгин.

— Боринг, журналист бўлсангиз журналистдирсиз, бош муҳаррирдирсиз, менга бунинг аҳамияти йўқ.

— Бу стаканга рус водкасидан қуй! — Катта стаканни кўрсатди Иван Иванович, — тўлдириб қуй! — Тепакал одам югуриб келиб, сўйлоқ тишларини кўрсатиб илжайди ва стаканга «Русская водка»дан тўлдириб қуйди. Бу сафар меҳмон ҳеч кимдан сўраб ўтирмай кўтарди, қизиги шундаки, М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикоясидаги Соколовга ўхшаб бу сафар ҳам газзига ҳеч нарса емади.

Улуғ рус халқи монолит дўстлигимиз ҳамда Иван Иванович ҳақида ҳамду санолар айтилди. Бу вақт меҳмон тебрана-тебрана ўрнидан турди-да:

— Менга ҳам рухсат беринг, гап айтсам майлими?— деди.

— Марҳамат! Сўз азиз меҳмонимиз Иван Иванович Ивановга.

— Бўлмаса гап шундай, рус халқи дунёдаги энг маданиятли, билимли эканлигини тан оласиз. Мен бир нарсага ҳайронман. Ўтган куни Хива шаҳрида бўлдим. У ерда ҳам худди мана шундай учрашувлар, зиёфатлар ўтди. Музейда Хива хонлари, беклари-ю амирларининг суратларини кўрдим. Бу ерда ҳам худди ўша хонларга, бекларга ўхшаган, босмачиларга ўхшаган, оқ салла, мовут чакмон кийган тирик бекларга, босмачиларга дуч келдим. Ҳозир мен қаерга келиб қолганлигимни билолмаяпман. — Мастлик-ростлик деганларидай, Иван Ивановичнинг дилидаги бор гаплар тилига чиқар эди, у давом этди. — Ҳамма ерда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зиёфат, дастурхондаги меваларнинг номларини ҳам билмайман. Ўзларингиз тан олиб айтганларингиздек, рус халқи сизларга бахт-саодат, эрк, истиқбол, ер-сув берган экан, демак бу боғ-роғларнинг, мева-чеваларнинг эгаси ким? Қани жавоб бериб кўринг-чи?!

Жимсиз, жавоб беролмайсиз.

Улуғ рус халқи! Бу халқ сизларга шундай жаннатмақон жойларни, мева-чеваларни бериб қўйиб, ўзла-

ри Москвада, Питерда, Сибирда бир килограмм олма ёки узум учун кун бўйи навбатда туришади ёки навбатда туриб булардан фалон пулга сотиб олишади. Сизлар бу ерда истасангиз ейсиз, истасангиз ташлаб юборасиз. Йўқ, йўқ, аввал бизга, кейин сизга бўлиши керак...

Иванов қизишиб кетди. У яна алжираб нималар деди, буёғини ҳеч ким эшитмади. Москвалик азиз ва мартабали меҳмоннинг савияси, ким эканлиги маълум бўлди.

— Бош муҳаррар эмас, Иван аҳмоқ экан, бутун рус халқига иснод келтирди бу, — деди кимдир муштини туғиб, — қани энди замон кўтарса-ю «мана бу сизга!» деб кўрсатиб қўйсам.

— Зоҳир ака, ё чинданам тентак экан, ё умуман Москвадан четга чиқмаган, ҳеч қачон китоб ўқимаган одам экан, муҳаррир бўлмай ўл!

— Маъмура, энди энг қизиги бу ёқда, буёғини эшитинг. Ивановга кўрсатилган марҳаматимиздан ўзимиз ҳам минг бор афсусландик, табиатимиз хира тортди. Изменцев тайиналаганидек, финалда бир ўзбек чопони, белбоғи ва дўпписини кийдиришимиз керак эди. Начора, сценарийдаги ишларни бажармай иложимиз канча!

Давранинг раиси тишини-тишларига қўйиб туриб, Қодир Низомовнинг илтимосига кўра олдиндан ҳозирлаб қўйилган сарпони меҳмонга кийдирар экан, гандираклаб йиқилаёзди. Башанг сарполарга қараб туриб меҳмон деди:

— Нима, энди менинг пальтом ва шляпамни олиб қоласизларми?

— Бошингдан қолсин, ҳа, онангни... — деди кимдир балохонадор қилиб сўкиб. Сўнг унинг пальтосини чопон устидан тортиб юриб кийдирди ва дўппини ўз чўнтагига солди-да, меҳмоннинг шляпасини бошига бостираarkan «ўзингга буюрсин!» деб қўйди.

Кеч бўлиб қолганлиги учун ташқари анча совуқ эди. Меҳмонни биринчи машинага ўтқаздик. Шофёр пулга ўтириши билан печкани очиб, газни босди. Меҳмон овқат емай фақат ичгани учун мотордан чиққан иссиқ уни элита бошлади. Кўнгли айниди...

Меҳмонхонага бир аҳволда олиб келдик. Мусофирхона бекаси тонг отгунча унинг уст-бошини тозалаб чиқди. Эрталаб уни марказга кузатиб юбордик. Из-

менцев ўз меҳмони билан кўриша олдими-йўқми, буни аниқ билмайман.

Маъмура бу эртак эмас, бўлган гап.

10

Москва юборган комиссия узоқ текширди, одамлар билан суҳбатлашди. Пленумгача ҳамма нарса сир тутидди. Бу орада улар бир неча бор Москвага, Тошкентга бориб келишди. Керакли одамлардан маслаҳатлар олишди.

Халқ орасида миш-миш кўпайиб кетди. «Яқинда пленум бўлармиш, биринчи котиб ишдан кетармиш. Изменцев биринчи котиб бўлармиш», яна қанча-қанча гаплар.

Ўчакишгандек пахта плани ҳам бажарилмади. Шуларни ҳисобга олганда чиндан ҳам биринчи котиб Темур Тошевич қил устида турарди.

Биз бошда Изменцев ҳузурида доим бўлиб турадиган Маҳмуд ва Мўйдинлар қаторига яна уч-тўрт киши қўшилган, улар ўз миллатига қарши курашувчи қасамхўр кимсалар эди. Изменцев уларни тез-тез йиғиб, топшириқлар берар, ҳатто катта-катта амаллар ҳам ваъда қиларди.

Пленумда кўриладиган ташкилий масала шунчаки таклифлар асосида ўтиши қийин, у албатта катта мунозарага сабаб бўлиши, ҳатто Москва комиссияси текширган ҳужжатлар ва хулосаларни бекор қилиши. Изменцевнинг ўзини пленум аъзолигидан чиқариши ҳам мумкин. Ана шу маънода ҳар икки гуруҳ астойдил ишларди. Москва гуруҳи ҳаммаёқни тарақлатиб юборди. Улар кечқурунлари пинҳона тўпланишиб ким нима дейиши-ю бериладиган саволлар, вазифалар, амаллар тақсимотигача пухта келишиб олишган.

Темур Тошевич комиссиянинг саволарига жавоб берди, керакли ҳужжатларни уларнинг қўлларига тутқазди-да, ўз иши билан чиқиб кетди.

Ниҳоят қутилган кунлар келди. Комиссиянинг хулосасини котибият кўриб чиқди. Кўпчилик овоз билан комиссия хулосаси тасдиқланмади. Демак ўз-ўзидан пленум қолдирилди. Бу ишда ниҳоятда фаоллик кўрсатган Изменцев ўрнидан туриб деди:

— Ўртоқлар, Москва комиссиясининг хулосасини тўғри, деб ҳисоблайман, агар котибият буни тушун-

маётган бўлса масалани пленум ҳал қилсин, шу сабабли пленумни кечиктиришга ҳеч қандай асос йўқ. Ташкилий масалага келсак, энг аввало КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг розилиги олинган. Бизнинг ҳозирги тутаётган ишимиз энг аввало партиёга, Марказий Комитетга ва Сиёсий бюрога қарши қилинаётган авантюристлик ҳаракатнинг ўзгинаси.

Қишлоқ хўжалиги бўйича котиб Икром Қурбонов: «Ҳеч қачон Ўзбекистонда бўлмаган, халқимиз ҳаёти, яшаш шароити, интилишлари, иқтисодиёти билан таниш бўлмаган ўртоқларнинг хулосаларига қўшилиб бўлмайди, масалага марказ нуқтаи-назари эмас, ҳаёт нуқтаи-назаридан, шароитдан келиб чиқиб қараш керак», деди.

Мафкура бўйича котиб Малик Мирзахоновдан сиз нима дейсиз, деб сўралганда, у киши қайси томон баланд келса, шу томонга ўтиб оладиган одати бўйича: «Мен ҳозирча тугал бир фикрга келганим йўқ. Бироз мулоҳаза қилай, сўнгра айтаман», — деб бу сафар ҳам қувлик қилиб сувдан қуруқ чиқди.

Комиссия раиси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Подполский вилоят партия комитетида партиявий интизом бўшашиб кетганлиги, қишлоқ хўжалигида, саноатда кейинги икки-уч йилда ишлаб чиқариш тамоман сустралгани, коммунистлар ўртасида парокандалик юз бераётгани, партиявий ҳушёрлик йўқолгани, партиявий аппаратда гуруҳлар пайдо бўлганлиги, миллатчилик, маҳаллийчилик кўринишлари кўзга яққол ташланиб қолганлиги, бу ишда айниқса обкомнинг биринчи котиби Темур Тошевич айбдор эканлигини таъкидлади.

Котибият йиғилишини Темур Тошевич якунлади. Йўл қўйилган ҳатоларни тан олди ва деди:

— Иш бор жойда хато бор, нуқсон бор. Иш бўлмаган жойда ҳеч нарса йўқ. Мен комиссиянинг масалага бир томонлама қараганини қоралайман. Ҳозир ўртоқ Подполский санаб ўтган соҳаларнинг кўпчилигига Изменцев масъул ҳисобланади, нега бу киши ҳақида ҳеч гап айтилмади? Ёки бу киши бизни фақат кузатиб турадиган марказнинг назоратчисими?

Энди миллатчилик ва маҳаллийчилик деган ибораларга келсак, миллатчилик ва маҳаллийчилик қилин-япти, деб кимлар ёзаяпти. Рус ўртоқларми, ўзбекларми?! Қурилаётган уйларнинг саксон фоизи русларга, барча

қулайликлар яна уларга, тилни билса-билмаса катта-катта лавозимлар уларга. Аҳолининг асосини ташкил этган маҳаллий халққа на уй, на қулайлик, на боғча ва на иш. Хўш, рус ўртоқларга барча имкониятлар яратилса, яна қандай маҳаллийчилик бўлсин. Бизнинг тилимиз, маданиятимиз менсилмаса, бизлар эса ўзгалар тилини мажбуран ўргансак, тарихини ўқисак. Қани, Ўзбекистон суви ва ҳавосидан баҳраманда бўлиб, турли лавозимларда ишлаётган ўртоқлардан қайси бирингиз ўзбек тилида бемалол сўзлай оласиз деб сўраб кўрингчи. Қандай жавоб оларкансиз. Улар ҳақми-ноҳақми, талаблари сўзсиз қондирилса, бизлар яна миллатчи бўлсак. Шундай қилиб марказдагиларнинг ўзлари миллий масала ҳал қилинди деб миллатлар ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқаряптилар. Энг нозик ҳисобланмиш бу масалада қуйи партия ташкилотларининг фикрлари ҳисобга олинмаётир. Менинг мана шу фикрларимни протоколга ёзиб қўйишларингизни илтимос қиламан. Эртами-кечми бу масалалар кўтарилади. Кимлар ҳақу кимлар ноҳақлиги ўшанда маълум бўлади.

Маҳаллийчилик ёмон иллат, шуни айтиш керакки, дунёда ҳеч бир миллат йўқки, у бошқа миллатлар, халқлар билан алоқада бўлмаса. Миллатнинг маънавияти, маданияти, такомили, машҳурлиги, обрў-эътибори ҳам миллатлараро алоқаларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигидадир.

Миллатларга катта-кичиклигига қараб муносабатда бўлинса, бирини улуғ деб, иккинчиси камситилса, шуни билингки, келишмовчиликлар келиб чиқаверади. Миллатларнинг катта-кичиги бўлмайди. Миллат эканки, унинг тарихи, тили, истиқболи бўлади.

Мактабларимизда улуғ Пётр, Иван Грозний, Пугачев, Разин, Нахимов, Чапаевлар ўқитилади. Аммо миллатнинг Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шерматхон, Дукчи эшон каби асил фарзандлари масхара қилиниб ёки қонхўр, золим тарзида ўргатилаётир. Марказнинг кўрсатмаси билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бузиб ўқитилди. Ўзимиздан чиққан миллати, ватанининг тайини йўқ манқуртлар неча бор Бобурга ташландилар.

Мактабларда мажбурий меҳнат дарси ҳам жорий қилинди. Бундан келиб чиқадиган хулоса: «Сенлар фақат меҳнат қилишинг керак, шунга яралгансалар», деган сиёсат эмасмикан?!

Энди сизлар ойлаб ҳозирлик кўрган пленумга кел-
сак, мен розиман. Агар масалалар тайёр бўлса, пле-
нум чақирилсин. Ташкилий масала одатдагидек мар-
казнинг кўрсатмаси асосида кўриладиган бўлса, буё-
ғини яна комиссия билади.

Менинг ишда қолишим ва қолмаслигим ўзимга бог-
лиқ. Агар пленумда қатнашсам, марказнинг ҳам, сиз-
ларнинг ҳам режаларингиз бузилади. Унда мен эмас,
сизлар ишдан олинасизлар. Буни мен яхши биламан.
Шу боис пленумда қатнашмаганим маъқул. Чунки сиз-
ларга ишлаш осонроқ бўлади. Ахир бу хил усул мар-
казнинг кейинги йиллардаги доимий ақидаси-ку. Бу
усулни халқ ё «аризасига биноан», ё «посол», ё «по-
шел» деб масхара қилиб юради. Мен яхшиси ўзим
ариза ёзиб бера қолай. Лекин шуни яхши билиб қўйин-
гизки, бу ерда ҳеч қандай гуруҳбозлик, миллатчилик,
маҳаллийчилик деган гаплар йўқ. Агар озгина мил-
латчилик сезилаётган бўлса, буни қайси миллат олиб
келганлигини билиш қийин эмас.

Мана аризам, мен пленумга қатнашмайман. Бироз
дам олай, саломатлигимни мустаҳкамлай, қолгани ке-
йинроқ бўлар.

Темур Тошевич котибият мажлисини ташлаб чи-
қиб кетди. Шундан кейин Изменцевнинг юзига озгина
қон югурди.

— Эртага соат 10 га пленум деб эълон қилаверай-
ликми? — деди Изменцев комиссия раиси Подполс-
кийга юзланиб.

— Қаршилиқ йўқми?..

Ҳамма тарқалди. Полполский воқеани қандай бўлса
шундай Москвадаги хўжайинларига телефон орқали
айтиб берди.

Подполский марказдан йўлланма олгандан кейин
Изменцев билан ҳам муносабати ўзгариб қолди. Из-
менцев эса бундан ташвишлана бошлади. Ҳозир у ўзини
еб ўтирар, қилган ишларига пушаймон эди.

Гарчи пленумда Темур Тошевич қатнашмаса-да,
анча тортишувлар бўлди. Пленум аъзолари ариза бе-
рувчи Темур Тошевичнинг ўз оғзидан эшитишни та-
лаб қилдилар. «Ўз аризасига биноан» деган гаплар
кейинги вақтда қуйи, юқори идораларда ҳам тез-тез
эшитилиб туриладиган кулгили ақида бўлиб қолди.

Биринчи котиб бу ёқда қолиб, пленум қатнашчила-
ри Изменцевни калтаклаб кетишди. Уни кимдир «ка-

бинет котиби» деб атади. «Халқ Изменцев деган обкомнинг иккинчи котиби борлигини билишмайди», — деди яна кимдир.

Пленум аъзолари бир овоздан Темур Тошевични пленумга олиб келиш, ёзма эмас, аризасини ўз оғзидан эшитишни, Изменцевнинг ишдан кетиши ҳақида ариза ёзишини талаб қилдилар.

Марказнинг вакили пленумни бошқаролмай қолди. Оддий ишчилардан бири туриб: «Агар пленум аъзоларининг талаблари ҳисобга олинмаса, диктат қилинса, у ҳолда зални ташлаб чиқиб кетишга мажбурмиз, — деди. Ҳамма қарсак чалди. Шундан кейин Москва вакили танаффус эълон қилинишини, ярим соатдан кейин пленум давом этажagini илтимос қилди.

Бўлиб ўтган пленумда ташкилий масала кўрилди. Ишда йўл қўйилган хатолари учун обкомнинг биринчи котиби Темур Тошевич, иккинчи котиби Изменцев, қишлоқ хўжалиги бўйича котиби Икром Қурбонов, бўлим мудирини Зоҳир Ҳалимчаевлар ўз вазифаларидан бўшатилади.

Пленум ўз вазифасини уддалай олмагани ва партиявий-ташкилий ишларни бўшаштириб юборгани, кадрлар масаласида қўпол хатолари учун Изменцевни КПСС сафидан чиқарди.

Пленум мафқуравий котиб Малик Мирзахоновни қаттиқ огоҳлантирди.

Пленум обкомнинг биринчи котиблигига Абдулла Хўжаевни сайлади.

11

Республика рўзномасининг биринчи саҳифасида катта-катта ҳарфлар билан кўринарли қилиб берилган пленум ҳақидаги маълумотга, телевидение ва радиолардак такрор-такрор ўқилган ахборотларга одамлар гоҳ ҳайрат билан, гоҳ ажабланиб қарардилар. Ахир Темур Тошевич уч-тўрт йил ичида жуда катта ўзгаришлар қилди-ку!

Йиллар ўтар, Темур Тошевич бош бўлиб қурилган иншоотлар, сув йўллари, маданият марказлари, боғроғлар келажак авлодга шундай инсон бўлганлигидан сўзлаб беражак.

Энг асосийси одамлар юрагига у солган ўт кўп йиллар ёниб туражак...

Фожиа нима? Фожиа кўнгил қолиши дегани. Ке-чагина собиқ обком котибининг кўлтиғига кириб олиб: «Сиз менинг отамсиз, валламатимсиз», дея оғзидан чиққан ҳар бир гапини ҳикматга йўйиб, йўталса «саломат бўлинг!»— деб юрган рўзнома махсус мухбири бугун ўзидан анча кичик бўлган янги биринчи котибни ҳам «Сиз менинг отам бўласиз, валламатимсиз»,— деб юрибди.

Бир ҳафтадан буён пленумнинг шарҳи ёритилмоқда. Махсус мухбир ўз устози Зоҳир Ҳалимчаев ҳақида ҳам катта танқидий мақола ёзди. Мақолада Зоҳир олдин ҳазиллашиб айтган баъзи гаплар ҳам тилга олинди. Отасининг Худоёрхон лашкарбошиси, катта ҳарбий саркарда бўлгани, мардикор бўлиб ишлаб юрган кезларидаги Марварид ҳангомаси, генералнинг қизи ва ҳоказолар алоҳида қора чизиклар билан ажратиб берилган. Хуллас, Зоҳир салкам халқ душманига айлантириб қўйилган эди.

Бу мақолани ўқигандан кейин Зоҳирнинг рақиблари қарсақ чалишди. «Энди унинг қўшиқлари айтилиб бўлинди», — дейишди.

Мамадали домла билан Осиё опа мухбирдан қаттиқ хафа бўлишди, шу кунгидея телефон қилишиб, уни «кўрнамак» деб аташди. Ахир унинг шу даражага етишувида аввало Мамадали домланинг хизматлари озмунча эдими. Зоҳирнинг қилган акаликлари-чи? «Ўша мухбирингга ҳам худонинг боққан балоси бордир. Охири баҳайр бўлсин», — деди Хайринисо момо.

— Ажойиб одамсизлар, менга амал бир умр хатлаб берилибдими. Менинг отам ҳеч қачон амалдор бўлган эмас. Кунимиз бир амаллаб ўтар, нима дедингиз, Маъмураҳон?

— Рост-да, ҳали олдинда иш кўп, — деди Маъмура.

Ўсиқ қошларини чимириб ўтирган Мамадали домла гапга аралашди:

— Отнинг оёғи тўртта бўлса ҳам қоқилади. Биз-ку инсонмиз. Зоҳиржон, у қоқилишлар қоқилиш бўптими? Одам боласи тирикликда қанча қоқилса майли, аммо ўлгандан кейин қоқилмасин.

*Чопқир от ҳам қоқилади, дейди шарқда,
Кўп қадимдан ушбу ҳикмат бордир халқда.
Тирикликда урса майли, сурса майли,
Дўсту душман ифво қилиб юрса майли.*

*Ўтиб кетгач бу дунёдан марҳумларни —
У деб, бу деб бадном қилмоқ ва уларни —
Тошбўронга айламоқлик бўлган эмас,
Тарих бу хил даҳшатларни кўрган эмас.
Оқ мрамардан ҳайкал кўйсин ё кўймасин,
Ўлгандан сўнг ҳеч бир одам қоқилмасин.*

— Офарин, домла! — деди ҳамқишлоқларидан бири.

— Дунёда шундай бир халқ бор, ўз улуғларини тирикликда кўкларга кўтариб мақташади, ўлгандан кейин шунчалар ҳақорат қиладиларки, ҳатто марҳумни қабристондан кўчага олиб чиқиб ташлайдилар. Ишқилиб бу иллат бизга юқмаса бўлгани.

— Бу иллатни тирикликдаёқ ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз, — деди Мамадали домла, — баъзан бунинг акси ҳам бўлади. Тирикликда қадрига етмаймиз, урамиз, сурамиз, пичоқни суякка етказамиз, замондан ва замондошлардан тўйдирамиз, уни ўз ўлимига рози қилиб кўямиз. Ўлгандан кейин эса айюҳаннос солиб йиғлаймиз, мақтай бошлаймиз, унга ҳайкаллар кўямиз. Номини абадийлаштирамиз.

— Менга қолса, — деди ҳамқишлоқларидан яна бири Козим Олим, — ҳурмат ҳам, эҳтиром ҳам тирикликда бўлгани маъзул, урадиган бўлса ҳам тирикликда урсин. Ўлгандан кейини тирикларга салбий таъсир қилар экан.

Зоҳир бу фалсафий гаплар ким учун, нима учун айтилаётганини англамас эди.

— Қани, дастурхонга марҳамат қилиб, еб-ичиб ўтиринглар, — деди Зоҳир суҳбат мавзусини бироз ўзгартирмоқчи бўлиб. Аммо ўзгармади.

Суҳбат узоқ давом этди. Меҳмонлар тарқалди.

Қишлоқдан келган қариндошлар ётиб қолишди.

Ҳамма тинчигандан кейин Зоҳир ҳам ётоқхонасига кириб кетди, ечиниб ётди, ухламоқчи бўлиб кўзларини қаттиқ юмди. Қани ухлай қолса. Бирдан юзгача, юздан биргача такрор-такрор санади. Энди кўзи илинганда ошхонадан ювилаётган идишларнинг овози, Маъмуранинг оёқ товушлари, баъзан эса қошиқларнинг тарақлашлари қулоққа чалинарди. Зоҳирнинг «Хоним, бўлди, эртанга ҳам қолсин, ётинг энди» деган илтижоси Маъмурани юмшатди. У қўлларини артиб, юзига тушиб кетган сочларини тартибга келтирди ва ўринга кирди.

Улар анчагача ухлашмай, гаплашиб ётишди.

Зоҳир бир ойдан ортиқ уйда ётиб, дам олди. Телефонни ҳам узиб қўйди.

Обкомнинг янги котиб уни бир неча бор йўқлатди. Охири Абдулла Хўжаев унинг номига ўз қўли билан хат ёзиб юборди. Хатда шундай гаплар бор эди: «Хўрматли Зоҳир Ҳалимчаевич, сиз ҳақингизда обком яхши фикрда. Бу ерда сизни тез-тез яхшилик ила тилга олиб туришади. Шу кунларда сизнинг ёрдамнингиз жуда керак. Кўп телефон қилдим, топа олмадим. Зарур гап бор, ҳеч бўлмаса телефон қилинг ёки бир келиб-кетсангиз. Хўрмат билан А. Хўжаев».

Зоҳир мактубни ўқиб чиқиб, Маъмурага кўрсатди. Маъмура унга: «Боришингиз керак. Албатта боринг, шу бугуноқ боринг», — деб ялинди.

Зоҳир узоқ мулоҳаза қилди. Хаёлидан нималар кечмади. Бир тўхтама келганини, эртага обкомга боражagini Маъмурага айтди.

— Жуда яхши ўйлабсиз, тўғри қиласиз, боринг.

— Юрагим сезиб турибди. Бирорта ишга таклиф қилсалар керак. Лекин энди мен аппаратда ишламайман. Олийгоҳга юборишларини сўрайман.

— Зоҳир ака, ўзингиз биласиз, мен учун фақат соф бўлсангиз бас.

Эртасига Зоҳир обкомга йўл олди. У аввал ҳам ишга пиёда борарди. Бугун ҳам ўша одати бўйича пиёда йўлга чиқди.

Пиёда юришнинг ҳам ўз гашти бор. У қадамини тезлатиб бораркан, бир енгил машина «ғийқ» этиб ёнига тўхтади. Бу Абдулла Хўжаев эди. У машинадан тушиб ҳайдовчига «кетаверинг» дегандай ишора қилди, ўзи эса ариқ ҳатлаб ўтиб Зоҳирга яқинлашди.

— Салом, Зоҳир Ҳалимчаевич! Бормилар, жуда соғиндикку. — Абдулла Хўжаевич Зоҳирни бағрига босиб, қучоқлашиб кўришди. Улар қадамларини бир меъёрда ташлашиб кетардилар. — Зоҳиржон, шунча дам олганингиз ҳам етар. Сизни кўп эсладим. Йўқладим, трубкани ҳеч ким кўтармади, шу важдан хат ёзиб юборганим учун кечирим сўрайман. Мактубимни топширишдими?

— Раҳмат, ҳузурингизга кетаётган эдим, айти муддао бўлди.

— Бу Изменцев деган одам жуда кўп нарсаларни

лойқалатиб юборган экан. Ҳаммасига аниқлик кири-
тилаётир. Темур Тошевичга ёпиштирилган айбларнинг
барчаси асоссиз бўлиб чиқаётир. Мен бу ҳақда рес-
публика раҳбарларига ҳам билдирдим.

Сизга қилинган тухматнинг сабаби ҳам маълум.
«Сизнинг ҳам отангиз борми», — деб эшикни қаттиқ
ёпиб чиқиб кетганингиз учун ўч олган экан, ярамас!
Гап шундай, ўтган ишга саловот, истасангиз аппаратга
келинг.

— Абдулла Хўжаевич, ҳаммаси учун раҳмат. Энди
аппаратга қайтсам партиянинг обрўйига путур етган
бўлади. Одамларнинг ҳаммасига бу Изменцевнинг айби
эди деб бирма-бир айтиш қийин-ку!

— Керак бўлса бирма-бир айтиб ҳам чиқамиз.

— Йўқ, энди бўлмайди, мухбирингиз ҳам газетаси-
да жуда ошириб юборди, ноҳақ гапларни ёзди.

— Ўқиб чиқдим, адабини бердим, билмаган экан-
ман, у ўта лаганбардор, маънавий бузуқ экан, зангар!
Ҳали ниҳоясига етмаган ишлар кўп. Хўш, нима дей-
сиз, келасизми?

— «Йўқ, иложи бўлса ўз ишимга — олийгоҳга қайт-
сам.

— Майли, мен розиман.

— Катта раҳмат, Абдулла Хўжаевич!

— Энди ичкарига кирсак, бир пиёла чой қилсак,
обкомнинг остонасидан қайтсангиз қандай бўларкин?!

— Раҳмат, фурсат бўлиб қолар.

Улар қўл олишиб хайрлашаркан, Абдулла Хўжае-
вич алақачон обкомнинг ёнига келиб турган шофёр-
га: «Зоҳир акангни уйига ташлаб қўй, ўзим истаб то-
паман, саломат бўлинг, биздан келинпошшага, домла-
га, опага салом айтиб қўйинг», — деди ва зинапоялар-
дан юқорига кўтарила бошлади.

Зоҳир тезда уйига кириб борди. Маъмура ҳайрон:

— Нима, йўқ эканларми?

— Бўлди, ҳаммасини гаплашиб олдим, аппаратга
қайтишимни сўради, мен кўнмадим. Эски жойимга
юборишларини илтимос қилдим.

— Дадамнинг ҳам фикрлари шу эди, демак энди
олдин бошлаган илмий ишларингиз ниҳоясига етар
экан-да ҳайрият!

— Худо хоҳласа, денг.

— Худо хоҳласа.

— Маъмура, мен уйда бўламан, сизга рухсат, ишга бориб келаверинг. Унча-мунча юмушларим бор.

Маъмура сумкачасини елкасига илди-да, эрининг юзларидан ўпиб ташқари чиқди. У ҳозир қушдек енгил эди. Зоҳир хотинининг ортидан меҳр билан узоқ тикилиб қолди. Бу қарашларда «илоҳо кўз тегмасин» деган илтижо бор эди. Аммо ўз бошига бундан буён келадиган хилма-хил балоларни, айрилиқ ва ҳижронларни у ҳали билмас эди.

13

Зоҳирнинг айтгани бўлди. Уни яна олийгоҳга қайтардилар. Бироқ изга тушиб кетиш осон кечмади. У биринчи марта ишга борган куни ўзини худди илк бор мактабга қадам босган ўқувчидек ҳис қилди. Ҳам-касабалари, айниқса Мамадали домла учун бу кун байрам эди. Бир-икки домлани ҳисобга олмаганда, барча уни очиқ чеҳра билан қучоқ очиб кутиб олдилар.

Кўп ўтмай аввалгидек, балки ундан ҳам зиёда бўлиб кетди. Ахир ўтган даврда Зоҳир ҳаётнинг ичига чуқурроқ кирди. Турли касб эгалари ва хилма-хил одамлар билан учрашди, суҳбатлашди, уларнинг дарду армонларини тинглади. Раҳбарларга, тузумга бўлган муносабатларни англаб етди. Бу орада ўзининг қоқилиши ҳам унга мактаб бўлди. Зоҳирнинг шу кунлардаги бирдан-бир мақсади машғулотларга пухта ҳозирлик кўришу талабаларга яхши билим бериш ҳамда йилдан-йилга туя гўшти еб пайсалга солиниб келаётган илмий ишини ниҳоясига етказиш эди. Шу боис у тунларни бедор ўтказмоқда.

Зоҳир одати бўйича кунлар ва тунларни ўз жадвалига солди. Агар вақт тежалмаса, ундан қатъий жадвал асосида фойдаланилмаса умр сувдек тез ўтиб кетади. Сув тез ўтса ҳам, секин ўтса ҳам ундан наф бор. Аммо тез ўтувчи умрдан самарали фойдаланилмаса у қараб турмайди, ўтаверади, ўтаверади. Кейинчалик бесамамар ўтган умрдан минг афсусланманг, фойдасиз. Шунинг учун донолар: «Агар тунлар бари уйқуда ўтса, ажабмас ярим умр беҳуда кетса», — деб тўғри айтганлар.

Зоҳир ўз иш жадвалининг тепасига катта-катта ҳарфлар билан «Бирор наф келтирмаган дамларимни умримга қўшолмайман», деб ёзиб қўйган. Ҳа, чиндан

ҳам шундай, раҳбарлик лавозимларида ишловчиларда бу тақсимот кам, вақт унинг эмас, у вақтнинг тобесидир. Агар яхши раҳбар ҳар соатини ана шундай жадвал асосида қурсами, нималар бўлмасди. Агар ижод ва илм кишилари Зоҳирнинг ўша жадвалига эга бўлса, улар истаган муваффақиятга эришимоғи, ана-мана дегунча эл-юрт ардоғигаю тилига тушмоғи муқаррар.

Таассуфлар бўлсинким, бу йўлда қарама-қаршиликлар, ҳар хил ғовлар, тўсиқлар чиқиб туради, улар қўлларингдан тутиб ўз измига солади. Шунда ҳам сен тобе бўлмасанг, ўзни қўлга олсанг кўзлаган чўққини забт этишнинг турган гап. Бунинг учун эса меҳнат ирода, чидам ва матонат керак, ҳолос.

У кўп ўтмай илмий ишни ҳам ёзиб тугатди.

Кунлардан бири унинг илмий раҳбари қай бир даврада мақтаниб: «Биз ҳам қараб турмадик, ишни тезлатиш учун ёрдам бердик», — дебди. Бу гап Зоҳирнинг қулоғига тушади.

У эрта-индин илмий кенгашга қўйиладиган диссертацияни «Мен бундай гапларга чидай олмайман, ўзгалар қарашиб юборадиган иш менга керак эмас» дейди-да, раҳбарнинг уйига бориб муқовалатиб қўйилган ишни ёниб турган печкага ташлайди. Ҳатто куни кеча босмадан чиққан, ҳали тарқатилиб улгурмаган авторефератни ҳам ўтга улоқтириб ёндиради. Мақтанчоқ раҳбарига эса «Энди мен, агар қўлимдан келса, тамоман бошқа мавзуда иш қиламан, менга ҳашар билан ёзилган диссертация ва илмий унвон керак эмас, бир умр бу иснодни кўтариб юролмайман», — деди-да, чиқиб кетди.

Шу билан илмий ишга нуқта қўйилди. Бу гап олимлар орасида катта шов-шув бўлди. Кимдир Зоҳирни «Бошлабди азамат!» — деса, кимдир «ахмоқ экан» деди. Зоҳир эса бу қилмишидан асло ўкинмади. Ҳатто «жуда тўғри қилдим» деб, ғурурланиб юрди.

Мамадали домла куёвининг бу ишидан олдин пича хафа бўлди. Кейинчалик «Ҳақиқий олим шундай бўлиши керак, Зоҳир ҳали катта илмий ишлар қилишга қодир эканлигини кўрсата оладиган йигит», — деди.

Зоҳир ҳеч кимнинг эсида бўлмаган, мутахассислигига умуман мос келмайдиган «Автомобиль технологияси ва унинг истиқболи» мавзусида илмий иш қила бошлади.

Адабиётларни Япония, АҚШ каби мамлакатлардан

олди. Дастлабки амалий синовларни турли лабораторияларда, сўнгра заводларда, хўжаликларда ўтказди. Автомобиль ишлаб чиқаришда металлдан фойдаланишни қисқартириш, кам ёнилни сарфлаш бўйича таклиф билан чиқди. Бу унинг синовдан ўтказган номзодлик иши эди. Синовлар яхши натижа берди. Бу масала билан корхоналаргина эмас, вазирликлар ҳам қизиқди. Натижада ёш олимнинг хулосалари ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Бу қувончли воқеадан хабар топган обкомнинг биринчи котиби уни ўз ҳузурига таклиф этди.

— Зоҳиржон, ютуқларингиз билан қутлайман. Олдинги илмий ишингиз ҳақидаги ҳангомаларни эшитиб, ҳайрон бўлган эдим. Қойилман. Энди сизни йўқлашдан бошқа мақсад бор. Кейинги илмий ишингиз билан ҳатто чет эликлар ҳам қизиқиб қолган эмиш. Агар хўп десангиз, биз сизга шундай имкониятлар яратсакки, ўз назарий хулосаларингизни ўзингиз бош бўлиб ишлаб чиқаришда синасангиз. Бунинг учун эса олийгоҳдан сизни олишимизга тўғри келади.

— Қаёққа?

— Шу ернинг ўзига. Сизни шаҳримиздаги энг катта автокорхонага раҳбар қилиб тайинласак, ҳам ишлаб, ҳам тажриба ўтказсангиз.

— Майлику-я, бироқ менга оғирлик қилмасмикан?

— Хўп десангиз биз сизга яқиндан ёрдам берамиз.

Хуллас, унга ўйлаш ва мулоҳаза учун уч кун муҳлат берилди.

Зоҳир таклифни энг олдин хотини билан кенгашди. Маъмураҳон обкомнинг фикрини қувватлади. Домла ҳам монелик билдирмади. Шундай қилиб Зоҳир Раҳимович иш бошлади.

Биз «Зоҳир Раҳимович» дедик, нега «Ҳалимчаевич эмас» деган мулоҳаза ўртага чиқиши мумкин деб, ака-укалари бобосининг номи билан юритилишини, у бўш вақтларда ўз фамилиясини қонуний равишда ўзгартириб Раҳимов қилиб олганини айтиб ўтишни лозим топдик. Бундан буён у Ҳалимчаевич эмас, Раҳимов деб юритилади. Бу онаси ва ака-укаларининг хоҳиши эди.

Автокорхона бошлиғи Абдуқаюм Анорбоев узоқ кассалиқдан кейин вафот этганига икки ой бўлди. Бу вақт ичида ўз номзодларини кўрсатувчилардан ташқари, идорама-идора таниш-билиш қидириб пул кўта-

риб юрганлар қанча бўлди. Кутилмаганда олийгоҳ домласи Зоҳир Раҳимовичнинг бу лавозимга тайинланиши кўпларни ҳайратга солди. Билганлар у, билмаганлар бу деб ҳар хил гап тарқатди. Ҳатто «Бу вазифани Зоҳир нақд пулга сотиб олди», дегувчилар ҳам йўқ эмасди...

Зоҳир ишни оддий ходимларнинг ҳаёт кечиришлари, оилада ва ишдаги яшаш шароитларни ўрганишдан бошлади. Одатда янги раҳбар келганда ишни собиқ бошлиқнинг иш услубини қоралаб, унга яқин бўлган одамларни четлатиш, ўз шофёрини ўзгартишдан бошлайди. Ҳеч бўлмаса хонадаги стол ва стулларнинг жойларини алмаштиради. Ҳамма нарсани ўзига мослаштиради. Зоҳир эса бундай қилмади. Собиқ раҳбарнинг иш юритиш услубини мақтади. У киши бошлаган, аммо ниҳоясига етказилмаган режаларни амалга ошириш зарурлигини, бу борада бутун жамоа фаоллари унга яқиндан ёрдам беришига ишониб яшаётганини, ишлаётганини фахр билан айтди.

Ҳар бир йиғинда собиқ раҳбарнинг мўътабар номини такрор-такрор тилга олиб хотирлади. Бундай қилиши кўпчиликка манзур бўлса-да, баъзиларга ёқмади. Собиқ раҳбарнинг номини эшитиши билан тутқаноғи тутиб қолувчилар ҳам йўқ эмасди.

Зоҳир асосий вазифани жамоага раҳбарлик қилиш, одамларнинг тирикчилигидан хабардор бўлиш, уларга шароит яратиш деб тушунар эди. У дастлабки кунларданок интизомсиз, олдинги шон-шуҳратга ишониб юрувчилар билан келишиб олди.

Ишга келиб-келмай, гоҳо автобусларни рўйхатдан ўтказмай кунлаб, ҳатто ҳафталаб ўз фойдасига ишлатадиган кимсалар ҳам борлиги аниқланиб қолди. Пахта теримида қатнашганларга бериладиган ҳақларни ўзлаштирувчилар устидан шикоят тушди.

Ташкилотнинг ички сирини ташқарига олиб чиқмай ҳал қилиш яхши фазилат. Зоҳир ҳар қандай муаммони жамоа муҳокамасига ташлаб, чора кўришни ҳам омманинг ўзига қўйиб берди.

Йўл қўйилган хато ва нуқсонлар кўпчилик ўртасида очиқ-ойдин айтилди. Жамоатчилик фикрини менсимайдиганларгагина маъмурий чора кўриладиган бўлди.

Тартиббузар, олдинги директорни менсимамай, дўқпўписа қилиб юрган, Зоҳирни ҳам писанд қилмай

қўйганлардан беш кишига ҳайфсан берилди, улар ўн учинчи ойликдан ҳам маҳрум этилди. Ҳамма тўполон, ҳамма гап ана шундан бошланди.

Маъмуриятнинг ҳар қандай буйруғи одатда тахтага илиб қўйиларди. Бу сафар ҳам қоидабузарлар ҳақидаги буйруқ ана шу тахтага ёпиштирилди.

Ишчилар касаба уюшмасининг раиси Анвар Комилов директор ҳузурига шошилиб кириб деди:

— Зоҳир Раҳимович, кечирасиз, кеча ўзингиз қўл қўйган буйруғингизни илиб қўйган эдик. У олиб ташланибди. Уни йиртиб олинганлиги шундайгина кўришиб турибди.

— Буни ким қилган деб ўйлайсиз?

— Менимча, ўша номардлардан биронтаси.

— Сиз кап-катта одамсиз. Бундан кейин, биринчидан, менинг ҳузуримга ҳеч қачон мавҳум гапларни айтиб кирманг, иккинчидан, ўша буйруқнинг нусхаси бўлса, қайта илдириб қўйинг. Ўзингиз кузатинг, агар кимдир буйруқдан норози бўлса яна уни юлиб ташлайди. Буни аниқланг, иложи бўлса уни қўлга туширинг. Ана ундан кейин жамоатчилик ўртасига ташланг. Жазосини ишчиларнинг ўзлари беришади.

— Хўп бўлади.

— Олдин ҳам шундай ҳоллар бўлиб турармиди?

— Бўлиб турарди.

— Нима қилардиларингиз?

— Нима қиладик, булар отнинг қашқалари. Собиқ директорнинг устидан хат ёзавериб, инфаркт қилиб ўлдирганлар ҳам шулар.

— Нима демоқчисиз, сизнинг бошингизга ҳам булар гурбатлар солади, ўлдиради демоқчимисиз?

— Йўқ, ундай демоқчи эмасман. Аммо сиз уларни ҳали билмайсиз, улар ёмон одамлар.

— Уларни жамоатчилик биладими?

— Билганда қандай, букрини фақат гўр тўғрилайди, улардан қутулишнинг йўлини билмаймиз. Уларга берилган ҳайфсану жазоларни жамласак бир китоб бўлар эди. Агар улар билан келишиб ишламасангиз, сизни ҳам кўп нари-берига олиб боради.

— Унақаси кетмайди, ўшаларнинг фаолиятини аниқ ифодалаб берувчи ҳужжатлар билан таништиринг.

— Хўп бўлади, қачон, бугунми?

— Иложи бўлса ҳозир, ўзим кўриб чиқаман.

— Яхши, ҳозир олиб кираман, — деди Анвар Ко-

милов. Кўп ўтмай бир қучоқ қовозларни бошлиқнинг столи устига қўйди.

Директор ҳужжатларни яхшилаб ўрганиб чиқди. Абдуқаюм Анорбоевни инфаркт қилган, бошқаларни ҳам ишлашга қўймайдиган куч шу гуруҳ эканлигини билди.

Анвар Комилов тахтага буйруқнинг сўнги нусхасини котиба қизга айтиб илдирди ва унга назорат қилиб туришни, кимки буйруқни олиб ёки йиртиб ташласа, дарҳол хабар қилишини айтди. «Жиноятчи» қўлга тушди. Бу ўша Тошлонов эди. Тошлонов қайтадан муҳокама қилинди. Аммо уни шериклари қаттиқ туриб ҳимоя қилишди. Энди илож йўқ эди. Тошлонов маъмуриятнинг буйруғи билан ишдан ҳайдалди. Унинг хомийлари, дордан қочган ўша тўрт киши — Аслиддинов, Маматохунов, Латифхонов ва Нуриддиновлар мажлисда қаттиқ туришди. Қамчиси ўзи билан бўлгандан кейин ноиложликдан сукут сақлашга мажбур бўлишди. Янги директорни қўлга олишмаса, бундан буён иш чатоқ бўлишини улар яхши англардилар. Шу боис бошлиқнинг ким эканлиги, қаерда турилгани, нима ишлар қилгани — ҳамма-ҳаммасин ўрганиш вазифаси беш киши ўртасида тақсимланди. Шундан кейин директорнинг бошига Абдуқаюм Анорбоевдан батгарроқ қора кунларни солишни режалаштиришди.

Зоҳир Раҳимович иш бошлаганига бир ой бўлмасдан текшир-текшир бошланди.

Бир куни беш оғайнининг бири Аслиддинов бошлиқнинг қабулига кирди ва ўзини фидокор бригадир, ўз касбининг устаси деб таништирди.

— Яхши, хўш хизмат? — деди директор.

— Мен бир зарур масала билан кирдим. Сиз Тошлоновни ишдан бўшатиб яхши қилмадингиз, ўзингиз янги одамсиз, ундан кейин сиз бизнинг касбни билмайсиз. Ҳар ҳолда ўша буйруғингиз нотўғри бўлди. Агар уни бекор қилмасангиз, биз билан ишлай олмайсиз.

— Бу нима, менга қўйилган шартми? Сиз мени яхшироқ билмас экансиз. Мен ямоқчининг ўғли, ҳайдовчиман. Ҳайдовчи бўлганда ҳам бу соҳада илмий иш қилган одамман. Сиз билан ишлай олмаймиз, дейсиз. Бу нима деганингиз, кимларнинг тилидан гапиряпсиз?

— Яна ўзингиз биласиз-ку, бу ерга ким ишга келса, жони керак бўлса биз билан келишиб ишлайди,

акс ҳолда аҳволи танг бўлади. Ҳар ҳолда буйруқни бекор қилинг, Тошлонов эртага ишга чиқсин.

— Жуда қўрқитиб юбордингиз. Сиз менга буйруқ берманг, боринг, ишингизни қилинг.

— Шундайми ҳали? Ўртоқ директор, ўйлаб кўринг яна.

— Жуда баландсиз-ку, чиқинг!

— Биз билан ўйнашманг, кейин биласиз.

— Чиқинг деяшман, чиқинг, қўлингиздан келса осмонни устимга ташлаб юборинг.

— Ҳайдаманг мени, ҳайдаманг.

Шу вақт Ёлчин Аслиддинов деворга ўз бошини қаттиқ уриб қон чиқарди: «Войдод, одамхўр, қонхўрдан дод!» дея бақира кетди. Зоҳир нималар бўлаётганига ҳайрон. Аслиддинов ташқарига отилиб чиқди. Қабулхонада турганларга: «Кўриб қўйинглар, мени урди, гаплашишни истамайман, чиқ хонамдан, ифлос, дейди. Ишчи синфига муносабат шуми, ҳали сенга кўрсатиб қўяман. Сен билан гаплашадиган гапим йўқ, дейди-я. Бундай одам билан қандай ишлаш мумкин, ўртоқлар»,— деб, ҳатто йиғлай бошлади.

Олдиндан режалаштирилган бу саҳнани кутиб турган унинг шериклари ҳар ёндан югуриб келишди. Директорнинг хонасига бостириб киришди ва овозларининг борича бақириб-бақириб: «Милиция чақиринг, бу қонхўр, пулдор бойваччага кўрсатиб қўяйлик. Акт туз. Ҳамманг қўл қўясан. Биз бор, директор бор. Биз бўлмасак кимга директор бўлади. Бочча йигит, ҳеч бир раҳбар бизни урган эмас, ўз идорасидан ҳайдаб чиқарган эмас. Бизни ҳайдовчилар ўзлари ҳайдалади, урувчилар ўзлари урилади. Кўриб қўй халқим, битта-мизни ишдан қувса, иккинчимизни идорадан қувиб чиқарса, учинчимизни қонга беласа, бу нима деган гап!» — дея шаллақилик қилдилар.

Доктор ва милиция етиб келди. Беш-олти кишидан иборат гувоҳлар иштирокида масала ўрганилди. Яхшики Аслиддинов бошини деворга урганда қон изи қолган эди. Воқеа қандай бўлса шундай протокол туздилар. Аслиддинов ўз бошини деворга ўзи урганлиги далиллар билан исбот қилинди ва тан олдирилди. Шундай қилинмаса милицияни ҳам, докторни ҳам директор «сотиб» олди деб гап тарқатиши турган гап эди.

Директор қаерга келиб қолгани, кимлар билан ишлаётганини энди-энди англай бошлади. Ҳамма қилғи-

ликни қилиб яна кўз ёши тўкиб ўтирган Аслиддинов-га: «Боринг, қаерга борсангиз боринг, нима десангиз шуни денг», — деди портлаб.

— Зоҳир Раҳимович, ҳафа бўлманг, буларга йўрғак-да теккан касаллик! — деди кимдир.

Одамлар аста-секин тарқала бошлади. Қабулхона-да турганлардан бири Ёлчиннинг бетамизлигини кўриб: «Бўлди-да, жиннилик ҳам эви билан-да», — деди.

Аслиддинов ўрнидан дик этиб турди-да, шу гапни айтган одамнинг ёқасидан тутиб: «Жиннилимни ис-ботла, бўлмаса сени бу аканг билан бирга судга бера-ман», деб бақирди, сўнг иккинчи одамга ёпиша кетди: «Сен нима дединг, «йўрғакда теккан» дедингми, у нима деганинг?!» — У қўлидаги қоғозга алланарсаларни ёзиб, тўпланганларга имзо чекишларини талаб қилди. Ҳеч ким қўл қўймади.

— Мана мен қўл қўяман, беринг менга, — деди Зоҳир Раҳимович қоғознинг бир четидан тутиб.

— Сиз ҳали кўп жойда ўқийсиз. Шошманг, мана шу одамлар гувоҳ бунга! — деди Аслиддинов. Ортига ўтирилиб қараса, ўша ўзига таниш кишилардан бошқа ҳеч ким қолмапти.

— Мана, қўл қўйларинг. Ўзим бошлайман.

Ўша тўрт киши қоғозни ўқиб-ўқимай имзо чеқди.

Директор хонасидаги ва қабулхонадаги ҳангома бундан кейинги фожиали саҳнанинг муқаддимаси эди.

Одамлар тарқалгандан кейин Зоҳир хонасига ки-риб анча ўзига келолмади. Бўлиб ўтган кўнгилсиз во-қеани кимга айтишни билмас эди. У агар воқеани ҳозир айтмаса, ярим соатдан кейин булар бошқача-роқ қилиб етказишлари турган гап.

Зоҳир обкомнинг биринчи котибига телефон қил-ди. Қабулхонадаги қизга ўзининг кимлигини, биринчи билан боғлаб қўйишини илтимос қилди.

— Эшитаман, Зоҳир Раҳимович, қалай, ишлар яхши кетяптими?

— Ёмон эмас.

— Хўш, хизмат?

— Ўзингиз айтгандай анча нотинч жой экан.

— Биламан, шунинг учун сизни юбордик-да. У ерда бештами, олтитами машҳур ёзувчилар бор. Шуларга эҳтиёт бўлсангиз бас. Уларни ҳамма билади.

— Худди ана шулар ҳақида телефон қилаётган эдим.

— Бошланибди-да. Мен яхши биламан. Ҳар уч кун-

да учрашиб турардик, тинчиб қолди деб юрган эдим, бошлашибди-да.

— Ишлагани қўйишмаяпти...

Зоҳир автокорхонада бўлиб ўтган барча ҳангома-ларни айтиб берди.

— Хафа бўлманг, уларни билмайдиган на суд, на прокуратура ва на бошқа идора бор. Дадил бўлинг, — кулди биринчи котиб, — биз уларни биламиз.

— Нима қилсам экан?

— Нима қилардингиз, йўлини топасиз.

— Улар менга шарт қўйишмоқда. Биттасини ишдан бўшатган эдим, иккинчиси олдимга кириб очиқдан-очиқ буйруғингизни бекор қилмасангиз, сизга кўрсатиб қўямиз, деди.

— Қайси бирини ҳайдадингиз?

— Тошлонов деганини.

— Демак, эрта-индин у муҳтарам зоти олийлари билан учрашар эканмиз-да.

— Буйруғимни ўзгартирмайман, агар хархаша қилишаверса бошқаларини ҳам ҳайдайман. Акс ҳолда бу ерда ишлаш мумкин эмас. Фақат обком мени қўллаб турса кифоя.

— Ҳар ҳолда тадбир билан иш тутишингизни маслаҳат бераман, ўзимиз қолиб улар Тошкентагиларни ҳам безовта қилишмоқда. Тўғрими, нотўғрими шикоят қилиш, хат ёзиш уларнинг ҳақ-ҳуқуқи, шу боис уларни хат ёзма, десангиз ҳам балого қоласиз. Улар ёзаверсин, биз ўқийвераёлик.

— Ишлагани қўйишмаяпти.

— Тарбияланг, ахир улар инсонлар-ку. Одамлар ёввойи ҳайвонни ҳам ўргатадилар-ку! Мағрур йўлбарсни, заҳматкаш филни, заҳарли илонни ўз қўлига қаратган ҳам инсон, ука, тарбияланг.

— Мен циркчи эмасман.

— Биламан, лекин чорасини қилинг, тарбияланг, хайр!

Обком котиби билан хайрлашгач Зоҳир анча вақт трубкани ўйнаб, ўйлаб ўтирди. Охири: «Мен қандай директорман ўз буйруғимни ўзим ўзгартсам, йўқ, ҳеч нарсани ўзгартирмайман, курашаман, тарбиялайман. Қарорим қатъий», — деди ва ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Қоровул чол директога яқин келиб деди:

— Зоҳир Раҳимович, булардан ҳеч хафа бўлманг, ўзи шунақа. Биз ҳам улардан қандай қутулишни бил-

маймиз. Жойинг жаннатда бўлгур Абдуқаюм акани ҳам шулар едилар. Раҳматли ҳеч хонасида ўтириб ишлай олмасди. Қачон бўлса ҳали судга, ҳали терговчига, ҳали халқ назоратига ўшалар туфайли чопгани-чопган эди.

— Булар ўзи ишлайдиларми ёки...

— Улар жойинг жаннатда бўлгур Абдуқаюм аканинг елкасига чиқиб олган эдилар. Зифирдай камчилик топилса бас, гоҳ ўзлари, гоҳ ўзгалар номидан хат ёзишиб учирма қилишарди. Худога шукур, энди тинчидимикан, девдим, тинчишмапти. Зоҳиржон болам, сиз раҳбарсиз, улардан оддий ҳайдовчилар ҳам кўрқишадди...

Ўша куни директорнинг қўли ишга бормади. Анваржон Комилов олиб чиқиб берган ўша беш кишининг ҳужжатларини ҳам кўриб чиқолмади.

14

Тошкент. Пештоқида катта соати бор ўн олти қаватли бино. Бош муҳаррирнинг хонаси. У бугунги келган мактубларни кўздан кечирмоқда. Хатлар ичида меросимиз, тарихимиз, тилимиз, бобокалонларимиз қадру қиммати, ёшлар ҳақидаги мунозарали ахборотлардан тортиб шеърлар, ҳикоялар, хат-хабарларгача бор эди.

Эллик киши имзо чеккан бир хатни ажратиб қўйди. Мактубларни тарқатиб бўлгач уни қайта-қайта қўлга олди, такрор ўқиди. «Хўш, бу хатни кимга топширсам экан» деган хаёл муҳаррирни ўйлатди. Охири тугмачани босиб котиба қизни йўқлади:

— Набиев, кирсин, айтинг!

— Хўп бўлади, — қиз чиқди.

Орадан кўп ўтмай муҳаррирнинг хонасида Набиев пайдо бўлди.

— Йўқлаган экансиз.

— Ҳайдаржон, дўстим, мана бу мактубни яхшилаб ўқиб чиқинг, эллик ишчи имзо чекибди. Бешта ярамас собиқ директорни инфарктга дучор этгани, одамларни ишдан қолдираётгани, корхонани бадном қилгани ҳақида гап кетади. Иложи бўлса шу бугуноқ йўлланма олинг-да, йўлга чиқинг. Одамлар билан суҳбатлашинг, яхшилаб ўрганинг, ажойиб мақола бўлади, ҳажми ўзингизга боғлиқ.

— Хўп бўлади, аввал кўриб чиқай, сўнгра айтаман... Бугун эмас, эртага сафарга чиқсам.

— Майли, имкониятингизга қаранг. Ҳар ҳолда шунча одам имзо чекибди. Буни кечиктириб бўлмайди, азизим.

— Тушунарли.

Набиев хатни олиб муҳаррирнинг хонасидан чиқди. Ўз хонасига киргунча йўл-йўлакай шикоятнинг у ер-бу ерига кўз югуртирди ва эртага йўлга чиқишга қарор қилди...

Ҳайдаржон муҳаррирнинг махсус йўлланмаси билан хат изидан автокорхонага келганига бир ҳафта бўлди.

Автокорхонада мухбирнинг пайдо бўлиши айниқса ўша беш кишини ҳайратга солди.

Мухбир имзо чеккан элик кишининг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди, у ўз қўллари билан қўшимча тушунтириш хатлари ёздириб олди. Ҳар бир ишчи билан суҳбатлашганда: «Хатни ёзиш фикри кимдан чиққан», — деган саволни ўртага ташлади. «Жонимиздан тўйиб кетдик, бу ёзувчилар фақат бизни эмас, маъмуриятнигина эмас, ҳаммани, ҳатто суд, прокуратурадагиларни ҳам тинч қўйишмайди», — дейишди улар.

Ишчилар билан бўлган учрашувлардан кейин ўша беш киши билан суҳбатлашиш керак эди. Афсуски, уларнинг барчаси турли баҳоналар билан ишга келишмади. Бундан қандай мақсадлари борлигини Ҳайдаржон билмасди. Балки кейинчалик мухбирга ташлаиш учун атай қилинаётган бир найрангдир.

Директор бу «азаматлар»нинг барча сир-асроридан хабардор эканлигини, яқинда хонасида бўлиб ўтган жанжални, Аслиддинов ўз бошини ўзи уриб қон чиқарганини, шу йўсин билан директорга тухмат қилмоқчи бўлганини ва ҳоказоларни айтиб берди.

Суҳбатнинг охирида Зоҳир Раҳимович редакцияга мактуб ёзган элик киши ҳамда ушбу беш ўртоқ ҳақида тўла тушунча берадиган ҳужжатларни мухбирга танишиб чиқиш учун берди. Мухбир ҳужжатларни узоқ ўрғанди. Керак бўлганлар билан такрор-такрор суҳбатлашди, уларнинг иш ва уй шароитлари билан ҳам танишди.

Автокорхонани алғов-далғов қилган беш киши мухбирдан ўзларини олиб қочдилар. Ҳатто уйларига одам

жўнатиб ҳам топа олмадилар. Баъзилари сафарда, баъзилари бетоб экан деб келишди борганлар. Шундай бўлса-да, мухбир дафтарчасида қуйидаги ёзувлар пайдо бўлди.

«Насим Тошлонов — 1935 йилда туғилган, миллати ўзбек. Маълумоти 3 синф. Аввал икки марта судланган. Биринчисида балоғатга етмаган қизнинг номусига теккани, иккинчисида бева бир кампирнинг уйига ўғирликка тушгани учун қамалган. Уйланган. Уч фарзанди бор. Ўғли Акбарали ҳам ўғирликда айбланиб қамалган. Икки қизи Лобар билан Санам турмушлари бузилиб уйда ўтиришибди.

Оилавий ҳаётида тотувлик йўқ. Топган-тутганини кўчада еб-ичиб юради. Наша чекади. Ишда интизоми ёмон. Икки марта ҳайдовчилик гувоҳномасини олдириб қўйган.

Зулфиқор Нуриддинов — 1939 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, КПСС сафидан ўчирилган, икки марта судланган. Биринчисида мушглашгани, бир одамнинг кўзини чиқариб қўйгани, иккинчисида қамоқда ётган бир ўртоғининг хотинини зўрлашга ҳаракат қилгани учун такрор қамалган. Икки марта уйланган, фарзанд кўрмаган. Бузуқ аёллар билан юради, ичади, наша чекади. Ишда интизоми ёмон. Икки марта ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган, баджаҳл, иродаси бўш. Яшаб турган маҳалласида обрўйи йўқ.

Мухсинохун Маматохунов — 1937 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, икки марта судланган. Биринчисида ўз отасини болта билан чопиб ўлдиргани, иккинчисида балоғатга етмаган қизни зўрлагани учун қамалган. Уйланган. Бир ўғли, бир қизи бор. Ўғли Саидохун безориликда айбланиб қамалган, қизи икки фарзанди билан эридан ажрашиб уйда ўтирибди.

Оилавий ҳаётида тотувлик йўқ. Икки марта ҳайдовчилик гувоҳномасини олдирган, наша чекади. Узлуксиз ичади. Маҳалласида уч марта ўртоқлик судига тушган. Дўқ-пўписа қилишни яхши кўради, аммо ўзи ўта кўрқоқ.

Наимхон Латифхонов — 1938 йилда туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти 7 синф, икки марта судланган. Биринчисида давлат мулкани ўғирлагани, иккинчисида гуруҳ бўлиб номусга теккани учун қамалган. Уйланган, фарзанди йўқ. Тўғри келган жойда ётиб юра-

ди. Хотини билан яхши яшамайди. Оилавий ҳаётида тотувлик йўқ. Наша чекади, ичади.

Ишда интизоми ёмон, бир ташкилотда икки йилдан ортиқ ишламаган. Бир марта ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган.

Ёлчинбек Аслиддинов — 1946 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, КПСС сафидан ўчирилган. Уч марта судланган. Биринчисида балоғатга етмаган қизни зўрлагани, иккинчисида маст ҳолда рулга ўтириб бир одамни бостириб юборгани, учинчисида эса хотинини ўзгаларга ўйнаш қилиб пичоқлагани учун қамалган.

Тўрт марта уйланган. Тўрт нафар фарзанди бор. Ҳў болаларини тан олмайди, жамоатчилик олдида «болалар мендан эмас» деб айтган. Наша чекади, узлуксиз ичади, амални яхши кўради. Ишда интизоми ёмон. Иродаси бўш, гапдон».

Бундан кейинги воқеалар ривожда энг фаол қатнашадиган кишилар ҳам дафтарчага қайд этилган. Мана булар, танишинг:

«Ажиб-к Ҳожибеков — 1932 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти йўқ. Судланмаган. Гуруҳ қатнашчиси, кейинчалик улардан юз ўтирган, меҳнат фахрийси, оз ичади.

Уйланган, фарзандлари йўқ, ёлғиз туради.

Фозил Мамажонов — 1932 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти йўқ. Судланмаган. Гуруҳ қатнашчиси, кейинчалик улардан юз ўтирган. Меҳнат фахрийси.

Уйланган. Икки ўғил, уч қизи бор. Невара-чеваралик».

Мухбир дафтаридаги қуйидаги кишилар ҳам бундан буён фаол қатнашадилар:

«Қозоқбоев — терговчи.

Луқмончаев — терговчи.

Болта Содиров — бош терговчи.

Фуломқодир Дадабоев — ёш терговчи.

Баҳодиров — шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник».

Ҳайдар Наби барча ҳужжатлар билан обдан танишди. Ёзилажак фельетонни бошида пиширди. Унинг сарлавҳасини ҳам уч хил ном билан атади. Вақтинча «Тухматчилар жазоси» деб аташга қарор қилди.

Мухбир пойтахтга кетгандан кейин жўралар яна

ғимирлашиб қолишди. Директорга қарши олдин тўплаган барча ҳужжатларни жамлаб тартибга солишди. Уларга Зоҳирнинг ёшлиқ дўстлари ва азалий рақиблари бўлмиш Маҳмуд билан Мўйдинлар асқотиб қолди. Гуруҳ аъзолари улардан директор ҳақидаги маълумотларни олтин ҳисобига сотиб олишга ҳам тайёр эдилар.

Ёлчинбек ўз ҳамтовоқлари билан маслаҳатлашиб, давлат хавфсизлик қўмитасидан қувилган, ҳозир ишсиз бўлган Маҳмуд билан Мўйдинни меҳмонга таклиф қилишди. Икки дўст одамларга керак бўлиб қолганидан мамнун эдилар.

Меҳмондорчилик Мухсинохун Маматохуновнинг шаҳар четидаги ҳовлисида бўлди. Улар гўё турк султонини меҳмонга айтгандай ҳозирлик кўришди.

Ким қўлга сув қуюди, ким сочиқ тутуди, ким нима дейди, хуллас, барча вазифалар тақсимланган эди.

Нима қилиб бўлса-да, бу икки зоти олийларни ҳам гуруҳга тортиш (ахир улар кўп нарсаларни билишадди), вақти-вақтида улардан йўланма ва маслаҳатлар олиб туриш керак. Меҳмонлар айтилган вақтдан бироз кечроқ келишди. Кутиш маросими режадагидан ҳам юксак савияда ўтди. Меҳмонлар иззат-икром ила тўрга чиқарилди.

Дастурхонда арман коньягидан тортиб рус арағигача, чех пивосидан тортиб қимизгача бор эди. Кўпдан буён бу икки зот бу хил тўкин дастурхонни кўрган эмаслар. Хилма-хил ичимликлар, барра кабоб ҳиди Маҳмуднинг сўлакайини келтирарди.

Бир вақтлар давлат ва партиянинг чинакам тираги, бузилмас қалъаси ҳисобланмиш давлат хавфсизлиги қўмитаси раҳбарлари тез-тез ўзгариши натижасида бу маҳкама бироз ўз кучини йўқотган, ходимлар сони ҳам анча қисқарган эди.

Талабалик йилларидан тортиб бу маҳкамага сидқидилдан хизмат қилиб келаётган, ўз ёшлиқ дўстлари Зоҳирнинг бошига не-не кулфатларни солган бу зотлар ҳам қисқартишга тушган эдилар. Улар ҳозирча ҳеч бир ташкилотда ишламайди. Қайси идорага иш ахтариб боришса, олдинги ишлаган жойининг номини эшитишлари билан раҳбарлар гоҳ уни, гоҳ буни баҳона қилишиб қабул қилмайдилар. Икки дўст хонадан чиқишлари билан уларнинг ортидан: «КГБчи экан, худо асрасин» дейишарди.

Шундай қилиб бу икки ўртоқ бир неча йилдан буён ишсиз, фақат мана шу хил гуруҳларга пинҳона маслаҳатчи бўлишиб кун кўришаётир.

Ажабо, ахир булар аввал худди шу хил пинҳона гуруҳларга қарши курашган кишилар эдилар-ку. Бугун эса ўзлари буларга маслаҳатчи бўлишиб юришибди. Яшаш, кун ўтказиш деб ўз эътиқодидан қайтган кимсаларга ачинмай илож йўқ.

Ёлчинбек зўр илтифот ва такаллуф ила Маҳмудга чой узатар экан деди:

— Кўндан жанобларининг хизматларида бўлишни орзу қилардим. Ниҳоят насиб бугун экан. Қани меҳмон, чой-нонга марҳамат қилинлар.

— Раҳмат, раҳмат!

Ҳозир Ёлчинбек бу икки зотга тўла ишонмайди, КГБдан кетишган бўлса-да, барибир уларнинг топширигини бажарувчи лайчалар, деб гумон қиларди. Синалмаганни сиртидан билиб бўлмас деганлар, биринчи учрашгандаёқ жами сирини тўкмоқ ўз оёғини қопқонга тўғриламоқдир. Шунинг учун гапни узоқдан бошлади:

— Шу дейман, ҳозирги сиёсатларга ҳам ишониб бўлмайди. Бугун бир хил, эртага бошқача. Сизлар барибир ҳамма даврда ҳам давлатга керакли кишиларсиз.

Маҳмуд ҳам, Мўйдин ҳам булар ишонмаётганини сезишди.

— Э, ука, сиз айтган замонлар ўтиб кетган, — деди Мўйдин атрофга олазарак қараб, — асли касб танлашда хато қилган эканмиз. Ҳеч ким бизга ишонмайди. Биров эшиттириб, биров эшиттирмай «шпик», «сетка», яна алланарсалар деб ҳақорат қилишади. Чақчақлашиб турган тўртта одамнинг ёнидан ўтсак, улар бизни кўриши билан жим бўлиб қолишади.

— Пичир-пичир қилганларнинг гирибонидан олай дейману номус қиламан, — деди Маҳмуд.

Жўралар жим бўлишди. Буларнинг ичида ўзи ўлгундай кўрқоғу, орзи полвон Мухсинохун Маматохунов унчалик қизимаётган даврани жонлантириш ниятида ўртага луқма ташлади:

— Ёлчинбек, кимни кутяпмиз, ҳамма шу ерда, қуядиган бўлсанг қуй, томоғим тақилаб кетди-ку!

— Шу гапни кутиб турибмиз-да, — Ёлчин пишаларни очиб пиёлаларга қуя бошлади, — қани отаги-

нам, ҳаммамиздан каттасиз, дуо беринг, шу пиёлалардаги шернинг сутини опкириб қўяйлик.

Ажибек ота ўрнидан туриб, тоблаб гап бошлади:

— Энди болаларим, нима десам экан, ҳақиқатдан ҳам энг катталаринг менман. Лекин ҳали ҳам эсим кирмаяпти, ичяпман, менда на уй, на жой, на хотин бўлсин.

— Шикоят потом, отагинам.

— Ёлчин, сенинг шу одатингни ёқтирмайман. Гап айт, дедингми, нимага энди мени бўласан, жим тур, ўзим биламан, нима деяётган эдим, ҳа, топдим, менда на фарзанд, на хотин бўлсин. Бугун умрим меҳнатдан чиқмади. Қариганда ифвогарга айланиб турибман. Янгиси ҳам ўз хонасига чақириб насиҳат қила кетди: «Ота, сиз ёшингиз улуғ одам экансиз, қўйинг, ярашмайди бу қилиқлар сизга, ўшаларнинг ортидан юриб ёмон отлиқ бўлибсиз». Нима демоқчисиз десам, «Одамлар айблашяпти, яхши одам эди, уларга аралашиб айниди дейишяпти», — деса бўладими. Мен унинг тўғри юзига насиҳатингни онанга қил, дедим. Қаранг, ўзи кеча тухумдан чиқибди-ю, бугун менга ақл ўргатиб, насиҳат қилиб ўтирибди. Гапнинг қисқаси умрларинг узун, ризқларинг балаңд бўлсин. Ўғилларим, меҳмонларнинг саломатлиги учун охиригача кўтаришларингизни таклиф қиламан.

— Бу бошқа гап, қани ўзингиз бир ичиш қандай бўлишини кўрсатиб қўйинг отагинам, — деди Ёлчин уни масхара қилган оҳангда.

Ҳамма кўтарди. Пиёлани барчадан олдин бўшатган Ажибек ота яна минғиради:

— Шу Ёлчин, одамдан кулишингни ёқтирмайман-да. Охири сени ўзим кулдириб қўймасам бўлгани.

— Отагинам-эй, қани кулганим, ҳамма нарсани кўнглингизга олаверманг-да.

— Бас, ярим пиёла ичмасдан алжираманг.

— Хўп бўлади, — деди Ажибек ота Тошлоновга икки букилиб.

Ярим косадан шўрва олиб келинди. Ҳар гал бундай ўтиришда улар ошиқ отишарди. Бугун меҳмонлардан тортинишяптими, ҳар ҳолда сипо бўлиб ўтиришибди.

Аслиддинов гап бошлади:

— Азиз меҳмонлар, бундан буён сизлар бизнинг фоявий раҳбарларимиз бўласиз. Йўл-йўриқ сизлардан,

хизмат бизлардан. Зоҳир Раҳимовични танийсизлар-а? Бирга ўқигансизлар, кейинчалик сизлар юридик олий-гоҳга ўтиб кетгансиз. Мен ҳаммасини биламан, у сизларни ёмон кўради. Буни ўзларингиз ҳам биласиз. Сизлар унинг кимлигини, таржимаи ҳолини, дастуруламалини ҳаммамиздан яхши биласизлар. Бу тўғрими?

Ҳозир унинг устидан жиноий иш қўзғатилган. Мени уриб пешонамни ёрди.

Пулнинг зўри билан бу ишни ёпди-ёпди қилмоқчи бўлди, аммо у айтган нарса бўлмади. Мен керакли жойларга учрадим, ҳали бу масалага нуқта қўйилгани йўқ.

Сизларни билмадим-у менимча бизнинг устимиздан элик киши номидан ёзилган хатнинг ташкилотчиси ҳам шахсан унинг ўзи.

Латифхонов гапга аралашди:

— Биз мухбирни кўрмадик, у биз билан учрашишни истамади.

— Ўзимиз ундан қочдик, шекилли.

— Жим бўл, қўрқоқ.

— Гапни бўлма, лодон.

— Фельетон тайёрланаётган эмиш. Қани, чиқиб кўрсинчи, нима қиларканмиз уни, — деди Ёлчин.

Меҳмонлар бу ерга таклиф қилинишдан мақсад нима эканлигини англай бошлашди. Кетма-кет ичилди, меҳмонлар эса олдинги одатларича жим ўтиришибди. Ҳеч ким улардан гап сўрамасди. Мезбонлар ўзлари-ўзлари билан бўлишиб кетишди.

Автокорхонада ким қандай қадам ташлаяпти? Трест бошлиғи Эшонхон Тўраевнинг порахўрлиги, унинг олдига иш битириш учун кирганлар албатта нимадир совға қилиши кераклиги, акс ҳолда автокорхона билан трест ўртасида йиллаб қатнаёжани айтишди.

Бола-чақали бир слесарга унинг ёрдами жуда-жуда керак бўлиб қолибди. У қатнайвери толиқибди. Бошқарувчининг касаллигини биладиганлар қулоғига шипшитдилар. У одам яна қабулхонада пайдо бўлибди. Қўлидаги қоғозга ўралган оғир нарсани кўрган Эшон Тўраевнинг чехраси очилибди.

Қоғозга ўралган нарсани тортмасига ташлабди-да, йигитнинг қўлидаги қоғозга «берилсин» деб ёзиб имзо қўйибди.

Эшонхон Тўраев слесарь чиқиб кетгач ўралган нарсани очиб қараса, у яхши пишмаган фишт экан...

— Шу вақтгача халқимиз бу мақолни бузиб ишла-тиб келади, — деди Тошлонов, — бу нима экан ҳам демайсизлар, эшитинг: Гап кўп, кўмир оз деймиз, йўқ, бундай эмас, гап кўп, умр оз дейиш керак.

— Яшанг! — деди кимдир маст-аласт.

— Азиз меҳмонларимизга бор гапни очиқ-ойдин айтмоғимиз керак, вақт ўтмоқда.

— Кутяшмиз! — деди Маҳмуд.

— Ҳожатларингизни чиқарсак хурсанд бўлардик, — деди Мўйдин атрофга шубҳали қараб.

Ёлчин бундай вақтларда ичмайди. У ҳозир ҳам шундай қилди. Меҳмонларга топшириқ бериш керак. Агар йиғилганларнинг барчаси Ажибек, Зулфиқор, Мухсин-охунга ўхшаб пойма-пой гапирадиган бўлса зиёфатдан не фойда?!

Ёлчин икки ўрам пулни икки меҳмоннинг олдига ташлади.

— Азизлар, бу хамир учидан, бизга ўша ярамас ҳақида ҳужжат тайёрлашда ёрдам берсаларингиз бўлгани.

Сизлар аввал ҳам у билан шуғулланганларингизни яхши биламан. Унда қасдимиз бор. Дўстимизнинг ўчини олишимиз керак. У ўз фамилиясини ўзгартириб партия сафига киргани, чайқовчилик қилиб қамалгани, социалистик тузумга, улуғ ўрис халқига қарши латифалар айтиб юрганини ўзимиз биламиз.

У қандай қилиб автокорхонага директор бўлиб қолган, бунинг учун кимга қанча пора берган, кандидатлик ишини қайси йўл билан ёқлаган? Ҳозирча мана шуларни билиб берсаларингиз кифоя.

Маҳмуд билан Мўйдин учун бу топшириқ анча қийин. Аввалги вақт бўлганида бу ҳужжатларни лаҳзада тайёр қилган бўлишарди.

— Биринчидан, анча қийин вазифани юкляяпсиз, иккинчидан, муддатини ҳам очиқ-ойдин айтишингиз керак. Бу иш бир ҳафталик эмас, камида бир ой, бўлмаса икки ойда зўрға бажарилади. Бунинг учун бошқа шаҳарларга ҳам боришга тўғри келади.

— Маҳмуджон ҳақ гапни айтди, — деди Мўйдин кўзларини пулдан узмай, — топиб олсанг ҳам санаб ол деганлар, неча сўмдан бу?

— Ўн мингдан, йигирма минг, озлик қилса айтаверинглар, буёғи мўл, — деди Ёлчин.

— Оз эмасми, Мўйдинжон?

— Оз, оз!

— Ишни бажаринглар, яна шунчадан бўлади. Муддатига келганда бир ҳафта, узоғи билан ўн кундан ошира олмаймиз.

— Биз бу ерда савдолашиб ўтирганимизда қаердадир бизнинг тақдиримиз ҳал бўлаётган бўлса нима дейсиз, — деди Аслиддинов, пиёлага шишанинг тағиде қолган арақни қуйиб Ажибек отага узатар экан, — олинг ота, олинг, битта отинг.

— Бас, кекса одамга буюғи ҳам меъёрдан ортиқ.

— Олаверинг, кейин хурсанд бўласиз.

— Туппа-тузук одамсан-у, бирдан бачканалашиб кетасан, бўлди деганимдан кейин бўлди-да.

— Хўп отагинам, ўзим отиб ташласам хурсанд бўласизми?

— Бас, Зулфиқор, тентаклик қилма, бу ерда ҳаёт ва мамот масаласи ҳал қилиняпти, — деди Ёлчин. — Агар муҳтарам зотлар қарши бўлишмаса, яна ўн кундан кейин худди шу ерда, шу соатда тўпланишамиз, унча на кўчада, на бошқа ерда учрашиш йўқ, бизлар бир-биримизни танаймиз. Мен Мўйдинжон билан Маҳмуджонларни назарда тутяпман. Саволлар йўқми?

— Йўқ!

— Демак келишдик. Хўш, шефлар сизлар индама-япсизларку?

— Ёлчинбек нима деса шу-да, — гап бошлади Мўйдин салмоқлаб, — велосипед минганмисизлар?

— Нима эди? — таажжубланди Наимхон Латифхонов.

— Минганлар ҳам, минмаганлар ҳам эшитсин. Велосипед минган энг аввало рулни маҳкам тутади. Оёқ остига эмас, узоқни мўлжалга олади. Агар у оёқ остига қарайдиган бўлса, албатта йиқилади. Бундан чиқадиган фалсафа тушунарлими?

— Унчалик эмас, — деди Аслиддинов.

— Бизнинг ишда ҳам шундай бўлиши керак. Шошмасдан, ўйлаб, узоқни кўзлаб ҳаракат қилинса, албатта ният ҳосил бўлади. Шу боис айтилган муддатда баъзи масалалар ойдинлашмаса, фурсатни озгина чўзишга тўғри келади, лекин ишнинг боришига қараймиз. Ҳар ҳолда қийин-қистовга олмайсиз.

— Унда кечикмаймизми, сусткашлик қилиб охири аттанг деб қолмасак бўлгани.

— Бир донишманднинг вақти-соати етиб қолибди.

Унинг бир хум олтини бўлган экан. Ўз замонасида у хумни кимга қолдиришни билмапти. Охири уни етти қават ернинг остига кўмибди. Хумда: «Замонамда бу жавоҳирларнинг қадрига етувчи топилмади, келажакда ким топиб олса, бирор хайрли ишга сарфлар» деган ёзув бор экан. Мана ўша хумдаги олтинлардан-да минг чандон қимматли хазина ёнимизда турибди. Булар сизларсиз, азиз шефлар, булар сизлар орттирган ва қолдираётган тажрибалардир. Ўзларингиз ўша тўплайган жавоҳирлар — тажрибаларингизни тўла куч ила сарфлай олмадиларингиз. Мана энди бунинг фурсати келди. Иншооллоҳ, такрор айтаман, ўша донишманднинг хумидаги олтинлардан-да қимматли бўлган тажрибаларингиз бизларга қўл келиб қолур.

— Офарин, Ёлчинбек! — деди Маҳмуд оғзининг таноби қочиб, — зўр экансиз, бундай гапларни қаердан топасиз-а?

— Сизлардай одамлардан-да.

— Борки имкониятимизни, тажрибаларимизни ишга соламиз, ўзингиз айтган хумдаги олтинларимизни ерга кўмиб биз аҳмоқ эмасмиз, улар сизларга, ҳаммага керак, — деди Мўйдин.

Шундай қилиб улар яна ўн кундан кейин ушбу хонадонда учрашишга қарор қилдилар. Ҳамма уй-уйига тарқалди.

15

Маъмура эри янги ишга ўтганида жуда қувонган, энди тинч-осойишта яшасак керак деган эди, йўқ, у ўйлаганча бўлиб чиқмади.

Айниқса кейинги ҳафтаalarda уларига нотаниш одамлар кўп телефон қиладиган бўлиб қолди. Гоҳо бир сўз демай, трубкани узоқ ушлаб туради-да, сўнгра шарақ этиб қўяди. Гоҳида Маъмурага дўқ-пўписа қилиб: «Эринг қани, бошқа аёллар билан ўйнайди, тентак хотин, сен эса уйда ҳеч нарсани билмайсан» деса, гоҳо яна бошқа овоз «Эрингни ўлдирамиз, сени ҳам» дейди. Бу даҳшатли телефонларнинг ҳеч бирини Маъмура эрига айтган эмас...

Зоҳир ишдан толиқиб-чарчаб келади-да, овқатланади. Кундан-кунга ўзгариб бораётган хотинининг чеҳрасига зимдан тикилади. Ўзича бу унинг ой-куни яқинлашиб қолаётганидан бўлса керак, деб ўйлайди. Маъ-

мурани эркалаб бағрига босади. Маъмура эса олдин-гидай қувноқ эмас, эридан ниманидир яширгандай, сир тутгандай кўринар эди.

Зоҳир бир куни ҳазил аралаш деди:

— Жоним, тувилажак фарзандимиз ўғил бўлса, отини нима қўямиз, қиз бўлса-чи?

— Билмадим.

— Нималар бўляпти ўзи?

— Ҳеч нарса. Бироз қийналяпман, — Маъмура бошини эрининг кўксига босди. Ҳозир у эри ишдаги вақтда қилинаётган қўнғироқлар ҳақида гап очмоқчи бўлди-ю, «кайфиятини бузмай» деб гапини эри бошлаган мавзуда давом эттирди. — Биринчи фарзандимизнинг исмини раҳматлик қайнотам бўлганларида у киши қўйиб беришлари керак экан. Энди бу вазифани қайнонам адо этадилар.

— Жуда яхши, онамлар нима деяптилар?

— Аяжонимлар ҳар келганларида меҳр тўла кўзлари билан менга мўлтираб боқадилар-да: «Жоним болам, оғир иш қилманг, ҳар қанча иш бўлса, мен борман, айтаверинг, ҳечам тортинманг, ахир мен ўзингизнинг аяжонингизман-ку!» деб парвона бўладилар.

Бир куни аяжоним: «Дадангиз ва аянгизга айтинг, бўлажак фарзандингизга от излашиб юришсин ёки ўзларингиз исм топиб қўйдиларингизми», деб қолдилар. Шунда мен «Нега ундай дейсиз, аяжон, ўзингиз қўйиб берасиз», дедим. Фарзандимизнинг исмини албатта қайнонам қўйиб беришлари керак.

— Ҳа, майли, ҳар ҳолда бизлар ҳам ўйлаб юрайлик. Ўғил бўлса Чўлпон, қиз бўлса Зебона десак, нима дейсиз?

— Яхшику-я, лекин аяжоним нима исми муносиб кўрсалар шу бўлади.

Зоҳир ҳазиллашди:

— Ҳар ҳолда фарзандимизнинг исми Болтабой, Тешабой, Маша-паша бўлмас деб ўйлайман.

Маъмура қотиб қулди ва «худо сақласин, тавба!» деб ёқасини ушлади.

Зоҳир телефон турган тоқчада уйилиб ётган газеталарни тита кетди. Шу вақт телефон жиринглаб қолди. Маъмуранинг юраги қаттиқроқ ура бошлади. У ўша номардлар бўлмаса эди деб ташвишланарди. Зоҳир телефон трубкасини кўтарди, анча вақт ҳеч қандай овоз келмади.

— Эшитаман, гапиринг, кимсиз? Овозим ёқмади, шекилли. Кимсан, гапир, гапир, — номаълум одам трубкини шарақ этиб ташлади. Кўп ўтмай телефон яна жиринглади. Яна Зоҳир трубкини кўтарди, яна жимлик. — Эшитаман, гапир, гапир.

Шу вақт дағал овоз келди:

— Бу сенмисан, билиб қўй, яқинда сенларнинг бошингга шундай даҳшатли кунлар келадики, бунақасини тушингда ҳам кўрган эмассанлар.

— Кимсан, мард бўлсанг айт, кимсан ўзинг. Хе...

Эрининг пинжида ранги-кути ўчиб турган Маъмура билди, бу ўшалардан. Эри йўқ вақтида телефон қилувчилардан бири.

Мана энди мавриди. Ҳозир айтмаса, сирни қачон айтади.

— Нима, ким экан?

— Ифлослар, буни шантаж дейдилар.

— Зоҳир ака, энди айтмасам бўлмайди. Сиз ишда бўлган пайтларингизда ҳам ҳар куни бир вақтда нотаниш кимсалар телефон қилишади, сизни ёмонлайди, эринг бузуқ, аёллар билан ўйнайди, сен эса ҳеч нарса билмайсан, эринг бузуқ, эринг бузуқ! — дейди.

— Ҳозир менга ҳам шунга ўхшаш гап қилди. Сизни ёмонлади ярамаслар!

Эр-хотин анчагача ухлай олмадилар. Айниқса Маъмура тинчлигини йўқотган эди.

Маъмураҳоннинг Саодат исмли дугонаси бўлиб, у қачон, қаерда учрашмасин, доим бу хил гапларни ва «миш-миш»ларни тарқатиб юради.

Яқинда айтиб берган бир ҳангомаси бирдан Маъмураҳоннинг ёдига тушди. Бир аёл олийгоҳ ётоқхонасига кириб, таниқли бир кишининг қизига «Қизим, дадангиз сессияга келганлар, сизни олиб келишни менга буюрдилар. Бўла қолинг, кўчада машина кутяпти», депти. «Дугоналаримдан ҳам бирортасини олайми ё ўзим чиқаверайми?» — депти қиз.

— Кейинги сафар, ҳозир ўзингиз бўла қолинг, — депти аёл жиддий оҳангда.

Қиз кўчага чиқиб, кутиб турган машинага ўтириши билан икки йигит унинг кўзларини боғлаб оғзини беркитади-да, шофёрга «ҳайда!» деб буюради. Кунлар ўтса ҳам қиздан дарак йўқ эмиш.

Одам ўғрилари талаба қизнинг дадасига телефон қилишибди. «Агар қизинг керак бўлса, юз минг сўм

берасан. Пулни биз айтган жойга олиб борасан. Ма-
бодо милицияга хабар бериб, ушлатаман десанг сени
шу куниёқ нариги дунёга жўнатамиз. Милициянинг
энг каттаси ҳам ўзимизнинг одам, билиб қўй!

Пулни биз айтган жойга қўйган кунинг қизинг ўз
ётоқхонасида бўлади. Унинг соғлиғи, софлиги тўла таъ-
минланган. Агар бошқачароқ ҳаракат қилгудек бўлсанг,
у ёғини ўзинг биласан, эркак нимага қодир бўлса
қизинг билан шуни қиламиз», дейишганмиш.

Чорасиз қолган қизнинг отаси ўғрилар талаб қил-
ган барча ишларни бажарибди. Ҳозир ўша қиз ўқиёт-
ган эмиш.

Бу «миш-миш»лардан ваҳимага тушган Маъмура
кўчага ҳам чиқмай қўйган эди. Бугун эса ухлай олмай
тўлғонаётир.

Зоҳир телефон ҳангомасини унутиш учун энг ав-
вало телефонни илгагидан чиқарди. Ухлашдан олдин
эр-хотин ўртасида бўладиган ширин гапларни айтиб
аста шивирлади:

*Сеникидир, жонгинам,
Муҳаббатим, юрагим.
Болиш бўлсин ҳамиша
Бошгинангта билагим.
Қирқ кокили ярашган,
Бир ўзимга керагим.
Болиш бўлсин ҳамиша
Бошгинангта билагим.*

— Яхши шеър экан, ишқилиб ўзингиз ёзмадингиз-
ми?

— Йўғ-э, шоири эсимда йўқ, ҳар ҳолда ёмон эмас,
менга бир ўқишда ёд бўлиб қолдики, демак яхши
экан.

16

Автокорхонада текшир-текшир бошланганига анча
бўлди. Текширувчилар тамоман нотаниш одамлар.
Ёлчиннинг куни тугиб қолди. Номига одам бўлса ки-
фоя, топиб келиб, гарчи бу ерда ишламаса-да, текши-
рувчиларга рўпара қиларди. Зоҳир порахўр, қўшимча
биноларни ҳашар йўли билан қурилгани ҳолда давлат
маблағини режасиз сарфлаган, хотинбоз, ичувчи, юл-
гич, келиб-чиқиши хавfli, ишчиларни менсимайди,

ҳатто уради. Ёлчин ўзи топиб келган одамларни директор муштумзўр деб кўргазма беришга ундарди.

Зоҳир эса корхонага келиб-кетаётган одамларни танимас, улар билан қизиқмасди.

Автокорхонада бўлаётган барча ҳангомалардан бутун шаҳар огоҳ эди. Худди шу кунлари Зоҳир кўричак бўлиб қолди. Уни ишхонадан тўғри касалхонага олиб кетишди. Дарҳол операция қилинмаса, касаллик оғир кечишини барча биларди. Зоҳир ўз дарди билан олишиб бу ерда ётганида, у ерда текширувчилар корхонадаги гапларга бошқачароқ ранг бердилар. Ёлчининг шериклари «Ишни қилиб қўйиб, кўрққанидан ётиб олди» деган гапларни тарқатишди.

Зоҳир жарроҳлик хонасидан анча оғир чиқди, рангрўйи бир аҳвол. Унда ҳол сўраб келган Мамадали домла билан Осиё опа у ҳақда гарчи кўп нарсалар эшитган бўлсалар-да ўзига билинтирмадилар. Мамадали домла куёвига ўзи ҳам бир вақтлар бу дардини бошидан кечирганини айтиб, «Ҳеч нарса эмас, ўтиб кетади» деди ва куёви, хотини ва қизи билан хайрлашиб ишхонасига кетди.

Осиё опа Маъмура билан йўл-йўлакай пиёда гурунглашиб қайтар экан, деди:

— Куёвинг бу вазифага ўтди-ю, боши балодан чиқмай қолди.

— Аяжон, нимасини айтасиз. У ердагилар... Агар эшитганларим, билганларимни айтсам гап кўп.

— Эринг тош эмаски, сувга ташласа чўкиб кетаверса. У бу ердаги лойқа сувни тиндирмоқчи. Шаҳарда шунчалик гап кўпайганки, асти қўяверасан. Бу албатта уч-тўрт ғаламиснинг иши эканлигини яхши биласан.

— Биламан.

— Шу-да, она қизим, йигит кишининг ризқини қирқ йил асрар эмиш. Куёвинг ризқи улуғ йигитлардан қизим, ҳа, шундай, майда-чуйда гапларнинг бари ўткинчи.

— Эсон-омон касалхонадан чиқсалар, «Йиғиштиринг бу ишни!» деганим бўлсин.

— Ҳа, қизим. Унинг бошида яна қанча савдолар борлигини бир Оллоҳ билади. Куёвинг балки шу йўл билан корхонасини бало-қазолардан тозаламоқчидир.

— Билмадим, ҳар ҳолда хизматни деб ўз совлигидан ажраб қолаётир.

— Майли қизим, сен билан бизнинг вазифамиз сабр қилиш, эрнинг измидан чиқмаслик, оналаримиз ҳам, момоларимиз ҳам шундай қилганлар. Бу — бошқа халқлар аёлларига ҳеч қачон насиб қилмаган шарқнинг ўз удуми, қизим. Бу кунларнинг бари ўткинчи, ҳақ гапни ҳали даврнинг ўзи айтади. Эринг ҳалол йигит.

— Ундай бўлса, нега ҳадеб улар Зоҳир акамга осилаверишади?

— Қизим, мевали дарахтта тош отадилар.

— Отмай ўлишсин.

— Шуни билки, имон билан эътиқод эгизак. Афсуски, бу эгизаклар бутунга келиб бегоналарга айла-ниб боряпти. Эътиқоди бўлмаган одамнинг имонига, имони бўлмаган одамнинг эътиқодига ишонма деганлар.

— Ҳар ҳолда даҳрий одамлар жуда кўпайиб кетяпти. Номасълум шахслар гоҳо-гоҳо уйга телефон қилишиб, Зоҳир акам шаънига бўлмағур гапларни айтишмоқда.

— Ўзига айтдингми?

— Ҳа, ўзи уйдалигида ўша ифлослардан бири телефон қилиб қолди. Ўшанда айтишга мажбур бўлдим.

Она-бола гап билан бўлишиб уйга етиб келганларини ҳам билмай қолдилар. Маъмуранинг ой-куни яқинлашиб қолгани учун Осие опа кунларини унга кўз-қулоқ бўлиб ўтказар эди.

Катта дарвоза очик. Улар уйга кириб ҳайрон қолишди. Ҳамма нарса очилиб-сочилиб ётарди. Уйга ўғри кирганлигини билган она-бола бир лаҳза ваҳимага тушдилар. Маъмура милицияга хабар қилиш учун телефонга чопди. Кўтарса у ҳам ишламаётир. Пастда эса телефон иплари узилиб ётарди. Демак, бу ўшаларнинг иши.

— Тўхта қизим, жойингдан жилма, ҳеч нарсага қўл тегизма, ваҳима ҳам қилма. Мен ҳозир қўшниларингдан милицияга хабар бераман.

— Ойи, ўзим... ўзим...

Она-бола ўзларини анча босиб олгандай бўлсаларда, бари-бир ҳаяжонда эдилар. Куппа-кундуз рўй берган ўғирликдан қўшнилари ҳам ҳайрон. Ана-мана дегунча милиция ходимлари изтопар ит билан етиб келишди. Улар сочилиб ётган латта-путталарни суратга тушира кетдилар.

— Уйдан чиққанларингга қанча бўлди?
— Икки соатдан ошгани йўқ.
— Демак, кимдир кузатган.
— Ўғри нималар олганини қандай биламиз? Тақинчоқларингиз, пулларингиз бормиди, қўйган жойларингизни синчиклаб қаранг!

— Бир тилла узугим ва тилла сирғам бор эди. Бу ўзимда, тақиб юрибман, 600 сўмча пулимиз бўлиб, тортмада турарди, — Маъмура югуриб бориб тортмани очди, — пул йўқ, олиб кетибди.

— Бошқа нарсаларингизни ҳам шошмай эсланг Кийимларингиз жойидами?

Осиё опа қизининг ҳаяжонда тез-тез қилаётган ҳаракатларини кўриб деди:

— Маъмура, сен унчалик уринма, ке, ўтир, нима қаердалигини айтсанг ўзим қарайман, куёвингга, дадангга хабар берсакмиқан?!

— Дадамга билдирсак майли, аммо куёвингиз касалхонадан чиқмагунча билдирмасак яхши бўларди Унинг аҳволини ўзимиз кўриб турибмиз. Бугун операциядан чиққан одамга дард устига чипқон-ку.

Милиция ходимларидан бири суҳбатга аралашди:

— Мен сизга савол бераман, сиз жавоб қайтарасиз. Шундай қилсак ишимиз тезлашади, синглим, хафа бўлманг, ҳаммасини топамиз.

— Раҳмат! — деди Маъмура ўзини аранг босиб.

— Демак, 600 сўм пулдан бошқа ҳеч нарсага теккан эмас?

— Билмадим, қўйган жойларимни ўзим ҳам билмаяпман, сизни қийнаб қўйдим.

— Сен оғир оёқсан, қизим, худо ўзи сақласин.

— Ҳа-я, кечиринг! — деди милиция ходими ва ёза бошлади.

Икки-уч соатлик тинтувдан кейин маълум бўлишича, ўғрилар бир дона олтин қўл соат, магнитофон, Зоҳирнинг тўй куни бир марта кийган қора костюми ва оқ қўйлағи, Маъмуранинг келинлик либослари ҳамда Зоҳир дўстларига деб атаб қўйган уч шиша коньягини олиб кетибди. Ҳаммасини пулга чаққанда, 10 минг сўмга бориб-бормас эди.

Изтопар итни у ёндан бу ёнга физиллатишди. Излар алақачон йўқолган эди.

Воқеадан хабар топган қўни-қўшнилар тўпланишиб гала-говур қилишар, «Нима қипти?», «Вой ўлма-

сам, купша-кундузи-я!», «Нималарни олиб кетибди?», «Ўғри ҳеч қачон четдан келмайди» деган ҳар хил гаплар қулоқларни қоматта келтирар эди.

Ўғирланган нарсаларни рўйхатга олган милиция ходими гувоҳликка ўтиш учун қўшнилардан икки-уч кишининг номи, отасининг исмларини сўраганда, одамлар бирин-кетин чиқиб кета бошлади.

— Нега ундай қиласизлар, фуқаролар, қўшнилар гувоҳликка ўтмаса ким гувоҳ бўлади, келинлар, ёрдам беринглар, шу нарсалар чиндан ҳам ўғирланганлигининг тўғри эканлигини тасдиқлаш керак! — ялиниб-ёлворди ёш милиционер.

— Сизларни биламиз, хатга тушдинг, ўтга тушдинг, қўл қўйгандан кейин кун ора ҳали терговга, ҳали судга чақиравериб тинкамизни қуритасиз, ишдан қоламиз.

— Йўқ, ундай эмас, ажойиб одамлар экансизлар. Ўз қўшниларингизнинг бошига шундай савдо тушиб турса-ю сизлар бош чайқаб турибсизлар.

Формадаги йигитнинг гаплари таъсир қилдими:

— Мана мени ёзинг, уй эгаси йўқлигида ўғри тушгани, нималарни олиб кетганига гувоҳлик бераман. Керак бўлса гумон қилганим ҳам бор, уни ҳам айтишим мумкин, — деди ёши улурроқ бир отахон жаҳл билан.

— Ота, ҳозирча бу ерга имзо чекинг.

— Хўп бўлади, ўғлим.

Қўшнилардан уч-тўрт киши мазкур хонадонга ўғри тушганлиги ва рўйхатда кўрсатилган нарсалар ўмарилинганини таъкидлашди ва имзо чекишди.

Одамлар тарқалгандан кейин милиция ходимига ота ўз гумонини ҳам айтди. Буларнинг ичида Зоҳир бошлиқ бўлган автокорхонадан бир киши борлиги гумон қилинди. Буни нафақат ота, бошқалар ҳам таъкидлашди.

Бу, хонадон учун бир куннинг ўзида бўлаётган иккинчи кўнгилсиз ҳодиса эди. Бугуннинг ўзида Зоҳирнинг операция столига ётиши, ўғирликнинг содир бўлиши ой-куни яқинлашиб қолган Маъмурага таъсир қилди. Бирдан унинг қорни бураб оғрий бошлади. Маъмура ўтирган жойидан жилолмай қолди. Осиё опа буни тўлғоқ деб англади. Қизининг «дод-вой»ларига унчалик парво қилмади.

Қўшнилар уйдан «тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Чақирувчининг манзилгоҳи, мақсад нималиги, туғил-

ган йили ва ҳоказолар ҳақида ахборот берди. Сўнгра у уйига, Мамадали домлага ҳозиргина содир бўлган ўғирлик ва Маъмуранинг ҳолатини билдирди.

— Иложи бўлса тезроқ етиб келинг, куёвингизга бу гапларни айтишнинг мавриди эмас, қизингиз эсон-омон кутулиб олсин.

Кейин телефонда домланинг:

— Нима деяпсиз, қанақа ўғирлик, қаерга, Зоҳирларникига, ё тавба. Фалокатнинг кетма-кет келишига ҳайронман, — деган овози эшитилди.

Осиё опа трубкани жойига қўйиб дарҳол ортига қайтар экан: «Керак бўлганда асқотмаган телефон телефон бўладими?» — деб тўнғилади.

Маъмура диванда хушсиз ётарди. Милициядан келганлар ҳамон унинг у четидан бу четига метрлаб, сантиметрлаб ўлчар, идишлардан, эшик тутқичларидан ўғри изларини ахтарар эдилар.

Маъмура оғир-оғир нафас оларди. У худди ҳозир ўлиб қолаётгандек онасининг кўксига ташланиб йиғлай кетди:

— Аяжон, аяжоним, жуда бўлмай кетяпман, мен ўлиб қоламан, шекилли.

— Ундай дема қизим, ҳаммаси ўтиб кетади.

— Йўқ, йўқ, бир кунда шунча бахтсизлик, бу нима деган гап. Худо ҳамма қаҳрини жамлаб турган эканда!

— Ўргилай қизим, ундай дема.

Уй ичида алланималарни титиб, расмга тушириб юрган милиция ходимларини Осиё опа ҳозир жуда ёмон кўриб кетди ва уларни гадаблаб берди:

— Сизлар бу ерда уй ичини ўлчаб, расмга туширгунларингча ўғрилар олган нарсаларини пуллаб бўлишади-ю.

— Опажон, ишимиз шунақа. Бу масала билан шуғулланаётганлар ҳам йўқ эмас.

— Ўғлим, буёғини кўриб билиб турибсиз, қолган ишларни эртага қилсангиз бўлмайдими?

Маъмуранинг ҳолатини кўриб турган милиция ходими масаланинг моҳиятини тушунди. У дафтар-қаламини йиғиштирар экан, «Оллоҳ ўзи ёр бўлсин, опа, мендан қандай ёрдам керак бўлса, тайёрман. Бўлмаса биз кетдик, ҳеч нарсага тегилмасин, бунақаси жуда кам бўлади. Начора, демак эртага давом этамиз», деди.

Осиё опа билан Маъмура уйни беркитиб «тез

ёрдам»нинг йўлига пешвоз чикдилар. Кўп ўтмай қизил белбоғли ҳамда қўшув белгисининг расми туширилган машина келиб тўхтади. Осиё опа қизининг қўлтиқларидан тутиб, машинага йўлаб ўтқазди ва ёнига ўзи ҳам чиқди. «Тез ёрдам» кўздан ғойиб бўлди. Қўшнилари қўлларини очишиб: «Худо ўзи осон қилсин, ўғил бўлсин!» деб дуо қилдилар.

Ҳозир Маъмуранинг қулоқларига ҳеч-нарсаси кирмас, операцияда шу бутун эри тортган азоблар ҳам, уйига ўғри тушиб келтирган зарарлар ҳам ёдида йўқ. Унинг кўзига фақат ўз жонигина кўринарди.

Шу тун тонггача Зоҳирлар хонадонидида чироқ ёнмади. Аммо шаҳарнинг икки касалхонасида — бири Зоҳир, иккинчиси Маъмура ётган касалхона бўлимларида чироқ ўчмади.

Тонгга яқин Маъмуранинг қорни оғримамай, тўлғоқдан асорат ҳам қолмади. Ёнида қизининг кўзларига тикилиб, унинг барча ғам-ғуссаларию дардларига шерик бўлишга тайёр ўтирган онаизор оғирроёқ аёлларда кам кечадиган бу ҳолатни асло англамасди.

Тунги текширувлар, лаборатория хулосалари ҳозирча аниқ эмас. Шундай бўлса-да, Осиё опа ўзича таҳмин қилди: «Қизимнинг айтишича, хали тўққиз ой бўлгани йўқ, албатта бу ҳолат қаттиқ руҳий изтиробнинг натижаси бўлса керак. Бундан ташқари Маъмура ҳаяжонда елиб-югуриб милиция ходимларига қарашди, уни-буни кўтарди. Ишқилиб бу бирор асорат қолдирмаса бўлгани. Йўқ, йўқ, бу ўткинчи нарса. Бу тўлғоқ эмас».

Илоҳо Осиё опанинг таҳминлари рост чиқсин! Маъмуранинг вужудида пайдо бўлган бу зилзила ўтиб кетсин.

* * *

Оппоқ кийинишиб олишган шифокорларнинг бошлари бир жойга жамланди. Улар бир фикрга келиша олмаётир. Қориндаги оғриқ бирдан тўхтаб қолганлигини айтганда, улар баттарроқ ташвишлана бошладилар.

— Нима қиламиз энди?

— Бўлим мудираси Манзураҳоннинг айтганларига қўшиламиз, беморни кечиктирмай жарроҳлик курсисига ётқизамизда, ўлик болани олиб ташлаймиз, ёш онани сақлаб қоламиз. Бу масалани тезлатмасак, она-

нинг қони бузилиши ва ўзидан ҳам ажраб қолишимиз мумкин.

Зоҳир касалхонадан чиққач, бўлиб ўтган барча ҳангомалардан хабар топди. У шу куниёқ касалхонага бориб, Маъмуранинг ҳолидан хабар олишга шошди.

Навбатчи аёл Маъмура анча яхши бўлиб қолганлиги учун Зоҳирни бемор ётган хонага кузатиб қўйди.

Аввалги Маъмурадан асар ҳам қолмаган эди. Рангрўйи тўзган. У остонада пайдо бўлган Зоҳирни кўриши билан ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо туролмади, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Йиғламанг азизам, ўрнингиздан қўзғалманг. Мен барчасидан хабар топдим. Умри қисқа экан, худога шукур ўзингиз тинч-омон экансиз, шунинг ўзи етади,— энгашиб Маъмуранинг юз-кўзларидан ўпди.

— Ўзингиз яхши бўлиб қолдингизми?

— Худога шукур, раҳмат!

— Дадам билан аям эндигина кетишди. Қишлоқдан бувижоним келган эканлар, овора бўлибдилар. Зоҳир ака, худо хоҳласа бирор ҳафтада чиқсам керак.

— Албатта чиқасиз, жоним!

Зоҳир билан Маъмура бир-бирларига тўймай узоқ суҳбатлашиб ўтиришди, бундан буён кўз ёшларнинг фойдаси йўқлигини англадилар. Кетма-кет келган бахтсизликлардан, кузги шамоллардан кейин яхши кунлар келажагига уларнинг ҳозир ишонгиси келарди.

17

Зоҳир касалхонадан чиқиб икки ҳафта уйда ётди, ишга бормади. Аммо автокорхонада нималар бўлаётганидан, Ёлчин, Зулфиқор ва бошқалар ҳаддидан ошиб, текширувчиларни гўё ўз томонларига оғдириб олгани, директор ишга чиқиши билан қувилажаги каби «миш-миш»лардан хабардор эди. Зоҳир касалхонага ётган куни бундан воқиф бўлган кимсалар тил бириктириб уйига тушгани, бу ишда ўшаларнинг қўллари борлигини, ҳатто улардан бир киши ҳибсга олинганини эшитса ҳам бу масалага унчалик аҳамият бермади. Ҳибсга олинган экан, демак у албатта гапиради, деб ўйлади.

Бу орада Зоҳирнинг касалхонадан чиққанини эшитган таниш-билишлари, дўсту биродарлари уни йўқлаб уйига келишди. Суҳбатларда шаҳардаги янгиликлардан оз бўлса-да хабардор бўлди. Бироқ, кўпроқ уни

автокорхонадаги машмашалар қизиқтирарди. У ердаги ҳолатни одамлар ошириб-тошириб, кўпиртириб гапириб юришса-да, бунчалик эмаслигини, «миш-миш»-ларни эса Ёлчиннинг одамлари тўғри келган жойда ўзларича тарқатиб юрганини биларди. Зоҳир текширувчиларнинг «уларга сотилгани» ҳақидаги гапларга ҳам ишонмади.

Корхона касаба уюшмасининг раиси Анвар Комиловдан бошқа ҳамма директорни йўқлаб келишди, ҳолаҳвол сўрашди. Нима учун Анваржон келмаганидан директор ташвишлана бошлади.

Анвар Комилович ҳақиқатгўй, оқни оқ, қорани қора дейдиган йигитлардан. Зоҳир охири Анвар Комиловга кўнғироқ қилди. У хонасида йўқ эди. Телефонни бошқа бир одам кўтарди. Зоҳир ўзини танитмади. Орадан ярим соатча ўтказиб яна кўнғироқ қилди.

— Эшитаман! — Бу энди таниш овоз эди.

— Анваржон, сизмисиз?

— Ҳа, мен. Ким бу?

— Менман Зоҳир акангиз.

— Ассалому алайкум, Зоҳир ака, яхши бўлиб қолдингизми, иш билан бўлиб ўтолмадим ҳам.

— Ҳечқиси йўқ, Анваржон, ўзингиз, уй ичилари яхшими, меҳмонларингиз ҳалиям кетишмадими?

— Ковлаштириб ётишибди...

— Мен ҳам бирор ҳафтадан кейин ишга чиқаман, фурсат топиб бир келсангиз, мен уйдман.

— Ҳўп бўлади. Қачон борай?

— Ўзингиз истаганда, вақтингизга қаранг-да.

— Эртага шанба, дам олиш куни, ишни озгина ташкил қилиб қўйиб, соат ўн бирларда худо хоҳласа ўтаман.

— Кутаман, Анваржон!

Анваржон, трубкани аста жойига қўйди-да: «мана, мен ким деган одамман. Зоҳир ака соғ вақтларида атрофида парвона эдим, бошига мусибат тушганда ҳеч бўлмаса бир бор кўриб келишга ҳам ярамадим. Ишни деб одам қаторидан чиқиб қоляпман. Ёлчин билан қурашаман, ҳақиқатни тушунтираман, дедимми?! Йўқ, бу ҳаммаси пуч гаплар. Оқибат, одамгарчилик, меҳршафқат ҳақида ўзим соатлаб гапиришим, насихатлар қилишим мумкин-ку. Аммо ўзинг бунга амал қилсанми, деб сўрашса соқов бўлиб қоламан, ҳа шундай!» деб ўзига ўзи танбеҳ берди.

Анваржон бошини икки кафти орасига олиб хаёл суларди. Бу вақт унинг ўйларини хонага рухсатсиз кириб келган Ёлчиннинг оёқ товуши бузиб юборди.

— Анвар Комилович, хўжайин ўлмай уйига чиққан эмиш, бир бориб келсакмикан?

— Жуда яхши, рост айтяпсизми?

— Рост, хўп десангиз, шу бутун борамиз.

— Шерикларингиз еб қўймасмикан сизни?!

— Улардан қўрқсам арпа экмасдим.

— Менга қаранг, Ёлчинбек, нима қиласиз айлангириб, ҳеч қачон бормайсиз, мақсадга ўтинг, менда нима ишингиз бор, айта қолинг?

— Анвар Комилович, сиз келажаги бор одамсиз, олдингизга кирганимдаёқ мақсадимни билган эдингиз, офарин!

— Айтинг, яна ўша буйруқ хусусидами? Агар ўша гап бўлса, уни бир ўзим ўзгартира олмайман. Ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш менинг вазифамга кирмайди. Мен маъмурият эмасман. Буни фақат директор ўзи ҳал қилади.

— Биласизми, буни сизсиз, директорсиз ўзим ҳал қиламан, қараб турасиз. Хўжайинингиз сичқоннинг инини сотиб олиб, жон сақлаётганини биласизми?

— Бу гаплардан наф йўқ. Сиз ким бўпсиз-ки ўзингиз ҳал қиласиз.

— Шошманг, ҳали сиз ҳам хўжайинингиз билан сўроқ берасиз, қамаласиз.

— Қани ўрнингдан тур, жўна, э ўша...

— Нега ҳақорат қиласиз, ҳали жавоб берасиз! — Ёлчин эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Анваржон кун бўйи ёзилмай юрди. Эрталаб бир ярамас кайфиятингни буздими, тамом, кечгача хира тортаверади. Сен ҳам чидамай кимнидир ранжитасан, ё тавба! Бундай ярамасларнинг тупроғини қаердан олган экан? Турган-битгани иғво, илжираб туради. Ёлчиннинг бир қишлоқлик акаси бор. У жўжабирдай, болалари кўп. Яқинда унга колхоз уй қуриб берди. Акаси ҳали уйга кўчиб бормай, колхоз раиси устидан шикоят тушди. Бу думалоқ хатни ким ёзган деб қизиқарсиз, албатта ўзингиз ўйлагандек Ёлчин Аслиддинов эди. Буни унинг ҳамтовоқларидан Мухсинохун ўз оғзидан гуллаб қўйди.

Ўз туғишган оғасининг устидан ёзган, ўз пушти камаридан бўлган фарзандларини суд ва бутун жамо-

атчилик олдида «болалар мендан эмас» деб қасам ичган қасамхўр-да. Бундан яхшилик кутиб бўладими.

Хуллас, Зулфиқор ҳам, Мухсин-у Наимлар кўринишдан фариштадек бўлсалар-да, аслида улар ўғри, каззоб, хотинбоз, мутгаҳам, бир неча бор қамалган одамлар. Наҳот бутунга келиб улар ҳалол ва оқ кўнгилли кишилар устидан туҳматлар ёғдирсалар-у, уларнинг гаплари яна тўғри чиқса. Ҳалол кишилар бекордан-бекор айбланса, бадном этилса...

18

Маҳмуд билан Мўйдин пулни ва топшириқни олганларидан кейин Зоҳир ҳақида аввалдан нимаики билишса ўшаларни қоғозга туширдилар. У талабалик йилларидаёқ давлатга қарши ёшлар гуруҳи тузгани, «халқлар отаси» ўлганда «лўлининг эшагига ўхшаб» деган ўзлари ишлатавериб чарчамаган иборасини бироз ўзгартириб, «халққа, давлатга, партияга қарши қўпурувчилик ишлари олиб боргани, комсомол билетини йиртиб ташлаб «йўқотганман» деб янгисини бошқа фамилияда олгани, давлат хавфсизлик қўмитаси назоратида бўлганлиги, мардикор ишлаб юриб номаъқул ишлар қилгани, чайқовчилик қилгани учун Самарқандда қўлга тушиб қамалгани, ўзининг қатор жиноятларини яшириш ва партия сафига суқилиб кириш учун фамилиясини ўзгартиб, Ҳалимчаев ўрнига Раҳимов қилиб олгани, катта бобоси Қўқон хони Худоёрхоннинг лашкарбошиси бўлганлигини ҳаммадан яшириб келаётгани, фан номзоди деган илмий унвонни пулга сотиб олгани ва ҳоказоларни жамлаб, ўзларининг янги хўжайинларига топширдилар.

Гарчи улар шунча йиллар давлат хавфсизлиги маҳкамасида хизмат қилган бўлсалар-да, ёзиб берган кўрсатмалари асослими, асоссизми, бу томонини ўйлаб кўришмади. Нима қилиб бўлса-да улардан қутулиш, эшагига яраша тушови, пулига яраша хизмат қилиш эди. Янги хўжайинлари ҳар қандай КГБ дан ҳам хавфли эканлигини ўйларига ҳам келтирмадилар.

Аввал келишганларидек яна Мухсиноҳунларнинг ҳовлисида тўпланишди. Энди сафлари анча кенгайган эди. Улар ҳозир бир-бирларига гап бермас, Зоҳир ҳақида ким нимаики эшитган, нимаики топган бўлса ўзини кўрсатиш учун ҳаммадан олдин айтиб қолишга

шошилишарди. Собиқ Маҳмуд билан Мўйдин эса одатдагидек жим ўтиришибди. Барибир булар қанча жаврамасинлар, уларнинг қўлидаги ҳужжатлар бирма-бир ўртага ташланганда ҳаммалари ёқаларини тутиб, «иш-лаш бундай бўпти-да» деб ҳайратда қоладилар, деб ўйлашарди.

Даврани бошқарувчи Насим Тошлонов гап бошлади:

— Қани азаматлар, бу гап раислик қилиш навбати бизники экан, гапни ўзимдан бошласам. Ёлчин билан Зулфиқор югурди-елди, аммо бурганинг бурнини ҳам қонатолмадилар. «Буйруқни бекор қилдирмасам фалон бўлай», деб мақтандилар. Бас, қўлларингиздан келмас экан, нима қилардингиз ҳовлиқиб, мен нимаики қилсам аввало сизларга суяниб қилдим. Аммо баъзиларингизнинг дамингиз чиқиб писиллаб ўтирибсизлар. Яна ўзлари айтишару, менимча ўтган ўн кунда деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

— Нега ундай дейсиз, раис, — деди Зулфиқор кесатиш оҳангида, — қовун туширганлар ҳам бор-ку!

— Нимага шама қияпсиз?

— Билиб туриб, билмаганга олувчиларни ёқтирмайман, — деди Наимхон Латифхонов, — ўзларининг ўғиллари Акбарали келиб-келиб ўшаникига тушадими, хўп, тушибсан, ўлдириб юборсалар ҳам тан олма! Энди буёғи нима бўлади. У ҳаммамизни сотса-чи?

— Шуни билиб қўйингки, — деди Ёлчин, — кимда-ким қўлга тушар экан, биз уни танаймиз. Ҳали у гўдак терговда унча-мунча гапларни валдираса нима бўлади. Ўтган сафарги йиғилишда бинойидек чой ташиб юрувди.

— Маъна шу-да, моторинг ўт олдим, ўзинг ёнавер экан-да. Йўқ, унақаси кетмайди, — деди Насим Тошлонов, — менинг ўғлим бўлгани учунмас, унда ҳаммамиз битта-битта замбаракка ўқ бўламиз, тарқалиб кетамиз.

— Сизни ишга тиклаймиз. Барибир буйруқни ўзгартирмай қўймаймиз, ўғлингизни эса бир илож қилиб ажратиб чиқамиз, бу бизнинг бурчимиз.

— Шундай қилмасак, битта-битта териб қўйишлари мумкин, — деди Мухсинохун Маматохунов, — қўрқадиган жойимиз йўқ. Ўша терговчи билан ўзим гаплашаман, ё зар бераман, ё зўрлик қиламан. Агар ўғлингиз гуллаб қўйган бўлса бу сафарги йиғинимиз охиргиси бўлиб қолиши ҳам мумкин.

— Оғзингизни шамол олсин, энди мустаҳкамлаб келяпмиз. Ҳали бизнинг ўз конституциямиз, уставимиз бўлади. Акбаралига келсак, унинг ортидан, Мухсинохун, сиз бормайсиз, фақат отаси борсин. Биз эса бошқа томондан кўтаришиб юборамиз, — деди Ёлчин.

— Нима бўлгандаям яхши бўлмади, ишқилиб қариганимда...

— Бас қилинг отагинам бас, умуман сизни фахрийликка чиқарсак ҳам бўларкан.

— Бу нима деганингиз, — деди Ажибек Ҳожибеков, — мен сизлардан қўрқаман. Бўрилар оч қолганларида бир-бирини ер эмиш. Қариганда жасадим парча-парча бўлиб сойда оқмаса бўлгани.

— Умуман, бизда интизом йўқ, ким оғзига нима келса шуни деяверади. Шефларимизнинг ишлари чакки эмас. Тўплаган ҳужжатларини тройка кўриб чиқди. Уларнинг ичида ҳеч нарсага арзимайдиганлари ҳам, камёблари ҳам бор. Маҳмуджон билан Мўйдинжонларнинг ишларини қониқарли деб баҳоласак бўлади.

— Муҳтарам раис, йиғилишни Москов ноибларининг сессиясидан ҳам ўтказиб юбордингиз. Гап кўп, хирмонда ҳеч нарса йўқ, олдин иқтисод, кейин сиёсат деганлар.

Ёлчин қуруқшаб кетган лабларини тили билан ҳўллаб:

— Қорним ноғора, ичакларим сурнай чалаяпти, эшитяпсизларми, ҳўв раис, овқат-повқат борми ўзи, гапга қорин тўймас экан, — деди.

— Шундан ке-да жонидан, ўлиб бўлдик.

— Шефлар индамай келиб, индамай кетаверади-ларми? — Мухсинохуннинг бу гаплари Маҳмуд билан Мўйдинни қитиклаб қўйди. Улар бир-бирларига кўз ташлашди. Бу қарашларда сиз гапирасизми, деган маъно бор эди. Мўйдинмижгов миждовланиб гапни топгунча Маҳмудманти гапни тахлаб ташлайди.

Дарвоқе, давлат хавфсизлиги маҳкамасида ишловчилар биринчидан маҳкама доирасида ё рақам, ё лақаб билан юритиларди.

Ҳатто уларнинг шахсий ҳужжатларига ҳам исми, отасининг исми эмас, рақамлар ёзилган. Бу рақамлар ортида ким борлигини фақат биринчи бошлиқ биларди.

Бу ерда қатнашаётганларнинг рақам сонлари энг охирги 20—21 ларга тўғри келгани, айтиш қийин бўлгани учун бирига «миждов», иккинчисига «манти» деб

исмларига оҳангдош ва ўзларига муносиб тахаллусларни беришган эдилар. Гарчи уларнинг лақабларидан бу ердагилар аллақачон хабардор бўлсалар-да, бир марта ҳам қўллашган эмаслар. Мижғов ўрнидан туриб: «анақа», «ҳалигиндай», «так», так-так», — дея гап бошлаб аниқ бир фикр айтгунча Маҳмудманти жаҳли чиқиб ўрнидан туриб деди:

— Гап шундай, доклад қиламан, топшириқ тўла бажарилди, аниқланмаган баъзи масалалар бор, ниҳоясига етказиш учун Янгийўлга бориб келишга тўғри келади. Зоҳир қилни қирққа ёра оладиган йигит, унинг учун қўлимиздаги далиллар ҳеч нарса эмас, бир ҳамла билан занжирларимизни узиб, чиқиб кетади.

— Хўш, занжирларни узолмаслик учун нима қилмоқ керак? — деди Насим Тошлонов.

— Шантаж, фақат шантаж!

— Бир марта шунга ўхшашини ҳам қилиб кўрдик. Ҳеч нарса чиқара олмадик, — деди Ёлчин ҳали яраси битмаган пешонасини кўрсатиб, — энди фақат ҳалокат!

— Йўқ, машина аралашса, изи қолади, яна ўзимизга тушади.

— Хўш, унда нима қиламиз бўлмаса?

— Хотинларга ишқибоз ҳам эмас, занғар.

— Йўли шуки, заҳар!

— Заҳар! — деб юборди Ажибек ота, ҳамма унга ўтирилиб қаради.

— Қўрқиб кетдилар отам! Бас, масалани шу ерда тўхтатайлик, бўлмаган гап, бу қотиллик-ку! Қуйинг, анави шернинг сутидан, — деди Ёлчин буйруқ оҳангида. Ўтирганлар Ёлчиннинг ниятини англади. Ажибек ота безовталаниб қолди. Ҳозир ҳамма бараварига Ажибек Ҳожибековга ташланиб уни шу ернинг ўзида ғажиб ташлашга, бўғиб ўлдиришга тайёр тургандек ҳезланган эдилар.

Кимга арақ, кимга коньяк қуйилди. Ўртага катта сопол товоқда барра кабоб келтирилди. Ҳамма биттадан пиёлани оқ қилишди. Ота ҳам даст кўтарди. Иккинчи пиёлани олгандан кейин анча маст бўлиб қолди. Сухбат мавзуини Муҳсинохун ўзгартирди.

— Қани, 52 таликни чиқаринг, Фозилбек ота! Бир ташлашайлик.

Фозилбек ота Мамажонов ҳайдовчиликдан фахрийликка чиққан. Ажибек отанинг ёшлик дўсти, гуруҳга

Ажибек отанинг ўзи олиб келган. Гапга қўшилишга қўшилди-ю энди чиқиб кетолмай доғда.

Жўраларнинг шарти шундай: ўлар-ўлгунча бир-бирини ташламаслик, тўйда ҳам, ўлимда ҳам бирга бўлиш, гурунгда бўлган сирни ташқарига олиб чиқмаслик, кимда-ким сотқинлик қилса, бахридан ўтиш...

Ана шу шартлар Ажибекни ҳам, Фозилбекни ҳам боши берк кўчага олиб кириб қўйган эди.

Бу икки қариянинг гапдан чиқиб кетиши ҳақидаги ниятларини анчадан буён сезиб юрган жўралар улардан қутулиш йўларини ҳам ўйлаб қўйишган.

Ўтиришнинг навбатдагиси Арслонбобда бўлиши керак, бу ерда қарияларнинг икковини ҳам гумдон қилиш режаси тузилган бўлиб, буни фақат тройка билар, бошқалар эса уларнинг ҳаётлари хатарли сўқмоқлардан ўлим деб аталувчи кўчага яқинлашаётганини билардилар, лекин қачон, қаерда ижро этилиши сир эди.

Ажибек ота бу сафар эсон-омон бу ҳовлидан чиқиб кетсак бўлди, кейин бошимни кессалар ҳам қатнашмайман деб аҳд қилди.

Фозилбек ота яланғоч хотинлар суратлари туширилган қарталарни ўртага ташлади. Насим Тошлонов кўлга олиб биров салмоқлади ва томоша қилди.

— Йигирма бирми ёки пиррами?

— Йигирма бир-да! — деди кимдир чўнтак ковлаб.

— Ҳамма биттадан олади. Кимга туз чиқса ўша беради, розимисизлар?

Насим Тошлонов кўзини юмиб олиб қоғозни яхшилаб аралаштирди. Ўртага ташлади. Ҳар ким истаган жойидан олиши мумкинлигини таъкидлади ва биринчи бўлиб ўзи олиб яширди.

— Қани, ҳамма биттадан олиб бўлгач, ўртага ташлаймиз, агар тузлар икки ёки уч кишига чиққудай бўлса, уларнинг қоғозлари қайта аралаштирилади ва яна қайта оладилар, — деди.

Ҳамма биттадан олди, туз Ажибек отага чиқди. У ёш болалардек суюниб: «Туз менда» деди.

— Табриклаймиз, ота, омад келгани шу, бошланг,— деди Насим Тошлонов.

— Йўқ, дўстлар, мен ўйнамайман, сўна қиламан.

— Мумкин эмас, дўстлар эмиш, сўнангиз нимаси?

— Дўстлар дедингизми?

— Бизнинг дўстларимиз чўчқалар.

— Шунақами, менинг дўстим чўчқа, денг.

— Ҳа, шундай.

— Ота, катта кетдингиз, бизни айтяпсизми ёки бош-қаларними?

— Қават!

— Бошланг бўлмаса, сўна қилиш йўқ.

Ота қарталарни ноиложликдан тарқатар экан: «Чўнтакнинг ҳам мазаси йўқ, қуриб юрибмиз, болаларим», — деб минғирлади.

— Биз турибмиз, қанча берай? — деди Фозилбек ота.

— Керак эмас, борига ботирман.

Қарта бир неча бор айланди. Ўртада бир кучоқ пул тўпланди.

— Бонг!

— Бонг! — дейишди жўралар ҳовлиқишиб.

Омад Ажибек отага кулиб боққан экан, у тўпланган пулни ўз томонига сурди.

Фақат Ажибек отанинг «менинг дўстим чўчқа» деган гапи кўпчиликка қаттиқ ботди. Ҳар ким бу гапни қандай тушунса шундай тушунди.

Ўйин тонггача давом этди. Охири Ажибек ота ютмади ҳам, ютқазмади ҳам. Жўралар тарқалишидан олдинроқ раислик қилувчи кейинги гап Арслонбобда бўлиши, йиғилиш жойи шу ер эканлигини, барча албатта қатнашиши кераклигини эълон қилди.

19

Анвар Комилович ваъда қилган куни, айтилган соатда Зоҳирнинг уйига кириб келди. Улар кучоқлашиб кўришдилар.

— Зоҳир ака, яхши бўлиб чиқдингизми? Чақалоқ кетиб қолибди... — ҳамдардлик билдирди у.

— Нима қилайлик, иложимиз қанча, умри қисқа экан, ука, уйга ўғри тушганини эшитгандирсиз.

— Йўқ, кимникига?

— Бизнинг уйга-да!

— Хабарим йўқ.

— Ўша куни мени касалхонага олиб кетганларидан кейин қайнонам билан хотиним ортимдан келишибди. Бундан хабар топган ўғри фурсатдан фойдаланиб, уйга тушибди. Ўзига ёққан нарсаларни супуриб кетибди. Бизникилар келишиб қарашса, остин-устун. Бундан диққат бўлган келинаянгиз бирдан оғриб қолибди. Уни

туғруқхонага олиб кетишибди. Анваржон, илтимос, уйимизга ўғри тушганлигини ҳозирча, ҳеч кимга айтманг. Кўриб турибсиз, мен анча дурустман. Мол-мулк топилар, соғлиқни топиб бўлмайди, ука, Маъмурахон ҳалиям чиққанлари йўқ, бошимизга кетма-кет бахтсизликлар ёғилди. Бу гапларни дўстга ҳам, душманга ҳам айтиб бўлмайди. Келганингиз жуда яхши бўлди-да, ишга ўрганиб қолган одамга уй бўлмас экан. Ўзим-шу аҳволда ётсам-да, сизларни ўйладим, китоб ўқишлар ҳам жонга тегди. Кечирасиз, гап билан бўлиб чой қўйиш ҳам эсдан чиқибди.

— Йўқ, йўқ, Зоҳир ака, чойнинг кераги йўқ. Мен ўзим қўяман. Сиз безовта бўлманг.

Анваржон ўрнидан туриб ошхонага чиқди, газни ёндирди, Чойнакка сув қуйиб, ўтга қўйди.

— Ҳозир қайнайди.

— Раҳмат, ука, хўш, ишхонада нима гаплар? Мени ишдан бўшатиб юбормадиларингизми, — кулди Зоҳир Раҳимович.

— Нега ундай дейсиз? Ишхона ишхона экан-да. Ҳаёт олдингидай шарқираб оқмоқда. Режалар бўляпти. Ўрнингиз жуда билиняпти!

— Меҳмонлар кетдиларми?

— Йўқ, қоғоз титиш давом этипти. Сиз касалхонага ётишингиз билан «дўстларимиз»нинг ишлари жуда юришиб кетди. КРУнинг устидан улар КРУга айландилар. Менинг олдимга биттаси кириб, директор чиқарган буйруқни бекор қилсангиз қилганингиз, бўлмаса хунук бўлади деб дўқ қилди, хонадан ҳайдаб чиқардим.

— Яна ўша ўз пешонасини ўзи деворга урган одам бўлса керак-да!

— Ўша-да. Агар бизга қўшилсангиз қутулиб қоласиз, акс ҳолда акангиз билан қамаласиз. Насим Тошлоновни ишдан бўшатганлик ҳақидаги буйруқни бекор қиласиз, директор қайтгунча уни ишга тиклайсиз, дейди.

— Сиз нима дедингиз?

— Нима дер эдим, хонадан ҳайдаб чиқардим.

— Устингиздан тагин шикоят қилиб юришмасин.

— Ундан қўрқадиганлардан эмасман. Текширувчиларга кўпчилик: бу ярамаслар кимлигини айтишяпти, шекилли, улар ҳам кўриб, сезиб юришибди. Текширувчиларга яқинда даъво қилишиб: «Агар бизлар айт-

ганни қилмасаларингиз устингиздан бошлиқларингизга шикоят қиламиз, ишдан ҳайдатамиз», дейишибди. Шу сабабли КРУчилар ҳар бир нарсага жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишяпти.

Кўча дарвозаси кўнғироғи чалинди, Зоҳир ўрнидан туриб ташқарига чиқмоқчи бўлиб кўзгалган эди. Анваржон дарвоза томон чопди. Бир кўлида тугун, бир кўлида китоб билан Осиё опа остонада пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум, келинг Анваржон, омонми-сиз?

— Ваалайкум ассалом опа, ўзингиз яхшимисиз, дом-ла қалай?

— Ҳаммаси яхши, ўғлим.

Ташқаридан қайнонасининг овозини эшитган Зоҳир ўрнидан туриб бироз чап томонга буралибгина пешвоз чиқди.

— Келинг аяжон!

— Турманг, турманг. Зерикиб қолмаяпсизми?

— Йўқ, аяжон.

— Мен Маъмуранинг ёнидан келяпман, сўраб юбор-ди.

— Қандай, соғлиқлари дурустми?

— Яхши ўғлим! Вой-бўй, чойларингиз қайнаб кетибди-ку. — Осиё опа кўлидагиларни омонатгина четга қўйиб, дарҳол чойни дамлади ва дастурхон ёзди, ширинликлар олиб келди.

— Ўзимиз, овора бўлманг, — деди Анваржон.

— Ўтқир Ҳошимовнинг янги романи, ҳозиргина сотиб олдим.

— Раҳмат аяжон, менга-я?

— Сизга-да, ўғлим!

— Бу ёзувчи билан учрашган эдим. Ўзи ҳам жуда дилбар йигит экан, барака топгур.

— Сизлар гаплашиб ўтиринглар, ҳозир мен бир чимдим ош қилай, ҳозир домлаям келадилар.

— Осиё опа, сизни овора қилмайлик, ошни ўзимиз қилсак бўлмайдими, — тарадудланди Анвар Комилович.

— Йўқ, ўғлим, акангиз зерикиб қолган, озгина суҳбатлашиб турсангиз, ош тайёр бўлади.

— Аяжон, ўзим қилсам-чи?

— Мен туриб-а!

Осиё опа кўнмади, ўзи паловга уннаб кетди.

Зоҳир ва Анваржон ўртасидаги суҳбат давом этди.

— Анваржон, улар ҳар қандай балодан қайтмайдиган хилларидан. Мен буни яхши биламан.

Текширувчиларнинг ишлари ҳам анча яқинлашиб қолди, шекилли. Хатда нима кўрсатилган бўлса, ҳаммасини бирма-бир кўриб чиқишяпти. Аммо жўралар уларга халақит беришяпти. Қай бирини чақирса, «анаву қолмасин», «манавуниси керак эмас» деб ўргатаверган экан, «Борларинг, ишларингизни қилинг, ҳозирча бизга маслаҳатчи керакмас, тоза хира пашша экансизлар», дейишган эмиш. Улар бир куни ош дамлаб келишган экан, қайтариб чиқаришибди.

— Уларнинг ошини ейишганда борми, балога қолишарди.

— Текширувчиларга одамгарчилик қилиб бир пиёла чой ҳам қуйиб беролганим йўқ. Икки марта ишчилар ошхонасида биргаллашиб тушлик қилдик.

Бир куни Насим Тошлоновни дарвозабон ичкарига қўймапти. Хужжат талаб қилибди. Сиз ишдан бўшангансиз, деганига ҳам қулоқ солмапти. Хуллас, у сувюқмас ҳар куни ишхонада. «Мени қабул қилсин, айтадиган гапим бор» деб, гаранг қиялпти. «Уларга хўжайин эмасман» деб аранг қутулдим.

— Яхши қилибсиз.

— Зоҳир Раҳимович, ишга қачон чиқасиз?

— Сал ўзимга келиб олай, яна бирор хафтадан кейин.

— Зоҳиржон болам, домладан дарак йўқ, ҳозир ортингиздан етиб бораман, деган эдилар, нимагадир келмаяптилар. Бир қўнғироқ қилсаммикан? — хавотирлана бошлади Осиё опа.

— Майли, балки мен қўнғироқ қиларман?

Тиниб-тинчимаган Осиё опа уйига қайта-қайта қўнғироқ қилди. Ҳеч ким жавоб бермади.

— Домла йўлга чиққан бўлсалар керак, ҳеч ким кўтармаяпти, ошни дамлайверайми?

— Мен ҳам қарашайми? — деди Зоҳир.

— Осиё опа, мен шакаробни жуда боппайман, қани бир санъатимни кўрсатай, помидор, пиёзни кўрсатсангиз бас.

— Ўзим тайёрлаб қўйдим, меҳмонни ишга солиш айб-ку, Анваржон.

— Нега мен меҳмон бўлай?

Кўча дарвозаси қўнғироғи чалинди. Осиё опа қўли-

даги сочиқни елкасига ташлаганича чопди. Остонада домла эмас, қандайдир нотаниш одам турарди.

— Турсунали тоғанинг уйлари шуми?

— Йўқ, адашибсиз, нариги кўчада.

— Ҳамма уйлар, ҳамма кўчалар бир хил экан, адашиб қолдим.

— Ким, домлами? — деган овоз келди ичкаридан.

— Бегона одам, адашибди.

Осиё опа қўлларини сочиққа артиб янги чой дамлади, энди уни уйга олиб кирган ҳам эдики, яна ташқаридан қўнғироқ овози келди.

— Бу энди албатта домла! — деди ва дарвоза томон юрди, — бунча кечикдингиз, тинчликми, уйда меҳмон бор — Анваржон.

Домла оёқ кийимларини ташқарига ечди-да, ичкарига шошди. Қулочларини катта очиб Анваржонни бағрига босди.

— Бормисиз иним, кўришмаганимизга ҳам бир йилдан ошди. Тушунаман, ишларингиз кўп, ташвишларингиз ундан кўп.

— Домла, айб бизда, Зоҳир акани ҳам вақтида келиб кўрмаганим учун уялиб ўтирибман.

Домла куёви билан ҳам кучоқлашиб кўришди.

— Қани, энди дастурхонга! — деди Зоҳир, — аяжонимнинг қўлларидан палов емаганимга ҳам анча бўлиб қолган эди, бу, Анваржон, сизнинг шарофатингиз, қитдек-қитдек кетадими, бутун дам олиш куни-ку!

— Зоҳир ака, мени биласиз, агар домла хоҳласалар майли, ота-бола олинглар.

— Ёшим бир ерга борганда уят бўлар, ўғилларим, — деди Мамадали домла.

— Демак, ошхўрлик қилар эканмиз-да...

20

Уч кунлик терговдан кейин Акбаралини бўшатиб юбордилар. Терговчининг айтишича, ўғирлик тасдиқланмапти, ҳатто ундан кечирим ҳам сўрапти. Балки бу ҳам терговчининг ўзига хос бир усулидир. Очиғи буни олдиндан айтиш қийин. Бу хабарни эшитган Зоҳирнинг қўшнилари, айниқса гумоним шундан деган ота «терговчи сотилган бўлса керак» деб ўйлади...

Зоҳир тамоман тузалиб кетмаса-да, ишга чиқди. Шу куни умуман у ҳол-аҳвол сўровчилардан бўшама-

ди. Ўзини директорга яқин олиб юрувчилар ҳам, уни кўрарга кўзи йўқлар ҳам одамгарчилик юзасидан хонасига кириб дардиҳол қилдилар. Фақат ўша узоқдан тош отиб юрувчи уч-тўрт ғаразгўй кимсаларгина унга қорасини кўрсатишмади.

Директор кечга яқин текширувчиларнинг ёнига кириб, улардан ҳол сўради. Шунда улардан бири:

— Зоҳир Раҳимович, бизни кечиринг, одамларингиз ажойиб экан, ишлашга қўймаётир, яхши бўлиб чиқдингизми?

— Раҳмат! Раҳмат! Биздан нима талаб қилинади?

— Ҳеч нарса, одамлар билан учрашдик. Ҳаммаси жойида, айтарлик ҳеч нарса йўқ.

— Бир текис бўлиши мумкин эмас, камчиликларимизни ўзим айтиб бераман, режалаштириб қўйиб удалай олмаган ишлар кўп. Дарвоқе, камчиликлар топилмаса, топ-тоза экан деб кетилса, биласизларми, сизларнинг устиларингиздан ёзувчиларимиз ҳам бор.

— Қўяверинг, бундай дардга чалинганлар ҳамма жойда топилади. Бу дунёда ёмонликларнинг ҳам энг ёмони ифвогарлик.

Яқинда бир кичик ташкилотни текширдик, ҳаммаси бўлиб йигирма беш киши ишлайди. Тўғри гап айтиб ҳеч кимга ёқмаган ходимлардан бири бизга ёрилиб шундай деди: «У сал жиддими, уни менга, мен сал жиддимми, мени бошқага ифво қилади. «Висир-висир»лардан жуда-жуда зерикдим. Энди кўзларимни юмиб олиб, қулоқларимга пахта тиқиб юрибман, кўрмайин ҳам, эшитмайин ҳам дейман. Бу иллат бизга қаёқдан келиб қолди, деб сўрамайсиз. Биз мўмин-мусулмонларда бир-бирини кўролмаслик, ифво қилиш азалдан бўлган эмас. Ҳатто одамлар ўзгаларга пул бериб, «мени халқ ичига кириб ёмонлагин, гуноҳим тўкилади» дер экан. Пул беришса ҳам бундайлар топилмас экан, энди эса ҳар бир ташкилотда, маҳаллада бундайлар истаганча топилади. Бу иллатни ким, қайси миллат олиб келди, кимлар уни қон-қонимизга сингдиришди. Ушбу кичик корхонада биздан кейин ҳам бу иллат давом этса керак!»

— Зоҳир Раҳимович, бундайлар борлиги ҳам яхши, бизлар учун иш, сизлар учун ҳушёрлик пайдо қилади.

— Жуда тўғри айтдингиз. Бироқ бирники мингга, мингники туманга, деган гап бор. Бутун бир жамоани бадном қилувчилардан худо сақласин.

— Биттаси бу ерда бизга ҳам дағдаға қилиб кўрди. Агар текшириш биз айтгандай бўлиб чиқмаса, устидарингиздан ёзамиз, худога шукур саводимиз бор, дейди. Ҳатто у сизни юзсизларча директорликни ҳам, олимлик дипломини ҳам сотиб олган, деди. Нима билан исбот қиласиз десак, текширсаларингиз, топасиз, дейди. Ёпирай, қандай кунларга қолдик. Асоссиз гапларни бўжаб юборадилар-да, тагин ўзларини саводли, ишбилармон қилиб кўрсатишади. Ҳой биродарлар, бу бизнинг ишимиз эмас десак, ҳақ жойида қарор топмагунча ёзаверамиз, ёзаверамиз, керак бўлса сизларнинг устингиздан ҳам дейди. Охири бардошим тугаб, боринг, менга деса Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёзмайсизми, деб гапни бўлиб шартта нуқта қўйдим.

— Уюшган жиноятчиларни, уюшган ўғриларни, уюшган бузуқиларни биламан, аммо уюшган ифвогарларни шу чоққача кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасдим. Мен умуман иши юришмаган, бахтсиз раҳбарман. Қарерга борсам, ўша ерда ифвогарларга дуч келаман. Ундайлар билан ҳеч қачон келиша олган эмасман, — деди Зоҳир.

— Шундай бўлгани яхши.

— Булардан қутулиш осон эмас, ташлаб кетворай десам иш бошлаганимга бир йил ҳам бўлгани йўқ.

— Кўпчилик сиздан хурсанд, аввалги директорни инфаркт қилганлар ҳам шулар экан. Буни одамларнинг ўзлари айтишяпти.

— Менинг бошимга ҳам собиқ директорнинг кунини солишмаса бўлгани.

— «Ошхона, чойхона қурилишига қайси манбадан маблағ олинган. Кираверишдаги электр соати кимга керак, ўн учинчи ойликни ўзлаштириб юборди», дейилади хатда. Биз Анвар Комилович билан барча ҳужжатларни бир-бирига солиштириб кўрдик. Ҳеч қандай ғайри қонуний ҳаракат йўқ. Хўжалик ишларида ҳам айтгулик хатоларни кўрмадик. Зоҳир Раҳимович, акт-ахборотни тайёрлаб қўйдик, танишиб чиқиб ўз имзоингизни чексангиз.

— Агар мумкин бўлса битта илтимос бор эди. Акт-ахборотни кўпчиликка тарқатсак, ҳамма танишса, фикрларини ҳам айтишса. Мен бу гапни шунинг учун айтяпманки, корхонамиз фаолияти ҳақида тескари ёзувчилар бу билан тинчимайдилар. Ҳали улар сиз-

ларнинг ҳам устиларингиздан ёзадилар. Балодан хазар деганлар.

— Маъқул, акт-ахборотни кўпайтирамиз, истаган одамлар бемалол танишишлари, қаршилиқ билдиришлари ҳам мумкин. Зоҳир Раҳимович, бу дейман ўзларида юракдан ҳам қолмапти-да...

Акт-ахборот тайёр бўлди. Текширувчилар, автокорхона маъмурияти, ишчи-хизматчилар, техник ходимларнинг вакиллари танишиб чиқишди, имзолар чекилди. «Акт-ахборот билан қизиқувчилар бўлса, касабаси уюшмаси хонасига кириб танишишлари мумкин» деган ёзув эълонлар тахтасига илиб ҳам қўйилди.

Ифвогарларнинг даъволари пуч бўлиб чиқди. Очиқошқора ўтказилган текшириш уларнинг бемаврид ҳовлиқишларини ер билан яқсон қилди. Улар буни ҳам Зоҳирнинг иши деб шарҳлашди.

Текширишдан ҳеч нарса чиқмагач, улар КРУнинг бошлиғига хат ёзишди. Хатда: «Муҳтарам бошлиқ! Ходимларингиз бир ой муддатида корхонамизда текширув ишлари олиб борди, дастлаб тўғри йўлдан кетишди, кўп сирлар очилгандан кейин директоримиз Зоҳир Раҳимович қўрққанидан ўзини касалга солиб, кўричак бўлиб қолдим, деган баҳона билан (у ҳеч қачон кўричак бўлган эмас), касалхонага бориб ётиб олди. Шу ердан туриб текширувчиларни бошқарди, сўнгра яқун яқинлашганда ишга чиқди. Директор ўзига қарашли одамларни комиссияга киритди. Натижада у сувдан қуруқ чиқди. Бу албатта пулнинг кучидан.

Ходимларингиз қанча пора олганларини билмаймиз-у, лекин улар сотилди. Агар қайта текшириш ўтказилмаса, текширувчиларингиз ишдан четлатилмаса, устингиздан керакли жойларга шикоят қиламиз», — дейилган эди.

Дастлаб КРУ бошлиғи ҳам ҳайрон қолди. Наҳотки бу гаплар тўғри бўлса, деган шубҳага борди. Текширувчиларнинг бошлигини ҳузурига чақириб, хатни кўрсатди:

— Мана бу софинчилик-саломни ўқиб чиқинг.

— Қани, қаердан экан? Бўлди-бўлди, ўзим ҳам кутган эдим.

— Текшириш тўғри бўлмади, директорга сотилган дейишяпти-ку!

— Бўлмаган гап. Булар ҳайдовчилар эмас, ифвогар, тухматчилар!

— Қизишманг, қизишманг, хатни яхшилаб ўқиб чиқинг, кейин маслаҳатлашамиз.

— Хўп бўлади. Олсам майлими?

— Майли, иложи бўлса икки офиз тушунтириш хати ҳам ёзиб, қўшиб қўйинг.

Текширувчилар бошлиғи хатни олиб чиқиб кетди. Обдан ўқиди, унда айтилган гапларнинг ҳаммаси туҳматдан иборат эди. Зоҳир Раҳимовични «кўричак» бўлмаган депти. Ахир у операция қилинди-ку. Текшириб қолишса шарманда бўламиз ҳам дейишмапти, номардлар.

Иъво хатининг устига ҳозир хаёлидан кечирган барча гапларни ёзди, тагига нафақат ўз имзосини, текширишга борган ҳамкасабаларининг имзоларини қўйди-риб бошлиққа топширди.

Бошлиқ хонасидан чиқар экан унга: «Ҳеч бўлмаса, бориб юрмай, касалхонага телефон қилиб Зоҳир Раҳимович қайси кунларда касалхонангизда бўлди, у қаеридан операция қилинди» деб сўрасангиз, шунинг ўзи кифоя», деди.

— Қани ўтиринг, биргалашиб ҳозирнинг ўзидаёқ қўнғироқ қила қоламиз, — бошлиқ касалхона бош табибининг телефон рақамларини терди. — Ассалому алайкум, кечирасиз, бу мен, КРУ бошлиғиман, бир масалада ёрдамнингиз керак бўлиб қолди.

— Нима хизмат экан, бажонидил.

— Зоҳир Раҳимович деган одам сизда кўричак бўлиб ётганми, қачон, операцияни ким қилган? Шуни билмоқчи эдим.

— Ҳозир, бир дақиқа, телефонингизни айтинг, ҳозир касаллик тарихи дафтарини сўраймиз, ўзим телефон қиламан.

— Безовта қилганим учун узр, — бошлиқ телефон дастасини қўйди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач телефон жиринглади.

— Бу КРУми?

— Ҳа, шундай.

— Сиз мендан Раҳимовнинг касаллик тарихини сўрагандингиз, топдик. Эшитинг, Раҳимов Зоҳир Раҳимович 1932 йили туғилган, миллати ўзбек, автокорхона директори, иш вақтида офриқ пайдо бўлиб, «тез ёрдам»да 3 август куни соат 11 ларда олиб келинган. Шу заҳотиёқ операция столига ётқизилган. Кўричак тажрибали жарроҳларимиздан Қундузхон Солмонова

томонидан олиб ташланди. Касалхонада бир ҳафта ётган. 10 август куни ишга жавоб берилган. Бир йилгача офир иш қилмаслик ҳақида тилхат олганмиз. Нима гап ўзи, билсак бўладими?

— Бўлаверади, гоҳида терговчиларнинг ҳам вази-фаларини бажаришга тўғри келади. У киши директор бўлган корхонани текширган эдик. Шу сабабли баъзи нарсаларга аниқлик киритишга тўғри келиб қолди. Телефонда сўраганимиз учун айбга буюрманг, — деб КРУ бошлиғи трубкани қўйди, сўнг ходимларга юзланди: — Кўрдингизми, ярамастар! Бу қоғозни ҳам машинкада ёздириб ўша акт-ахборотга қўшиб қўйинг, ишингизни қилаверинг. Энди улар катта холасига ёзмайдими.

— Ҳали шошманг, улар энди сизнинг устингиздан ёзишади.

— Ёзишаверсин!..

21

Маъмурани туғруқхонадан олиб чиқдилар. Юзлари заъфарон, кўзлари ичига кирган, пастки қабоқлари бироз сўлишган, ҳатто бежирим, чиройли қўлларидаги томирчалари кўкариб, бўртиб кўриниб қолган эди. Остона ҳатлаб уйига қадам қўйди-ю, бир йиғи келди. Уни на онаси, на дадаси тўхтата олди. Зоҳир эса уни суяб ичкарига олиб кирди.

Маъмура олдингидай эмас, мункайиб, букилиб қолган эди. Хотинининг бу қадар озиб-тўзиб кетганини кўриб Зоҳирнинг раҳми келди. Агар қайнонаси ва қайнотаси бўлмаганда, у ҳам балки қўшилишиб ҳўнграб йиғлаб юборган бўлармиди.

Осиё опа олдиндан тайёрлаб қўйган кроватта қизини ётқизди.

— Уринма, жон қизим, озгина дамингни ол, ҳозир мен бир коса сенбоп овқат қилиб юбораман.

Мамадали домла Қуръони Каримдан тиловат қилди. Қўлларни юзларига суртдилар.

— Ўғлим, удумимиз шундай, эртага пайшанба экан, маҳалла оқсоқолларини тўплаб худойи қилишимиз керак.

— Жуда соз, нима қилай?

— Биз ҳозир аянгиз билан келишиб, нима лозим-

лигини айтамыз. Кўпи билан 20—30 киши бўлади. Иш-хонангиздан ҳам ёши улуғларни айтарсиз.

— Дада, ҳамма нарса бор. Ошпазни ўзим тайинлайман. 50 та нон буюрсак бўлар. Соат нечага айтамыз?

— Буни ўғлим, маҳалла оқсоқоли билан келишмасдан айтолмайман. Ҳозир мен учраб келаман. Ҳа, айтгандай, қишлоқдан ойингизни ҳам олиб келиш керак, бу эсдан чиқмасин, мен кетдим.

Осиё опа домлани дарвозагача кузатиб қўяр экан, унга алланималарни тайинлади. «Бир йўла бозорга ҳам учраб келинг» деган гаплари Зоҳирнинг қулоқларига чалинди.

— Аяжон, менга рухсат беринг, ошпазни айтиб, нонни буюриб қўймасам, тагин шошиб қолмайлик.

— Майли Зоҳиржон, қишлоққа ҳайдовчингизни юбориб, қудамни бутун етказиб келиш керак.

Уйда она-бола қолишди. Осиё опа гўштни майда қилиб чопиб тайёрлаган қайнатма овқатни қуйиб келиб қизига тутди.

— Маъмурахон, жоним қизим, озгина тановул қил, куч йиғишинг керак. Кўп йиғлайверма, юракларим эзилиб кетяпти, сени юпатаман дейману ўзим йиғлайман.

— Аяжон, ўғил экан, ўғил! Куёвингиз буни ҳали билгани йўқ.

— Нима қиласан уни эзиб, ўзи операциядан кейин зўрға юрибди.

Осиё опанинг кўзларига дув ёш келди. Кўз ёшимни Маъмурам кўрмасин дедими, нариги хонага чиқиб кетди. Юз-кўзларини ювиб анчадан кейин қайтиб кирса, Маъмура чиннига қошиқ ҳам теккизмай овозини чиқармай йиғлаб ётибди. Осиё опа қизини бағрига маҳкам босди.

— Бас қизим, бунақада ўзингни тамоман олдириб қўясан. Бўлар иш бўлди, қайтаришнинг иложи йўқ. Бу худонинг буюргани. Куёвингнинг олдида ҳам ҳадеб йиғлайверма. Кўриб турибман, у ҳам кўзларингга ҳар боққанида юрак-юрагидан эзилаётир. Бас, овқатдан татиб ҳам кўрмапсан, аягинанг ўлсин болам, раҳм қил менга, бирор қошиқ бўлса ҳам ич, ёнбошингга болишлардан суяб қўяйми, жоним қизим, ол, ич, мени хафа қилма, болам!

Маъмурани юпатиш учун Осиё опа айтган барча панду насиҳатлар уни баттарроқ эзар, дардига дард,

аламига алам қўшарди. Ҳозир унинг қулоқларига ҳеч нарса кирмас, ўз дунёси билан овора. Яқинда эрининг операция қилингани ҳам, уйига ўғри тушгани ҳам эсида йўқ. Кўзларидаги қалқиб турган ёшни ҳам, томоғида пайдо бўлган хиқилдоқни ҳам билмайди. Атрофга, ҳатто ўз уйига бегоналардай бақрайиб-бақрайиб қарайди. Қизининг бу боқишларидан онаизорнинг дили вайрон.

— Маъмураҳон, жоним қизим, кўзингни оч, мана-ву маставадан бир қошиқ ич, мени қийнама болам.

Маъмура кўз ёшларини артиб, бир «ух» тортди, ўрнидан турмоқчи бўлди, онаси қўлтиғига кирди.

— Аяжон, куёвингиз қани?

— Ҳозир келадилар. Ол, қизим, бир қошиқ, ўзим ичириб қўяйми?

— Ўзим, ўзим ичаман, аяжон.

Маъмура бир томонга ёнбошлаб, маставадан бир-икки қошиқ ичди. Бироз терлагандай бўлди.

— Жоним қизим, ҳали кўп бола кўрасизлар, энди умри — ризқи билан берсин худойим.

— Аяжон, уйимизга тушган ўғрилар топилдими?

— Ҳа, болам, топилди, қамашди ҳам.

Осиё опа Акбаралининг қўйиб юборилганини билмас эди.

Кўчага юк машинаси келиб тўхтади. Маҳалланинг ёш-яланглари темир ўчоқ билан қозон олиб кирдилар. Демак буни Зоҳир жўнатган. Йигитлар энди уст-бошларини қоқиб чиқиб кетаётганда Мамадали домла кўринди.

— Келинлар йигитлар, баракалла, кам бўлманглар.

— Арзимайди домла! Зоҳир акам бериб юборган экан.

— Кечқурун киринглар, эртага эртаман маросим қиляшмиз, маслаҳатли гап бор.

— Хўп бўлади, домла!

Мамадали домла тўппа-тўғри қизи ётган хонага кирди, Маъмуранинг чехраси биоз очилиб қолганидан хурсанд бўлди.

— Осиёхон, сиз айтган нарсаларни олиб келдим. Маҳалланинг қаттаси билан келишдик. Худойини эрта тонгда нонуштага қилинлар деди, улгураммизмикан?

— Қозон келди, демак ошпаз ҳам келади, энди нон бўлса бўлди-да. Дадаси, Зоҳиржон худойи қачонлигини билмайди, уни телефонда топиш керак. Ишхонасидагиларни бугун айтмаса кеч бўлади.

— Мана мен, мени йўқлаяпсизларми? — Зоҳир кириб келди.

— Сизни-да, болам! — деди Осиё опа.

— Дада, эртага қайси вақтга белгиланди?

— Бомдоддан чиқишга тайёр қилинглар, деди оқсоқол, — жавоб қилди Мамадали домла.

— Жуда соз, нонни ҳам эрталабки соат 6 га олиб келишади. Одамларни ҳозир бориб айтаман. Демак ошпаз бутун шу ерда тунаши керак экан-да.

— Худди шундай, ўғлим.

— Маъмураҳон қалай?

— Яхши, бир ёнига кириб қўйинг.

— Маъмураҳон, ҳо, Маъмура! — Зоҳир одатича ташқаридан унинг номини атаб бақририб-чақририб ичкари кириб борарди. Маъмураҳон ҳам ҳар гал «лаббай!» деб эркаланиб кутиб олар ва ўпиб кўришарди. Ҳозир ҳам ўрнидан туришга ҳаракат қилди, лекин Зоҳир бунга йўл қўймади. Унинг юзларидан, кўзларидан ўпди.

— Хайрият, яхшисиз, жоним, менга рухсат берсангиз, ишхонага бориб келай.

— Майли, бахтимга соғ бўлинг! — деди Маъмура ва унинг ортидан кўзларини узмай меҳр билан узоқ тикилиб қолди.

Зоҳир йўл-йўлакай автокорхонанинг энг кекса ҳайдовчилари бўлмиш меҳнат фахрийлари Ажибек билан Фозилбек оталарнинг уйларига кириб, эртага соат олтиларда боришларини, худойи қилаётганини айтди. Ишхонадан яна уч-тўрт кишини ва Анвар Комиловични таклиф қилди.

Директорнинг бу беғараз таклифи ҳар икки чолни қаттиқ ҳаяжонга солди.

Ажибек ота ўтган сафарги жўралар йиғилишидан кейин директорга ёки милицияга бориб, Арслонбобда тайёрланаётган қопқон ҳақида айтмоқчи бўлиб юрган эди. Имконият туғилди. Агар бор гапни айтмаса, яна уч кундан кейин Ажибек ва Фозилбек оталар «йўқолиб» қолишлари аниқ эди.

Кечга яқин Фозилбек ота Ажибек отанинг уйига хурсанд борди. У директор уйига таклиф қилганини айтиб мақтанди.

— Демак бизни энг кекса инсонлар сифатида таклиф этибди, яна кимлар бор экан? Биз шундай олижаноб одамни ифво қилиб юрибмиз-а! Уларнинг сен

билан менга қарашлари хунук. Агар Арслонбобга бор-сак, икковимиз ҳам қайтмаймиз.

— Эсингдами, директорга заҳар бериш ҳақида гап кетганда мен «заҳар, заҳар!» деб юбордим. Улар сен билан мени Зоҳирга сотилган деб фаҳмладилар. Шунинг учун Арслонбоб сафари ташкил этилаётир. У ерда нималар бўлишини кўз олдинга келтир.

— Мен ичимни еб қўйдим, — деди Фозил ота, — бари-бир ҳаёт инсонга бир марта берилади. Демак энди ё ҳаёт, ё мамот!

— Билсанг, шу кунларда купша-кундузи ҳам кўчаларда ёлғиз юргани кўрқяшман.

— Директорникига худойига борганимизни эшитишса борми, нақ гўштимизни сихга тортишади.

— Фозилбек, яхшиси бугун шу еда қолақол, эртаман бирга борамиз.

— Ифлослар кўриб қолишса-чи?

— Энди мен тамоман улардан юз ўтирганим бўлсин. Ўлдирсалар ҳам бор гапни айтавераман.

— Ажибек, ўйлаб иш тутайлик.

— Нимасини ўйлайсан, Арслонбобга борсак сен ҳам, мен ҳам гумдон бўламиз, тушунмадингми? Улар қотил, улар ифвогар, ҳеч бўлмаса қариганимда имоним билан кетай, гўшгларимиз парча-парча бўлиб Арслонбоб сойида оқмасин.

— Бўлди, бўлди. Эртага худойидан кейин қолиб бор гапни айтамыз. У бизга ёрдам қилади...

Икки қария шариат ва тариқатдан, мусулмончиликнинг қонун-қоидалари, намоз ва рўза, имон ва эътиқод ҳақида суҳбатлашарди. Шу вақт дарвоза тарақлаб қолди. Эшикни Ажибек ота бориб очди. Остонада Ёлчин билан Насим Тошлонов турарди.

— Сизлар!

— Ҳа, биз! Кутмаганмидинг? — Ёлчин хунук иршайди. — Ўзлари ҳам шу ерда эканлар, ишларимиз осон кўчадиган бўлди. Худодан ўргилай, каромати кенг, дегани шу-да.

— Айт, бу ерга ҳозир ким келди, ким! — Тошлонов суриштира кетди. — Директорми, айт, одамнинг қанжиғи икки фронтга хизмат қилади, сенлар худди шундайлардансан.

— Қулоқларимга чалингандай бўлди. «Қотил, ифвогар» дединг, бу ким ҳақида. Бизлар ҳақимизда эмасми?! «Эртага бор гапни айтамыз, ёрдам беради» де-

динг, ким ўша сенларга ёрдам берадиган, айт, дирек-
торми, милициями?! Бекор айтибсанлар.

— Ёлчин, эсингни йиғ, нималар деяпсан, отанг тенги
одаммиз.

— Отам тенги эмиш, мен ҳозир отамни ҳам тани-
майман. Отам мени оқ қилган, билдингми. Қулоқла-
рингда бўлсин: отам дунёга келтиришда мени эмас,
ўзининг бир лаҳзалик ҳузур-ҳаловатини ўйлаган.

— Тошлонов, сен ёш бола эмассан, — деди Фозил-
бек ота, — сен буни йўлдан қайтар!

— Икки қайиққа оёғини тираган нима бўлади, а,
биласанми, биласан, фарқ бўлади. Фарқ! Ҳозир бу ер-
дан директор чиқиб кетди, сенлар унга бор гапни
айтиб улгурганларинг йўқ, айта олмайсанлар ҳам.
Ҳозир иккалангни ҳам йўқлик дунёсига юборамиз,
тавба-тазарруга ўрин йўқ.

Мен Ёлчинман, сенларнинг жаллодинг. Йўқ, биз
қотил эмасмиз. Ҳозир бу ерга кирган қотил. Эшик
тутқичини ким тутган бўлса, ўша қотил. Тошлонов,
қани бошла!

Ёлчин ва Насимнинг қўлларида пичоқ кўринди.
Ёлчин Ажибек отага, Насим Фозилбек отага қутурган
итдай ташланишди, улар чап бериб уй ичида у ёқдан,
бу ёққа қочдилар. Ажибек, Фозилбек оталар бўш ке-
лишмади. Қаттиқ олишувдан кейин Ёлчин Ажибек ота-
нинг юрагини мўлжаллаб пичоқ урди. «Единг, но-
мард!» — Ажибек ота Ёлчиннинг бошига чанг солди.
Ўлим талвасасида бир тутам сочини юлиб олди. Ажи-
бек отанинг қони деворларга сачради. Ёлчин иккинчи,
учинчи марта пичоқ урди.

— Насим, номард, тугат уни, ҳе, хезалак, кучинг
етмаяптими, бундай тур, бунисини ҳам ўзим тугата-
ман!

Насим Ёлчиннинг қизариб кетган кўзларига тикил-
ди-да: «Нима деяпсан мени», деб Фозилбек отанинг
биқинига пичоқ урди. Иккови ҳам тугади. Улар қонли
пичоқларини Фозилбек ва Ажибек оталарнинг қўлла-
рига тутқазиб хонадан чиқишди.

Қотиллар ташқарида турган машинага ўтиришиб
тўғри анҳор томонга кетишди. Қонли уст-бошларини
ечиб, ичига биттадан харсанг тош солиб тутишди ва
сувга улоқтиришди. Бошқа уст-бошларни кийишиб, ҳеч
нарсга кўрмагандай яна машинага ўтириб шаҳарга қай-
тишди...

Худойига барча келди, фақат Ажибек ота билан Фозилбек оталар келишмади. Ҳамма расм-русмлар ўтди. Қуръони Каримдан тиловат қилинди. Шу тупроқда ўтган-кетганлар руҳига дуо қилинди. Соат саккизга қолиб-қолмай одамлар тарқалдилар.

— Анвар Комилович, энди ишга борсакмикан, иккита дуррага тўрт донадан нон ва бир товоқдан ош солиб тутдиринг, ўша икки қарияга бир гап бўлди, шекилли, келолмадилар, насиба, бизнинг ҳайдовчига айтсангиз, уларига элиб беради.

— Хўп бўлади, Зоҳир Раҳимович!

Зоҳиржоннинг бу гапларини ошпаз ҳам эшитиб турган экан, дарҳол айтганидан ҳам аъло даражада тугун қилди ва директорнинг шофёрига тутди.

Автокорхона дарвозаси олдида Зоҳир Раҳимович билан Анвар Комилович тушиб қолишди, шофёр эса тугунларни тарқатиб келиш учун кетди.

Кўк қанотли темир дарвозанинг ёнига директорнинг «Волга»си келиб тўхтади. Бир қўлида тугун билан шофёр дарвоза тугмасини босди, дарак бўлмагач:

— Фозилбек ота, ҳой Фозилбек ота! — деб қичқирди. Ичкаридан болаларнинг овозлари эшитилди. Ёши каттароқ бир аёл пешвоз чиқиб, дарвоза ортидан:

— Ким, хизмат, дадалари йўқ эди, — деди.

— Мана бу насибани бериб юборишди, ишлаган жойингиздан, директор юборибди десангиз, ўзи биларди.

— Хўп бўлади, ўғлим, у киши кеча ўзлари келиб айтиб кетганларидан кейин Ажибек ака деган ўртоғиникига маслаҳатлашиб бирга борамиз, деб чиқиб кетганича келмадилар.

— Мен ҳозир Ажибек аканикига бораман. У кишиям худойига келмаган бўлса керак, насиба олиб кетяпман. Сиз Фозилбек аканинг кимлари бўласиз?

— Заифалари, ўғлим, у ерда бўлса уйингиздагилар ташвишланибди, тезроқ борар экансиз, деб қўя оласизми?

— Бўлмасам-чи, албатта айтаман, опа, мен кетдим, хайр!

Ҳайдовчи йигит машинага ўтириб, газни босди. Опа шофёр кетгандан кейин дарвозанинг шундоқ ёнгинасида қолдирган тугунни олиб ичкари кирди.

Фозилбек отанинг ҳовлиси билан Ажибек отанинг ҳовлиси бир-биридан анча олис. Фозилбек шаҳарнинг янги, Ажибек эски шаҳар қисмида яшайдилар. Шунинг учун ҳам улардан бири янги шаҳарлик деса, иккинчиси эски шаҳарлик деб ҳам мурожаат қилишарди.

Шофёр Ажибек отанинг ҳовлисига етиб бориб, дарвозани қанча тақиллатмасин, бақриб-чақирмасин, ҳеч ким жавоб бермади, кимса чиқмади.

Чақира-чақира шофёр ортига, автокорхонага жўнади. Анвар Комиловичнинг ёнига кириб бўлган воқеани айтди.

— Ҳа, майли, икки чол маслаҳатлашиб бирорта ўртоғиникига кетишган бўлса керак-да, бўпти, сиз ҳижолат бўлманг, директорга ўзим айтиб қўяман. Ишингизга бораверинг, — деди Анваржон.

Шофёр чиқиб кетгач, Анваржон ҳам ўйланиб қолди. Бу икки чол қариганда яхши йўлдан кетмаётгани, ҳалигиларнинг гуруҳига аралашиб чиқолмай, хуноб бўлиб юрганини кўнглидан ўтказди. Директор бу шум чолларни билмайди, балки билса-да, ёшлари улуғ бўлгани учун ҳурмат қилади. Ҳеч бир байрам, тўй-томоша уларсиз ўтмайди. Директор икки чолни машина юбориб олиб келтиради. Улар эса бунинг эвазига унга қарши тош отишда қатнашадилар.

Иш вақти тугади. Узоқ-яқин сафарга кетганлар бирин-кетин қайтишарди. Кираверишдаги катта дарвозанинг ўнг томонига Зоҳир Раҳимовичга курси қўйиб беришди. У ўтган-кетганларни томоша қилиб ҳордиқ чиқарарди. Директорни кўрган ҳайдовчилар бошларини эгиб бир қўлини кўксига қўйиб салом беришарди.

— Ота, рухсат қоғози бўлмаса ҳеч кимни ичкарига киритмайсизми, — директор қоровулга ҳазиллашди, — тўғри қиласиз, қанийди ҳамма сиздай масъулиятли бўлса.

— Бу менинг вазифам. Яқинда, ҳалиги бор-у отинг қурғур Тошлоновми, Катлоновми, ишдан ҳайдалганига анча бўлганлигини билардим, ўзим ҳам уни ўлгудай ёмон кўрардим. Каллаи саҳарда келволиб хархаша қилди, кираман дейди занғар. «Ҳой бола, бор, тошингни тер, киритмайман, рухсатномаси бўлмаса чумчуқниям қўймайман». — дедим. Унинг худди ўзига ўхшаган ёзувчи бор-у, шипиллаб юрадиган, қорасоч, қинғир мўйлов Ёлчин деган бола: «Мен ундайман, бундайман, қўйвормасангиз ишдан ҳайдатаман» деб дўқ-пўписа қилди.

Барибир киритмадим. Ё директорди, ё профессорди рухсати керак дедим.

— Профессорни эмас, профсоюзни дейиш керак.

— Ўша-да. Охири бир кунга қоғоз қилиб чиқди.

— Жуда бошлабсиз ота, шундай бўлиш керак. Энди рухсат берсангиз, биз кетсак.

— Майли, соғ бўлинг, ука!

— Қани, кетдик бўлмаса.

Шу вақт Анвар Комилович директорга яқинроқ бориб эрта билан олиб келинган насибанинг биттаси ўз эгасига топширилмаганини, Ажибек ота уйида йўқлигини айтди.

— Анвар Комилович, мен кетдим. Ўзингиз ишдан қайтаётиб оқсоқолга учраб кетинг, ёлғиз одам...

— Хўп бўлади.

Директорнинг ортидан Анвар Комиловичнинг кўнгли озгина хира тортди. Доим уйида ивирсиб юрадиган бу одам қаёққа кетди экан? «Бўлса-бўлди, у қадрдони Фозилбекникида» — деди ўзича. Машинасига ўтириб, аввал Фозилбек отаникига борди. Кампири чиқиб:

— Эртаман бир одам худойидан насиба ташлаб кетди, чолимнинг ўзи ҳалиям йўқ. Ажибек деган ўртоғиникига ҳам болаларни физиллатдим. Дарвозани шувало тақиллатишса ҳам ҳеч ким жавоб бермапти, — деди.

Анваржон кампирга Ажибек отадан ўзи хабар олажани билдирди, агар топилса машинасида олиб келишини айтди ва йўлга равона бўлди. У Ажибек отанинг уйига етиб келганида алақачон қоронғи тушиб қолган, шу сабабли дарвозани тақиллатмасданоқ отанинг ўз уйида йўқлигини чироқларнинг ўчиқ эканлигидан фаҳмлади. Шундай бўлса-да, дарвоза тутмасини босди. Отанинг исмини айтиб балад овоз билан қичқирди. Ҳеч қандай садо йўқ. «Демак у ҳали меҳмондан келмапти», — деб ўйлади-да, орқасига қайтди.

Йўл-йўлакай Анваржоннинг кўнглига даҳшатли ўйлар келди. Чолларнинг бири эмас, иккови ҳам йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Агар эртага ҳам улардан дарак бўлмаса Ажибек отанинг эшигини бузиб уйига киришга тўғри келади. Бу унинг охири тугал қарори эди.

Зоҳир эрта билан ишга келса қабулхонада нота-ниш бир кампир, икки йигит ва бир ўрта яшар жувон

кутиб турарди. Улар директорни кўришлари билан ўринларидан туриб саломлашди. Директор уларни ич-карига таклиф этди.

— Биз Фозилбек отанинг оила аъзоларимиз, — деди йигитлардан бири, — икки кундан буён дадамиздан дарак йўқ, қидирмаган жойимиз қолмади, Ажибек деган ҳамкасб ўртоғи бор эди, унинг уйига борсак, эшиги берк. Кечаси билан Ажибек отанинг уйи атрофида юриб чиқдик, келмади. Ниҳоят бардошимиз тугаб, сизнинг ҳузурингизга келдик.

— Ҳа, айтгандек, ўтган куни кечки пайт бир одам дадамизни худойига айтиб борган эдилар.

— Бу мен эдим, — деди директор, — оиламизда кичикроқ эҳсон қилиб эдик. Лекин эҳсонга икковлари ҳам боришмади. Ҳозир бир йигит бор, унга суриштиришни тайинлаган эдим, — деди Зоҳир ва ёнидаги ички телефондан:

— Анвар Комилович, — деб чақирди.

— Мен эшитаман, Зоҳир ака!

— Дарҳол ёнимга киринг, меҳмонлар бор.

— Хўп ҳозир.

Кўп ўтмай Анваржон хонага кириб келди.

— Буларни танийсизми?

— Танишга ўхшашптилар.

— Булар Фозилбек отанинг фарзандлари, ота уйга бормаптилар. Сиз суриштирдингизми?

— Ҳа, лекин ҳеч ким билмаяпти.

— Демак, икки кеча-ю икки кундуз бўлди. Дадаларингиз қаёққа боришларини айтган эдиларми?

— Ажибекникига бораман, эртага директоримиз-никига худойига биргалашиб ўтиш ҳақида маслаҳатлашиб келаман, деган эдилар. Ёнида пули ҳам озроқ эди.

— Ажибек ота ҳам йўқ! Сизлар ташвиш қилманглар, мен ҳозир машина бераман, уй-уйларингизга ташлаб қўяди. Бу иш билан ўзим шуғулланаман. Қаердан бўлса ҳам топамиз.

Шофёрини чақириб меҳмонларни уй-уйига ташлаб қўйишни буюрди. Улар чиқиб кетгач, Анвар Комилович деди:

— Зоҳир ака, нимагадир кўнглим хижил, бирор кори-ҳол бўлмадимикан. Бу чоллар анойилардан эмас эдилар. Кап-қатта одамларнинг бир кечада йўқолиб қолиши мумкин эмас.

— Мен ҳам шунга ҳайронман, бўлиши мумки эмас, энди милицияга телефон қиламиз, касалхоналаргаям. Агар кечгача дараги бўлмаса, милиция ходимлари билан маслаҳатлашиб, Ажибек отанинг эшигини бузиб ичкарига киришга тўғри келади.

— Мен ҳам худди шу фикрдаман.

— Улар ичмайдилар-а?

— Фозилбек ота ичмаган. Ажибек ота ичар эди, у ҳам, анча бўлди, ташлаган. Улар ҳозир намоз ўқиётган эдилар.

Зоҳир Раҳимович милицияга, Анвар Комилович касалхоналарга телефон қила бошладилар.

Хуллас, иш соати тугагунча ҳеч қандай дарак бўлмади. Бу вақт ичида Фозилбек отанинг фарзандлари бормаган, учрамаган маҳкама қолмади.

Агар эрталабгача чоллардан дарак бўлмаса, милиция ходимлари Зоҳир Раҳимович версияси бўйича Ажибек отанинг эшигини бузиб, ичкарига киришга қарор қилдилар.

Тонггача ҳеч ким ухламади. Ҳатто анҳорларнинг ташламаларигача текширилди. Ному нишон йўқ. Фақат ташламадан ичига харсанг тошлар солинган бир тугун топилди. Бу тугун кимники, нима учун унга тош солинган? Бу саволларга жавобни яқинда экспертиза айтиб беради...

Иш куни бошланди. Маҳаллада одамлар бироз сепсилгач, беш кишидан иборат фавқулодда гуруҳ Ажибек отанинг уйига яқинлашди. Улар кўча дарвозасини аста-секин очишиб, ичкарига киришди, четдан ҳеч кимни яқинлаштирмадилар. Ички уйнинг эшигини тортиб кўришди. Маҳкам берк. Деразалардан бўйлаб қарашди, пардалар туширилган, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди.

— Энди, эшикни бузмай иложимиз йўқ. Фақат эҳтиётлик билан, — деди милиция майори Эркин Азимов.

Махсус асбоблар билан эшик аста-секин кўтарилди. Инглизлар қулфи михланган жойидан чиқиб кетди. Эшикни бузмай очдилар. Ҳамма ичкарига отилди.

Не кўз билан кўрсинларки, Ажибек ота ҳам, Фозилбек ота ҳам чавақланган, иккисининг қўлида ҳам пичоқ, қонга беланган.

— Мурдаларга ҳеч ким яқинлашмасин, ҳеч нарсага тегилмасин. Ташқарига чиқинглар, ҳаммангиз чиқинг.

Қани, Гофуржон, сиз бориб, бошлиққа аҳволни доклад қилинг. Расмчи билан келишсин. Видеоаппарат бўлса яна яхши, мен эса бу ердан жилмайман. Алижон, ҳовлига қўни-қўшниларни, ҳатто марҳумларнинг қариндошларини ҳам қўйманг.

— Хўп, бўлади.

— Энди топшириқни бажаришга киришинглар.

Азимов диққат билан қарар, ён дафтарчасига алланарсаларни ёзар, папирос қолдиқларини қимчигич билан териб олиб қутичаларга жойларди.

Орадан кўп ўтмай вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи бир гуруҳ мутахассислар билан кириб келди.

Биринчи ишни кинога тушириш, расмга олишдан бошладилар. Тажрибали терговчилардан икки киши шурнинг ўзида ишга биркитилди. Ҳамманинг эътиборини Ажибек отанинг қўлидаги бир тутам қора соч ўзига тортарди. Ҳозирча бу ерда ҳар ким ҳар хил тахмин қилар, айримлар бир-бирини пичоқлашган дейишса, баъзилар олдин иккаласи ҳам чавақланган, сўнгра қўлларига қонли пичоқлар тутқазиб қўйилган, дердилар. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам Ажибек отанинг қўлидаги қоп-қора соч барча гумонларни рад этарди.

Соч кимники? Фозилбек отанинг бошида соч туғул, тук ҳам йўқ, тепакал. Ажибек отанинг сочлари оқ, жуда сийрак, ҳатто қўлга ҳам кирмайди.

Қотиллик содир бўлган хонада нимаики бўлса, ҳаммаси суратга туширилди. Қўл, оёқ изларидан нусхалар кўчирилди. Мурдаларни экспертиза қилдириш учун олиб кетилди. Даҳшатли бу хабар ҳозирча оммалаштирилмасин дейилган бўлсада, бир неча дақиқадан кейин қотилликни бутун шаҳар билди.

Автокорхонада эса минг хил «миш-миш». Икки кундан кейин марҳумлар дафн қилинди. Дафн маросимига юзлаб ҳайдовчилар, ички ишлар ходимлари, маҳалладошлар — барча қатнашди.

22

Маъмура яшаш деб аталмиш ҳаётнинг биринчи синнов зарбасига дош бера олмай ўз дарду хасталиклари ила сирлашиб, ташқарида нималар бўлаётганидан бе-хабар шифтга қараб ётибди.

Зоҳир ҳам бедор. Рўй берган қотиллик кимнинг

иши, чолларнинг ўлими кимга керак? Наҳотки бу ҳам ўшаларнинг хунари бўлса! Ана шу чувалган, чеки йўқ шубҳалар ва гумонлар оромини олган...

— Зоҳир ака, нега ухламаяпсиз?

— Ҳайронман, уч-тўрт кундан буён кўзимни юмиб ётаман, бўлмағур хаёллар вужудимни кемиради. Қанийди ухласам деб бирдан юзгача, юздан биргача қайта-қайта санайман. Барибир бефойда.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Ухламаслик саломатликни йўқотиш дегани.

— Гапингиз тўғри, бошим ёрилиб кетай деяпти, дорилар кор қилмаяпти.

— Мен энди бироз дурустман, кетма-кет келган бахтсизликлар хоритди. Дадам билан аям ҳам бир ой ичида мени деб қариб кетишди. Қайнонам шўрлик тамоман мунгайиб қолдилар.

— Ишхонамизда яна бир кўнгилсизлик рўй берди. Иккита чолимиз бор эди. Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси икковини ҳам чавақлаб кетишибди. Бизнинг уйга тушган ўғрининг изи ҳам топилгандай бўлди-ю, яна йўқолди. Милиция дегани борми ўзи, билмай қолдим. Чоршанба куни чолларнинг ҳар иккаласи билан учрашиб, худойига таклиф қилгандим, келишмади. Демак қотиллик ўша куни кечаси содир бўлган экан.

— Зоҳир ака, сизга гап тегмайдими?

— Тегмайди, лекин раҳматликлар яхши одамлар эдилар. Раҳбар бўлганингдан кейин ҳаммасига жавоб берасан. Уйқум қочишига сабаб шу. Чарчаш, толиқиш ҳам уйқуни қочиради дейдилар.

— Акбарали деганни уч кун сақлаб қўйиб юборишибди. У боланинг отаси ҳам сизда ишлармиш. Тўй куни бир марта кийган либосларимизни олиб кетишибди.

— Маъмура, қўйинг энди, эсламанг, бошу кўзингиздан садақа.

— Бўпти, ухланг энди, ухланг... Тонгга яқин донг қотиб ухлаб қолишди.

23

Ҳайдар Наби ўта тиришқоқ, ишчан журналист. У борган жойида токи иши битмагунча, ким оқ, ким қоралигини тўла англаб етмагунча ҳеч ким билан чой

ҳам ичмайди. Шунинг учун у борган жойда кўп ҳолларда оч қолади.

Айниқса текшириш учун борган мухбирни ҳамма жойда ҳам иложи борича ўз томонига ағдариб олишга уринганлар кўп бўлади. Меҳмон деб, одамгарчилик деб уйларига таклиф қилувчилар топилади. Лекин Ҳайдаржон иш битмагунча ҳатто ўзи билан олийгоҳда бирга ўқиган ҳамкасб дўстларига ҳам бормайди, агар боргудай бўлса иш билан келганини билдирмайди.

Ўшанда у элик кишининг барчаси билан юзма-юз суҳбатлашди, уларнинг ҳар биридан ёзма тушунтириш хати ҳам олди. Лекин ёзган беш киши билан учрашмади. Учрашиш учун кўп уринди. Уйларига одам жўнаттирди, қидиртирди, бироқ мақсадига ета олмади.

Ҳайдар Наби текширув олиб бораётган кунлари рақиблар ҳам йиғилиш ўтказишди, бунда мухбир билан учрашиш ёки учрашмаслик масаласи кўрилди. Улар мухбир қаерга борди, ким билан суҳбатлашди, қайси меҳмонхонада ётди — ҳаммасидан хабардор эдилар. Ҳатто у ёлғиз қолган вақтларда хонасига кирмоқчи бўлганлар ҳам йўқ эмасди. «Ҳайдаб солсачи?» — деган ҳадик уларнинг йўлини тўсди. Бироқ улар тунлари меҳмонхона атрофида қора соядек айланиб юришди.

Мухбир материалларни пухта ўргангани сабабли мақолани бир ўтиришда ёзиб ташлади.

Материал машинкадан чиққач, қўлма-қўл қилиб ўқилди. Котибиятдагилар ва бош муҳаррир Ҳайдар Наби ҳовлиқиб кетмасин деб, юзига айтмасалар-да, «бола ўсяпти» деган гапни кўнгилларидан ўтказишди. Мухбир материалга бош муҳаррир қўл қўймагунча тинчимайди. Ҳайдаржоннинг мақоласига имзо чекилди.

Мухаррир фельетонни корректура тузатишларидан кейин тоза саҳифада ўқиётганида унинг ёнига бўлим бошлиғи қўлида бир тутам қоғоз билан кириб деди:

— Ўша беш кишининг бири бўлса керак, ҳозир хонамга кириб: «Эртага биз ҳақимизда фельетон чиқяпти экан, мухбирларингиз биз билан учрашгани йўқ. Таҳририятга келган ўша элик нафар ҳайдовчи номидан ёзилган хат ташкил қилинган, буни директорнинг атрофидагилар уюштирган», — деб қўлимга юзга яқин ҳайдовчи имзо чеккан хатни тутқазди. Шунинг учун ҳузурингизга маслаҳатга кирдим. Истасангиз, ўша одам ташқарида турибди, учраштираман. Ўзи ҳам ҳузурингизга киришни талаб қиляпти, нима қилай?

Бош муҳаррир саҳифаларни бир четга суриб қўйиб хатларга кўз югуртирди, чиндан ҳам юзга яқин ҳайдовчи имзо чекишибди. «Мухбир корхона директори билан тил топишиб кетди, бизлар билан учрашмади», деган гапларнинг остига чизиқлар тортилган эди. Чиндан ҳам мухбирнинг мақоласида «Тухматчиларни қидирдик, қидирдик, топа олмадик» деган иборалар бор эди.

— Кўриб турибсиз, мен газета ўқияпман, уларни ҳозир қабул қилолмайман, қизиғи шундаки, мақола бугун кетаётганини улар қаёқдан ва кимдан эшитди экан? Бунинг отини «контр ҳужум» деб атайдилар.

— Ҳўш, энди нима қилдик, қандай маслаҳат бера-сиз?

Бўлим мудури нима дейишни билмай турган эди, бирдан қўнғироқ бўлиб қолди.

— Эшитаман, дўстим, нима гап?

— Газетангизнинг ички сири борми, йўқми?

— Нима гап, тинчликми ўзи?

— Ҳозиргина қабулимда икки киши бўлди. Улар Фарғонадан келишибди. Эртага газетада биз ҳақимизда тухматдан иборат фельетон босиляпти, мухбир биз билан учрашмай, бизнинг устимиздан ёзибди, дейиш-япти, шу ростми?

— Рост, эртага чиқяпти. Улардан бири менинг қабулхонамда.

— Мухбирингиз улар билан учрашмагани ҳам ростми?

— Рост! Уларни чақиртирса турли баҳоналар билан келишмаган. Материалда бу гаплар бор.

— Азизим, қўл қўймаган бўлсангиз ўша материални бироз аниқлик киритгунча ушлаб турсак.

— Яхши, мен ҳозир худди шу масала ҳақида бўлим мудури билан маслаҳатлашиб ўтирган эдим. Майли кўраимиз.

— Хайр!

Бош муҳаррир авваллари материал босилгандан кейин бўладиган жанжалларни кўрган, аммо ҳали эълон қилинмаган мақола юзасидан бунчалар аралашувни биринчи марта кўриб турипти.

— Сиз келган одамга мақола бугун кетяпти, дедингизми?

— Йўқ, бу сир-ку?

— Қанақа сир, ҳамма билиб бўлти-ку! Гап шундай, у одамга ён берманг. Таҳририятнинг ички сири таш-

қарига чиққани учун мақолани мен вақтинча саҳифадан чиқараман. Бу сир қандай қилиб оммалашганининг тагига етмай қўймайман. Ўша одамга: «Муҳаррир ҳозир газета ўқияпти, банд, қабул қилолмайди, мақоланинг чиқиши ҳақидаги гап ёлғон, чунки у ёзилиб тайёр бўлганича йўқ», десангиз кифоя. Яна уёғини ўзингиз биласиз.

— «Қоғозларни олдим!» деб ёзиб беринг.

— Йўқ, биз ҳеч кимга тилхат бермаймиз. Сиз бу қоғозларингизни хатлар бўлимига топширинг. Улар дафтардан ўтказиб қўядилар.

Бўлим мудури ёши олтмишларга бориб қолган сарик юзли, ҳар бир гапидан ўта ҳурматталаб, ҳаётдаги барча нарсалардан норозилиги билиниб турувчи Насим Тошлоновни хатлар бўлимига олиб чиқди, таништирди-да ортига қайтди. Хонасини ичкаридан берки-тиб олиб ишга киришди...

Эртасига Ҳайдар Наби редакцияга етиб келгунча чидамай дўкондан газета сотиб олди. Иштиёқ билан саҳифаларни очиб кўра бошлади. Йўқ! Фельетон йўқ! Бошидан совуқ сув қуйилгандай бўлди. Ахир кеча режалаштирилган, макетда, вёрсткада кўрган, ҳатто ўзи корректурасини ўқиб ҳам берган эди. Нима сабаблигини била олмади. Одатда давлат аҳамиятига эга бўлган, асло кечиктириб бўлмайдиган расмий ахборотлар юқоридан берилиб қолсагина вёрсткага ўзгартириш киритиш мумкин.

Ҳайдар Наби редакцияга келгунча нималарни ўйламади, у муҳаррирдан хафа бўлди. Бора солиб унинг хузурига кириб, сабабини билишга ошиқди. У ишхона остонасига қадам босиши билан бўлим мудури уни қарши олди ва муҳаррир сўраётгани, бирга киражани айтганда негадир юраги музлаб кетди.

— Нима гап, тинчликми, нега фельетон тушиб қолди? — сўради Ҳайдар Наби.

— Ҳозир муҳаррирнинг ёнига кирганда нимага эканлигини ўзингиз эшитасиз.

— Ҳаммаси тушунарли, қани кирдик бўлмаса.

Муҳаррир улар билан одати бўйича самимий саломлашиб қўл олишиб кўришди, биринчи бўлиб Ҳайдарга бир пиёла чой узатди.

— Ҳайдаржон, қалай, уй-ичилар, бола-чақалар яхшими, нега фельетон олиб ташланди, деб сўрамаяпсиз, ё ҳали газетани кўрганингиз йўқми?

— Кўрдим, бўлим мудирини озгина тутатди.

— Демак хабарингиз бор.

— Унчалик эмас, кимлар келди?

— Кимлар бўларди, «дўстларингиз»-да! Фельетонда ўзингиз учраша олмадик деб тилга олган беш кишининг биттаси бизга, қолганлари ЦКга, Совминга келишиб устингиздан шикоят қилишибди. Катталар телефонда менга анча қаттиқ тегишди ва материални ҳозирча ушлаб туришни айтишди. Начора, бу «дўстларингиз» бўйдоқнинг битидай бир кунда ҳаммаёқни босиб кетганига ҳайрон қолдим. Газетада бугун чиқаётганидан ҳам улар хабардор эканлар. «Мухбир биз билан учрашмади. Учрашишга ор қилди. Директор нима деса, шуни ёзди», дейишмоқда. Кечаги хат сиздами?

— Йўқ, олмадим, хатлар бўлимига топшириб кетишни маслаҳат бердим, — деди бўлим мудирини.

— Ҳайдаржон, бу ердан чиққандан кейин ўша хат билан яхшилаб танишиб чиқасиз, уёғини кейин гаплашамиз. Мени таажжубга солаётган нарсалардан яна бири шуки, фельетон газетамизда бугун чиқаётганини қаёқдан билишибди. Хуллас, бу жиддий масалага лутучкада алоҳида тўхтаимиз. Материалингизга келсак, ҳозирча тўхтаб тураимиз. Кеча бўлмадингиз, балки улар атайлаб сизнинг йўқлигингизни пойлаб келишгандир. Ўша беш киши билан учрашиб суҳбатлашиб, материални қайта тайёрлайсиз ундан кейин берамиз.

Автокорхонада: нима дейсан, мухбир келиб бир ҳафта юриб ёзиб кетган фельетон газетада чиқаётганда фалончилар бориб саҳифадан олдириб ташлатибди. Мухбир ишдан ҳайдалибди. Директорнинг устидан эса бошқа бир мухбир келиб фельетон тайёрлаган эмиш, деган гап тарқалди.

Бу орада Маҳмуд билан Мўйдин идорама-идора юриб йиққан ҳужжатларини, Ажибек ва Фозилбек оталарнинг ўлимига Зоҳирнинг алоқаси борлигини, ҳатто қотил ҳам ўзи эканлиги ва ҳоказоларни қорозга тушириб, директордан норизо бўлган ўзларига ўхшаш кишиларнинг қўлларини қўйдиришиб, баъзиларини ўзлари ясашиб, бир неча нусхада кўчиртириб учирма қилишди.

Яхши гапнинг қаноти битта, ёмон гапнинг қаноти қирқта деганларидек бу гаплар ҳатто терговчиларда ҳам шубҳа пайдо қилди. Улар маслаҳатлашиб, жуда усталик билан қотиллик юз берган хонадонга бирга борганларнинг бармоқ изларини олишди. Булар қато-

рида Зоҳир ҳам бор эди. Чунки у қариялар топилма-
гач, биринчи бўлиб Ажибек отанинг уйига эшикларини
бузиб бўлса-да кириш кераклигини айтган ва ми-
лиция ходимлари билан бирга кирганлардан эди.

Экспертиза хулосаларига кўра эшик тутқичида, пиё-
лада ва кўча дарвоза занжирида унинг бармоқ излари
борлиги аниқланди.

Ҳамма ҳайрон, чолларнинг қотили Зоҳир бўлиб чи-
қишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирган эмас...

24

Бу бахтсизликлар Зоҳирлар оиласи учун баҳори,
ёзи ва кузи бўлмаган қаҳратон қишни эслатади. Маъ-
мура эндигина ўрнидан турганда яна бир кўнгилсиз
воқеа содир бўлди. Ҳаётининг мазмуни бўлмиш тур-
муш ўртоғи Зоҳир яраси битмай эртароқ ишга чиқиб
кетиши, корхонада рўй берган турли машмашалар
яқиндагина ипи олиб ташланган жойда чириш пайдо
қилган эди. Яна уни касалхонага олиб кетдилар. Аввал
рентгенга солинди, анализлар олинди. Шифокорлар-
нинг хулосаларига қараганда фақат ташқарида эмас,
ичкарида ҳам чириш бошланган. Агар вақтида қайта
операция қилинмаса бўлмайди.

Зоҳир бир неча кун маҳаллий касалхонада ётди.
Малакали шифокорларнинг маслаҳатини олди. Охири
бўлмагач, вақтдан ютқазмаслик учун Москвага қараб
йўл олди.

Зоҳир ўша икки қария иши ва қотиллик юзасидан
олиб борилаётган экспертиза хулосаларидан хабарсиз
эди. Зоҳирнинг даволаниш учун Москвага кетиб қоли-
ши терговчиларнинг шубҳаларини янада оширди. Улар
ўзларича: «Зоҳир терговдан қочди, шу ерда ҳам даво-
ланиш мумкин эди-ку, демак Зоҳир қотил» деган қатъ-
ий фикрга боришди.

Ишни кечиктириб бўлмайди. Терговчилардан бири
унинг ортидан Москвага жўнатилди. У терговни вазия-
тга қараб ўша ерда ўтказиш, керак бўлса қотилни
қамоққа олиш ҳақида кўрсатма ҳам олганди.

Ақаси Ақром ва уқаси Тоҳир ҳамроҳлигида келган
Зоҳир Москванинг энг хушманзара, эътиборли шифо-
хоналаридан бирига ётқизилди. Ақром ва Тоҳирлар
тушган меҳмонхонага улар билан изма-из келган тер-
говчи ҳам жойлашган эди. Ака-укалар меҳмонхонада

танишган бу ўзбек иигитнинг кимлигини очиқ билишмасди. Янги танишлари кечки овқат пайтларидагина Зоҳирнинг қай аҳволда эканлигидан уларнинг ўзаро суҳбатларидан хабардор бўлиб турарди. Зоҳирнинг соғлиги озгина изга тушиши билан у ўзини танитишни ва иш бошлашни ўйларди.

Афсуски, терговчи ўйлагандай бўлмади. Қайта операциядан кейин Зоҳирнинг соғлиги бирдан ёмонлашаётганини эшитиб хуноби ошди. Терговчи ўз бошлиғига бу ердаги ҳолатни телефон орқали тушунтирди ва гап орасида яқинда Маъмура ҳам эрининг ёнига келаётганини, Зоҳирнинг эса одам бўлишидан бўлмаслиги кўпроқ эканлигини айтди.

Бошлиқ унга Зоҳирнинг вафот этганлиги ҳақида битта ишхонасига, битта уйига телеграмма юборишини илтимос қилди. Терговчи «хўп, бўлади» дейишга деди-ю, юраги увишиб кетди. «Зоҳир ўлмай қолса-чи, унда нима бўлади?» Ўша куни терговчи телеграмма бермади, кўрқди, эртасига ўз бошлиғига яна телефон қилиб: «Ўлмаган одамни ўлдига чиқариш қандай бўларкин?» деди. Бошлиқ унга қаттиқ тегди: «Профессор ўлади депти-ку, тамом, ўлади. Иш халқумимга етиб кетди, уёғи билан ишингиз бўлмасин, қолган гапни келганда биласиз, телеграммани беринг-да, дарҳол қайтинг!» деб дўқ урди.

Москванинг совуқлари жонига теккан терговчи почтага бориб, бошлиқ айтган мазмунда телеграмма берди ва ўша куниёқ ака-укалар билан хайрлашмасдан тайёрада ортига қайтди.

* * *

Зоҳир ўлим чангалидан қайтариб олинди, саломатлиги кечагидан бугун яхши, профессор узоғи билан ўн кундан кейин касалхонадан чиқажагини айтди. Ака-укалар хурсанд ҳолда меҳмонхонага қайтишди.

Шу вақт телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман, Акромжонман. Ассалому алайкум, келин! Сизмисиз, уй-ичилар қандай, домла, аям, Осиё опа, ҳаммалари яхшими? Тоҳирми, Тоҳир шу ерда. Эндигина касалхонадан келдик. Зоҳир анча дуруст. Профессорларнинг айтишларича, узоғи билан яна ўн кунларда жавоб беришади. Овора бўлманг. Яқинда ўзимиз борамиз. Йўқ, йўқ. Бугун-эрта Тоҳирни ҳам жўнатмоқчиман. Телефони дейсизми, йўқ. У ер шаҳардан

бироз четроқда, телефон қилиш қийин. Меҳмонхона-нинг телефонлари ҳам жуда ёмон ишлар экан. Шунинг учун туша олмагандирсиз. Хўп, албатта айтаман. Овора бўлманг, келманг, ўзим телефон қилиб тураман. Бу ердан ҳам қийин. Фақат марказга — почтага бориш керак. Келин, хавотир олманг, ҳаммаси яхши. Худо хоҳласа, яқинда ўзимиз бирга-бирга ўйнаб-кулиб кириб борамиз. Мана, Тоҳирга беряпман, гаплашинг.

— Ассалому алайкум, келин ая! Раҳмат, раҳмат, ўзларингиз яхшимисизлар? Қишлоқда нима гаплар, аямдан хабар олдиларингизми? Саломатликлари дурустми, жуда соғиндим. Акамнинг саломатликлари яхши, ҳеч қандай камчилик йўқ. Москва совуқ, 30—35 даража. Келин ая, йўқ, келмай қўяверинг. Домлага, Осиё опага, аямга биздан кўпдан-кўп салом денг, бизникилар тинчми? Яхши, яхши! Акамга беряпман, мана!

— Ҳа, худо хоҳласа. Кеча Зоҳир ишхонаси ҳақида сўраётган эди... яхши. Албатта саломларини етказаман. Зоҳирнинг ҳам. Ҳа, йўқ. Анваржонга айтинг, у ҳам овора бўлиб келиб юрмасин, ўзимиз, ўзимиз кўнги-роқ қиламиз. Москванинг телефонлари ҳам гоҳ ишлаб, гоҳ ишламас экан. Тинч бўлайлик. Шундай, ўзимиз. Биздан барча сўраганларга дуо айтинг. Албатта, албатта етказамиз. Хайр, хайр!

— Тоҳир, жуда соз бўлди, уйдагилар тинч экан, — деди Ақромжон Маъмура билан гаплашиб бўлгач, трубкани қўйиб.

Бугун ака-ука пастта ресторанга ҳам тушишмади. Тоҳир буфетдан пиширилган гўшт, қатик, нон олиб чиқди. Хонанинг ўзида тамадди қилишди. Ака-ука анчагача гурунглашиб ўтиришди. Телевизордан «Вақт» программасини томоша қилишди.

Анчадан кейин Ақромжон кундузи олиб келган бир даста турли рўзномаларни кўздан кечирди. Тоҳир эса боши ёстиққа тегиши билан ухлаб қолган эди...

Тонг отди. Ака-ука шоша-пиша хонанинг ўзида кечкурун қолган нарсалар билан чой ичган бўлдилар. Акаси касалхонага, укаси эса гўшт, сабзи-пиёз олиб келиш учун магазинга чопди. Тоҳиржон бугун ўзбекнинг паловини дамлаб, акасини даволаётган шифокорларни сийламоқчи. Гарчи бозор кўнгилдагидай бўлмаса-да, гуручдан бошқа ҳамма нарсани топди. Қорасувнинг девзирасини ўзлари билан бирга олиб келган эдилар.

Меҳмонхона қоровули билан тил топишиб, қозон олиб келтирди. Ўчоқни эса тўққизта фиштни уч томонга учтадан териб ўзи ясади, қоровул ўтин топиб келди. Зўр ошпазлардай олдига этак тутиб олиб, бор нарсаларни тўрғаштирди.

— Ўтни мен айтгандай қилиб ёқсанг, сенга ҳам паловдан бераман, сен ўзинг палов нималигини биласанми? — сўради Тоҳиржон қоровудан.

— Ҳа, меники паловни кўрган ва еган. Ўзбеклар меҳмонхонада бир ҳафтадан ортиқ туриб қолишса, ўзларнинг миллий паловларини соғинишиб қоладилар. Шу қозонни ҳам бу ерда ош дамлаган ўзбеклардан биттаси «биздан кейин бирорта ошхўр ўзбек палов дамлайман деб қолса, берарсан», деб менга қолдирган. У рост айтган экан.

— Яхши, яхши, биласан экан, кўп гапирма, ўт ёқ, бироз пастлатиброқ ёқ.

Қозонга ёғ солинди. Кўп ўтмай бутун меҳмонхона ҳовлисини паловнинг ҳиди тутиб кетди. Қачондир ўзбек паловидан тотганлар: «оҳ-оҳ, паловнинг ҳиди-я!» дейишганини Тоҳиржоннинг ўзи эшитди. Бир соат деганда палов дамланди. Қозоннинг тагида ёнаётган ўтинлар тортилди.

Йигирма дақиқадан кейин ош солинди. «Сен ўз ликопчангни тайёрлайвер», — деди Тоҳиржон ўтёқар ўрисга. Касалхонага олиб бориладиган тоғорани яхшилаб ювиб, ўтда қуритди. Анча вақт ўтгач, дамтовоқни кўтариб, паловини аралаштирди. Тоғорага бошлаб босди ва қоровул чолга қозоннинг тагида қолдирди.

Тоҳиржон тоғорани ўраб ташқарига чиқди. Бир тасини ушлади-да, касалхонага равона бўди. Касалхона бош табиби ва яна бир қанча ходимлар уни кутиб ўтиришган эди. Идиш кўтариб келганларгаки, палов улашди. Қўл билан қандай ейиш кераклигини уларга кўрсатди. Қўлда товоқдан овқат еб ўрганмаган шифокорлар ошни оғзига олиб боргунча ярмини тўкиб-сочиб, кула-кула ейишарди.

Кўпдан буён палов тотмаган Зоҳир ҳам ёнбошлаб ётган ерида бир-икки ошам мақтаб-мақтаб еган бўлди.

Тоҳиржон ўз «хўрандаларига» паловни тайёрлаш, унинг қудрати ҳақида гапириб: «Паловни эркаклар есин, кучини эртасига хотинлар десин!» деб ҳаммани кулдирди.

Ҳаётида биринчи бор ўзбек паловини тотиб кўрган,

унинг фазилатлари ҳақидаги ҳангомаларни эшитган касалхона бош табибининг хилма-хил саволлари кўпайиб кетди. Тоҳиржон палов ҳақида нимаики билган ва эшитган бўлса, ҳаммасини ўзидан қўшиб-чатиб ҳикоя қилиб берди.

Бош табибнинг: «Нима учун ўзбеклар паловни қўлда ейдилар, шундай лаззатли таом экан, нега уни олтин қошиқларда емайдилар?» деган саволига Тоҳирнинг жавоби ҳаммани танг қолдирди.

— Энг аввало сиз айтган ўша олтин қошиқларни ҳам қўлда яратадилар, — деди у. — Қолаверса дунёда ҳеч бир халқ йўқки, ўзбек халқидек аҳил, иттифоқ бўлса. Фақат ўзбекларгина эмас, бир товоқдан овқат ейишга қодир бўлган барча миллат кишилари бунинг рамзий маъносини ё билади, ё билмайди. Бир товоқдан ош ейиш, бу — дўстлик, ҳамкорлик, иттифоқлик, аҳиллик дегани. Лагандан ҳар ким ўз идишига солиб олиб, тановул қилишини эса изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

— Офарин, минг офарин! — деди бош табиб.

Шу куни Тоҳиржон тайёрлаган паловдан тотмаган бемору шифокор қолмади. Ҳатто у баъзи аёлларга палов тайёрлашнинг сир-асрорларигача айтиб берди. У сўзлар экан, баъзилар ён дафтарчасига нимадан кейин, нима келишигача бирма-бир ёзиб олдилар.

Укаси Тоҳиржоннинг ҳикоя қилиш санъатидан жуда мамнун эканлигини Зоҳирнинг чарақлаб турган очиқ чехрасидан билиш унчалик қийин эмасди.

25

Онанинг фикри-ёди шу кунларда фақат Зоҳирида. «Ишқилиб Зоҳирим соғ бўлсин-да» дер, жойнамоз устида яратгандан унга узоқ умр тиларди. «Операцияси очилиб кетипти», деган гапни эшитгандан буён онаизор оромини йўқотган. Фикри-ёди унда. Ақром билан Тоҳир ҳам Москвага кетишаётиб бирров оналарига учрашди. Хавотирланмасин дейишдими, «унчалик оғир эмас, ўзимиз бирга кетяпмиз!» дейишди. Яқинда бир ой бўлади-ки, уч ўғилнинг бирортасидан дарак йўқ.

Енгил машина «ғийқ» этиб тўхтади. Момо энди ўрнидан қўзғалганда дарвоза очилиб, бир қўлида тугун билан Осиё опа кўринди. Даҳшатли ўйлар оғушида ўтирган момо кўрқиб кетди. Қудаси билан кучоқ-

лашиб кўришди. Осиё опа сўрига ўтириб-ўтирмасдан момо ўғилларини сўрай кетди:

— Тинчликми, қуда! Улардан дарак йўқми?

— Бор, кеча Маъмура телефонда гаплашибди. Ҳаммаси тинч экан. Зоҳиржоннинг омонати — саломини олиб келдим.

— Хайрият-э! Ишқилиб боши тошдан бўлсин ўғилларимнинг!

— Қудажон, сизни олиб кетгани келдим. Эртага телефон қилишадиган бўлишди, ўзингиз гаплашасиз.

— Келиним-чи, соғ-омонми?

— Яхши, қудажон, уям келаётган эди. Ўзларини олиб келаман, дедим.

— Домлажон дадилмилар?

— Раҳмат, у кишиям ишлаб-ишламай, бориб-келиб юрибдилар. Маъмура Москвага бормоқчи эди, Акромжон «овора бўлманг, яқинда ўзимиз бориб қоламиз» деб кўнмабди.

— Зоҳиримни жуда соғиндим. — Хайринисо момо кўзига ёш олиб, тутила-тутила гапини давом этди, — шундай ёмон тушларни кўряпманки... илоҳо айтганингиз келсин. Тезроқ юз кўришайлик. Кўзим дарвозада, қулоғим кўчада.

— Қудажон-эй, ташвишланманг, ҳаммаси яхши бўлади. Иссиқ овқат олиб келган эдим, совимасдан еб олинг.

— Раҳмат, ҳозиргина овқатланган эдим, — деди Хайринисо момо.

— Вой, ундай деманг, атайлаб юмшоққина сизбоп ош қилиб келдим.

— Мен чой қўйиб келай, — момо ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди.

— Сиз уринманг, қудажон, — деди Осиё опа ва ўрнидан туриб газга чой қўйди. Дастурхонни ёзиб, тутунни ечди. — Сиз мана булардан олиб ўтиринг, ҳозир чой дамлаб келаман.

— Сиз меҳмон бўлсангиз...

— Ҳечқиси йўқ, мен ёшроқман.

— Ёшликка ёшсиз-у, лекин оғзингиз тўла илм.

— Йўқ, йўқ, мен турганда сизнинг иш қилишингиз уят эмасми.

Хайринисо момо қудаси олиб келган овқатдан озгина тотган бўлди.

— Жуда ширин бўпти, Осиёхон!

— Қудажон, ташқарида машина кутиб турибди. Уёқ-буёқни йиғиштирсам-да, Маъмураникига кетсак. Ўғилларингиз телефон қиладиган вақт яқинлашиб қолди.

Осиё опа югуриб-елиб момонинг уйини тартибга солди ва уни дарвоза томон бошлади. Улар тушган энгил машина ўрнидан қўзғалди.

26

Бугун шаҳар ички ишлар бошқармаси одатдагидан гавжум. Телефон устига телефон жиринглайди. Кириб-чиқувчилар сон-саноксиз.

Қотиллик ва Зоҳир иши юзасидан аввал икки терговчи — Қозоқбоев билан Луқмончаев белгиланган эди. Кечадан бошлаб бир гуруҳ терговчилар оператив иш олиб бормоқда. Ёлчин ва Зулфиқор, Насим Тошлонов ва Мухсин Маматохунов, Наим ва Акбарали, Маҳмуд ва Мўйдинларнинг куни туғди. Булар Зоҳирнинг вафот этганлигини ҳаммадан олдин эшитишди. Терговчилардан бири уларга Зоҳир вафот этганлиги ҳақидаги телеграммани кўрсатиб: «Мана, энди сизлар кутган кунлар келди, ўша сизларнинг устингиздан хат ёзганларни жазолайдиган пайт етди. Зоҳир ўлди. Марҳум кимдан қанча олганлигини ёзишиб беришсин, чолларнинг қотили ҳам унинг ўзи бўлиб чиқди. Марҳумнинг устидан нима десангиз бўлаверади. Энди у йўқ», — деди.

Терговчи Қозоқбоев муттаҳамларнинг барчасига Зоҳир Раҳимовичнинг устидан бўлмағур мағзаваларни ағдаришга имкон яратиб берди, ҳатто ёрдамлашди.

Худди ўша куни Маъмура ҳам эрининг ўлганлиги ҳақида телеграмма олди. У дод солиб сочларини юлди. Ана-мана дегунча ҳовлисига одамлар тўлди. Зоҳирнинг яқин дўстлари келишди. Анваржон шаҳд билан ҳовлига кириб келди.

— Биродарлар, мен бу телеграммага ишонмайман. У ўлмаган, ўлмаган, бу нотўғри! Москвага телефон қилишнинг иложи йўқ, кўп уриндим. Агар Зоҳир ака чиндан ҳам ўлган бўлса нега телеграммада на Ақром ака, на Тоҳир аканинг имзоси бўлмайди. Ҳали кўрасиз, бу сохта бўлиб чиқади.

Хайринисо момо билан Осиё опалар йиғлайвериб ўзларидан кетишди.

Аввалига ишонмаган Мамадали домла ҳам саф-саф бўлиб келаётган одамларни кўргандан кейин тақдир экан, деб бир четда қўл қовуштириб туришга мажбур бўлди.

27

Терговчилар Қозоқбоев билан Лукмончаев жон-жаҳди билан Зоҳирга қарши ҳужжатларни жамлаб, беш-олтитадан томларни тахлаб қўйишди. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида хонада одамлар билан суҳбатлашмоқда.

— Ёлчинбек, тушунтириш хатингизни ўқиб чиқдим. Жуда яхши ёзибсиз, қандай қилиб автокорхонага келиб қолгани, амалини ўн минг сўмга сотиб олганини, кишилар билан қўпол муомаласини, ҳайдовчиларга тегишли бўлган ўн учинчи маошнинг 365 минг сўмини ўзлаштириб юборганини, чойхона ва ошхона қурилди деб давлат мулкидан 150 минг сўмни ўзлаштирганини, ҳатто фан номзоди дипломини сотиб олганию навбат билан бериладиган автобуслар учун ҳар бир ҳайдовчидан 5 минг сўмдан пул олишигача айтибсиз. Пора берганини кўрган ва пора олганини билган, ўзлари ҳам берганларнинг рўйхатини келтирибсиз. Қотиллиги ҳақида ҳеч нарса демасиз-ку! Зоҳир ўлди, деб туҳмат қилаётганингиз йўқми?

— Хўжайин, ўлган одам тирилиб келармиди? У ҳаёт вақтидаёқ бу гапларни турли маҳкамаларга ёзганман. Имзо қўйиб ёзганман.

— Яхши, бироқ ошириб юборган жойларингиз ҳам йўқ эмас.

— Бошқаларнинг хатларини ўқигандирсиз?

— Ўқидим, ҳали улар билан ҳам такрор учрашаман, суҳбатлашаман.

— Жуда соз, мен айтмаган, келтирмаган ҳужжату далиллар уларда бор.

— Сиз қаердан биласиз ёки маслаҳатлашганмисизлар.

— Улар бизга қарши маслаҳатлашиб иш қилишадияю биз қараб турармидик.

— Сиз нимани кўзда тутяпсиз?

— Эллик кишини тўлаб, бизнинг устимиздан редакцияга хат ёздирган ҳам ўша-да. Ўша хатга қўл қўйганлар билан ҳам кўришарсиз, улардан баъзилари

«Бизни Зоҳир мажбур қилиб қўл қўйдирган» дейишмоқда.

— Бу бошқа масала, энди тушунтириш хатингизнинг охирига имзо чекинг.

— Қўл қўйганман-ку. Яна-ми?

— Аслида ҳар бетига қўл қўйишингиз керак.

— Ҳар саҳифасига эмас, ҳар қаторига қўл қўйишга розиман, беринг менга.

Ёлчин терговчининг қўлидаги ўн саҳифадан иборат, ўз қўли билан ёзган тушунтириш хатининг ҳар бетига имзо қўйиб чиқди.

— Мана энди сиз бўшсиз. Навбатдаги ким эди, Тошлоновни киритинг.

Ёлчин ўз ишидан жуда мамнун чиқиб кетди. Кўп ўтмай хонага Тошлонов кирди.

— Ассалому алайкум, ўртоқ Қозоқбоев.

— Келинг, ўтиринг.

— Тушунтириш хатини ўзингиз ёздингизми ёки биров ёзиб бердимиз?

— Бунинг нима аҳамияти бор. Қўл қўйганимдан кейин, тамом, ўзим жавоб бераман.

— Тушунарли, шундай бўлса-да, ундан чеккан азобларингизни бир бошдан гапириб беринг.

— Хўп бўлади. Автобусни ўзбошимчалик қилиб бошқа шаҳарга ҳайдаб кетди, ишга доим кеч келади, интизомсиз деб қаттиқ ҳайфсан эълон қилди ва буйруқни тахтага илдириб қўйди. Мен бориб уни йиртиб ташладим. Шундан кейин мени ишдан ҳайдади. Ёлчинбек тарафимни олиб директорнинг олдига кирди. У ярамас Ёлчинбекни уриб, пешонасини қашқа қилди. Бунинг учун ҳужжатимиз бор. Агар мен унга пора берганимда ишдан ҳайдамас эди.

— Айтинг-чи, сиз ҳам Зоҳирга узатганмисиз?

— Ўз қўлим билан берган эмасман. Унинг Зулфиқор, Мухсинохун деган ҳамтовоқлари бўларди, шулар орқали ҳамма узатарди. Ишонмасангиз, улар ҳам ташқарида навбат кутиб туришибди, улардан сўранг.

— Тушунмадим, сиз ҳозир тилга олган Зулфиқор ва Мухсинохунларни «ҳамтовоқлар» дедингиз, шундай бўлса, нега улар энди унинг устидан шикоят қилиб юришибди?

— Бер, деганини бермаса, Зоҳир гаплашмай қўярди. Йиғиб берган одамларнинг ўзларидан ҳам оларди-да.

— Яна нима гапларингиз бор?

— Акбаралини қаматган ҳам улар. Зоҳирнинг уйи-ни бировлар уриб кетишган экан, унга тухмат қилишди. Қаматтириб қўйди. Уч кундан кейин бўшатиб юборишди. Сиз бундан хабардор бўлсангиз керак.

— Хабарим бор. Яна нима дейсиз?

— Зоҳир ўлмаганда бизнинг бошимизга ҳам Ажибек ота билан Фозилбек отанинг кунини солган бўларди.

— Ҳозирча бўлди.

— Бу қўл сизникими?

— Меники.

— Яхши, яна бошқатдан имзо чекинг, ҳар бир бетига.

Қозоқбоев шундан кейин Мухсинохун Маматохун, Наим Латифхонов, Зулфиқор Нуриддиновлар билан суҳбатлашди. Уларнинг кўрсатмалари бир-бирини тўлдиради.

Нариги хонада Луқмончаев ҳам тергов ишларини олиб борарди. Бир вақтлар давлат хавфсизлиги идорасида хизмат қилган, ҳозирда ҳеч қаерда ишламаётган Маҳмуд билан Мўйдинни чақиртирган.

Луқмончаев улар ёзиб берган тушунтириш хатлари ҳамда барча ашёвий далиллар билан пухта танишди. Зоҳир ўлгандан кейин бу ҳужжатларни яна бир бор кўриб чиқиш талаб қилинар эди. Терговчи Маҳмудни ичкарига таклиф қилди. Унга бир пиёла чой узатиб, мулоқотни бошлади.

— Сиз бизнинг ишимизни беш панжадек биласиз. Начора, баъзи нарсаларни қайтадан кўриб чиқишга тўғри келмоқда. Маҳмуд ака, сиз Зоҳирнинг ёшлик дўсти экансиз, у ҳақда бир гапириб берсангиз.

— Майли, Зоҳир билан мен бир группа, бир курсда ўқиганман.

— У юрист эмас-ку!

— Тўғри, мен охириги курсдан бошқа куллиётга ўтиб кетдим.

— Яхши, давом этинг.

— Зоҳир ёшлигидаям писмиқ бола эди. 1953 йили бўлса керак, давлатга, партияга қарши ҳақорат гаплар айтгани, талабалар ўртасида яширин ташкилот тузганлиги учун муҳокама қилинган. Олийгоҳдан ҳайдалишида алақимлар уни ҳимоясига олишди.

Келиб чиқишини яшириб партия сафига кирган. Унинг фамилияси Ҳалимчаев эди. Диплом олишда ва партияга ўтишда Раҳимов қилиб олган. Унинг катта

бобоси Худоёрхоннинг лашкарбошиси бўлган. Чайқовчиликда айбланиб қамалган. Истеъдодли эканлиги тўғри. Унинг хотираси зўр эди. Бир китобни икки марта такрорласа ёдлаб оларди. У ўта миллатчи, одамларнинг айтишича, илмий ишини ҳам пул бериб ёздирган.

— Яна нималар кўша оласиз, бу гаплар тушунтириш хатингизда ҳам бор экан.

— Яна-ми, яна... — Маҳмуд бироз ўйланиб қолди.— Ўз мутахассислиги бу ёқда қолиб, бошқа йўлдан кетган. Ишхонага ишчилар учун берилган битта енгил автомашинани укаси Тоҳирга ўтказиб берган.

— Ҳозирча шулар етар. Одамлар жуда тез, қизиққон дейишса, сиз уни писмиқ эди дейсиз.

— Униси ҳам, буниси ҳам тўғри, аввал писмиқ эди, кейинчалик пул кўпайгач ҳовлиқиб кетди. Ҳовлиқиб эса пулдорларда бўлади. Ҳа, айтгандай, хотинбозлигини ҳам эшитганман. Лекин исботлайдиган далилларим йўқ. Кўпол жамоа билан ишлай олмайди. Ўз ходимларидан бирини уриб, пешонасини ёрганини эшитганман.

— Яхши, энди берган гувоҳлигингизнинг ҳар саҳифасига имзо чекиб чиқасиз. Бу томонларини ўзингиз мендан аъло биласиз. Айбга буюрмайсиз, хизматчилик, бу ишни холини-холига тўғриламасак ёпиб бўлмайди.

— Тушунаман.

— Мўйдин акани киритиб юборасизми?

— Албатта, хўп бўлади.

Хонага сочлари оқ, юзлари офтобда қолиб буришиб кетган қовунга ўхшаш Мўйдин кириб келди. У терговчининг рўпарасига бориб ўтирди. Луқмончаев унга ўрнидан туриб, қўл узатди.

— Келинг, домла! Иш баҳона кўришмасак ҳам...

— Раҳмат, раҳмат! — деди Мўйдин қувониб.

— Хабарингиз бўлса керак. Зоҳир Раҳимович Москвада ўлибди. Бизларга телеграмма келди.

— Ҳозир ташқаридагилардан эшитдим. Қарғиш дегани шундақа бўлади. У кўпларни қақшатган, энди унинг уйидагилар ҳам қақшаётгандир.

— Домла, хатингизни синчиклаб ўқиб чиқдим. Саводли одамларнинг ёзганини ўқисанг, роҳатланасан. Хизматчилик, саволларимга таажжубланмайсизми?

— Нега таажжубланай, ишингиз шуни тақозо этади, сўрайверинг.

— Домла, сиз худога ишонасизми?

— Мен коммунистман, биласиз, коммунистлар худога ишонмаслиги керак. Шоир айтганидек, эътиқодим — партия, ишонганим—ленинизм, истиқболим—коммунизм.

— Жуда яхши, мен ҳам шундайман, Зоҳир ҳақида ёзиб берганингиздан ташқари нима дейсиз?

— Зоҳир тўла маънода тузумимизга бегона ғояларни тарғиб қилувчи унсур эди. У порахўр, манман, хушомадгўйларни яхши кўрарди, хотинбозлиги, амалпарастлиги ҳақида бошқалар айтишган бўлишса керак.

Ўзингиз гап бошлаб қолдингиз, у динга, хурфотга қаттиқ ишонарди. Биласизми, нима учун обкомдан қувилган? Эшитган бўлсангиз керак. Ўша вақтда барча газеталар ёзишган. Отаси ўлганда бир ҳафта ишга келмай диний маросимларни ўтказган. Чопон кийиб олиб одамлар билан қабристонга борган. Пайшанбалик, худойиларини қанда қилмаган. Ҳатто ўзи ёки хотини ёмонроқ туш кўриб қолишса, ош дамлаб ҳайдовчисидан масжидга жўнатган, худойи қилган.

Изменцев деган обкомнинг котиби бўларди. У киши Зоҳирни фош қилган. Изменцевга қарши чиққан обкомнинг биринчи котиби Темур Тошевич ҳам унинг орқасидан ишдан қувилган.

— Ҳозир Изменцев қаерда экан?

— Темур Тошевичнинг кадрлари уни сиғдиришмади, яхши одам эди. Интизомни қаттиқ тутарди. Энди ундай улувлар қаёқда дейсиз. Халқимиз подага ўхшайди, саводсиз, руслар бўлмаганда ҳали ҳам биз қора чироқда, ҳаққал кавуш ёки чориқда юрардик. Улуғ рус халқи бизга бахт, саодат, озодлик берди. Айниқса аёлларимизнинг паранжи-чимматдан қутулишида жаҳоншумул иш қилишди. Ўзбекистон давлат мадҳиясида «Дарёлар бўйида сувга зор эдик» деб жуда ҳақ гаплар айтилган. Улуғ рус халқи бизларга ҳамиша ибрат бўлиб келган, улар ҳеч қачон бизлардан оғалик ёрдамларини аямаган.

— Мавзудан сал чиқиб кетдик. Зоҳирга қайтайлик.

— Зоҳир доим русларга, интернационализмга душман бўлган. У рўза тутар ва намоз ўқирди. Барчага буларни тарғиб қиларди. Ҳеч қачон унинг гапи билан иши бир-бирига тўғри келган эмас. Мана худонинг марҳамати, ўлигиям Москвада қолибди-ку! Ўлиб қутулиб қолибди, баччагар.

— Домла, мана бу варақларга қўл қўйинг. Акбарали деган болани чақиртирган эдим, ташқарида турибди, малол келмаса айтиб юборинг, кирсин.

Мўйдин чиқиши билан Акбарали кирди.

— Келдингми, қани ўтир-чи. Нима гаплар?

— Билмадим.

— Ҳо, билмайсан-а, биласан. Бахтингга Зоҳир ўлиб қолди. Биласан-а сени ўзим чиқариб юборганим эсингдан чиқмадимми?

— Йўқ, унутиб бўлармиди.

— Нега бўлмаса айтганимни қилмадинг, тагин олиб кириб қўяйми?

— Топганим ўша эди.

— Ҳозир ўн мингга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Ўшанга яна шунча қўшмасанг, кетасан бола, билиб қўй, отангинг ишини атайлаб мен олмадим. Эртадан қолдирсанг, манави телпақларингни алмаштириб қўяман, тушундингми, менга раҳмат дегин!

— Раҳмат деяпман-ку. Чиқоврайми.

— Эшитиб қўй, эртага олиб келмасанг йўлинг бошқа бўлади. Чиқ энди, қорангни кўрсатма.

— Хўп бўлади.

Ёлғиз қолган Лукмончаев стол устидаги ағдарилиб қўйилган барча қоғозларни тартибга солди ва маслаҳатлашмоқ учун Қозоқбоев хонаси сари икки қўлини икки томонга ташлаб юра кетди.

Қозоқбоев энди стол устини тартибга солиб, темир сандиқни қулфлаётганда Лукмончаев кириб келди.

— Ҳормасинлар, хирмонга барака!

— Қанақа барака, у сизда бўлади, бошимни оғритиб юборишди занғарлар. Тугатдингизми?

— Ҳа, яқун ясасак бўлар.

— Эртага сиз ҳам, мен ҳам умумлаштириб ахборот тайёрлаймиз, бошлиққа маъруза қиламиз, у кишининг фикрлари асосида бирлаштирамиз, шу билан ёпамиз.

— Бир кунда-я, оғирлик қилмасмикан.

— Чидаймиз-да, иложимиз қанча. Қорин ҳам пиёзнинг қовуғи бўлиб кетди, хўп десангиз, ошга олиб бораман.

— Сиз айтган жойга бормаи бўладими.

Лукмончаев рудда, Қозоқбоев ёнда бир-бирига гап бермай ошга кетишди...

Содиров терговчиларнинг умумлаштирилган ахборотини синчковлик билан ўқиб чиқди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, далил-ашёлар, тушунтириш хатлари — ҳамма нарса рисоладагидек. Энди икки иш бирлаштирилса, комиссия кўриб чиқиб, маъқулласа тамом. Битта энг оғир иш, кўздан буён ҳамманинг бошини қотириб келаётган масалага шу билан нуқта қўйилади.

Бошлиқ қотиллик ҳақидаги жанжалли ишни ҳам Зоҳирга афдаришни мўлжаллаб, баъзи ҳужжатларни қайтадан расмийлаштириш, экспертиза якуналарига ўзгартириш киритиш, даъвогарга тушунтириш йўли билан ишни тамоман ёпишни режалаштириб қўйган эди. Бироқ Қозоқбоевнинг «Аҳволи чатоқ, одам бўлиши қийин», деган ахборотига таяниб телеграмма бердирганлиги учун кўнгли хижил, борди-ю Зоҳир ўлмаётганлиги келиб қолса-чи, унда барча айбни Москвадан телеграмма берган Қозоқбоевга афдаради-да, ўзи сувдан қуруқ чиқади.

Масалага тўла аниқлик киргунча ҳужжатларни комиссияга топширишни пайсалга солиш керак. Содиров Москвадан телеграмма бериш ҳақида Қозоқбоевга ёзма кўрғазма бермаган-ку. Ундай ҳолатда ҳам, бундай ҳолатда ҳам бош терговчи боши берк кўчага кириб қолган эди. Очиги шу иккита телеграмма билан ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетди.

Агар Зоҳир ўлмаган чиқиб, қайтиб келиб қолса уни тайёрадан туширмай қотил ва хавфли жиноятчи сифатида қамоққа олинади, вассалом...

Анвар Комилович ҳар куни Москвага бир неча марталаб кўнғироқ қилиб туша олмайди, охири чидамай телеграмма йўллаган почтага, Ақром акалар турган меҳмонхонанинг директори номига телеграмма юборди, жавоб йўқ.

Бу шум хабар келганига уч кун бўлди. Маъмура беҳуш ётибди. Умри олийгоҳнинг домлалиги билан ўтган, не-не одамларга йўл-йўриқ кўрсатишга қодир бўлган Мамадали домла бугун нима қилишни билмай ўтирибди. Охири мисига ялт этиб бир фикр келди. Нега энди шунча кундан буён бирорта одамни Москвага жўнатмади ёки ўзи учмади. Ҳозир ҳам кеч эмас, борадиган киши удабурон, тадбиркор бўлиши керак. Бундай одам фақат Анваржон эди. Домла уни ўз ёнига чақиртирди.

— Ука, бир маслаҳатли иш бор, — деди унга Мамадали домла. — Шунча одам келиб кетди. Сиз билан мен ҳақмиз, у ўлмаган. Ҳар куни тайёрагоҳга машина билан чиқяпмиз, агар чиндан ҳам Зоҳир ўлган бўлса, «биз фалон рейсда кетяпмиз» деган бир оғиз сўздан иборат телеграмма келган бўларди. Москвага учсангиз, шунда ҳаммаси равшан бўлар-а, нима дейсиз?

— Ўргилай, домлажон, нега аввалроқ бу гапни айтмадингиз, қаранг-а, у ёқдан бу ёққа чошиб юраверибмиз-у, бу фикр ҳеч кимнинг эсига келмапти. Гап йўқ, ҳозир учишга тайёрман.

— Кетдик, эшитиб қўйинг, етиб боришингиз билан дарҳол телеграмма қилинг, қўнғироғингизни ҳам кутаман.

Анвар Комилович билан домла бир енгил «Москвич»га ўтириб тайёрагоҳга равона бўлишди.

Орадан бир соат ўтгач, Мамадали домла қайтиб келди. Иссиқ кийиниб белини боғлаб олган, овозлари хирқироқ Осиё опани ёнига чақириб, шивирлади:

— Осиёхон, хотинжон, мана кўриб турасиз, Зоҳирингиз ўлган эмас, кўнглим сезиб турибди. Мен ҳозир Анваржонни Москвага учирдим. Бу фикр уч кундан буён бошга келмаганини айтинг. Яна икки соатдан кейин у Москвада бўлади, кўрасиз, телефоннинг тагидан кетманг, у қўнғироқ қилади. Хайри момо қалай, қизингиз-чи? Ҳозирча бу сирни ҳеч кимга айтманг, ўзингиз билинг, хоним!

— Илоҳо айтганингиз келсин. Момо қаттиқ уриниб қолдилар. Уч кундан буён туз ҳам тотгани йўқ. Қизингиз ҳам шундай.

— Эҳтиёт қилинг уларни, ахир ўзингиз олима аёلسиз-ку, хоним, хўпми?

— Хўп бўлади.

28

Анваржон тайёра ҳавога роса кўтарилиб олгандан кейин кўзларини юмди, пайдо бўлган хилма-хил, тарқоқ фикрларни жамлашга уринди. Биринчисига боғланмайдиган, тумтароқ хаёллар тутқич бермасди. «Зоҳир ака чиндан ҳам ўлган бўлса-я, йўқ, у тирик. — Уни яна даҳшатли ўйлар босиб кела бошлади. — Мен тайёрадан тушганда, улар йўлга чиққан бўлишса-я, йўқ, дарҳол тайёрагоҳга кираман, қидираман, радио-

дан эълон қилдираман, ана шундан кейингина шаҳарга таксини визиллатаман. Меҳмонхонада Ақром акалар бўлишмаса-чи, қайси касалхонада эканлигини билмайман-ку! Унда меҳмонхона эшиги ёнида кутаман». Бу Анваржоннинг тугал фикри эди. У озгина мизғиб олишга ҳаракат қилди, энди кўзи уйқуга кетганида тайёра маликасининг «Яна бир неча дақиқалардан кейин тайёрамит Шереметьево тайёрагоҳига қўнади» деган жарангдор овози уйғотиб юборди. Анваржон анча хушёр тортди. Тўзиб кетган сочларини тузатиб, дўпписини бостириб кийди, ҳаммадан олдин тушишга ҳаракат қилиб энди ўрнидан турган эди «Яхши йигит, жойингизга ўтиринг!» деган овоз унинг шаштини қайтарди... У ҳаммадан олдин, биринчи бўлиб тушди-да, тез юриб кетди. Бирорта ҳам таниш одам кўринмади. Шундан кейин у тайёрагоҳ радиоузелига бориб, эълон қилдирди, яна ҳеч ким йўқ. Ташқарига чиқиб такси тутди, шофёрга «Москва» меҳмонхонасига тезроқ олиб боришни илтимос қилди.

Меҳмонхонага етиб борганида вақт анча кеч бўлиб қолган эди. Ақромжонлар ётган хонани топди, тақиллатди, ҳеч ким йўқ. Шу қаватнинг навбатчисидан сўради:

— Кечирасиз, 416-хонада кимлар туришади, улар борми?

— Ҳозир айтиб бераман. Назаримда овқатланиш учун пастга, ресторанга тушиб кетишди, — навбатчи қайд дафтарини варақлай-варақлай: — Ўзбекистондан, Раҳимовларми? — деди.

— Тилингизга асал, келинг бир ўпай.

— Эсингиз борми, қандай одамсиз?

— Агар улар чиқишиб қолишса, «Анвар келди» десангиз бас, мен ҳозир келаман.

Анвар лифтни ҳам кутмай «тапир-тупир» қилиб пастга тушиб кетди. Орадан кўп ўтмай энг сара гуллардан бир дастасина навбатчи қизга узатди.

— Бу сизга, келишмадимми?

— Йўқ. Гул учун раҳмат!

Шу пайт лифтнинг эшиги очилиб ундан Ақром билан Тоҳир тишларини ковлаб, бепарво чиқиб келишди. Анвар уларни кўрди-ю ўрнидан туриб бағрига босди.

— Анвар Комиловичмисиз, қачон келдингиз?

— Сўраманг, Ақром ака, Зоҳир аканинг саломатликлари яхшими?

— Яхши, яқинда жавоб беришмоқчи.

Анвар Комилович ҳеч қачон бундай шошиб-пишиб гапирганини кўрмаган Тоҳир ҳеч нарсани тушунмай ёнларида серрайиб турарди.

— Ақром ака, хонага кирайлик, — деди Тоҳир ва навбатчи қиздан калитни олди.

Анвар Комилович бир пиёла чой ичгандан кейин ўша машғум телеграмма ва бўлиб ўтган ҳамма ҳангомаларни бирма-бир айтиб берди.

— Ажабо, телеграммани Москвадан юборилган дедингиз, ахир буни ким қилиши мумкин? Бировнинг биз билан иши қанча! Тоҳир телеграммани бу ерда танишган, бир кунда зимзиё бўлган танишимиз бермадимикан?

— Нима деяпсиз, ака, у бегона одам-ку, биз ҳатто унинг исмини ҳам билмаймиз.

— Мана кўрасан, — деди Ақром, — ўша одам бўлиб чиқади. Майли, кейин охирига етамиз.

— Ақром ака, Зоҳир Раҳимовични ҳозирнинг ўзи-даёқ бориб, ўз кўзим билан кўриб келмасам, барибир тинчимайман, киритишармикан?

Анваржон озгина тамадди қилиб олгач, учовлон Зоҳир Раҳимович ётган касалхонага жўнашди.

Анвар Комилович йўл-йўлакай бўлиб ўтган ва бўлаётган ҳангомаларни, оналари Хайринисо момо, Осиё опа, Мамадали домла ҳамда Маъмураҳонларнинг саломатликлари ҳақида, ҳатто автокорхонадагиларнинг фотиҳага гуррос-гуррос бўлиб келганларигача батафсил гапириб берди.

— Демак мен ўзим Зоҳиржонни кўргани келдим, телеграмма ҳақида ҳеч гап бўлмайди. Шундайми, Ақром ака? — деди Анвар, — шарт шуки, телефонда биринчи бўлиб ўзим гаплашаман. Эртага қайтиб кетаман.

— Ихтиёрингиз, бироқ мен ҳам боришим керакка ўхшайди, Тоҳир кетса ҳам майли...

Оппоқ қорлар уюмидан шохларини аранг кўтариб, тебранаётган арчазор, қарағайзорлар оралаб учиб кетаётган такси ортида қор чанглари пайдо бўларди.

Шаҳар шовқинидан жуда узоқда бўлган бу касалхона худди эртақлардагидек арчазор ва ўрмон келини оқ қайинлар билан ўралган эди.

Москва ўрмонларининг мусаффо ҳавосидан бир кун

нафас олган одамнинг умри бир йилга узаяди, деган ҳикмат бекорга айтилмаган.

Навбатчи аёлнинг рухсати билан елкаларига оппоқ халатларни ташлашиб Зоҳир Раҳимович ётган хона томон юришди. Ақром ака эшикни аста тириқлатди.

— Кириг!

Анваржон, Зоҳир Раҳимовичнинг ўз овозини эшитиши биланоқ қаттиқ ҳаяжонланди, ўзини аранг босиб, Ақром аканинг ортидан ичкари кирди. Китоб ўқиб ётган Зоҳиржон Анваржонни кўриши билан ўрнидан туриб, қулоч ёзди:

— Анвар Комилович, бу ўзингизми, ёпирай, кўзларимга ишонмайман.

— Зоҳир ака, Зоҳир ака! — Анваржон ўзини тута олмай хўнграб йиғлаб юборди.

— Анваржон, секинроқ, белини қаттиқ ушламанг.

Шу вақт Зоҳирнинг ҳам кўзларига ёш келди. Томоғига бир нарса тикилгандай айтадиган гапини ҳам айтолмай қолди.

— Зоҳир ака, жоним акам...

— Анвар, Анваржон, бўлди, бўлди, — деди Ақром ака ҳам кўзига ёш олиб.

Анча вақт хонага жимлик чўқди. Ўзини босиб олган Зоҳир томоғи ҳирқираган ҳолда:

— Анваржон, жуда соғиндим, ҳар куни тушларимга кириб чиқасизлар. Уй-ичлари омонми, аяжоним қандай, тинч-омонми, қариганда менинг бу ерда ётиб олишим жуда оғир бўлди.

— Зоҳир ака, уларни ўйламанг, ҳаммаси яхши, сизни жуда соғинишган. Ҳамма таниш-билишлар дуо айтишди.

— Маъмураҳон дурустми, қайнонам, домла қалай?

— Ҳаммалари яхши, улар мени кузатиб қўйишди.

— Оббо Анваржон-ей, овора бўлсиз-да.

— Оворагарчилиги борми.

— Операциям яхши ўтди, профессорнинг айтишича бирор ҳафтадан кейин жавоб берармиш. Ўзбекистонни соғиндим, — деди Зоҳир Раҳимович.

— Ўтириглар, нега тикка турибсиз, — таклиф қилди Тоҳир.

— Автокорхонада нима гаплар, оталарнинг қотили топилдими?

— Ҳозирча жимжитлик! Яна билмадим, Насим Тошлонов идорама-идора югуриб юрибди. Ишини тикла-

моқчи шекилли, менга касаба уюшмасидагилар дағ-даға қилишди. Агар сизларга керак бўлса ўзларингиз буйруқ беринглар, дедим.

— Аям қишлоқдами, билмадингизми?

— Онангиз менимча Маъмурахон билан турибди, шекилли.

— Ақром ака, агар жавоб беришса, ўзимизга бориб ётаман. Тузалганимдан кейин ишни ташлайман. Зерикдим, жуда зерикдим Москваси-ю касалхоналаридан. Анваржон, жойлашдингизми?

— Ҳа, Ақром акалар турган меҳмонхонага. Хайрият, кўрдим, тинчидим, эратга ош дамлаб келайми?

— Тоҳирнинг бу қадар зўр ошпазлигини билмаган эманман. Яқинда у бу ердагиларни бошлаб меҳмон қилди, озгина ош еб қўйган эдим, оғирлик қилди.

— Худога шукур, кўрдим, бўлмаса мен эртага қайтсам. Топшириқлар бўлса айтинг.

— Анваржон, битта муҳим вазифа бор.

— Эшитаман.

— Вазифа шуки, доим саломат бўлинг.

— Бу қўлимиздан келади, ҳаракат қиламиз.

— Айтгандай, онажонимга, аямга, Маъмурага домлага ва барча ёру биродарларга менинг номимдан саломлар айтиш ёддан чиқмасин. Уч-тўрт кун Москвани томоша қилмайсизми?

— Московнинг Московлиги қолмапти, сизни кўрдим, бўлди. Энди қайтаман.

— Ақром ака, сизнинг ҳам ишингиз кўп, Анваржон билан кетсангиз бўларди, — деди Зоҳир.

— Мен ёнингда тураман, Тоҳирга жавоб берсак, нима дейсан?

— Майли, қарши эмасман.

— Ақром ака, хўп десангиз, мен қолсам, югуриб-елиб хизмат қиламан, ёшроқман.

— Ақром ака, бўлмаса сиз Анваржон билан бораверинг. Тоҳир қолгани маъқул, — деди Зоҳир.

Узоқ тортишувлардан кейин Анваржон билан Ақром ака бирга кетадиган бўлди. Сўнгра Ақром ака салмоқ билан деди:

— Зоҳир ука, сени толиқтириб қўймайлик, ташқарида машиналар ҳам тўхтаб қолмасин. Биз кетайлик.

Анваржон ва Ақром ака Зоҳир билан кучоқлашиб, хайрлашдилар.

— Кузатиб кўярдим-у ташқари сал совуқроқ, — деди Зоҳир Анвар билан ҳазиллашиб.

Улар касалхонадан чиққанида вақт анча кеч бўлиб, таксилар ҳам селсилаиб қолганди.

Меҳмонхонага ярим кечада келишди. Анваржон: «Ким эрта турса бир-бирини уйғотиш» деди ва боши ёстиққа тегиши билан хурракни бошлади.

— Ака, уйғотиб юборайми? — деди Тоҳир.

Ақромжон кўнмади:

— Тек қўй, чарчаган. Хуррак тортмаган эркак-эркакми, сен ҳам ёмон эмассан. Эркак кишининг уйида борлиги унинг хуррагидан билиниши керак. Зўр эркакнинг хуррагидан шер ҳам чўчир эмиш...

Анваржон ҳаммадан олдин турди. Уларни уйғотди. Телефон рақамларини тера бошлади.

— Мана тушди. Алло, алло! Ким бу! Мен Анваржон, Маъмурахон, сизмисиз? Суюнчини чўзинг. Зоҳир акам ҳақидаги телеграмма ёлгон демадимми, эшит-япсизми, эшитяпсизми, оббо нима бўлди. Фуф! Фуф! Нима бўлди, индамаяпти. Алло! Алло! Домла, бу мен, Анваржонман, узилиб қолмадим, Зоҳир акам тирик. Мана, Ақром акам билан гаплашинг.

— Мен Ақромман, домла! Ҳайрон қолдик. Бир ифвогарнинг ишидир-да. Айб бизда, вақтида телефон қилмадик. Зоҳирнинг соғлиги яхши мен кетяпман. Зоҳир бирор ҳафтадан кейин ортимиздан Тоҳир билан боради. Тоҳир қоляпти. Худо хоҳласа бугун кечқурун етиб борамиз.

Тайёра пасая бошлаганда ҳамма тенг кўзғалиб олади. Бу ҳолат Ақром ака билан Анвар Комиловичда бошқачароқ кечди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ташқарига боқар, кутиб олувчилар ичидан Мамадали домлани қидирар эдилар.

— Ақром ака, кўряпсизми, ана домла турибди. Органдагилар Зоҳир аканинг тириклигини эшитишса юраклари ёрилиб ўлишмасмикан? Ажабо, ўша машъум телеграммани ким берган экан? Мен ўз кўзим билан ўқидим, Москвадан берилган. Қачон, қайси почтадан берилгани ҳам аниқ.

— Менинг бир гумоним бор. Агар куни тўғри келса бас, худди ўша одам бўлиб чиқади. Лекин, у одам ким ва қаерлик эканини билмайман.

— Эҳтимол ўша айғоқчилардандир.

— Билолмайман. Ҳар ҳолда топишга ҳаракат қила-

миз, яхшиям Зоҳирга билинтирмадик, агар билса бор-ми, у ҳам қаттиқ изтиробга тушган бўларди.

Тайёра аста-секин ерга кўнди. Ақром ака билан Анваржон шошилмай пастга тушдилар. Мамадали домла кўзларида ёш билан аввал Ақромжонни, сўнгра Анваржонни бағрига босди.

— Худога айтганимиз бор экан, ўғлим, бир йўла олиб келавермапсиз.

— Яна бир ҳафтадан кейин келади, яраси сал битсин, — деди Ақром ака домлани қучиб.

Сабри тугаб, кутиб олиш учун Маъмураҳон, Осиё опа ва Хайринисо момолар ҳам чиқишган эдилар.

— Ўғилларим, нури дийдам Зоҳиримни кучоқлаб кўришган ўша азиз елкаларингизни яқинроқ тутингиз, зиёрат қилай, ўргилиб кетайлар, боламини кўрган кўзларингизга бир боқай, — деди Хайринисо момо букилиб қолган қаддини ростлаб, кўз ёшларини оппоқ энги билан артиб.

Бундан уч кун аввал аза ва мотам ғурбатхонасига айланган, шаҳарнинг турли томоналридан фотиҳа ўқиш учун келиб-кетаётган кўзлари ғамнок одамлар билан тўлган бу хонадонда бугун унинг тамоман акси эди.

Зоҳирнинг энг яқин кишилари, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари, ҳамкасблари ҳаётда камдан-кам учрайдиган тақдирнинг қалтис ўйини ҳақида баҳс юри-тадилар.

Бугун шаҳарда ҳамманинг тилида «Зоҳир ўлмаган экан, бир малъун Москвага бориб уни ўлди, деб телеграмма берган экан, ўша ярамас қидирилаётган эмиш», «Ўлдига чиқарилиб аза тутилган инсоннинг умри узун бўлади» деган миш-мишлар юрипти.

Бу гаплар Зоҳирни ёмонотлиқ қилиб, ўлди деб маломат тошлари ила кўмган, тушунтириш хатларини янгидан тайёрлатиб том-том ҳужжатларни дасталаб қўйганларнинг қулоқларига бормадимикан?!

Қотиллар бу ёқда қолиб, Зоҳирни қотилликда айбловчилар, атайлаб Москвага бориб уни ўлдига чиқариб, телеграмма берган кимсалар Зоҳирнинг ўлмаганини эшиттимикан?!

Бош муҳаррирнинг қистови билан Ҳайдаржон икки марта махсус йўлланма билан автокорхонага келди.

Аммо муҳаррир айтган, фикрини билиши лозим бўлган кимсалар билан суҳбатлашиш уёқда турсин, учрашишга ҳам бўйни ёр бермади.

Охирги марта келганида Зоҳир Раҳимович Москвага даволаниш учун кетган, унга қарши кураш авж олган, ҳатто Зоҳир қотилликда ҳам айбланаётган кунлар эди.

Ҳайдар Наби жуда ҳақгўй, ҳалол йигит. Наҳотки у алданган бўлса, ахир элик нафар ҳайдовчи йўллаган хатни у ташкил қилган эмас, ҳатто бирортасини ҳам билмайди-ку!

Наҳотки Зоҳир Раҳимов шу қадар паст кетиб, хат ташкил қилган, фамилиясини яширган, қотиллик ҳам қилган бўлса? Йўқ, барибир муҳбир ўз фикридан қайтган эмасди. Шундай бўлса-да, масалага аниқлик кириштиш учун идорама-идора юриб «Зоҳир ундай, Зоҳир бундай» дегувчи гуруҳнинг бош мурдорлари Ёлчин, Насим, Мухсинохун, Зулфиқор, Наимлар билан учрашишга қарор қилди. Аммо улар очиқчасига: «Биз сендай журналист билан учрашмаймиз, муҳарриринг билан гаплашамиз» деб бош тортдилар.

Ҳайдар Наби шунча йил ишлаб, биринчи марта қаттиқ зарбага дуч келган эди. Бу энг аввало фельетон қолдирилиши билан изоҳлана, материални қайта ёзмақчи бўлиб турганда вазият яна ўзгарди, булар ҳам етмагандай гуруҳбозлар учрашишдан бош тортди. У икки кун ишга бормаи уйда ётди. Хаёлидан жуда кўп гаплар ўтди: «Наҳотки улар ҳақ, мен ноҳақ, юзсизлар учрашмаймиз, бош муҳаррир билан гаплашамиз дейишди-я. Майли, гаплашаверишсин, мен бари-бир материални қайта ёзмайман, агар қайта ёзадиган бўлсам яна олдинги фикрларимни ривожлантираман».

Учинчи куни Ҳайдаржон ишга келди. Бўлим бошлиғи кўриши билан «Ҳайдар Наби, «қадрдонларингиз» яна келишди, бу сафар улар муҳаррир билан учрашиб сизни сўрашибди. Ушанда айтганимиз келди. «Мухбирингиз Зоҳирдан пора олиб, у нима деса шуни ёзиб келган эди, агар фельетон чиқиб кетганда нима бўларди. Уни ҳали ҳам ҳайдамадингизми, мана ҳужжатлар, ҳаммаси тасдиқланди. Зоҳир порахўр жиноятчигина эмас, қотил ҳам бўлиб чиқди» деб кетишди. Сизни ўшандан буён муҳаррир йўқлапти. «Бошлаган ишини ўзи давом эттиради, материални тамоман бошқатдан ёзади, деб айтишди», деди.

Ҳайдар Наби унинг гапларини диққат билан тинглади.

— Бўлдим, бор гап шуми, муҳаррир эмас, ундан каттароғи топширганда ҳам мен ўз виждонимга қарши боролмайман, — деди-да, бош муҳаррир хонаси томон юзланди. Бўлим мудирининг:

— Тўхтанг, ўзингизни босинг, — дейишига ҳам парво қилмади.

Қабулхонада ўтирган котиба қиз Салимахон билан саломлашиб, унинг рухсатисиз «Бош муҳаррир» деб ёзиб қўйилган эшикни очиб ичкари кирди.

— Мумкинми, ассалому алайкум, мени йўқлатган экансиз? — Ҳайдаржоннинг вазоҳатини кўрган бош муҳаррир ҳеч нарса билмагандай мулоҳимлик билан ўрнидан туриб қўл узатди:

— Тинчликми, уй-ичлари яхшими, кўринмай қолганингизга ҳавотирландим-да.

— Менга қандай хизмат бор?

— Ҳеч, шунчаки сўраган эдим.

— Чиқаверайми?

— Марҳамат!

Ҳайдар Наби бош муҳаррирнинг хонасидан олдинги вазоҳат билан эмас, овир-босиқлик билан чиқди. Уни сабрсизлик билан кутиб турган бўлим мудирини гап ола кетди:

— Тинчликми, нима деди?

— Ҳеч нарса. Шунчаки йўқлаган эканлар.

Ҳайдар Наби ўз хонасига кириб, нимадир ёзмоқчи бўлиб қўлига қалам олди, аммо бир сатр ҳам ёза олмади. «Нима учун муҳаррир бўлим мудирини тахлаб ташлаган гапларни айтмади?» — У бу саволга жавоб топа олмади. Шундан кейин у Зоҳир аканинг қандай қилиб қотилликка қўл урганини ўйлади. Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас, бу унга қўйилган навбатдаги қопқонлардан бири бўлса керак.

Тушки овқатдан кейин Ҳайдаржон яна бош муҳаррирга кириб, Фарғонадан телефон қилишганлигини, Зоҳир Раҳимович Москвада иккинчи операциядан чиқолмай ўлганлигини, фотиҳага бормоқчи эканлигини айтди.

— Майли, боринг, бизнинг ҳам таъзиямизни билдириб қўйинг, кўряпсизми, вазият қанчалик тез ўзгармоқда. Энди айтай, ҳалиги қадрдонларингиз келишди, бир қучоқ қоғоз ташлаб кетишди. Сиз ёзган, бироқ

эълон қилинмаган фельетон ҳақида гап бўлди. Зоҳирни қаттиқ қоралашяпти, ҳатто унинг қотилликда ҳам кўли бормиш, мана энди Зоҳир шўрлик ҳаммасидан қутулибди. Жуда яхши ўйлабсиз, бориб келинг, халқ ичига кўпроқ кириш керак.

Салимахонга йўлланма ёздирди-да, ҳеч кимга, ҳатто бўлим мудирига ҳам билдирмай тўпша-тўғри вокзалга кетди. Таниш-билишлар орқали чипта топди ва 16-вагонга жойлашди...

Поезднинг жўнашига ҳали бир соат вақт бор. Одамлар битта-иккита бўлишиб қўлларида тугун билан чиқишмоқда. Тўрт кишилик хонада бир ўзи ёлғиз ўтирибди. Поезд жўнашига бир неча дақиқа қолганида ҳамхоналар ҳам чиқиб қолишди. Афтидан улар қандайдир йиғилишга келишган зиёлиларга ўхшайди. Танишиб ҳам олдилар.

— Зоҳир Раҳимовични танийсизми? У киши айниқса шу кунларда машҳур бўлиб кетганлар-ку! — деди йўловчиларнинг бири.

— Эшитганман, қандай?

— Шундай-да, шўрликнинг бошига не-не ғурбатларни солишмади. Одам филдан ҳам бардошли бўлар экан. Сиз, меҳмон, у кишини қаёқдан танийсиз, тилингиздан биз томонликларга ўхшамайсиз?

— Топдингиз, мен тошкентликман, газетада ишлайман. Зоҳир акани вафот этди деб хабар беришган эди, шунга фотиҳага кетяпман.

— Тўхтанг, тўхтанг, сиз ҳали беҳабармисиз?

— Йўқ, нимадан?

— Зоҳир акани ўлди, деб телеграмма келган эди. Бутун шаҳар фотиҳага уч кун ёпирилиб борди. У эса ўлмаган экан, тирик экан.

— Ёпирай, ёпирай! — деб юборди Ҳайдаржон.

— Наҳотки, чиндан ҳам антиқа экан, — деди ҳамхоналардан бири.

— Телеграмма йўллаган топилгани йўқми? — яна сўради Ҳайдаржон.

— Ҳар ҳолда қидирилаётган эмиш. «Миш-миш»ларга қараганда, телеграммани органдагиларнинг ўзлари уюштирган эмиш. Ҳозир ўша Анваржон деган йигит бу ишнинг изига тушганмиш, жиноятчини топмай қўймайман, деяётган эмиш.

— Биз мухбир одаммиз-да, кечирасиз. Зоҳир ака-

ни қотилликда айблашаётган эмишлар, бунга маҳалладош сифатида қандай қарайсиз?

— Куракда турмайдиган гап. Зоҳиржон ундақалардан эмас.

Улар анча гурунглашиб ётишди, Мухбир ўзини танитди.

360- поезд эрталаб соат саккизда Фарғонага етиб келди.

Поезддан тушишганида Зоҳирнинг маҳалладоши:

— Меҳмон, энди мен билан юрасиз, Зоҳиржонни-кига ўзим олиб бораман, — деди.

— Жуда катта савоб иш қилган бўласиз, — деди Ҳайдаржон.

Туробжон билан Ҳайдар Наби кетма-кет автобусга чиқишди. Одатдагидай одам тирбанд. Учта бекатдан ўтгандан кейин Туробжон келдик, ҳозир тушамиз дегандай имо қилди. Улар автобусдан тушиб пиёда юз эллик метрча юришди.

— Яқинлашиб қолдик, анаву кўк дарвоза Зоҳир аканики, ҳеч келмаганмидингиз?

— Йўқ.

— Ана, Ақром ака турибди; ҳозир сизни таништираман.

Улар қадамларини бироз тезлатишди. Туробжон билан нотаниш одамни кўрган Ақром ака:

— Қани, меҳмонлар, ичкарига, — деди.

— Кирамиз-да, Ақромжон, меҳмонни танийсизми?

— Танимасак танишамиз-да.

— Бу киши Тошкентдан, мухбир Ҳайдаржон!

— Э, бўлди-бўлди, Ҳайдар Наби, шундайми?

— Шундай.

— Сиз ҳақингизда кўп эшитганмиз, танишганимдан роят хурсандман.

— Мен ҳам, — деди Ҳайдар Наби.

Улар ичкари киришди.

— Анваржон, бу ёққа қараб қўйинг, меҳмонни танийсизми?

— Бу кишини танимаган борми, Ҳайдаржон-ку! — Анвар Комилович севиниб кетди. — Келинг, Ҳайдаржон, бормисиз, хуш келибсиз.

— Раҳмат, раҳмат! — Улар қучоқлашиб, кўришдилар.

— Анча савдолар бўлиб ўтибди, — деди Ҳайдар Наби.

— Ҳаммаси ортда қолди. Эшитган бўлсангиз керак.

— Ҳа-ҳа, йўл-йўлакай Туробжон ака батафсил сўзлаб бердилар.

— Ҳайдаржон, бунақаси ҳеч бўлган эмас.

— Зоҳир аканинг саломатликлари қандай, яхшиларми?

— Яхши.

— Қани, меҳмон, дастурхонга қаранг, олиб ўтиринг, шўрва маза бўпти, олинг.

— Ақром ака, эшитган бўлсангиз керак. Менинг «қадрдон дўстларим» бошимга анча ташвишлар солишди. Ишдан кетишимга ҳам сал қолди. Барибир ўз нуқтаи-назаримда ҳозир ҳам қаттиқ турибман. Кўришганимдан, хушxabарларни эшитганимдан мамнунман. Кечки поездда қайтмоқчиман. Туробжон акани йўлда менга худо етказди, бу кишидан кўп нарсани билиб олдим.

— Ҳайдаржон, энг аввало йўқлаб келганингиз учун раҳмат, — деди Ақром ака чой узатаркан, — келиш меҳмондан, кузатиш мезбондан, деган ҳикмат бор. Бугун ҳеч қаерга бормайсиз, сиз ҳақингизда Зоҳирдан кўп эшитганман. Бугун бир отамлашамиз.

— Зоҳир ака эсон-омон тузалиб келсин, кейин гаплашаварамиз, гапларимиз кўп.

— Ақром акага қўшиламан, ҳеч ерга кетиш йўқ. Бугун бизникида бўламиз, олдин ҳафталаб юрганингизда бир пиёла чой ҳам қуйиб бера олмадим. Энди қўлга тушдингиз. Зоҳир ака эшитса хафа бўлади, энди ифвогарлардан қўрқадиган жойимиз қолмади, — деди Анвар Комилович.

— Улар ҳалиям борми? — деди Ҳайдар Наби кулиб.

— Бўлганда қандоқ, бу ҳақда гаплашамиз, бугун қоласиз, вассалом!

— Бир кунга келган эдим, уйга ҳам айтмаганман, агар қоладиган бўлсам, Тошкентга қўнғироқ қилиб қўйишим керак.

— Яхшилаб овқатланиб олайлик, кейин ҳаммасини ташкил қиламиз, — деди Анваржон.

— Ақром ака, меҳмонни сизларга топширдим, энди менга рухсат, — деди Туроб ака. — Ҳайдаржон, биз ҳам хизматингизда бўлсак, бошимиз осмонга етган бўларди.

— Раҳмат, Туроб ака, албатта мен сизни ўзим то-
паман.

— Менга дуо, омин!

Ҳаммалари ўринларидан туриб, Туроб акани таш-
қарига кузатиб қўйишди. Улар қайтиб кириб, узоқ
суҳбатлашиб ўтирдилар.

— Ақром ака, сиз Москвада учрашган бир ўзбек
йигит ҳақида гапирган эдингиз. Ўшандан буён ўйлай-
ман. Ўша тағин шпиклардан бўлиб чиқмасин. — Ан-
варжон ўз гумонини айтди.

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман.

— Кўрсангиз танийсизми, оти нима эди?

— Айтдим-ку, исмини сўрасам, гапни айлантириб
юборарди деб.

— Анваржон тўғри айтяпти, уни топишимиз керак.
УВДга борамиз, эҳтимол учратиб қолармиз.

Ҳайдаржоннинг бу гапи Ақром акага маъқул тушди.

— Бўлмаса, Анваржон, сиз шу ерда бўла туринг.
Сизни танийди, борсангиз иш бузилади. Биз Ҳайдар-
жон билан разведка қилиб келамиз.

Улар машинага ўтиришиб, ички ишлар бошқарма-
си томон йўл олишди. Йўл-йўлакай суҳбат давом этди.

— Агар у ерда Ёлчинлар бўлишса гап соламиз,
терговчи чақирган экан деймиз, қайси хонадалигини
сўраймиз-да, тўғри кириб борамиз. Танисангиз ки-
фоя, у ёғини кейин.

— Кўрсам, албатта танийман, — деди Ақром ака.—
Шошиб-шошиб гапирарди, олазарак қарашлари ёдимда
қолган.

Улар ички ишлар бўлими бошқармасига етиб бо-
ришганида тушки овқат пайти бўлиб қолган эди. Шу
сабабли уларнинг режаларига ўз-ўзидан ўзгариш ки-
ритилди.

Воқеанинг ривожини бошқачароқ иш тутишни талаб
қиларди.

Улар кўчанинг нариги бетида машинадан тушмай
ўтиришди. Ёлчин ўртада, атрофида Насим, Мухсинохун,
яна бир неча киши ичкаридан чиқиб келишар экан,
бир-бирларига гап беришмасди, ҳаммаси тенг жаврар-
ди. Гап нима ҳақида кетаётганини билиш қийин.

— Кўрдингизми, — деди Ҳайдаржон, — ана шулар
бизнинг «қадрдонларимиз». Яна озроқ кутайлик, бўлма-
са ичкарига кириверамиз. Режа-режа, навбатчи мили-
ционердан сўраймиз, у бизни танимайди. Зоҳирнинг
иши бўйича чақирилган эдик, кимга учраймиз, деймиз.

Ақром ака «миқ» этмай Хайдаржоннинг гапларини тинглар ва кўзини кузатаётган томондан узмасди. Назарида ҳозир ўша одам худди чиқиб келаётгандай эди. Шу вақт эшик очилиб, жиккак Луқмончаев пилдираб чиқиб қолди.

— Анаву эмасми?

— Йўқ, у эмас, ана-ана, чиқди!

— Буни танийман, бу Қозоқбоев-ку, терговчи.

— Москвада танишганимиз шу одам-да. Вой писмиг-ей, вой ярамас-ей!

— Нима қилдик, айта қолинг, вақт ганимат.

— Хайдадик машинани, ўтиб кетаётиб гўё кўриб қолган бўламиз.

Шофёр машинани хайдади, бир километрча юриб кўчанинг нариги юзига ўтиб олди. Қозоқбоев эса ерга қараб ўз хаёли билан кетиб борарди. Машина ундан сал ўтиб тўхтади. Ақром ака машинадан тушиб:

— Ассалому алайкум, кўзим тушиб қолди, сизми-сизмасми деб ўйладим, ўзингиз экансиз, яхшимисиз, ҳамшаҳар эканмиз-ку, — деди. Қозоқбоевнинг ранги оқариб кетди. Семиз қизил папкани у қўлидан бу қўлига олиб, атрофга олдингидай олазарақ қаради.

— Ақром ака, ўша куни сизлар билан хайрлашмай кетишга мажбур бўлдим.

— Биз ҳам хайрон қолдик. Шу ерда ишлайсизми?

— Йўқ, ҳа! — деди аранг Қозоқбоев.

— Укам яхши бўлиб қолди, эрта-индин чиқиб келади. Нечанчи хонада турасиз, ёрдамингиз керак бўлиб қолди.

— 9-нчи хонадаман. Эртага эртаман бўламан, келинг марҳамат, гаплашамиз. Ҳозир шошиб турибман.

— Яхши.

— Эртага кутаман, келинг, бошлиғимиз чақирган экан.

— Сўрашса, кимга дейман.

— Терговчи Қозоқбоевга денг.

— Албатта келаман.

Қозоқбоев қадамини тезлатиб жўнаб қолди. Ақром ака унинг ортидан «Ярамас, энди қўлга тушдинг, телеграммани сен бергансан» деди ўзига-ўзи. Анчадан кейин машина яқинлашди, Хайдаржон эшикни очиб сўради:

— Танишиб олдингизми, ўша одам эканми?

— Худди ўзи, айтганингиздай фамилияси Қозоқбоев, шу ерда ишлар экан, эртага учрашадиган бўлдик.

Мени кўрди-ю илон чақиб олгандай безовталанди. Ранглари оқариб кетди. Ёрдамингиз керак бўлиб қолди, дедим.

— Қани энди кетдик, қолган гапни уйда гаплашамиз. Телеграмма берган албатта шу бўлиши керак. Ақром ака, бундан буёғига жуда эҳтиёткорлик зарур. Буларнинг қўлидан ҳамма нарса келади. Энди ўзингиз ёлғиз юрмайсиз, эртага мен бирга келаман, у мени танийди. У шоҳида бўлса, бизлар баргида юришимиз керак.

— Бор гапни Анваржонга айтамиз. Балки уни тагин Москвага жўнатармиз?

— Тўғри фикр, балки мен ҳам борарман, кураш нималигини кўрсатиб қўямиз буларга. Қозоқбоев хушига келгунча, ҳайдовчилар тили билан айтадиган бўлсак, рулни қўлимизга олишимиз лозим. Ақром ака, энди мени меҳмонхонага ташлайсиз.

— Нима деяпсиз, ҳозир тўғри бизникига борамиз, озгина дам оласиз, уйда ҳеч ким йўқ, ҳаммаси ишда. Сизга биров халақит бермайди. Мен унгача Мамадали домла билан Анваржонни олиб келаман, ипнинг учи топилди, дейман уларга.

Ақромжон қўярда-қўймай Ҳайдаржонни ўз уйига олиб борди. Қўлига калитни тутқазиб, Зоҳирникига жўнади. Мамадали домла ҳам эндигина келиб, Анваржон билан ташқарида суҳбатлашиб турган экан:

— Қани меҳмон, қаерга ташлаб келдингиз? — деди Анваржон.

— Домлаям келиб қолибдилар-ку, Ҳайдаржонни уйга олиб бориб қўйдим. Шўрлик поездда роса чарчапти, озгина мизғиб олсин дедим-да.

— Нима бўлди ишлар?

— Ипнинг учини топгандаймиз, фамилияси Қозоқбоев экан. Эртага учрашадиган бўлдик.

— Телеграмма ҳақида-чи?

— Ҳозирча ҳеч гап бўлгани йўқ, — деди Ақром ака. — Бизникига кетдик. Йўл-йўлакай бир бозорга кириб чиқаман. Унгача бир соатдан ортқ вақт ўтади. Ҳайдаржон ҳам мизғиб олган бўлади. Дўппини қўйиб, бундай ўтириб маслакатлашадиган гап бор.

— Вақти етди, — деди Мамадали домла.

Ақром ака Анваржонга:

— Яна Москвага бориб келадиганга ўхшаб турибсиз. Ўлмаган одамни ўлдига чиқаришдими, булардан ҳар нимани кутиш мумкин, — деди.

— Борсак бораверамиз-да. Бугун жўнасақ, эртага қайтамыз.

— Балки ўзим ҳам бирга борарман.

— Биз тургандая?

— Раҳмат, ука, — Ақром ака Анваржонга миннат-дор боқди, — айтмоқчи, телеграмма сиздами?

— Ҳа, менда.

— Маҳкам қилинг, энди унинг фойдаси ҳам тегиб қоладиганга ўхшайди, қани кетдик...

Мамадали домла машинада қолди. Ақром ака билан Анваржон бозорга кириб майда-чуйда олиб чиқишди.

— Жуда узоқиб кетдиларингиз, бозорнинг ҳаммасини сотиб олдиларингизми, — деди домла ҳазиллашиб.

— Сотиб олсақ ҳам қудратимиз етади, домлажон.

Улар уйга етиб келишди.

— Икки соат ўтди, меҳмон ҳам дам олиб бўлгандир.— Ақром ака кўча дарвозаси тугмачасини босди. Ичкаридан Ҳайдаржоннинг «ҳозир!» деган овози келди.

— Қалай, меҳмон, озгина бўлсаям дам олдингизми?

— Раҳмат, маза қилиб ухлапман.

— Тошкентга уйга, муҳаррирга телефон ҳам қилдим. Ҳамма гапни айтдим. Энди бир кун эмас, бир ҳафта, ўн кун туришим, ҳатто Москвага боришим ҳам мумкин.

— Жуда яхши бўлибди. Қани, меҳмонлар, дастурхонга!

— Мен ўзимча режа тузиб қўйдим, — деди Ҳайдаржон ўтираётиб. — Маъқул бўлса, шу бўйича иш қиламиз, балки тўлдиарсизлар..

— Қани эшитайлик-чи, — деди Мамадали домла.

— Шу бугун Анваржон билан мен Москвага учамиз. Телеграммада у қачон, қайси почтадан жўнатилгани ёзилган бўлса керак. Хуллас, бориб суриштирамиз, қўлёзмани сўраймиз, кейин гумон қилинган одамнинг хати билан солиштирамиз, ҳамма нарса ойдинлашади-қолади. Бизнинг кетганимизни ҳеч ким билмаслиги керак. Ақром ака эса эртага Қозоқбоевга бориб, ҳеч нарса бўлмагандай суҳбатлашиб келаверади.

— Тўғри фикр, — деди Мамадали домла, — фақат хушёрлик ва эҳтиёткорлик керак. Анваржон, сиз нима дейсиз?

— Менга маъқул, Ҳайдаржон газета ходими, ҳужжати бор. Почта бошлиғига кўрсатиб бор гапни тунтирсан, у дарҳол тўғрилаб беради.

Акром ака бунинг учун шошилиш кераклигини, ҳозироқ бориб Москвага чипта олиш, бутундан кечикмай учиш лозимлигини таъкидлади. Қатъий бир тўхтамга келинган, Анваржон тайёрагоҳга чиптага кетди. Ош дам егунча чипта олиб, қайтиб келди.

Шу куни кечқурун Анваржон билан Ҳайдаржон Москвага учишди.

Улар Москвага етиб келишгач, Шереметьево тайёргоҳининг ўзида тонггача ўтириб чиқишди. Улар аввал касалхонага бориб, Зоҳир Раҳимович билан учрашмоқчи эдилар. Кейинчалик бу фикрдан қайтишди.

Пухта ўйланган режа кўнгилдагидан ҳам яхши кўчди. Ҳайдар Наби почта мудирига учраб, телеграммани кўрсатди. Шу телеграмма сабабли рўй берган барча кўнгилсизликларни айтиб, ёрдам сўради. Узоғи билан ўн беш дақиқада телеграмманинг асл қўлёзма нусхаси топилди. Почта мудирини «Биз айнан қўлёзманни беролмаймиз, нусха кўчиртириб беришимиз мумкин», — деди ва айтганидай қилди. Қўлёзма қандай бўлса худди ўзидай чиқди, солиштириб кўришди.

Почта мудирига чексиз миннатдорчилик билдиришиб, шу куниёқ улар охириги рейс билан орқага қайтдилар.

30

Зоҳир тузалиб қайтиб келаётган эмиш, деган «миш-миш»лар энг аввало Қозоқбоевни талвасага солди. Бу гапдан хабар топган бош терговчи эса ҳеч нарса билмагандай бепарво юрарди. Виждон азобига чидамаган Қозоқбоев ўз устози Содировни ҳоли топиб ҳузурига кирди. Содиров ўта қув одам эмасми, буни дарҳол сезди.

— Устоз, эшитдингизми, Зоҳир тирик экан, келаётган эмиш, энди нима қиламиз? Бирорта йўл топмасак бўлмайди. У жуда хавфли одам, ҳаммамизни шарманда қилади.

— Нима қиламиз эмиш, мен қаёқдан билай. Ишни сиз олиб боряпсиз. Луқмончаев нима деяпти?

— У ҳам ташвишда.

— Унинг қотиллиги ҳақидаги ҳужжатларни жамладингизми?

— Ҳаммаси тайёр.

— Ундай бўлса, йўлини топамиз, Зоҳирни тайёрдан туширмай қотил сифатида қўлга оламиз, сиз хотиржам бўлинг.

— Устоз, гапингиз тўғрику-я, бироқ Зоҳир анойи-

лардан эмас. Анвар дегани Московма-Москов бир мухбир йигит билан изғиб юрган эмиш.

— Яна қанақа мухбир?

— Ўша-да, Ёлчинларни ёзмоқчи бўлган.

— Уни алақачон ишдан четлатишган, деган эдилар-ку.

— Йўқ-да. У махсус топшириқ билан ҳамма нарсаларни титкилаётган эмиш.

— Битта мухбирчадан шунчалик қўрқмасангиз. Бизнинг ишда унча-мунча нарсалар ташкил қилинади. Жабрланувчилардан иккитасини ишга солиб, уни ўртадан олиб ташланг, вассалом!

— Телеграммадан ҳам ташвишдаман.

— Қайси, ўзингиз юборган телеграммаданми? — сўради Содиров.

— Ўша-да, унинг ҳам изига тушишган деб эшитяпман. Анвар билан ўша мухбир Московда бекордан-бекорга юрмагандир.

— Телеграммада сизнинг имзонгиз йўқ-ку.

— Йўқлиги йўқ, аммо у ўз қўлим билан ёзилган. Мухбир қовлаштиради топиши мумкин.

— Ваҳима қилманг! Бу уларнинг эсига ҳам келмайди.

— Устоз, сиз яхши билмас экансиз. Мен ўша мухбирдан айниқса ҳавотирдаман.

— Айтдим-ку, уни ўртадан олиб ташланг, ҳаммасидан қутуласиз.

— Бу сиз айтганчалик осон эмас.

— Унда билмадим, ўз билганингизни қилинг.

— Йўқ, устоз, назаримда мен ҳам жиноятга қўл ургандайман. Сизнинг буйруғингиз билан телеграмма жўнатдим-ку.

— Хўш, нима бўпти?

— Агар сир очилгудай бўлса...— Қозоқбоев тўхтаб қолди.

— Ўзингиз жавоб берасиз.

— Йўқ, унақаси кетмайди, ахир сизнинг буйруғингизни бажарганман.

— Бажарсангиз, бажаргандирсиз, лекин мен ёзма буйруқ берган эмасман.

Бош терговчининг бу гапи Қозоқбоевнинг жағини очди:

— Йўқ, ўйиндан чиқолмайсиз... Московга юборганингизда Зоҳирнинг ака-укаси билан бир меҳмонхонада турдим. Улар билан нонушта ва кечки овқатни бирга қилдим. Зоҳирнинг соғлигини улардан билиб сиз-

га хабар бериб турдим. Улар менинг касбимни, ис-
мимни, қаерданлигимни ҳам билишмайди. Яқинда иш-
дан кетаётсам, тўғримдан Акром ака чиқиб қолди. У
худди мени пойлаб юргандек эди. «Шу ерда ишлай-
сизми?» — деди, «йўқ» дейишга тилим айланмади. Ҳа,
дедим, исмимни, фамилиямни айтиб танишишга маж-
бур бўлдим, эртасига келиб мендан атай гап олди.
Мен ҳам усталик қилиб очик ҳеч нарса демадим. Зо-
ҳирнинг ишини олиб бораётганимни сезибди. Акром
кўзларимга тикилиб телеграммани сиз юборгансиз, де-
мади-ю мени аниқ нишонга олди. Энди хўжайин сир
очиладиган бўлса, иккаламиз тенг жавоб берамиз. Бу-
нинг учун менда тўла асослар бор.

— Нима деяпсиз? — Содиров ўқрайиб қаради.

— Нимани эшитган бўлсангиз, шуни деяпман.

— Шундақами ҳали, чиқ хонадан.

— Ҳақорат қилманг.

— Чик, деяпман, телеграммани ўзинг бергансан,
энди ўзинг жавоб ҳам берасан, мен ҳеч нарса бил-
майман.

— Жуда биласиз.

— Устингдан рапорт ёзаман, сени ишдан четлатти-
раман, ички сирни фош этганлиги учун деб қаматти-
раман.

Қозоқбоев эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Ёлғиз
қолган Содиров кетма-кет сигарета чекди. Телефонга
осилди. Лукмончаевни ҳузурига чақирди. Кўп ўтмай
эшик очилиб, Лукмончаевнинг боши кўринди.

— Кириг, ишларингиз қандай? Шеригингиз ўти-
риб қўйибди. Терговга чақирилганларнинг бир қисми
тонаётган эмиш. Сизда қандай, айтинг?

— Хўжайин, менда ҳам шундай.

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

— Билмадим, сиз нима десангиз шу-да хўжайин.

— Ўргилдим хўжайинингиздан. Ўз фикрингиз бор-
ми, айтинг?

— Нима десангиз шу-да!

— Яна такрорлайди-я! Қозоқбоевингиз телеграм-
мани беришга бериб қўйиб, энди йиғлаб юрибди, но-
мард. Мен қанақа одамлар билан ишлаётганимни энди-
энди билипман. Гап шундай, Қозоқбоев билан ҳозир-
гина айтишиб қолдик. Бу жумбоқдан қандай қутулиш
йўлларини ўйлаб, қоғозга тушириб келинглар, айтинг
унга, мен кечирдим.

— Хўп, хўжайин.

Луқмончаев чиқиб кетгандан кейин Содиров ўрнидан туриб хонада уёқдан буёққа юриб мулоҳаза қилди. Тергов ишидаги шу қадар чалкашликларга бош сабабчи ўзи бўлса-да, тан олгиси келмади. Хўп, мен-ку айтибман, бошинг йўқми, ўйлаб кўрмайсанми, олдин ўлдириб, кейин телеграмма юбормайсанми, номард!

Содиров ички телефон орқали экспертиза бошлигини чақирди:

— Фуломқодир Дадабоевич, агар маълум келмаса бизнинг хонага Зоҳирнинг ишига боғлиқ бўлган ҳужжатларни олиб кирсангиз. Маслаҳатли иш бор.

Кўп ўтмай Фуломқодир кириб келди.

— Мана, керакли барча ҳужжатлар, ўзингиз ўқиб оласизми ёки ёрдам берайми?

— Мутахассиснинг ёрдамсиз иш битармиди, — деди Содир хушомадгўйлик билан. — Бу қоғозларни тушуниш учун отти калласидай бош керак.

Зоҳирнинг қотиллигига боғлиқ ишлар қандай? Бу ҳақда озгина маълумот берсангиз?

— Хўп бўлади. Биринчидан, қотилликка Зоҳирнинг мутлақо алоқаси йўқ. Чунки қотил бир киши эмас, икки киши. Аввал чоллар пичоқланган, сўнгра уларнинг қўлларига қонли пичоқларни тутқазиб қўйганлар. Пичоқдаги излар Зоҳирнинг қўл излари эмас. Иккинчидан, Ажибек отанинг қўлида бир тутам қопқора соч қолган. У пичоқ егандан кейин жон талвасасида қотилнинг бошига чанг солган. Зоҳирнинг сочи эртароқ оқариб кетганини ҳамма билади.

Ажибек ва Фозилбек оталарнинг энг яқин жўраларидан бирининг шахсий машинасида қон изи борлиги аниқланди. Биз бу кишининг қўл изларини машинанинг тутқичидан олиб, пичоқдаги ва бошқа ашёвий далиллардаги излар билан солиштирдик. Буларда ўхшашлик бор. Яна бир далил ўша машинанинг эгаси «бошим овғрияпти» деган баҳона билан қотиллик юз берган куннинг эртасига сочини қирдирган. Юлинган сочининг ўрни ҳозир ҳам тузалгани йўқ. У одам бошига аччиқтош суртиб ўзи даволаб юрибди. Ҳеч қайси касалхонага мурожаат қилмаган. Анҳорнинг ташламасидан топилган ичида харсанг тоши бўлган тугун ҳақида эса гумонлар бор-у ҳозирча бир фикр айтиш қийин. Бироқ ҳар қолда тугун эгасининг худди ўша қотилликка алоқаси бор. Бу тугунча Зоҳирники эмас. Тугун ичидаги кийимлар кимларга тегишли эканлиги ўрганилмоқда. Агар шоштирилмаса, яна бир-икки кундан

кейин тутун эгалари аниқлангач, қотиллар ким эканлигини айтиб бераман.

— Шошманг, шошманг, қотил икки кишими?

— Ҳа, бир киши эмас, айтдим-ку, ўзингиз ўйлаб қаранг, бир киши бир вақтнинг ўзида икки кишини чавақдай олмайди-ку. Қотил бирига пичоқ урганда, иккинчиси қараб турмайди, ҳеч бўлмаса дод солади, эшикни тепиб синдириб бўлса-да, қочиб чиқишга уринади. Эшиқда эса биз бундай белгиларни кўрмадик.

— Демак, қотил икки киши экан-да.

— Худди шундай, сиз нима деган эдингиз?

— Ёпирай, бизнинг барча ҳаракатларимиз чиппака чиқипти.

— На чора!

— Бу ҳақда полковникка айтдингизми?

— Айтдим, чунки у киши экспертиза ишларида шахсан ўзлари қатнашмоқдалар.

— Сизларга ишонмапти-да.

— Буёғини билмадим, ҳозирча қотиллар очикда юришибди.

— Зоҳирнинг алоқаси йўқлиги аниқми? Ахир ўзингиз аввал эшик тутқичида унинг қўл излари бор, деган эдингиз.

— Борлиги бор. Чунки у қотиллик содир бўлгандан олдинроқ биринчи Фозилбек отаникига, кейин Ажибек отаникига худойига айтиб борган, ҳатто у ерда, бир пиёла чой ҳам ичган, пиёлада қўл излари борлиги ҳам сир эмас.

— Фуломқодир Дадабоевич, кўзимни мошдай очиб қўйдингиз. Мен Қозоқбоев билан Луқмончаевларга ишониб, бошқа кўчага кириб кетибман.

— Кечирасиз, сиз тажрибали терговчисиз, бироқ шошиласиз, ишни тезлатаман деб катта хатолар қилдингиз, буни ҳали полковникнинг ўзидан эшитасиз.

— Мен ҳамма ҳужжатларни жамлаб полковникка олиб кирмоқчи эдим.

— Энди полковник ўзи чақирмагунча кирманг, жиноятлар очилмай ўзи жуда хуноб бўлиб юрипти.

Содиров Фуломқодир Дадабоевич хонасидан чиқиб кетгандан кейин рингда кетма-кет калтак еб, мағлубиятга учраган боксчидай аъзойи бадани эзилиб, нима қиларини билмай қолди.

Эртасига атайлаб ишга анча кеч келди. Эълонлар тахтаси олдида қандайдир муҳим янгиликни ўқиётган бир гуруҳ ҳамкасбларига кўзи тўшди. Қозоқбоев би-

лан Луқмончаевлар ҳам шу ерда. Улар куйиниб, алланарсалар дейишарди.

— Мана, ўзлари ҳам келиб қолдилар! Ўқинг, ўқинг!— деди Қозоқбоев зарда билан. — Бир ўзингиз эмас, бизни ҳам расво қилдингиз.

— Нима гап, нима деяпсиз?

— Хўжайин, ўқинг, ишдан ҳайдалибсиз, биз ҳам...— деди Луқмончаев Содировни гажиб ташлашга тайёр турган шердай бўлиб.

Содировнинг боши айланиб, кўзи тинди, ҳамкасблари унга ҳазар назари билан қарашиб тарқалишди. Эълонлар тахтаси ёнида ёлғиз қолган Содиров рангикути учиб такрор-такрор ўқиди:

«Б У Й Р У Қ

1. Ишга совуққонлик билан қарагани, қўпол хатоликларга йўл қўйгани, маънавий бузуқлиги учун бош терговчи Болта Содиров ўз вазифасидан бўшатилин.

2. Терговчилар Қозоқбоев ҳамда Луқмончаевларнинг бундан буён терговчилик вазифасида ишлашлари номуносиб деб топилин.

3. Содиров, Қозоқбоев ҳамда Луқмончаевларнинг жиний ишларини ўрганиш ва жавобгарликка тортиш маъмуриятга топширилсин.

4. Зоҳир Раҳимов иши юзасидан тергов олиб бораётган мазкур шахсларнинг тергов ишлари бекор қилинсин.

5. Бегуноҳ Зоҳир Раҳимовнинг иши қайта кўрилсин. Мазкур операция билан яқиндан таниш бўлган Фуломқодир Дадабоев тергов ишини олиб борсин.

И М З О»

Содиров эълонлар тахтаси ёнида тахта бўлиб қолди. Ҳозир у полковникнинг ёнига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмасди. Баҳодиров уни қабул қилмаслиги ҳам мумкин. У хонадан бу хонага кириб-чиқувчилар Содировга парво ҳам қилмас, ўз иши билан банд эди.

Бу ерда қиладиган иши қолмаган собиқ бош терговчи сарсон-саргардонликнинг иккинчи куни бошланганини ҳис қилиб, ташқарига оёғини аранг судраб чиқди.

— Фуломқодир Дадабоев деган бизни чақирган экан, у киши ким, қайси хонада туради? — сўради навбатчи

офицердан Ёлчин. — Дўстим Насим Тошлонов билан келган эдик, кирсак бўладими?

— Бироз кутиб туринглар, олдида газетадан одам бор.

— Тошкентлик мухбирми?

— Билмадим, шундай бўлса керак.

— Фуломқодир Дадабоев ким?

— Терговчи.

— Қозоқбоев қани?

— Билмадим, умуман бу ерда кўп гапириш мумкин эмас.

— Кечирасиз.

— Чақирув қоғозларингизни кўрсатинг.

— Марҳамат! — икковлари тенг узатишди.

— Булар менда қолади.

Иккинчи қаватдан Ҳайдар Наби қўлида қора папка билан тушиб келди. Ёлчин билан Тошлонов уни кўриши билан ранглари ўзгариб, аввалига буни ҳам чақиртиришган бўлсалар керак, деб ўйлашди.

— Ҳайдар Наби, келган экансиз-да, ҳалиям ишдан ҳайдалмадингизми? — деди Ёлчин масхаромуз.

— Йўқ, афсуски, ишдан ҳайдашгани йўқ.

— Акангиз келар эмиш, кўргани келибсиз-да? — киноя қилди Тошлонов.

— Ҳозир кутгани чиқмоқчимиз, юринглар бирга.

— Ўзингиз бораверасиз, — деди Ёлчин.

Ҳайдар Наби чиқиб кетгандан кейин навбатчи офицер уларга 9-нчи хонага киришларини айтди. Улар иккинчи қаватга кўтарилишди. Иккови хонага кетма-кет кириб боришаётган эди, ичкаридан Дадабоевнинг «кутиб туринглар, ҳозир чақираман» деган овози эшитилди.

— Қозоқбоев қаёққа кетди экан, бу тирранча ким бўлди? — деди Тошлонов бошини сарак-сарак қилиб. — Жуда баланд-ку!

Эшик қия очиқ эди, Дадабоевнинг телефонда кимгадир: «Келишди, чиқаверинглар!» деганини ҳам улар бемалол эшитишди.

— Биздан бошқалар ҳам борга ўхшайди, Насим ака!

— Билмадим, — деди Ёлчин нима учундир юраги увишиб.

Дадабоев йўлакка чиқди. Улар билан саломлашди, қўл олишди. Ўзини «янги терговчиларингиз Фуломқодир Дадабоев бўлман» деб таништирди ва уларни ичкарига таклиф этди.

Терговчи энди жойига бориб ўтирган ҳам эдики, эшик зарб билан очилиб, хонага офицер формасидаги тўрт киши бостириб киришди.

— Қўлларингни кўтар! — Ёлчин билан Тошлонов бир-бирларига қарашга ҳам улгурмай қўлларига кишан солинди.

— Бу нима қилиқ, устингиздан шикоят қиламиз. Бизни ким деб ўйлаяпсизлар, — деди Ёлчин овозининг борича бақариб.

— Нима гуноҳ қилдик, кимсизлар? — Деди Тошлонов бўғилиб.

— Ҳозир эшитасизлар, сизлар Ажибек ота билан Фозилбек отанинг қотиллари сифатида ҳибсга олиндиларингиз. Санкция билан танишишингиз мумкин ёки ўзим ўқиб берайми? — деди ёшгина лейтенант.

— Керак эмас, тирранча, бу қилган қилмишларинг учун ҳали жавоб берасан.

— Жавоб беришга тайёрман. Ёнларини қаранг, нима бўлса стол устига қўйинг!

Ёлчиннинг қўлтиғидан ўқланган тўппонча, чўнтагидан ов пичоғи, Тошлоновдан эса кесма милтиқ чиқди.

Дадабоев ички телефондан полковник Баҳодировни хонасига таклиф қилди. Кўп ўтмай бошқарма бошлиғи Баҳодиров уч-тўрт формадаги кишилар билан остонада пайдо бўлишди. Полковник стол устида ётган ажал қуролларини кўриб ҳайратда деди:

— Ўлгиси келса ўз оёғи билан келади, деганлар. Дарҳол протокол тузинглар, кинога ва расмга туширинглар. Қотиллар қаттиқ режимда сақлансин. Сизларнинг ёмон одам эканлигингизни билардим. Аммо қуролланган хавфли қотиллар эканлигингизни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Айтингчи, шундай даргоҳга қурол билан киришдан қўрқмадингларми, нима қилмоқчи эдинглар?

Ёлчин тап тортмасдан шундай жавоб қилди:

— Бундай норасмий саволга аслида жавоб берилмас. Шундай бўлса ҳам мен мардлик қилиб жавоб берай. Энг аввало биз порахўр, бурдасиз терговчингиз Қозоқбоевни, бош терговчи Содировни шу бугун отиб ташламоқчи эдик. Полковник, мана энди қўлингизда-миз, билганингизни қилинг!

— Олиб чиқинг.

Ҳозиргина ур-йиқит, тўс-тўполон бўлган бу кичик хонага жимлик чўқди. Баҳодиров билан Дадабоевлар ёнма-ён ўтиришибди. Қотилларнинг қуролларига бо-

қаркан, полковник ўрнидан туриб, аввал тўшпончани, сўнгра кесма милтиқни қўлга олиб томоша қилди:

— Қаранг, иккови ҳам ўқланган. Жуда вақтида ушланди. Яна бир кун тек қўйилганда кимларнинг ёстиғи қуримас эди.

— Ўртоқ полковник, улар кимларга ҳужум қилмоқчи эканлигини тахминан билардим. Агар Зоҳир тайёрадан тушаётганда ҳибсга олинмаса, у уйига етай деганда албатта машина ҳалокатига учраган бўларди.

— Қотиллар қўлга олинганини ҳозирча ҳеч ким билмасин. Мен операцияда қатнашганларни тўплаб огоҳлантираман. Эндиги режаларингиз қандай?

— Тошлоновнинг ўғли Акбаралини қўлга олмоқчиман. Зоҳирнинг уйини ўмарган ҳам ўша, Луқмончаев уни қўйдириб юборган. Назаримда, у ҳам қуролланган. Агар отаси қамалганини эшитса, бирор кимсага зиён етказиши мумкин.

— Яхши, мен розиман.

32

Зоҳирни кутиб олиш учун Ҳайринисо момо, Осиё опа, Мамадали домла, умр йўлдоши Маъмурахон, ака-укалари, ёр-биродарлари чиқишди. Улар тайёранинг қўнишини жуда сабрсизлик билан кутишмоқда. Ўчакишгандай у ҳам озгина кечикаётган эди. Кўп ўтмай тайёрагоҳ радиоузелидан: «Азиз йўловчи ва кузагувчи ўртоқлар! Яна бир неча дақиқадан кейин Москва тайёраси ўзбек тупроғига қўнади. Кутиб олувчилар диққатига: меҳмонларни иккинчи дарвозалардан кутиб олишингиз мумкин» деган жарангдор эълон эшитилди. Зоҳирни кутиб олувчилар ҳам дарвозалар томон шошилишди. Бу дийдорлашувдан нафақат Ҳайринисо момо, ҳамма, айниқса боши ғурбатдан чиқмаган Маъмурахон воят ҳаяжонланарди.

Анваржон кеча уйда келишилган, бўлиб ўтган ҳангомаларни уч кунгача Зоҳирга билинтирмаслик ҳақидаги аҳдларини эсга солди.

Тайёра ерга қўнди. Унинг гуриллаб ишловчи мотори тингандан кейин кўпчилик учиш майдонини ажратиб турувчи темир тўсиқлар ёнига келишиб, тайёрадан тушаётганларни томоша қила бошладилар. Тушувчиларнинг иссиқ кийиниб олганликларидан Москва об-ҳавоси анча совуқ эканлиги билиниб турарди.

Энг охирида Зоҳир тушди. Унинг ортидан укаси

Тоҳир келарди. Зоҳир деярли ўзгармаган, бироз озганлиги ҳам ўзига ярашиб турарди.

Зоҳир Раҳимовни кутишга чиққанлар биринчи ва иккинчи дарвозаларнинг ёнида туришибди. Ҳайринисо момони энг олдинга ўтказиб қўйганлар. Зоҳир дарвозадан чиқиши ҳамона момо уни бағрига босди:

— Жоним болам, онагинанг ўргилсин...

Акромжон онасини суяб турар, уни йиғлашга қўймас эди. Зоҳир ҳозир онаси кучоғида худди ёш боладай эркаланар, «Онажон, онагинам, мана тамоман тузалиб қайтдим, йиғламанг» дер, кўзларида ёш қалқир эди. Атрофда буларни кузатиб турганлар: «Ўлган деб телеграмма олган эди она бечора, мана тирик экан» дейишар ва она-боланинг ҳозирги ҳолатидан кўзларига келган ёшни артишарди.

Кутишга чиққанларнинг ҳаммаси бирин-кетин Зоҳирни бағрига босдилар. Бир четда навбат кутиб, елкалари титраб, кўз ёши сел бўлаётган Маъмураҳон ниҳоят ўзини эрининг кўксига ташлади. У бир оғиз гап айтишга қодир эмас, фақат «келдингизми, келдингизми» дейишдан нарига ўтолмади. Маъмура ҳозир тоғдай эзиб келган дарду хасратларини кўз ёши ила баён этаётгандай эди.

Иккинчи кунни кечқурун энди овқатга ўтиришганда бир кучоқ газета кўтариб Анваржон кириб келди.

— Зоҳир ака, табриклайман, «Аросат»ни ўқидингизми? — деди у. — Ҳайдар Наби эсингизда борми, кўп яхши йиғит экан, у бечора ҳам анча изтироб чеқди.

— Нима сир экан, билсак бўладими? — сўради Зоҳир.

— Бунинг учун газетани кўриш керак. Мен ўқидим-у чопдим. Мана, ўзингиз кўра қолинг.

Зоҳир газетани қўлга олиб варақлади.

Сарлавҳаниям топибди азамат, «Аросат», ўзиям бир саҳифая, — деди Мамадали домла қулоғига кўз ойнагани илиб. — Биласизларми, аросат дегани қиёматда жами ўтганлар тирилиб ким дўзахга, ким жаннатга йўл олармиш. Аросатдаги одамни Аллоҳ Жаннатдан умидвор қилиб туриб, нақ дўзахнинг ўртасига олиб бориб ташлар экан. Илоҳо, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам, ҳеч ким арасотда қолмасин.

Анваржон газетадан кўз узмаётган Зоҳирга:

— Бунинг энди эсдалик учун сақлаб қўясиз, шунақа, Зоҳир ака, умрингиз узоқ, ризқингиз улуғ бўлади. Билсангиз, ўшанда бутун шаҳар фотиҳага келди, — деди.

— Бошлаб ёзибди. Телеграмманинг асл нусхасидан кўчирма олиб, полковникка берган Ҳайдар Наби денг, яшанг, ука! Агар Фуломқодир Дадабоевга иш бир кун кеч топширилгандаям чатоқ бўлар экан. Мухбир таъкидлаганлар ичида мен билган ва билмаган нарсалар кўп экан. Қотил бўлиб ҳибсга олинишимга ҳам, ҳалокатга учрашимга ҳам сал қолган экан.

Худога минг қатла шукур, ўлим оғзидан қайтдим. Бу албатта сизларнинг тангрига қилган илтижо ва дуо-лариягизнинг самараси.

Мана энди ҳамма нарса равшан. Душанбадан бошлаб байрам тамом, ҳамма ўз хизматига бориши керак. Мени ҳам касбдошларим ҳоли-жонимга қўйишмаяпти, ишга чиқишим керак.

— Ўғлим, иш бўлса қочмас, — деб гап бошлади Мамадали домла, — сиз яна кам деганда бир ҳафта дам оласиз. Фотиҳа лозим бўлган жойлар бор. Биринчи навбатда марҳум ҳамкасбларингиз Ажибек ва Фозилбек оталарникига ўзим олиб бораман. Уларнинг қотиллари ким эканлиги ҳаммага маълум. Иложи бўлса уларнинг оилаларига ёрдам ҳам ташкил қилиш керак.

— Тўғри айтдингиз, дада, биринчи иш кунини шундан, марҳумларни ёдлашлар-у кимсасиз бева-бечораларга меҳр-шафқат кўрсатишдан бошлаймиз.

Директор ишга қайтган кун чиндан ҳам катта байрамга айланиб кетди. Уни қутламаган, ундан соғлигини сўрамаган ҳеч ким қолмади.

Зоҳир шериклари қотилликда айбланиб қамалган, ўзлари эса ҳар кун сўроқ бераётган, билиб-билмай шу кўчаларга кириб қолган Мухсинохун, Наимхон, Зулфиқорларни ҳузурига чақирди.

— Ўтган ишга салават, мендан ўтган бўлса кечиринглар, сизларни кечирдим, бола-чақаларингиз бор, ёшларингиз улур, энди ҳаммасини унутайлик, аҳил, иттифоқ бўлиб ишлайлик, — деди уларга. — Терговчи Дадабоевдан ҳам сизларнинг номингиздан ўзим кечирим сўраб қўяман, энди терговга чақирмайди, бормайсизлар. Мен сизларни яхши биламан, адашиш, хато қилиш ҳаммада бўлади.

Зоҳир Раҳимовнинг ушбу эркакча гапларини улар кутишган эдилар. Учовлари ҳам кўзларига тенг ёш олишиб, директордан қайта-қайта кечирим сўрашиб, хонадан чиқишди.

Ҳамма ўз иши билан. Сув сепадиган машина юқори босимда автокорхонани бир сидра ювиб ташқарига

чиқиб кетар экан, директор унинг ортидан «Жуда яхши ювди. Корхонада бундан буён чангу губор бўлма-син», деган гапларни кўнглидан ўтказди.

Бош директорнинг ишга қайтган куни — ўртадаги фаразгўйликлар, тушунмовчиликлар, гинахонликларга чек қўйилган кун — ҳайдовчиларнинг туғилган куни, деб эълон қилинди.

33

...Мустақиллик майдонида ўтказилган истиқлол байрамининг бир йиллик тантаналарида иштирок этаётган Зоҳир бобонинг кўзлари майдондаги томошаларда бўлса-да, шу кунларни деб бошига тушган оғир савдолар, бадном этишлар, таланган бойликлари, маънавияти, оёқ ости қилинган боғ-роғлари, маданияти — ҳамма-ҳаммаси унинг хаёлидан ўтарди.

Зоҳир бобо байрам баҳона Тошкентда икки кун қолиб кетди. Тошкент кўчалари, майдонлари, ерости қасри, фавворалари, театрларини томоша қилди, аммо неварачевараларини жуда соғинган эди. Бобо ўзи келган поездда қайтар экан, ёшлиги бесамар ўтмаганлигини, кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиромлар ана шу алғовли-далғовли кунларнинг, тенгсиз курашларда қолиб чиққанлигининг натижаси эканлигини англади.

Вагондан тушиши билан уни кутиб олиш учун кучоқ очиб чошиб келадиган неварачевараларига, ўғил-қизларига, сочлари қордек оппоқ бўлиб кетган кампири Маъмурага кўрганларини оқизмай-томизмай, қандай бўлса шундайлигича айтиб беришни кўнглига тутиб борарди.

Шамолдай елиб бораётган поезд манзилга яқинлашган сайин Ўзбекистон тонги ўзгача бир латофат билан ёриша бошлади.

Т А М О М.

1992 йил.